

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Адиб ва
жамият*

Неъмат АРСЛОН

ЁЗУВЧИ УЧУН АТИР

Ҳикоялар

ТОШКЕНТ
«АДАБИЁТ»
2022

821.512.133-1

84 (5Ў)

T 71

T 71 **Неъмат Арслон**
Ёзувчи учун атир [Матн]: Неъмат Арслон.
– Тошкент: «Adabiyot» нашриёти, 2022. – 344 б.

ISBN 978-9943-7655-9-7

Масъул муҳаррир
Луқмон БЎРИХОН

Атоқли адиб Неъмат Арслон адабиётимизда ўз сўзига, ўз ўрнига эга ижодкорлардан биридир. Ушбу тўпلامдан ёзувчининг қатор сара ҳикоялари жой олди. Улар бадий пухталиги, мазмунан теранлиги билан ажралиб туради. Адибнинг ўзига хос фалсафаси, тиниқ, жонли тасвирлари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-7655-9-7

© Неъмат Арслон, 2022

© «ADABIYOT», 2022

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Севги ўлим даҳшатидан кучлироқ.

В. Шекспир

Корхонанинг биттагина ғунажини бор эди. Ҳовлидан ўтаётиб унга эътибор қилдим. Юнглари ўсиқроқ, олагина ва ҳали ёш тумса мол. Балки урғочи ҳам эмасдир, лекин нима учундир менда бу мол ҳали туғмаган ғунажин деган тасаввур қолдирди. Нарироқда рангпар бир йигит товуқ пойларди. Касалманд эди у: ранги кўкимтир, юзи чўзиқ, кўзлари ғамгин. Унинг олдида иккита товуқ донлаб юрибди. Йигит уларни тутиш ниятида ўрмалаб боряпти. Унга ҳам бир-икки дақиқа қараб турдим. Рангпар йигит товуқларни тутиб, иккаласини оёғидан жуфт қилиб ушлаб, худди бир даста гулни кўтаргандай боши узра тутиб менга кўрсатди. Товуқларни у қандай ушлади, буни пайқамай қолдим.

Бошлиқнинг хузурига киришим керак. Даҳлизчадан чап томонга ўтиб, чап ёндаги эшикни тортдим. Бошлиқ тўртбурчак шаклдаги катта, аммо саёз алюмин идишга энгашганча ниманидир капаларди. Унинг атрофида ердан шифтгача пахтаҳалвога ўхшаш қандайдир нарсалар қалашиб ётибди. Хона узунчоқ ва нимқоронғи. Ҳеч қанақа жиҳоз йўқ, столнинг устига ҳам дастурхон ёки ёпқич солинмаган.

Бўйчангина бир аёл ўрнидан туриб менга жой берди. Хонада яна бир ёш йигит ҳам бор экан, уни кейинроқ пайқадим. Йигит ҳам ўрнидан турди. Мен бошлиққа яқинроқ жойдаги ёғоч курсига ўтирдим, аммо қандай ўтирсам ҳам, бошлиқнинг юзи яхши кўринмасди. Курсини кўтариб ҳар хил ҳолатда қўйиб кўрдим ва жойлашиб ўтирдим.

Ҳовлида танани кўрганам, касалманд йигитнинг товуқ тутгани ва яна шунга ўхшаш бир-иккита воқеани бошлиққа маълумот сифатида айтиш, тўғрироғи, ўзимнинг корхона ҳаёти билан танишлигимни билдиришни истардим.

Аёл столга сони билан таяниб, қошларини чимирганча менга қараб турарди. У жуда чиройли. Қиёфаси ғамгинроқ, юзи оддий, безаксиз, аммо қандайдир мумтоз. "Мен худди шундай юзни яхши кўраман" дедим ичимда. Унинг чимирилган қошлари пешонасига томон кўтарилиб учиб бораётган турна қанотидай синиқ бурчак ҳосил қилганди. Йигит кўринмай қолди. Бошлиқ менга қараб турар, аммо, афтидан, мени кўрмасди.

– Вы что-то хотите сказать? – деди аёл мен томонга ярим ўгирилиб.

Бироз саросимага тушдим. Русчани яхши гапиролмаслигимни билдириб қўйишдан чўчиб тараддудланиб қолдим. Бошлиқнинг ўзи билан гаплашмоқчи эдим. Шу мақсадда унга қарадим. Юзи, боши, гавдаси тўладан келган, ранг-рўйи тиниқ, қизил, умуман, бутун вужудидан соғлиқ гупириб турган киши эди у. Шу жиҳати билан содда ва эркин гаплашса бўладигандай туюлди. Чунки унинг юзида ғайритабиий ҳеч нарса йўқ. Одатда бундай одамларда билим у қадар чуқур бўлмайди. Улар суҳбатдошининг ички дунёсини ҳам юзакироқ, энгилроқ илғайдилар. Мураккаб жараёнларни билишга интилмайдилар. Ўша лаҳзада руҳиятимни илғайдиган киши менга керак эмасди, хаёлимда ҳовлида кўрганларимни баён этиш ва кузатувчанлигимни бошлиққа кўрсатишдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Бошлиқ ҳеч нарса сўрамади. Стол устидаги тақвим варағини йиртиб олиб аввал аёлга, сўнгра менга кўрсатди. Эътибор қилдим: варақда 1941 йил 7 июль санаси турарди.

Яна бироз ўтирдим. Аёл ҳолатини ўзгартирмади. Бошлиқ идишдаги унга ўхшаш нарсага қараб қолди. Хонадан чиқиб кетиш кераклигини англаб ўрнимдан турдим. "Сени итдай савалайман" ёки "Сизни эшшакдай ишлатаман" деганда нимани тушунасиз? "Эшакдай" деган сўз кимга тааллуқли? Ишлатувчигами ёки ишловчигами? Ҳар иккаласига ҳам. Шундай эмасми? Хўш, шу гапнинг фақат бир томонга тегишли шамоилини қандай топса бўлади? Инсон тафаккурининг сира ақлга сиғмайдиган жиҳатлари бор. Хонадан чиқиб ҳовлида кезарканман, ана шу тўғрида ўйлардим ва бундай ўй шу лаҳзадаги ҳолатимга сира мос келмасди.

"Ҳозир грамматикага бало борми?" дедим бироздан сўнг ўзимга ўзим. Ундан кўра бошлиқнинг хонасидаги ҳолатни таҳлил қилсам бўлмасмиди. Нега у қора доира ичига олинган "25" рақамини бизга кўрсатди? Шу савол ортидан "Лекин аёл чиройли эди" деган гап хаёлимдан ўтди. Кейин хонадаги пахтаҳалво уюмлари, бошлиқнинг ун капалаши ва йигитнинг ғойиб бўлиб қолганини ўйладим. Ўша аёл сигарета чекармикин? Унинг лаблари қанақа эди ўзи? Юпқа, асабий ва ҳаракатчанми? Ёки оғир, қалин, серчизиқ ва дағалроқми? Кейин ўша аёл билан ўзимнинг ўпишаётган ҳолатимни, ёмғир шивалаб ёғаётганда бостирма остида турганимизни ва ниҳоят ёзнинг жазирама иссиқ пайтида унинг чўмилаётганини кўз ўнгимга келтирдим. Сочлари елкасига ёпишган, бадани сувда ювилиб ялтирарди. Тошларда шундай хусусият бор. Чизиқлари билинар-билинемас ранги хира тошни сувга ташласангиз, ажиб бир эврилишнинг гувоҳи бўласиз. Сув остида тош тиниқлашади, ранглар куюқ тортади, чизиқлар ёрқин бўёқларга беланиб жилваланади. Уни сувдан чиқариб олсангиз токи қуригунча ўша кўринишини сақлаб туради. Қуригандан кейин боз боягисидай кўримсиз бир нарсага айланади. Чўмилаётган аёл ҳам

шундай демоқчиман. Албатта, аёл чўмилмаганда ҳам жозибали. Мен ҳар иккаласининг ҳам тиниқлашувини муқояса қилмоқчиман. Йўқ, ўйлаб кўрсам аёл бутунлай бўлакча. Уни ҳеч нарсага муқояса этиб бўлмайди.

Корхонада яна бир-икки кун қолишга қарор қилдим. Балки ўзгариш бўлар. Аммо нимани кутаётганимни, қандай ўзгариш бўлишини тасаввур этолмасдим. Энг ёмони, бу корхона нима билан шуғулланади ўзи, шуни ҳали аниқлаб ололганим йўқ. Мен бировнинг эшигини тақиллатишдан аввал ҳамиша ўйлаб олам. Уйдан эркак ёки аёл чиқса қандай йўл тутаман, нима дейман? Қиз бола чиқса-чи? Лекин бошлиқнинг хонасига кираётганимда бошқа ҳиссиётлар таъсирида эдим. Бутун фикрим ўзимни шу корхона ишига садоқатли қилиб кўрсатишга қаратилганди. Лекин бундай бўлмади.

II

Дераза очилди. Мени имлаб ичкарига чорлашди. Имлаган аёлнинг қўли эди. Узуклари қуёш нурида ярқираб нур таратарди. Лекин аниқ биламанки, бошлиқ олдида уни учратганимда бирорта ҳам тақинчоқ йўқ эди. Қўлларини столга тираб турганда бармоқларида узуги йўқлигига эътибор қилгандим. Бирозгина эгилиб турарди у ва мен унинг қуймучига ҳам бирров қараб олгандим. Куйлаги нафис матоҳдан, кўйлак остида ички кийимининг қавссимон жияги билиниб турарди. Атайлаб менга кўрсатиш учунми деган хаёл миямда садо бергани ҳам ёдимда. Ҳатто қайсидир китобдан ўқиганим, французча мана бу икки мисрани ичимда айтиб тургандим:

Су вотр жюп блани

Брее ля аниш

Сизнинг оқ юбкангиз тагидан оёғингиз оқариб кўринади дегани бу. Аёл қўли билан мени ичкарига

томон имларкан, ана шу майда тафсилотларни сира миямдан чиқариб ташлолмасдим. Кирдим. Хонада аёл йўқ. Мени бошқа бир киши қарши олди:

– Муқаддам судланганмисиз? – сўради дабдурустдан.

– Ҳа, ўн беш сутка ўтириб чиққанман.

– Нима учун?

– Майда безорилик деб айб қўйишганди, лекин қамалиш сабаби бутунлай бошқа. Бир жойда ножўяроқ гапириб қўйгандим.

– Робеспьер бўлмоқчи эдингиз, – деди у бошини мазмундор ликиллатиб.

– Балки, – дедим қайсарлигим тутиб.

Унинг ҳам қайсарлиги тутди:

– Сиз сариқ чақага ҳам арзимаёсиз.

Индамадим. Бу ҳақоратга мос жавоб тополмадим. Ўрнимдан туриб эшик томон борарканман, раҳматли бобомнинг ўғитлари ёдимга келди:

– Жавоби аҳмоқ – сукут, – дедим.

Кулги овози эшитилди. Кулаётган, хаёлимда аёл киши, аммо ортимга ўгирилиб қарамадим. Корхонадан бутунлай кетишни дилимга тугиб ташқарига чиқдим.

III

Дарвоза ортида уч киши турарди.

– Чой ичинг, – деди улардан бири

– Иккита қулоқчаси бор экан, – деди бошқаси.

– Қўллари бақувватгина, чидайди, – қўшилди учинчиси.

Бу гапларни эшитмаганга олиб, йўлда давом этдим. Улар ортимдан эргашдилар. Ёмон бир нарса бўлишини юрагим сезди, лекин билдирмадим. Тақдиримда борини кўраман. Яшашнинг ҳам қизиғи йўққа ўхшайди ўзи. Балки ҳаётимни тўғри қуролмагандирман.

– Шошилманг, – деган овоз келди ортимдан.

– Бошлиқнинг хонасига кирдингизми?

- Кирдим.
- Кўрдингизми?
- Кўрдим.

"Нимани", деб сўрамадим. Зеро, фойдаси ҳам йўқ. Ортимдан келаётган бандалар ҳиссиётдан бутунлай маҳрум.

- Ўнгга юринг! – деган буйруқ бўлди орқадан.

Ҳукм қатъий, босиқ ва аниқ, аммо бўйсунмадим, ўзимни эшитмаганга олдим. Балки қочиб қутуларман деган хаёлга бордим, аммо қочиш режаси миямда ҳали пишиб етилмаганди.

- Ўнгга!

- Тўғрига кетаверса ҳам майли, барибир ўша ерга боради.

- Майли, тўғрига!

- Икки ўн беш – бир ўттиз.

Улар ўзларининг гапларига ичакузилди бўлиб кулишди. Бу гапнинг нимаси қизиқ туюлди экан, англамадим. Балки мени қўйдек олдиларига солиб ҳайдаб боришаётгани учун кулишаётгандир. "Қўйдек" уларга тааллуқлими ёки менгами? Яна мантиқий силлогизм. Ундан кўра қочиб қутулишни ўйлашим керак.

IV

Ортимга бир қараб олдиму бор кучим билан югура кетдим. Узоқ югурдим. Бахтга қарши йўл тобора юқорилаб борарди. Нафасим оғзимга тиқилиб, ҳарсиллаб қолдим ва нима бўлса ҳам қир ортига ўтиб олишни мўлжалладим. Қир устига чиқарканман, мувозанатимни сақлаб туrolмай мункиб кетдим. Қир орти тик қиялик. Шу қадар тик эдики, гоҳи-гоҳида майда ғўрашақли тошлар ўз-ўзидан "шиқир-шиқир" этиб пастликка томон силжирди. Тутиб қолай десам бирорта бута ёки тош йўқ. Оёғим тойиб кетиб ортим билан ўтириб қолдим ва ўзимни тўхтатолмай пастга

томон сирпаниб кета бошладим. Кейин дўстаман ётиб бутун вужудим билан ерга қапишдим, қизил ғўрашакли шағални кучоқладим. Бармоқларимни чангак қилиб ерга ботиришга уриндим; тиззам, иягим ва ерга тираш мумкин бўлган барча аъзоларимни сафарбар этиб ўзимни тўхтатишга уриниб кўрдим, қайта-қайта уриндим, бўлмади. Орқам билан ётиб товонимни тирадим. Фойдаси йўқ, пастликка – Аспалатисофилинга томон шиддат ила кетиб борардим. Тез орада шимимнинг орқаси йиртилганини пайқадим, аммо ўрнимдан туролмадим. Оёқ остида ва ҳамма жойда тупроқ ҳам эмас, сополга ўхшаш, аллақандай, нўхат катталигидаги тошсимон ғўрашаклар туришга сира имкон бермасди. Йиқила-сурина ортимга ўгирилиб қарадим. Қир устида етти киши турганини кўрдим, ўша лаҳзада санаб улгурмаган бўлсам-да, пастга томон тойғаниб бора туриб ҳисобини чиқардим. Ҳалиги учаласи ёнма-ён туришар, ўртада бошлиқ ва унинг ёнида яна икки киши. Бири аёл... демак, олтита экан.

– Қайт! Қайт!

Овоз менга нотаниш эди, лекин ички бир ҳиссиёт билан бошлиқнинг ўзи чорлаётганини англадим.

Ёнбағир тобора нишаблашиб борарди. Энди ўзимни тўхтатиб қолишдан тамом умидимни уздим. Оёқ тирашим, панжаларим билан ғўрашак ерни чангаллашим, ортимни ерга маҳкамроқ босишимдан заррача наф йўқ. Қияликнинг охири кўринмасди. Мени қутқазувчи куч бу дунёда йўқлигини билсам-да, ёрдам сўраб қичқирдим:

– Қутқаринглар! Ёрдам беринглар!

Овозимни шамол юлқиб олиб учириб кетди. Энди ҳаво зарби юзимга шу қадар шиддат билан урилардики, яна бир марта ёрдам сўраб қичқирмоқчи бўлгандим, барча сўзларимни шамол ҳўл латтадай лўндалаб оғзимга тикди.

Аспалатисофилинга томон шиддат билан кетатуриб "Аслида умрнинг ўтиши ҳам шу", дедим. Денгизларда фақат бир дақиқагина яшаб, шу муддат ичида авлод қолдиришга улгурадиган аллақандай жонивор бўлармиш. Дўзахнинг бир суткаси ер юзининг 1600 йилига тенг дейди япон ёзувчиси Кензабуро Оэ. Аспалатисофилин эса дўзахнинг энг чуқур жойи. Мен энди ана шу қўрқинчли чуқурликка томон силжиб ёки сирпаниб эмас, учиб боряпман. Назаримда оёқларим тагидан учқунлар сачраётгандай.

Қулоқларим остида шамол ҳуштак чалади. "Икки-та қулоқчаси бор экан" деганди ҳалиги, ортимдан келаётган, уч кишидан бири. Ҳа, қулоғим бор, аммо энди ундан менга не наф? Оғзимдан, кўзимдан-чи? Йўқ, ҳар ҳолда кўзим нималарнидир фарқлаётгандай. Ана олдинда қандайдир симчизиққа ўхшаш нарса кўринди. Бамисоли "Риштаи Марямдай" ингичка. Миям ҳам бир нав ишлаб турибди. Яқинлашганим сари симчивиқнинг йўғонлашаётганини англаяпман. Қаламдай, жимжилоқдай, бошбармоқдай...

Ушладим! Бирдан шамол тўхтади, ҳуштак тинди. Симчивиқни маҳкам ушлаганча бамисоли турникда машқ қилаётган спортчидай бир алпозда турибман. Аспалатисофилинга қилаётган шиддатли сайрим тўхтаган, сукунат. Елкам, тирсақларим, орқам шилинган, ғувиллаб ачийди. Бу қайси гуноҳим учун берилган жазо, билмайман. Худога шукр дейман, ҳозирча тирикман. Ногоҳ қулоғимга инграган товуш чалингандай бўлди. Балки ўпкам ёки бирор ички аъзоларимдан чиқаётган товушдир. Нафасимни ичга ютиб қулоқ тутдим. Ҳа, кимдир ингранар ва оҳ тортарди. Наҳотки бу жаҳаннам тойғаноғида мендан бўлак ҳам бирор жонзот бўлса! Ўша ожиз товуш гўё "Ҳа, мен бор" дегандай яна такрорланди. Овоз бердим:

– Кимсан? Қаердасан?!

– О-о-оҳ, ёрда-а-ам!..

Овоз ўнг ёндан, жануб тарафдан келарди, ўша томонга қарадим. Қоронғиликда ҳеч нарса кўринмади. Йўлга тушдим. Оёқ билан эмас, қўл билан юриб боряпман. Қўлларим билан симга осилганча жануб томон силжияпман. Бармоқларим карахтлаштиб, билагим толиқиб, елкаларим оғирлигимга дош беролмай қолгунга қадар юрдим. Бу аҳволда йўл босиш оғир. Қандай бўлмасин дам олиш чорасини кўриш керак. Товонимни ерга тираб, қўлларим билан симни қаттиқ тортиб гавдамни кўтардим, сим устига чиқиб олмоқчи эдим, бўлмади, қўлтиғим билан бир муддат осилиб турдим. Иягимни ҳам ишга солдим. Бармоқларимга куч қайтгунча иккала қўлтиғимга симни қисиб, жағимга таяниб турдим. Изтиробга тўла овоз яна такрорланди:

– Ёрдаа-ам!

Энди аниқроғи эшитилди. Овоз аёл кишиники. У мендан унчалик узоқда эмас, ҳатто инграгани ҳам эшитила бошлади.

– Ҳозир, бирозгина сабр қилинг!

– Қўйвораман, тезроқ!

Нолага тўла овоз мени югуришга мажбур қилди. Қўлларимнинг ўрнини тез-тез алмаштириб "қадам-бақадам" силжияпман. Қора кўринди. Мендан уч-тўрт қадам нарида нимадир симга осилиб турарди. Ўша томонга интиларканман, елкам билан алланарсага тақалиб тўхтаб қолдим. Шу пайтгача симни нима ушлаб турганини ўйлаб кўрмаганимни қаранг. Елкамга тақалган нарса бетон устунча эди. Демак, маълум бир масофада симни тутиб туриш учун устунчалар ўрнатилган. Бу менга катта қувонч бағишлади. Қаранг-а, ҳатто шундай ҳолатда ҳам қувониш мумкинми дунёда! Аммо ҳозир бунга фурсатим йўқ. Нола қилиб ёр-

дам сўраётган аёлни қутқозиш керак аввал. Сўнгра бир гап бўлар.

– Мана, боряпман, бирозгина чиданг!

– Оҳ, тез бўлинг!..

"Қадамимни" тезлатдим, бироқ етиб боролмадим. Қўлимни чўздим-у унинг билагидан ушлашга улгурмадим. Куч-қуввати батамом тугаган, сўнгги дақиқада менинг яқинлашганимни ва қўл чўзганимни кўриб тамом ўзини ташлаб юборди.

– Ё!.. – деган бўғиқ, кучсиз, аммо жонҳолатда айтилган нидо мени кескин ҳаракат қилишга ундади. Унинг қўллари симчивиқдан узилган ва у бир неча сония ичида тубсизлик қаърига томон учиб кетиши мумкин эди. Талпиндим, қўлим етмади ва шу лаҳзанинг ўзида оёғимни чўздим ва қичқирдим:

– Ушла! Оёғимдан ушла!

Бу ҳолатлар бир сония ичида бўлиб ўтди, албатта. Унинг қўллари пойчамга ёпишди ва юқорига чиқиш учун типирчилай бошлади. Қўлларим қанчалик толиққан бўлмасин, пойчамга илашиб, тебраниб турган, ихраб-сихраётган жонзотнинг вазни унчалик катта эмаслигини пайқадим. Тиззамни юқорига тортиб уни ўзимга яқинлаштирдим. Чап қўлим билан симни ушлаганча пастга эгилдим. Қўлимга унинг сочи илашди.

– Тортинг, майли, тортаверинг, чидайман, – деди у умидворлик билан.

Оёғим билан ҳимоя қилиб сочидан енгилгина торта бошладим. Вазни енгиллашганини пайқаб, у ҳам болдиримдан маҳкам қучоқлаб олди. Иккинчи оёғимни ишга солдим. Бошмоғим аллақачон йиртилиб тамом бўлганди, бош бармоғим билан ерни пайпаслаб, оёғим остида икки бармоқ жойлашгулик чуқурчани "кашф" қилдим. Қандайдир бир жониворнинг уяси ми ёки оёғим билан пайпаслаганда ўрнидан кўчган

тошнинг қавагими, нима бўлганда ҳам биз учун нажот чамбараги. Икки панжамни унга жойлаштириб, қўлимга бироз дам бердим. Пойчамга ёпишиб турган хилқатни юқорига тортиб олиш учун шунинг ўзи етарли. Ёшлигимда гимнастика ва оғир атлетика билан шуғулланганимга шукр қилиб унинг сочидан қўйвордиму қўлтиғидан тутдим. У аввал белимга, сўнгра тирсагимга ва ниҳоят бўйнимга ёпишди. Иккала қўли билан бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олди.

VI

Билакларимда ғайритабиий бир куч пайдо бўлганини ҳис қилдим. Келган йўлимдан аста-секин ортимга қайта бошладим. Энди юким аввалгидан оғирроқ бўлса-да, анча илдам борардим.

– Исминг нима? – сўрадим юришдан тўхтамаган қўйи.

У жавоб бермади. Ухлаб қолганди. Бошини кўксимга қўйиб, бўйнимдан қучоқлаганча бемалол ухларди. Сочи юзимга ишқаланиб борар ва илиққина нафаси бўйнимни қитиқларди.

– Майли, ухлайвер, – шивирладим унинг бошига юзимни босиб ва яна бир неча одим силжидим. Мана, устунча! Қани энди унга бир амаллаб чиқиб олсам. Бўйнимга чирмашган қўллар бўшашиди, унинг нозиккина билаги елкам узра оҳиста сирғалаётганини пайқаб, бир қўлимни симдан бўшатдим ва қизнинг белидан тутдим. Иягим билан туртиб, бошини силкита бошладим. Уни уйғотиш керак эди, бу аҳволда узоқ туролмасдим. Бирдан атроф ёришиб кетди. Ой чиқди. Тўлин ой. Қиз уйғонди ва ўзини четга олмоқчи бўлди. Тасодифан ўзини бегона эркак қучоғида турганини кўрган қиз қандай аҳволга тушса ҳам ана шу ҳиссиётни бошдан кечирмоқда. Яхши ҳамки унинг белидан маҳкам ушлаб турардим.

– Тинчлан, – дедим уни чўчитиб юбормаслик учун юмшоқроқ қилиб, – мана бу симдан ушла.

– Симдан?! – қичқириб юборди қиз чўчиб.

У энди ўзи қаердалигини эслаганди. Бир неча дақиқалик уйқу давомида балки ширин тушлар кўргандир, тушида текис ерда сайр қилиб юргандир. О, Ер устида ишонч билан оёқ босиб юриш нақадар катта бахт, ўзимнинг ҳам юрагим орзиқиб кетди. Пастда нима бор ўзи? Наҳотки тубсизлик устида осилиб турган бўлсак?!

Хаёлга берилишнинг мавриди эмасди.

– Симдан ушла! – кескин оҳангда буюрдим қизга У тиззалари билан менинг устимда ҳаракат қилиб, симни чангаллаб олди.

– Мана шу ерда, чап елкамнинг ёнида устун бор...

Товушим зўриқиб чиқди. Чунки бу пайтда товонларимни ерга тираб, қўлларим билан юқорига тортидим ва шу усул билан қизни ҳам кўтармоқда эдим. Бир қўлимни яна симдан бўшатиб олишга тўғри келди. Қизнинг тўпиғидан тутиб, оёғини устун устига оширдим.

– Ерми?!

Болаларча қувонч янграб кетди унинг овозида.

– Ер, бизнинг еримиз.

Қиз товушимдаги алам ва изтиробни тушунди, жимиб қолди. Устунчанинг эни бир қарич, узунлиги учтўрт қарич бор. Икки киши бемалол сиғиши мумкин. Қиз иккала қўли билан сочларимдан маҳкам ушлаганча тирмашиб чиқиб, елкамга оёқларини қўйиб олди. Нимадир юзимни силаб, қитиғимни келтирарди. Бошимни кўтариб қараб, унинг белида осилиб турган икки бўлак латтани кўрдим. Қиз ҳам менга ўхшаб иштонидан айрилган ва ой ёруғида унинг орқаси оқариб кўриниб турарди. Кулгим келди. Қиз елкаларим силкинаётганини пайқади. Алам ва изтироб кулгуси-

дан силкинаётган вужудимни у толиққан тананинг титроғи деб ўйлади ва тезроқ устунга чиқиб олишга шошилди.

– Орқага ўгирилиб қорнинг билан ерга ётиб ол, – дедим ҳар эҳтимолга қарши унинг оёғини қўйвормай.

Қиз айтганимни чаққонлик билан бажарди. Энди унинг юкидан бутунлай халос бўлгандим. Чамамда қизнинг оғирлиги ўттиз беш килодан ортиқ эмасди. Бундай юкни ерда бўлганимда кун буйи бемалол қўлимда кўтариб юрган бўлардим, ўз кучимга ишонаман. Ахир мен узоқ йиллар тош кўтариш ва штанга билан ҳам машқ қилганман. Бу соҳада Чўртонбойдан ўзиб кетаман деб ўзимни кўп қийнаганман. Ҳатто питбул зотли америка итларидек тишим билан турникка осилиб туриш машқини ҳам олганман.

"Ерда", деганим эришроқ туюлади, албатта. Бошқа нима ҳам дей, ҳавода муаллақ десам ҳам тўғри келмайди, тик турибман ёки ётибман ҳам дея олмайман. Ўтиролмайман ҳам.

Тонг отди. Энди иккиламиз олдинма-кетин, мен орқада, қиз олдинда устунча устида туриб қуёшни кузатардик. Қуёш ҳали чиқиб улгурмаган, унинг нурлари осмон сатҳида парпарон уриб ўйнади. Эсаётган енгилгина шабада қизнинг сочларини тўзғитар ва олиб келиб менинг юзимга урарди. Қиз ўгирилиб менга қаради. Жилмайди. Бир нафас кўзларимдан нигоҳини олмади, тикилиб турди. Нимадир демоқчи бўларди-ю, истиҳола қиларди. Буни тушундим. Мен орқамни ерга маҳкам тираб, қизнинг белидан ушлаб турардим.

– Начора, бошқа иложимиз йўқ, – дедим унинг Ўнғайсизланаётганини сезиб, – сен қандай қилиб бу тузоққа тушиб қолдинг?

– Ўша корхона... Аа-а-а!

Қизнинг кўзларидаги даҳшатни кўриб ортимга қарадим-у, ўзимни пастга отдим. Иккаламиз олдин-

ма-кетин қиялик бўйлаб думалаб келаётган улкан харсангни кўриб қолгандик . Тош тўппа-тўғри биз турган устун устига бостириб келиб, унга тегай-тегай деб ўтиб кетди.

VII

Биз муқаррар ўлимдан қутулиб қолган бўлсак-да, номаълум "келажак" сари шиддат билан кетиб борардик. Йўлнинг адоғи кўринмасди. Ярим соатлар ўтгач, қиз инграниб йиғлай бошлади. Дам қорни билан ётар, дам орқаси билан ётар, дам ўнг ёнбошига, дам чап ёнбошига ағдариларди. Мен бўлсам унга ёрдам беролмаётганимдан хунобим ошиб, чора излардим. Уни устимга миндириб олишдан ўзга иложим қолмади. Шундай қилдим.

– Сен нима сабабдан бу ерга келиб қолдинг? – сўрадим нимадир қилиб уни чалғитиш мақсадида.

– Қочдим.

– Кимдан?

– Бошлиқдан.

– Нега?

– Зўрламоқчи бўлди.

– Нега боргандинг у ерга?

– Ишга.

– Нима иш қилардинг?

– Сигир соғмоқчи эдим.

– Нега бошқа томонга қараб қочмадинг?

– Бошқа томонга йўл йўқ. Барча йўллар шу ерга олиб келади.

– Сен қайси сигирни соғмоқчи бўлгандинг?

– Ола таначани. Болалагандан кейин. Мени бир аёл олиб борганди. Узун бўйли, чиройли аёл.

Бошлиқнинг хонасидаги аёл кўз ўнгимдан ўтди ва сўрадим:

– Ўша аёл ким ўзи?
– Бошлиқнинг... ҳамхонаси.
– Анави товуқбоқар-чи?
– Ўша аёлнинг укаси. Касал. Сиз уларни қаердан биласиз?

– Мен ҳам ишлаш учун боргандим.
– Сизни ҳам... зўрламоқчи бўлдимиз?!
– Нималар деяпсан? Йўқ, лекин нима гуноҳ қилганимни билмайман.

– Баъзилар ўша товуқбоқар йигит аёлнинг укаси эмас, дейишади. Аёлга қарагани, уни яхши кўриб қолгани учун бошлиқ шундай қилиб ташлаган эмиш.

– Исминг нима?

– Субҳия.

– Ота-онанг борми?

– Бўлишган, ҳозир етимчаман.

– Неча ёшдасан?

– Ўн... етти.

Субҳия охирги рақамни ўйланиброқ айтди. Мендан ёшини яшираётганга ўхшарди.

– Сизга барибир эмасми? – деди бироздан сўнг. – Энди ёшнинг мен учун фарқи йўқ.

Унинг фикрини тушундим. Кўзлари жикқа ёш эди. Ўлимга маҳкумиз, бу тузоқдан қутилиб кетолмаймиз, демоқчи эди. Яна қийин аҳволда қолдим. "Қутилиб кетасан, ҳали ёшсан" демоқчи бўлдим, аммо ёлғон айтишдан не наф. Аспалатисофилин томон кетиб бораёпмиз. Тўғри, энди ҳаракатимиз аввалгига нисбатан анча суст. Бу томон нисбатан текисроқ, ҳатто бир-икки жойда озгина тўхтагандай ҳам бўлди. Аммо қандайдир мубҳам бир куч бизни муқаррар комига тортиб бораётгани аниқ эди. У тўхтаб қолишга имкон бермасди.

VIII

Субҳияни устимдан туширдим. Елкам ва тирсакларим шилиниб кетганди. Илма-тешик костюмимни унинг остига тўшаб бердим. Силжиб бораётганда костюм енглари қизнинг қўлтиғи остидан ўтказиб олиб боғлаб қўйдим ва тугун тагидан қўлимни ўтказиб олдим. Ёнма-ён бораяпмиз. Юқорига чиқишнинг сира имкони йўқ. Ортга қайтишнинг демоқчиман. Бу борада қилган барча уринишларимиз беҳуда кетди. Бекорга куч сарфламаслик учун яна нишаблик измига бўйсунушга тўғри келди. Жуда секин, лекин қаричма-қарич тубсизликка томон бораяпмиз. Тагимизда ғўрашак шағал бир маромда шиғирлайди. Тепадан бошқа тош думалатишмади... Шусиз ҳам барибир ўлишимизни билишади. Тошни шунчаки эрмак учунми, қизиқчиликка думалатишган бўлса керак.

– Шундай кетаверамизми?

Қизнинг юзига қараб нима мақсадда бундай деяётганини билмоқчи бўлдим ва сўрадим:

– Нима қил дейсан?

Субҳия кўзларини олиб қочди.

– Сиз кимсиз? Уйланганмисиз? Болаларингиз бордир балки...

– Ҳеч кимим йўқ.

– Мен ҳам сизга бегонаман. Ҳеч кимингиз бўлмайман.

– Бизнинг тақдири аъмолимиз бир.

– Лекин ҳаётимиз бошқа-бошқа.

– Ҳаётимиз ҳам бир. Токи ўлимгача шу йўлни бирга босиб ўтамыз.

– Бир-биримизга бегона ҳолдами?

– Ким бўлишимизни истайсан? Ака-сингилми, ота-болами, ёки...

– Қиз бола умрининг охиригача ака-укаси ёки ота-онаси билан бирга яшай олмайди. Йигит ҳам, қиз

ҳам вояга етгач оила қуради, ўзига ҳаёт йўлдоши танлайди. Фақат ана шу йўлдош билангина умрининг охиригача боради.

Бирдан ҳаво булутланиб ёмғир ёға бошлади. Субҳия совқотиб пинжимга тиқилди. Момақалди роқ гумбурлар, чақин чақар, атрофимиздан қондай қип-қизил сув оқарди. Лаҳза ўтмай, жиққа ҳўл бўлдик. Қизнинг ёмғирда ювилган юзи ойдайгина. Сув остидаги тошдек тозариб, ярқирарди.

IX

Қуёш чиқишини бир олам қувонч билан кутиб олдик. Субҳия совуқдан кўкарган лабларини, елкасини офтобга тутар, бутун вужуди билан унга интилар, қуёшни бағрига босишни истарди. Кафтими билан унинг елкасига, бўйнига шувалган лойни артиб қўйдим. Костюмимни белидан ечиб олиб, офтобга ёйдим. Бу пайтда биз биринчи бор "юриш"дан тўхтагандик. Ёнбағир одам ўзини тутиб туролмайдиган даражада тик бўлса ҳам, ёмғир оқизиб келган ғўрашак ва лой оёғимиз остида тўпланиб ношудгина зинача ҳосил қилган ва биз бу ноёб қурилмага оёқларимизни авайлабгина қўйиб турар, бир-биримизга қараб хушнуд жилмаярдик, гўё оламшумул бир кашфиётни бузиб қўйишдан қўрққандек эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилардик. Шундай тик ёнбағирда зинача ҳосил бўлишининг ўзи ҳақиқатдан ҳам мўъжиза.

Қуёш энди дурустгина қиздирар, рўзғоримизнинг яккаю ягона бисоти костюмдан илиқ буғ кўтариларди. Биз шу сонияларда ғоят бахтли эдик. Яна бир неча дақиқадан сўнг нималар рўй беришини ҳам, оёғимиз остида тубсиз бўшлиқ турганини ҳам унутган, келажакни ўйламас, шу лаҳзанинг шодлиги билан яшардик. Ўтиришга ва бир-биримизга рўйи-рост қарашга, кўзларимизга тикилиб ҳузур олишга имкон берилга-

нига шукроналар айтардик. Дилларимиз сўзсиз бир нидо билан қўшиқ куйламоқда.

Ногоҳ унинг кўзларида қувликка ўхшаш бир нарса ни кўрдим. Ундан "ҳозир мўъжиза кўрсатаман" деган маънони ўқдим. У кафтлари билан ерга таяниб менга орқа ўгирди. Лозимининг тилка-тилка бўлиб йиртилганини унутганди, афтидан. У эгилганча, мендан яшириб нимадир қилди. Кўзлари қувончдан порлаб менга қаради. Кичкинагина муштчасини маҳкам сиқиб турарди.

– Кўзингизни юминг, – деди ёш қизчаларга монанд ўйинқароқлик билан.

Бир ҳисобдан унинг бу қилиғи ёшига мос ҳам эди. Назаримда у ҳали ўн бешга ҳам тўлмаганди. Кўзимни юмдим.

– Оғзингизни очинг!

Оғзимни очдим.

Нозиккина бармоқлар лабларимга тегди, кафтининг ҳароратини ҳис қилдим.

– Бўлди!

Кўзимни очиб, унинг қувончдан ёришиб турган юзига қарадим. Оғзимда данак катталигида нимадир бор. Дафъатан уни ғўрашак тош, деб ўйладим. Субҳия менга ҳазил қилаётгандир деган хаёлга бордим ва шу лаҳзанинг ўзида оғзим сувланиб, нордонгина таъмни сезди.

– Қурут!..

Ўзининг ҳам лунжи дўмпайибгина турарди. Икки бармоғини оғзига тиқиб оқ зўлдирчани олиб кўрсатди ва яна оғзига солди.

– Бошқа йўқ, – деди гўё шуни узоқроқ, тамшаниб-тамшаниб шимишимни уқдиргандай бир оҳангда. Бундай оҳанг менга таниш. Онам кўлимга бор дона қанд ёки бир бўлак нон тутқазардилар-да, "бошқа йўқ" деб писанда қилиб қўярдилар.

Мен бош силкиб жилмайиб қизнинг бу ишини рағбатлантирдим. Қурутдан билинар-билинемас тер ҳиди келарди ва назаримда таъми ҳам бошқачароқ.

– Чўнтагингда яна бордир, – дедим жиддий қиёфада.

– Чўнтагим йўқ, – иқрор бўлди қиз.

Қурутни қаерда сақлагани ва қандай олгани менга маълум бўлганди. Офтобшувокда ётиб қурут шимидик.

X

Арининг ғинғиллашидай овоз эшитилди. Субҳия хиргойи қиларди:

*«Йўл бўйида бир туп олма бор,
Мен шўрликдай танҳо ва ёлғиз.
Йўловчисин кутар умидвор,
Оҳ, олмалар, бўйга етган қиз...»*

Уни шу лаҳзада авайлабгина бағримга босгим, эркалатгим, сочларини силагим келди, аммо бундай қилмадим. Мумкин эмас, ҳаққим йўқ, унга бегонаман. Бундан ташқари ҳиссиётларим ҳам аллақандай чучмал. Ҳаммаси аралаш: Оталик ҳисси билан яна бошқа туйғу қалбимда тинимсиз кураш олиб бораётгандай. Балки бу ҳислар қўшилиб, бир-бирига чатишиб қолган-у, энди бири иккинчисини маҳв этиб ва ажралиб чиқиб, вужудим ва шууримга ҳукмронлик қилишга уринаётгандай.

*«Ана йўлда кўринди биров,
Тўкилдилар олмалар тап-туп...»*

Унинг кўшиғи шу жойда узилиб қолди. Ёнида бегона эркак борлиги ёдига тушиб ялт этиб қаради, юзига дув этиб қизиллик югурди. Нима учундир менга аччиқ аралаш қаради. Кўзларида гинамикан, таънамикин, шамамикин, хуллас, мен номини аниқ билмаган нимадир балқиб турарди.

– Нима гап? – сўрадим ажабланганимни яширмай.

– Олмалар, мен шўрликдай танҳо ва ёлғиз... – дея кўшиғининг афтидан ўзига қаттиқ таъсир этадиган мисрасини такрорлади, кўзларига ёш қалқиб чиқди.

– Сен ёлғиз эмассан, Субҳия.

Қиз бола учун кўнглидаги фикрни айтиш қанчалар қийин. Ҳаммасини тушунганим ҳолда, мен ҳам кескин фикр айтишга ботинмай турардим.

– Барибир ўламиз, шундай экан...

– Шундай экан, бир лаҳза бўлса ҳам...

Мен ҳам давомини айтолмадим. Ёнимда аёл киши бўлганда балки ҳаммаси осонроқ ҳал бўларди. Шу ҳақда ўйлаб қолдим.

– Дунёда муҳаббат борлигини билмай ўлиб кетиш катта бахтсизлик, – деди Субҳия ва кўзларимга илтижо билан қаради.

Мен унинг билагидан ушлаб, ўзимга тортдим. Қаршилиқ кўрсатмади. Шу пайтгача қилган яқинликларимиз: уни бағримга босишим, кўксимга бош қўйиши ва бошқа барча ҳолатлар тақдирнинг тақозоси бўлиб, бошига бир хил кулфат тушган икки инсоннинг дард-кашлиги ва бир-бирига ёрдами эди. Энди эса иккаламизда ҳам бутунлай бўлакча ҳиссиётлар туғён урмоқда.

– Тўхтанг, – деди Субҳия кўкрагимдан оҳиста итариб, – никоҳ ўқитиш-чи?

Шу лаҳзада унинг кўзларида зуҳур этган ифодани сўз билан таърифлаёлмайман. Қандайдир ваҳшиёна куч шарм ва ҳаё пардасини йиртиб ташлаб отилиб чиқишга шай турар, назаримда қўзичоқни ейишга чоғланган бўрининг кўзларига ўхшарди унинг кўзлари. Балки бошқачароқдир, аммо начора, менинг жайдари таърифим шу. Балки бу фикрим хатодир, менга шундай туюлгандир, ҳар ҳолда доводи раб қолдим. Унинг вужудидаги титроқ менга ҳам ўтди.

– Никоҳ ўқитамиз, – дедим. Товушим аранг чиқди.

– Мен розиман!

Қуёшга қарадим. Олам ёритгичи қизариб ботиб бормоқда.

– Эй улуғ отамиз! – дедим Субҳиянинг елкасига қўлимни қўйиб, – нидомизни эшит, илтижомизни рад этма, мана бу қиз – Субҳия. Мен – Бенаво. Бизга раҳнамолик қил, ўлимимиз олдидан никоҳлаб қўй!

Субҳиянинг ҳам лаблари пичирлаб турар ё менинг сўзларини ичида такрорлар ёки дилидаги энг яширин гапларини улуғимиз – Қуёшга айтарди.

Биз Қуёш ботгунча кутдик. Тун борлиққа ва оёғимиз остидаги тубсизликка чойшабини ёпаркан, Субҳия бағримга кирди ва ўзини бутунлай менинг ихтиёримга топширди.

XI

Эс-хушимизни йиғиштириб олганда аввалгидан ҳам катта тезлик ва шиддат билан тубсизлик томон кетиб бормоқда эдик. Муҳаббат жазаваларига оёғимиз остидаги ночоргина Еримиз дош беролмаган ва ўз фуқароларини тақдир ҳукмига қўшқўллаб топшириб қўя қолганди. Субҳияни йўқотиб қўймаслик учун бағримга маҳкамроқ босдим.

Ногоҳ остимиздаги ғўрашак тошларнинг шиғирлаши тўхтади. Вужудимнинг энгил тортганини пайқаб, қўлим билан остимни пайпаслаб кўрмоқчи бўлдим, Ерни тополмадим. Биз ҳавода учиб борардик. Вужудимиз ердан узилган, муаллақ ҳолатда эдик. Юқорига кўтариляпмизми ёки пастга томон кетиб бораяпмизми, билмасдик.

Энди биз учун бунинг аҳамияти ҳам йўқ.

Субҳия бўйнимдан маҳкам қучганча қулоғимга ҳарорат билан шивирлади:

"Мен сизни севаман!.."

АННАБЕЛЬ ВА АЗОЗИЛ

1535 йилда Аннабель ўлимга ҳукм қилинди. Қатлгоҳ томон сувдек оқиб келаётган оломон қизиқ бир томоша кўриш ва уйда қолган оила аъзоларию дўст-ёронларга бу ҳақда ҳикоя қилиб бериш илинжида. Бироқ майдондаги манзарага кўзи тушган кишиларнинг кўпчилигида аввал ўйлаганидан асар ҳам қолмади. Қатл майдончасида шу қадар гўзал бир хилқат турардики, унга бир бор кўзи тушган киши юзидаги ҳаяжон ифодасини яширолмай, тили ҳам калимага келмай ҳайрат мақомида туриб қоларди.

Аннабель зийрак кўзлари билан атрофни қуршаб олган ола-қуроқ оломонга қаради. Улар орасида қораридо кийган кишилар ҳам бор. Юз ифодалари ғоят жиддий, басавлат бу одамлар кимнингдир келишини кутиб тараддудланишмоқда. Ниҳоят кутилган киши – черковнинг бош руҳонийси оломон орасини ёриб, майдонга кириб келди. Жамоа уни эхтиром билан кутиб олиб, алоҳида жой кўрсатди. Бош руҳоний қатлгоҳга бир қараб олиб, ўнг қўлини юқорига кўтарди. “Тинчланинглар” деган бу ишора ўз ҳукмини ўтказди. Ғала-ғовур босилди. Ҳукмни ўқиётган кишининг овози томошатаблаблар шуурида турли хил таъсир ўтказиб оғир бир руҳий вазият зухур этди. Аннабель ҳам ҳушёр тортиб, чиройли бўйнини бироз пастга эгиб узун киприklarини ерга қадамоқчи бўлгандек қотиб турарди. Афтидан у қандайдир даҳшатли ҳодиса юз беришини англари, аммо бу даҳшат нимадан иборатлигини ва у қай йўсинда зухур этишини тушунмасди.

Ҳукм ўқиётган кишининг овози тинди. Қўлларида машъала ушлаб турган кишилар бош руҳонийнинг имоси билан қатл майдончасига яқинлашиб келишди ва машъалаларни Аннабелнинг оёқлари остига

ташлаб, ортга чекинишди. Аланга ичида қолган жонивор жон аччиғида кишнаб юборди. Атрофни қуршаб турган оломонга илтижо билан қараб, улар томон талпинди. Аммо ҳеч ким уни қутқаришга шошилмади. Руҳонийлар берган фатво таъсирида эди одамлар. Даҳшатли тиллари билан ўз ўлжасини ямлаб ола бошладди олов. Занжирлар жаранглаб садо берди, тутун ва аланга осмонга ўрлади, Аннабелнинг кўкимтир тани ва баданидаги юлдузлардек чақноқ оқ холлари оловда қовжираб буришаётганини, унинг ёллари олов ҳилида осмонга томон шовуллаб кўтарилаётганини кўриб туришди одамлар. Уларнинг нигоҳларида ўкинч ва даҳшат акс этди, аммо ўша даврда Европа мамлакатларида черковнинг таъсири жуда кучли эди. Ҳеч ким, ҳатто энг инсонпарвар кишилар ҳам француз руҳонийлари томонидан чиқарилган бу ҳукмга қаршилик қилолмади. Одамлардан нажот йўқлигини кўрган Аннабель кишанларини узишга интилиб осмонга сакради, афсуски, оёқлари ердан узилмади, оғир ғўлалар занжирбанд қилиб ташланган эди унинг тўпиқларига. Аланга ортидаги кишиларнинг қиёфалари ўзгариб, юзлари ҳар томонга қийшайиб, гавдалари шамолда тебранаётган майсадек титраётганини кўрди Аннабель, зеро ҳали унинг зийрак кўзларини маҳв этишга улгурмагани олов. Отнинг қора чўғларида қора ридо кийган кишилар ҳам аланга ичида қолган ҳолатда акс этди ва у бутун борлиқ: одамлар ҳам, ибодатхоналар ҳам, еру осмон ҳам ёнмоқда деб тушунди. Шунда жамики отлар қавмини бундай хавфдан огоҳ этмоқчи бўлди, Аннабель бурун карраклари керилиб, лаблари қаттиқ титраб, жон аччиғида сўнгги бор кишнади. Отнинг жарангдор овози гўё бутун рубъи маскун бўйлаб таралди. Бу пайтда унинг самовий рангдаги тани бутунлай ўт ичида қолганди. Унинг танидаги юлдузлар қовжираб қуришиб-буришиб борарди. Оломон оғир сукутда.

Фақат бир жаноб ёнидаги хонимга қараб: “Агар Аннабель от бўлиб эмас, аёл бўлиб туғилганда, бутун дунё эркакларини тиз чўктирган бўларди”, деди. Жаноб шундай қайғули вазиятда ҳам фарангларга хос ҳазил қилмоқчи бўлди-ю, уддасидан чиқмади. Унинг оғзидан чиқаётган сўзлар ўкинчли оҳангларга қоришиб кетди.

2

Ичига шайтон кириб олган деб руҳонийлар томонидан Аннабелнинг ўтда куйдирилиши жанг майдонларида ҳалок бўлган отлар фожиасига ўхшамас ва бу аламли воқеа йиллар ўтган сайин руҳларни безовта қилиб тобора янгилашиб ва кучайиб борарди. Бунинг устига бир шоирнинг:

Отлар вафо даштидан ўт емади,

Итлар вафо даргоҳидан кетмади...

деган мисраларни битиши инсонга садоқат билан хизмат қилиб келаётган бу ақлли жониворлар учун ғазабнок чавандознинг қўлидаги қамчи зарбидек ачиқ ботди. Хожасининг изми билан шамолдек елиб жанг майдонига кирган, душман найзасидан, ўқидан, қилич зарбидан ҳалок бўлган отлар наҳотки итчалик қадр топмаса? Биз сувсиз саҳроларда, чўлу биёбонларда, тоғу тошларда ўз соҳибимизга садоқат кўрсатиб хизматда бўлдик. Кўпқари-ю пойгаларда қанот боғлаб учиб, соҳибимизга шон-шуҳрат келтирдик, бу вафодорлик эмасми? Мамлакат тақдирига дахлдор хабарларни яшин тезлигида етказдик, бундай пайтларда жонимиздан ҳам кечдик, лекин хојамиз хизматидан бўйин товламадик. Юк ташидик, арава тортдик, жувоз айлантирдик, ҳаттоки ёш соҳибимизнинг севги можароларига шерик бўлдик. Нозанинларнинг нозик бармоқлари ёлларимизни силаганда, севишган юракларга омад тиладик...

Ана шундай аламноқ туйғулар билан отлар подшоси Буроққа мурожаат қилган жониворлар ундан ижобий жавоб олдилар ва бир жойда тўпланиб, Аннабель фожиасини муҳокама қилишга қарор қилдилар. Ана шу мақсадда қуйидагича рўйхат тузилди:

1. Буроқ – “Меърож” кечаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни Арши аълога олиб чиққан от.

2. Контхаке – Будда минган от.

3. Кўкўғлон – Буюқ соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг оти.

4. Бойчибор – Алпомишнинг оти.

5. Букефал – Жаҳоннинг фотиҳи Александр Македонскийнинг оти.

6. Ксанф – Гомер дostonларидаги машҳур паҳлавон Ахиллеснинг оти.

7. Рахш – Рустами дostonнинг оти.

8. Дилер – улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой минган от.

9. Темпи – Америка ёзувчиси, Нобель мукофоти соҳиби Фолкнернинг оти.

10. Пегас – илҳом парисининг оти.

11. Наххама – дарбадар шоир Сулах ибн Сулайхнинг оти.

12. Дулдул – ҳазрати Алига тортиқ этилган учар от.

13. Фиркўк – Гўрўғлининг севимли оти.

14. Дўнан – ўзбек халқ дostonларидаги от.

15. Россинант – ғамгин қиёфали рицар Ламанчлик Дон Кихотнинг оти.

16. Болевар – О.Генре қаҳрамонларининг оти.

17. Яхмум – чавандозлар кушандаси деб ном олган от. У шоҳ Нўъмон ал-Мунзирга тегишли бўлган.

Машҳур шахсларга тегишли бўлган номдор тулпорлар жуда кўп эди, аммо отлар подшоси Буроқ кенгашиб олиш учун рўйхатда кўрсатилганларнинг ўзи етарли, деб ҳисоблади. Мезбонлик қилиш Букефал зиммасига юклатилди. Чунки учрашув манзили учун

барча отларга маълум бўлган Юнонистондаги Авгий отхонаси танланган эди. Инсоният тарихида: патрот топган, қаровсиз ва кўримсиз деган маънони англаувчи мазкур отхона Кўкўғлонга ёқмади. Натижада бу борада мунозара бошланиб, ҳар ким ўз фикрини айтди. Жумладан, отлар номи билан боғлиқ бўлган Хоразмдаги Ҳазорасп, Қашқадарё вилоятида жойлашган Отяйлов, Аспижаллоб, Аспдухтар деган жой номлари тилга олиниб, таъриф ва тавсиф қилинди. Уч бора қуръа ташланди ва ҳар сафар Аспдухтар қишлоғининг номи қайта-қайта чиқаверди. Қанотли тулпорлар ана шу масканга тўпланишга қарор қилдилар.

3

Аспдухтар. 22 декабрь. Кеч соат 9.

Анжуманга чорланган отларнинг асосий қисми белгиланган муддатда мажлисгоҳга етиб келган бўлиб, улар отлар подшоси Буроқнинг ташрифини кутишар ва жониворлар орасида энг “сўзамоли” бўлган Наххаманинг ривоятларига қулоқ тутиб турардилар. Наххама ўз хожасидан умр бўйи ғазал тинглайвериб, фикрини шеърий усулда баён этишга одатланган, насрни назарига илмас ва бу усулда сўз айтганларга менсимайроқ қарарди. “Шеър мулкида танҳо эди менинг тўрам” деб бошлади у гапни ва шундай давом этди:

*Илҳом келса унутарди таомни ҳам,
Чавандознинг остидаги тулпор мисол.
Ўйнаб-ўйнаб шеър тўкарди йўрға қалам,
Ҳайё-ҳайт деб чўлу саҳро кезар эдик.
Адам мулки ичра бўлиб собитқадам,
Ўтрик деманг, тан олади буни Пегас,
Биргаликда кавшаганмиз неча бор хас.*

Ўз номини эшитган Пегас яқинроқ келиб Наххамага зеҳн солди. Иккиланиброқ бўлса ҳам унинг сўзини

маъқуллади. “Ҳа, дунё шоирларининг севгилиси бўлмиш менинг фариштам бу тулпорнинг хожаси билан гоҳ-гоҳ мулоқотда бўларди. Бир сафар Сулах ибн Сулайх Саҳройи Кабирни кезиб юриб, бир шеър ўқиганди. Агар янглишмасам, саҳрони Наххаманинг сағриси-га, “Қулқудум” булоғини унинг кўзига, Наххаманинг ёлини шамолда тебранаётган саксовулга ўхшатган эди.

– Менинг ҳақимда кўплаб ғазаллару қасидалар битилган, – деди Пегаснинг таърифидан руҳланган Наххама, – отларга таъриф беришда тенгсиз шоир Абу Дуад билан Ал Уманийнинг барча ғазалларида фақат мен тилга олинганга ўхшайман...

4

Қаттиқ пишқириқдан Наххаманинг сўзи бўлинди. Ҳамма ўгирилиб чавандозлар кушандаси Яхмумга қаради. Унинг вазоҳати Наххамани сескантириб юборди. Яхмум қулоқларини дикрайтириб ёлини силкитди. Думи таралиб, кўзлари ола-кула бўлди:

– Бунча лоф урмасанг, Наххама! – ғўлдиради у ер тепиниб, – ўша мақтаган хожанг отга миномас эди. Хаёли фақат туроқ ва қофияда бўлиб, сени ҳам унутарди. Оч қолардинг, ўз касби билан рўзғор тебрата олман одам отини қандай боқсин!? Унинг ҳатто тайинли макони ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам юксакликнинг отаси деб ном олган шоир ал-Маарий хожангни дарбадар шоир деб атаган. Тўғриси айтсам, хожанг қоқсуяк бир жонзот бўлганлиги ҳаммага маълум. Менга ўхшаган тулпорларнинг яқинига йўлолмасди. Мен ҳар чавандозларни ерпарчин қилганманки...

– Ўзинг тилга олган ўша улуғ шоир сен тўғрингда қандай фикрда бўлган? – аламига чидолмай нидо қилди Наххама. – Агар унутган бўлсанг, эшит. Лекин мен бу гапни назмга ўгиролмайман, чунки уни Абу Аъло

ал-Маарий насрда айтганлар, қисқаси, сенинг золим соҳибинг Нўъмон ибн ал-Мунзир хотини Мутажар-ридни рашк қилиб, ўша аёлни севиб қолган Жаъла-мани сенинг устингга миндирган ва қолган ишни сен бажаргансан.

– Ҳар қандай от ўз хожасининг амрига бўйсунди, – пишқириб қўйди Яхмум.

Айтишувни тинглаб турган отлар бош силкиб қўйишди. “Чавандозлар кушандаси” деб заҳарханда қилишдан ўзини тиёлмади Наххама. Бу пайтда Дул-дул, Фирқўк, Дўнан ва Бойчибор алоҳида гуруҳ бўли-шиб, ўз бошларидан ўтган саргузаштларни эслашар-ди. Бу даврада Бойчибор кўпроқ тилга олинди. Унинг туёғига ғаюрлар томонидан қоқилган мих азоб бери-шига қарамасдан, алплар пойгасида Алпомишнинг ғо-либ бўлгани тўғрисида гап борди. Бекамнинг, ҳайда-ё, ҳайда, тўрамнинг оти, деб қилган таваллоси куч берди ўшанда, деб маҳзун тортиб қолди Бойчибор.

5

Сухбатнинг бундай тус олиши Букефалга ёқмади. Назарида Наххаманинг соҳиби Сулах ибн Сулайхдек дарбадар бир шоир ҳақида гап-сўз қилиб ўтириш ёки шунча улуғлар турганда шоҳ Нўъмонни тилга олиш катта мақсад йўлида уюштирилган йиғиннинг ну-фузига тўғри келмасди. Дунёнинг улуғ фотиҳи Алек-сандр Македонский турганда... Букефал фикрини давом эттиришдан ўзини аранг тийиб қолди. Ҳатто хаёлан бўлса ҳам, ўз меҳмонларини камситишни иста-масди. Тош йўлда “ширқ-ширқ” этиб битта-битта бо-силаётган қадам товушлари тортишувга нуқта қўйди. Тўпиғи ингичка, пойчалари узун, сағриси чўккан бир жонзот кўринди. Узун ёғоч найза, эски челақдан бузиб ясалган совут, катта мис чойдишга ўхшаган дубулға юкланган эди унинг устига.

Яхмум қаттиқ кишнаб юборди. Наххама “фирқ-фирқ” этиб, ўзича кулди.

Аммо қовурғалари саналиб турган бу жониворни таниган Букефал олдинги оёғини тўпиғидан букиб ерни аста-аста, худди силагандай уриб бош эгиб, узун ва чиройли бўйнини гажак қилганча турарди. Улар тумшукларини бир-бирига теккизганча “ўпишиб” кўришдилар. Меҳмон ўзини таништирди. Европа ода-ти шуни талаб қиларди.

– Мен Россинантман. Ламанчлик ғамгин қиёфали рицарь Дон Кихот ҳазратларининг отиман. Ул ҳазрат-нинг инсоният бахти йўлида олиб борган жангу жа-даллари ҳақида эшитгансиз, албатта.

– Худди шундай. Биз қайси юртда ва қайси замонда яшамайлик, ўз қавмларимиз ва уларнинг соҳиблари тўғрисидаги барча воқеалардан воқиғимиз.

Марҳамат, ўзингиз учун ажратилган охур олдига ўтинг, – мулозамат қилди мезбон.

– Оламда бойлик васвасаси! – деган қичқириқдан ҳамма ҳушёр тортди. – Бу йўлда қотилликлар, талон-чиликлар беҳисоб. Одам одамни талайди!

Қичқираётган америкалик талончиларнинг оти Болевар эди. У дарвоза олдида тўхтаб, ичкарига киришдан аввал қаттиқ силкиниб олди. Атрофга тер томчилари сачради. Жаранг-журунг қилган овозлар эшитилди. Унинг эгари қошига четлари букланган сомбреро, бир халта олтин танга, дўли узун қора маузер илинганди. Мезбон уни ҳам тавозе билан қарши олиб, белгиланган охур томон йўналтирди.

“Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади”, бу гапни ким айтган, қандай мақсадда айтган, тасодифан оғиздан чиққанми ёки кузатувлар натижасими бу, нима бўлганда ҳам унда бир заррагина ҳақиқат бор, – хаёлидан ўтказди Букефал. Ҳар бир от йиллар давомида ўз соҳибидан нимадир олади ва пировард натижада унга

ўхшаб қолади. Соҳибининг хулқ-атворига кўникади. Нима мақсадда узангига оёқ кўяётганини тушунади.

Ногоҳ гулдурос садолардан ер вужудида титроқлар туриб, отхонанинг деворлари силкиниб, дарвозалар ўз-ўзидан шарақлаб очилиб, Кўкўғлон кириб келди. Ложувард шуълалар ўйнарди унинг сағрисида. Мажлисгоҳда ҳозир бўлган тулпорлар ҳушёр тортдилар. Кўкўғлоннинг истиқболига чиққан Букефал уни ўзидан қарийб бир қарич баландлигини кўрди. Сийнаси кенг, ёлини ерга солса бир эмас, етти суворийга тўшак бўлади.

“Рости-русти” деган садо янгради. Буюк Соҳибқироннинг шиори курраи заминни тўлдириб жаранглагандек бўлди. Узоқ бош силкиди Букефал. Ерга чўккаламоқчидек эгилиб тиз букиб, жангу жадалларда, ҳарбу зарбларда чиниққан танини илкис кўтарди ва кейинги икки оёғида турганча қаттиқ кишнаб, оғил тўрида ҳамон мунозара қилаётган қавмга буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг тулпори Кўкўғлон ташриф буюрганини билдирди. Йилнинг энг узун тунида анжуманга чорланганларнинг асосий қисми жам бўлди. “Кворум етарли”, хулоса қилди Букефал.

6

Йиғилиш кун тартибига қўйилган асосий масала Аннабель устидан чиқарилган ҳукм муҳокамасига бағишланган эди. Аннабель нима учун ўтда куйдирилди? Руҳонийлар томонидан чиқарилган бундай ҳукм тўғрими? Аннабелнинг ичига ҳақиқатдан ҳам шайтон кириб олган эдими? Отлар шоҳи ташриф буюргандан сўнг биринчи бўлиб, ана шу масала муҳокама қилиниши керак. Отларнинг қарори шундай. Улар кўп кутмадилар. Буроқнинг яшин каби яшнаб, балки осмон чақинларидан минг чандон тезликда шиддат

билан учиб келаётгани маълум бўлди. Аспидухтар отхонасининг шифти қоқ иккига бўлиниб, кўзларни қамаштирувчи ёрқин нур ёғилди. Дарахтлар шохи эгилиб, ерга тегди. Отлар оғизларидан олов сочганча тиз чўкиб, тумшуқларини ерга тирадилар. Ёрқин нур таъсирида бутун борлиқ титраб турарди. Кейин улар ўрnilаридан кўтарилиб, узоқ муддат бараварига кишнаб турдилар.

Отлар шоҳи Буроқнинг туёқлари ерга тегди.

Бир неча дақиқа давом этган ҳол-аҳвол сўрашувдан кейин, муҳокама бошланиб кетди. Шайтон деган жонзот мавжудми ўзи, энг аввало ана шуни аниқлаб олиш керак. Агар шайтон мавжуд бўлмаса, руҳонийлар чиқарган ҳукм ўз-ўзидан бекор бўлади ва “Аннабелнинг ичига шайтон кириб олган эди”, деган даъво асоссиз ҳисобланади, ўз кучини йўқотади.

Умумжамоа ҳукмига биринчи савол ташланди:

– Шайтон борми ёки бу афсонами?

– Бо-ооо-ор! – деган жавоб бўлди савол тугаши билан. Эчкининг маърашига ўхшаган бу овоздан жамоа хушёр тортди.

– Кимсан? Ўзингни кўрсат. Ва фақат рост сўзлайман деб қасамёд қил, – буюрди Буроқ.

– Мен Азозилман. Бу каминанинг энг қадимги номи. Кейинчалик мени иблис, деб атай бошладилар. Лекин кўпроқ шайтон деган атама билан машхурман.

– Машхур бўлмай ўл! – кесатди Гиркўк эшик олдида турган жонзотга ижирғаниб қараб.

Аъзойи бадани кўнғир юнг билан қопланган, бошидаги шохи эчкиникидек дикрайган, туёғи ҳам эчкиникига ўхшаш ғаройиб бир жонзот ўртага чиқди.

Унинг ёнида худди ўзига ўхшаган яна бир жонзот турарди.

– Бу набирам, – тушунтирди Азозил. – Ҳали жуда ёш. Шундай бўлса ҳам дунёнинг ишларига қизиқади.

Қўлидан етаклаб сайрга олиб чиққандим, йўл бўйида ўтлаб юрган отни кўриб қолиб, унинг нималигини сўради. Бу от, жуда яхши, ақлли жонивор, одамлар уни миниб юришади, дедим. Яна бироз юрганимиздан кейин сигирга дуч келдик. Набирам унинг ҳам нималигига қизиқди. Бу сигир, сут беради, одамлар унинг сутини ичишади, зарур бўлса сўйиб ейишади, дедим. Сайрни давом эттирдик. Рўпарамизда бир одам пайдо бўлди.

– Бу нима? – сўради набирам.

– Бу одам, – дедим ва тушунтирдим. – Эҳтиёт бўл, бу жуда ёмон, барча қилғиликларни ўзи қилиб “Шайтон йўлдан урди”, деб бизга тўнкайди, дедим.

– Бу ерга келишдан мақсадинг нима? – Кўкўғлоннинг овозидаги шиддат шайтонни чўчитди шекилли, эшик томон тисарилди.

– Тўхта! – амр қилди Буроқнинг чап ёнидан жой олган Кентхаке. – Қочишни ўйлама. Биласан, мен Будданинг отиман. Бу ерда мендан-да учқур бедовлар турибди.

Шундай деб Бойчибор, Гиркўк, Дўнан турган томонга қараб олди Кентхаке.

Ксанф билан Борисфен пишқириб, ер тепинишди. Кўкўғлон Рустами дostonнинг оти Рахшга кўз ташлаб олди.

– Бу нақ қароқчининг ўзи, – шивирлади Болевар ёнида турган Дилернинг қулоғига тумшуғини тақаб, – мен уларнинг найрангларини кўп кўрганман.

– Билмадим, – жавоб қилди Дилер, – менинг соҳибим ўғрилар тўғрисида кам гапирардилар. Гарчи ўзлари зодагонлар ҳаётини кўпроқ қаламга олган бўлсалар-да, бир умр камбағаллар тарафида турганлар.

– Толстой жаноблари жуда бадавлат граф бўлганлар деб эшитганман, – суҳбатга аралашди Темпи.

– Менинг соҳибим жаноб Фолкнер жаноб Толстойни

хурмат билан тилга олардилар. Нобель мукофотини олишга бораётиб ҳам, айтишларича, “Анна Каренина”-дек улуғ романнинг муаллифини кўп марта хаёлдан ўтказганлар.

– Ўзларининг бадавлатликларидан жуда хижолат чекканлар дейишади, шу тўғрими? – сўради Россинант.

– Шундай, – тан олди Дилер, – бор мол-мулкларини камбағаллар билан бўлишиб, ўзлари ҳам улар даражасига тушишни истардилар.

– Бу қийин эмас-ку?

– Қийин эмас, лекин ул кишининг раъйларига қарши чиқишлар кўп бўлди. Бекамиз ўз оилаларини, болаларини, оқсуяклар орасида тутган мавқеларини кўпроқ ўйлардилар.

– Ҳа, унда бекангиз улуғ ёзувчини “сал анақароқ”, деб дўхтурдан қоғоз олмоқчи бўлганлари тўғрисидаги гап рост экан-да...

– Соҳибим ўз бойликларидан ор қилардилар, – деб гапни бошқа томонга бурди Дилер, – оддий рус мужикларидай кийинардилар. Одмигина бўз кўйлак кийиб, белларини чилвир билан боғлаб юрардилар.

– Демак, ул зот Нақшбандий тарафдори бўлганлар, – изоҳ берди Наххама. – Менинг хожам ҳам “Хилват дар анжуман” деган калимани кўп такрорлардилар. “Сафар дар ватан”, деб ҳам қўярдилар гоҳида.

Букефал қаттиқ кишнаб қавми тартибга чорлади. Шивир-шивирлар босилди.

– Эй Азозил! – дея гулдурос солди Кўкўғлон, – сенинг отлар шоҳи Буроқ ҳузурида туришинг ножоиз. Модомики ул улуғ зотнинг ҳузурларида турган экансан, фақат рост сўзла, акс ҳолда...

– Биламан нима демоқчилигингизни. Агар у киши шу ерда бўлганларида “Бастану куштан” деб, бўйнимни шартга кесиб ташлаган бўлардилар.

– Ундай эмас, менинг тепкимга дучор бўлма, ер қаърига кириб кетасан демоқчиман. Хожам Соҳибқирон-

нинг муборак қиличларини сенинг макруҳ қонингга бўялишига йўл қўйиб ўтирмасдим.

– Бобо, отлар сиз айтгандай яхши жонивор эмаскан, бу ердан тезроқ кетайлик, – деб Азозилнинг қўлидан тортқилади набираси.

– Парпуран! – деди Азозил шайтонлар тилида.

Шайтонча тинчланди. Шу пайтгача сукут сақлаб турган Борисфен ғазаб сочди:

– Сен шайтоний турқинг билан ғазабимни қўзғаяпсан! Дунёдаги энг гўзал от сен туфайли ўтда ёқилди. Агар хошам Октавиан Август ўша замонда яшаганларида бундай қотилликка йўл қўймасдилар. Аннабель омон қоларди.

7

Энди Азозилнинг ҳам жаҳли чиқди. Севимли набираси олдида паст кетгиси келмай Борисфенга гап қайтарди: (Шайтонлар жаҳллари қўзиганда шеър билан фикр билдиришни маъқул кўрадилар) *Соҳибингиз волидаси Атия бир тун Аполлоннинг хузурида қилиб ибодат Уйқусида бир илондан орттирган қулун.*

Гўёки ўз эри билан пок бўлай деб чўмиларкан

Нақ яғринида кўриб қолган худди ўша илон сувратин.

Борисфен: (у ҳам шеърят санъатидан хабардорлигини англашиб қўйиш учун фикрини қофияга солади).

Сен бу билан қай томонга бурасан гапни,

Унутгандай кўринасан адлу адабни!

Азозил:

Яъни хожанг туғилгандир қора илондан.

Борисфен: (Дарвоқе, Октавиан Августнинг оти бўлмиш Борисфен рўйхатдан тушиб қолган бўлса ҳам Аннабель тақдирига доир йиғин бўлишини эшитиб етиб келганди):

Бу худонинг фармойиши, қилма маломат.

Азозил:

Сен худо деб атаганинг кимдир, номин айт.

Шайтоннинг гапни қай томон бураётганини пайкамай қолган Борисфен ғурур билан жавоб қилади:

– Аполлон! Уруш худоси!

Азозил қаҳ-қаҳ урганча, Буроқ томонга қаради ва пичинг қилди:

– У Зевснинг ўғли эмиш, онаси Лето.

У қуёшнинг нури эмиш, деҳқонлар пири,

Туғилганмиш ундан Орфей, Асклепий ва яна Лена.

Буроқ:

Узоқ ўтган замонларнинг хатосини сен

Такрор этиб бунда алҳол топмассан нажот.

Мақсадингни биз англадик, қўзғамоқ низо,

Бўлсин дейсан олам ичра тўполон ғизо.

Наххама:

Шеър айтишни бу шайтонга ким қўйган ўзи,

Ғазалхонлик қилар бунда бўзрайиб қўзи.

Менинг хожам Сулайх бўлса роса қуларди,

Шеъри билан қўшиб буни кулга буларди.

Азозил:

Бу эрмакни одамларга жинлар ўргатган,

Жинлар уни мерос қилиб олишган мендан.

Шундай экан, тилинг қичиб бўлмагин тажанг,

Демак, жиндан таълим олган сенинг ҳам хожанг.

Нелар деган шайх Карихга кекса Хайсагур,

Ўқиб берай, сабр этиб қулоқ тутиб тур.

Азозилнинг қўлида Абу Аъло ал-Маарийнинг “Афв салтанатидан мактублар” китоби пайдо бўлади. Азозил ўқийди:

“Шайх (Ал Карих) жаннат бедовларидан бирига миниб йўлга тушди. Кўп ўтмай у жаннат боғларига ўхшамайдиган, ёруғ дунё нуридан маҳрум, ўтиб бўлмас ўрмон билан қуршалган тангу тор каналлар, нимқо-

ронғи воҳалар устида юксалиб турган тоғли бир воҳага етиб борди. "Бу ерлар кимники?" сўради шайх (ал Карих) ўша ерда ҳозир бўлган бир фариштадан. "Бу Муҳаммаднинг динига имон келтирган ифритларнинг жаннати. Уларни худо ёрлақасин. Ифритлар тўғрисида "Ал Ахкаф" ва "Ал Жин" сураларида айтилган. Шуни билки, улар беадад кўп. "Бир қарай-чи бу ифритларга, – деди шайх, – албатта бу ерда мўъжизалар кўп бўлиши керак".

Ксанф:

– Нима керак бизга унинг айтган чўпчаги?

Рахш:

– Даққи берма, бу гаплар Иблисга алоқадор эмас, у бундан минг йиллар аввал яшаган араб шоирининг асаридан парча ўқияпти.

Азозил ўқишда давом этди: "Шайх суҳбатдошининг исмини сўрайди". Мен сеҳргар Хайсагурман, вурдалакларданман. Яъни, аш Шабсан уруғиданман". Шу жойга келганди Азозил бироз иккиланиб, ўқишдан тўхтаб қолди. Сўнгра беш-ўн қатор ташлаб давом этди: "Одам Ато фарзандларидан бўлган Ал Марзубани исмли шоир жинлар тўқиган шеърларни йиғиб юрарди, менга ўшандай шеърлардан айтиб бер, балки шу тўғрида бирор нарса ёзарман", деб сўраганди шайх, кекса жин эътироз билдирди: "Бу гаплар беҳуда сафсатабозлик... Одамлар бор-йўғи ўн беш ўлчамда шеър тўқишни билдилар ва шундан четга чиқолмайдилар.

Янгилик қиладиганлар камдан-кам. Биз жинлар эса минглаб ўлчамларни биламиз. Одамларга шеър тўқишни бизнинг шумтака, дилозор болаларимиз ўргатишган.

Дарбадар шоирнинг оти Наххама йиғинда ўзидан улуғлар ўтирганини ҳам унутиб, Азозилга хезланди ва унинг кўкрагига оғиз солди. Аммо олов тафтидан лаблари куйиб, ортига тисарилди. Лекин Азозил ҳам

“чўпчак” айтишдан тўхтаб, истиҳола қилганча теграсига қаради. “Бурданак”, дея шивирлади сўнгра тик турганча ухлаётган набирасини турткилаб.

8

– Майли, мен кетаман, – деди Азозил эшик томон йўналиб, – айтганингизча бўлсин, шоирларни камситмайман, уларга раҳмим келади. Чунки ёруғ дунёда ўз меҳнати билан оиласини боқолмайдиган, оти ориқ (шундай деб Азозил Наххамага қараб қўйди) бирдан-бир қавм шоирлардир. Агар гапимга шубҳа қилсангиз, яна ўша китобдан Маслама ибн ал Маликнинг васиятномасини ёд айтиб бераман. Маслама ўз мулкнинг бир қисмини адаб аҳлига васият қилиб қолдирган ва мана бундай деган: “Улар назаримда ҳаммаси бир кунда ва бир вақтнинг ўзида муҳтожлик ва қашшоқлик билан эгизак бўлиб туғилганлар.

Баъзи бирлари муваффақиятга эришиб, дурустроқ яшасалар-да, барибир вақт-соати келиб, бахтсизликка юз тутадилар. Беаёв тақдир уларнинг терисини шилиб олади ва кўп ҳолларда улар нафақат бойликларидан, балки бошларидан ҳам жудо бўладилар.

Наххама бу сафар индамади. Гўё бу фикрга қўшилгандай бошини қуйи солди. Лекин жинларни жинидан ҳам ёмон кўрадиган Россинант чидаб туролмади. Қоқсуяк гавдасини қаттиқ силкитди. Эгар қошига илинган ёғоч найза, совут ва дубулғалар жаранглаб кетди.

– Афсуски, бу ерда Ғамгин қиёфали рицарнинг ўзи йўқ, акс ҳолда мана бу найза Иблиснинг кўксини тешиб ўтган бўларди. Менинг хошам Ламанчилик Дон Кихот бу қавм билан жуда кўп жанг қилган. Биз бўлсак унинг сўзларига индамай қулоқ тутиб ўтирибмиз.

Россинантнинг сўзи Бойчибор билан Дўнанга маъқул бўлди. Дулдул ва Ғиркўк ҳам бош силкиб, бу фикр

тўғрилигини тасдиқлашди ва ўзаро мунозарага киришиб кетишди. “Азозил бизни шу ерда ҳам чалғита-япти”, деди Кўкўғлон ва Буроқ томонга ўгирилиб шивирлади:

– Шоҳим, уни сўроқ қилиш керак. Буни менга топширсангиз, қайси йўл билан бўлмасин, рост сўзлашга мажбур қилардим. Чўпчак айтиб, бизни чалғитмасди.

– Фақат зуғум қилманг, адолат юзасидан иш кўринг, агар Иблисни бу ёруғ дунёдан йўқ қилиб ташлаш зарур бўлганда эди, яратган Тангримиз турфатул айн ичида уни маҳв этган бўларди. Модомики у яшаётган экан, демак, ҳали бунинг мавриди эмас. Майли, бошланг, Контхаке ва Ксанф сизга ёрдам беришади.

9

Суд ҳайъати ҳамма учун кўринарли бўлган алоҳида саҳн устига чиқди.

Уларнинг талаби билан Азозил набирасини жўнатиб юбориб, ёлғиз ўзи ҳайъат қаршисида ҳозир бўлди. Суд жараёни бошланди.

– Аннабелни руҳонийлар ўтда куйдиришди. Бунинг сабаби сенга маълумми?

Азозил:

– Маълум. Сабаби – калтабинлик. Шайтонни ёмонотли қилиш.

Контхаке:

– Ҳукм чиқарилганда ва ижро этилаётганда сен қарда эдинг?

Азозил:

– Бир хонимни бегона эркак билан қовуштириш учун етаклаб кетаётгандим.

Ксанф:

– Буни қандай исботлайсан?

Азозил:

– Бу воқеа катта шов-шувларга сабаб бўлган. Ўша 1535 йилги суд ҳужжатларида бор. Умуман, бу менинг

кундалик юмушим. Аннабелнинг ўлимига келадиган бўлсак, бунга унинг ўзи айбдор.

Кўкўғлон:

– Аниқроқ айт, бу билан нима демоқчисан?

Азозил:

– Руҳоний Аннабелни кўриш учун унинг олдига кирганда Аннабель кўзларини юмиб туриши керак эди.

Кўкўғлон пишқириб ер тепинди. Хона деворлари зириллаб кетди. “Отлар ҳеч маҳал олдига инсон яқинлашганда кўзини юммайди. Сен нега масхарабозлик қиляпсан?!”

Азозил:

– Мен тўғриси айтаяпман, агар кўзини юмиб турганда, омон қолган бўларди.

Кентхаке:

– Бу жонивор кўр экан деб, уни қўйворган бўларди демоқчимисан?

– Йўқ, – деди Азозил биров ўйга толиб, – Аннабель кўзини юмиб турганда, руҳонийнинг гавдаси, узун қора ридоси отнинг нигоҳида акс этмаган бўларди.

Ксанф:

– Батафсилроқ тушунтир!

Азозил:

– Бош руҳонийга қандайдир бир жаноб ранги кўкиш, бадани ярқироқ оқ юлдузлар билан тўла, ғоят келишган бир от совға қилади. Бу Аннабель эди. Бош руҳоний отни кўриш учун унинг яқинига боради. Тўғрироғи, отхона эшигини очиб мўралайди. Ва “Шайтон! Шайтон!!” деганча йиқилиб қолади. Бунинг сабаби оддий. Отларнинг кўзида бутун борлиқ акс этиб туради.

Руҳоний нимқоронғи отхона эшигини очиб қараганда, ташқаридаги ёруғлик, қия очилган эшик ва қора ридо кийган руҳонийнинг беўхшов шарпаси Аннабелнинг кўзида акс этган. Бор гап шу. Руҳоний уни, яъни ўз аксини шайтон деб ўйлаган.

Кўкўғлон:

– Демак, Аннабелнинг кўзларидаги шарпа шайтон эмас, балки руҳонийнинг ўзи бўлган, демоқчимисан?

Азозил:

– Жуда тўғри, худди шундай.

Ксанф:

– Руҳоний ўзини шайтон қиёфасида кўрган демоқ-чисан-да-а?

Азозил:

– Худди шундай.

Контхаке:

– Бу катта гап.

Кўкўғлон:

– Одамлар орасида шайтонсифатлари ҳам оз эмас...

10

Суд жараёни ана шундай давом этаётганда Зеб Стумп чолнинг қари байтали йўлга чиққанди. Саваннадан ўтаётганда тўлғоқ тутиб қадамлари сусайди, оёқлари чалкашиб кета бошлади. Сахро бўриларига ем бўлмаслик ва “нуридийдаси”ни сақлаб қолиш учун сўнгги кучини тўплаб, сўнгги қадамларини босаётганда унинг нолиши отлар шоҳи Буроқнинг қулоғига етди. Ва хаёлига бир фикр келиб, аввал Бойчиборга, сўнгра Рахшга қаради. Бу тулпорлар ўзларига қадалган назарнинг маъносига тушундилар ва дарвозадан чиқиб, Саванна томон ўқдек учдилар. Рабғузий бобомиз айтганларидек зарур бўлганда отлар қанотларини ишга солишади. Сахро томон учган бу икки отнинг таърифини қилиш учун ҳеч бўлмаганда отларни таърифлаш билан шуҳрат қозонган Абу Дуад билан ал Уманий бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам бир даста беда кавшагунча, ҳаял ўтмай ҳавода қанотларнинг шувиллаган овози эшитила бошлади. Бойчибор билан Рахш

Зеб Стумп чолнинг қирчанғисини ўртага олганча учиб келиб ерга қўнишди.

Отлар давра қуриб, байтални ўртага олдилар. Байтал дард азобидан қонталаш бўлиб, олайиб кетган кўзлари билан теграсини қуршаб турган номдор тулпорларга жовдираб қаради. Шу билан бирга хотиржам тортди. Орадан маълум фурсат ўтиб, қулун ерга тушди. Дам ўтмай алпон-талпон қилиб ўрнидан турди. Кўкимтир танаси танга-танга оқ холлар билан безалган бу жонивор ғоят хушбичим эди. Ҳали бутунлай қуриб улгурмаган бўлса-да, унинг танида осмоний ранглар жилоланарди.

- Бу Аннабел-ку! – гулдурос солишди отлар.
- Ҳа, Аннабелнинг худди ўзи.
- Демак, Аннабел йиғинимизга етиб келди.

Тойчоққа тикилиб турган тулпорларнинг кўзларида она елинидан сут эмаётган ушоққина хилқат акс этиб турарди.

Аннабель қайта туғилган эди.

Отларнинг ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолганидан фойдаланган шайтон секин ортига тисарилиб, далага чиқди ва осмонга парвоз қилди.

АЙЛАНАР АРЗУ САМО...

... Санаси белгисиз бир замон. Қаёққа кетаётганларини билмаган ҳолда югуриб боришарди одамлар. Аниқ мақсади ҳам, ихтиёри ҳам йўқ эди уларнинг. Қандайдир кўзга кўринмас куч ҳукмронлик қиларди издиҳом устидан. Ҳадемай ортда қолди уйлар, маҳаллалар, қишлоқлар. Сафлар лаҳза сайин кенгайиб ва кўпайиб борарди. Бетиним югуриш одамларни ҳолдан тойдирган бўлса-да, ҳеч ким бир-бирига ёрдам бермас, аҳволига қизиқмас ва ҳеч нарса сўрамасди, дам олиш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмасди афтидан.

Пўлат ҳам уйдан отилиб чиқиб, оломонга қўшилди. Эшикни қулфламади, уй очик қолди. Атрофга кўз югуртириб жуда кўп таниш-нотанишларни кўрди. Улар орасида яқин дўсти Темир ва бошқа тенгдошлари ва қўшнилари ҳам бор. Қаёққа кетаяпмиз, деб сўрамоқчи бўлди-ю ботинмади. Юзлари хомуш, жиддий, айримларнинг кўзларида ваҳима ва иложсизлик. Бундай пайтда савол бериш ўринсизлигини тушунди йигит ва ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасдан югуриб кетаверди.

Дунёдаги барча товушлар, шовқинлар ва ғала-ғовурлар тинган. Фақат қадамларнинг гурсиллаши, юракнинг дукиллаши, ўпкадан чиқаётган ҳарсиллаш эшитилади. Хувиллаб қолди бозорлар, дўконлар, давлат корхоналари. Улкан дарёга айланди одамлар оқими. “Ер чаппа бўлади” хаёлидан ўтказди Пўлат. Ҳамма бир нуқтага жамланса, Ер ўша томонга оғиб кетади ва биз улкан тоғорадан тўкилган шағалдек тубсизликка ағдариламиз”. Югуриб бораркан, оёғи остида пилдираётган қандайдир оқ нарсани пайқади. Бу чангга ботган оппоққина ит эди. Шунда ортига ўгирилиб, оқимга жониворлар ҳам қўшилганини кўрди. Энди ернинг чаппа бўлиши аниқ. Издихомни тўхтатгиси келди, қичқирди, лекин овозини ҳеч ким эшитмади. Уфқ қон тусига кирди ва лаҳза ўтмай оловранг шуълалар ўчиб, осмон новвот ранг олди, сўнгра қорайди. Одамлар бошига зулмат қўнди. Энди Пўлат ҳеч нарсани кўрмасди. Ҳатто оёғи остида чошиб бораётган оқ ит ҳам қоронғиликка қўшилиб кетди. Бу ҳол ажабланарли эди: “Юнглари қор каби оппоқ жонивор қандай қилиб қора тус олди ёки ўзи қорамиди аслида?” Миясига урилган саволга жавоб тополмади, қоронғилик ичидан Ундинани қидирди. Чунки қизнинг юзи дунёдаги бор оқликдан ҳам оқроқ. Қиз анчадан буён унинг ёнгинасидан югуриб келарди. Аммо Ундинанинг юзи

ҳам итнинг юнгларидек қора бўлганлиги сабабли, тун пардасининг қай даражада қалинлигини аниқлаш, ундан мезон сифатида фойдаланиш имкони бўлмади. Пўлат кўнглини ғаш қилаётган шубҳаларни қувиш учун унинг биллагидан ушлади. Қизнинг кўйлаги ҳил-пирар, сочлари ёйилиб кетган, ўзи ҳарсиллаб нафас оларди. Билаги илиққина. Томирларида ҳаёт дарёси гулдурос солиб оқиб турибди.

...Уфқ бўзарди. Субҳи козиб ўз ўрнини субҳи содиққа бўшатиб берди. Ҳаёт бу улуғ воқеани шарафлаб такбир айтди ва ниҳоят, Қуёш ярқираб кўтарилди. Қоронғилик чекинди. Ҳамма нарса ўз аслига қайтди. Оқ оққа, қора қорага ажралди. Энди Ундинанинг юзи барча оқликдан ҳам оқ, фақат туннинг сурмаранг бўёқлари унинг қошлари, киприклари ва сочларига суркалиб иниб қолгандай. Оқ ит уларнинг ўртасида югуриб борарди.

Тоғлар, далалар ортда қолди. Энди издиҳом бийдай теп-текис, учи кўринмайдиган, ҳад-ҳудуди йўқ майдон ўртасида югуриб ҳаракат қиларди. Бундай жойда уй, чегара, давлат деган тушунча мавжуд эмас, фақат текислик, ихтиёри қўлидан кетган оломон ва жозиб куч бор. Ногоҳ ҳаракат тинди. Сира кутилмаганда оқим таққа тўхтади. Пўлат оёғи учида кўтарилиб, бўйнини чўзганча олдинга қаради. Майдонда фақат қоп-қора бошлар кўринарди. Бамисоли шудгорда тарвузлар юмалаб ётгандай. Аёлу эркак аралаш. Нима сабабдандир, ҳамма бир-бирини ушлаб турар ва бир-бирига томон интиларди. Ундина совуқдан титрай бошлади. Гарчи Қуёш чарақлаб турган бўлса-да, ҳаво салқин. Шунда Пўлат уни ўзига тортди. Қиз йигитнинг кучоғига кириб, унинг вужудига чиппа ёпишди. Одамлар ҳайрат мақомига тушгандай қотиб қолган, кимнингдир буйруғини кутишарди. Шивир-шивир бошланди. Издиҳом юрагига кўрқув ораларди. Дунё-

нинг четига келиб қолган бўлсак керак, ҳадемай Ер ағдарилади ва тубсизликка қулаймиз, деган гап оғиздан оғизга ўтди. Ундина нозик бармоқлари билан кўз ёшларини артарди. Пўлат чўнтагидан рўмолча олиб узатди. Ундина совуқдан ва қўрқувдан баттароқ титрай бошлади. Пўлат унинг мўъжазгина вужудига ўз ҳароратини бериш учун маҳкам кучоқлади, кейин гавдаси билан совуқ изғиринини тўсди. Шу пайт нимадир қаттиқ гурсиллади. Издиҳом бир қалқиб ўрнидан турди. Гурсиллаш иккинчи марта такрорланди. Издиҳом бир муддат титраб турди. Титроқ ички қўрқувнинг натижаси эмас, балки ташқи кучнинг талаби билан содир бўлаётганди. Учинчи гурсиллаш аввалгиларидан минг чандон қудратли эди. Пўлат вужудининг оғирлашиб бораётганини пайқади. Қўлини кўтаришга уриниб кўрди, уддалай олмади. Оёғини қимирлатиш, юриш учун қилган ҳаракати ҳам беҳуда кетди. Атрофга қараб, бошқалар ҳам шундай ҳолатдалигини кўрди. Оёғи ерга михланиб қолганга ўхшайди. Издиҳом оғир қадамлар билан ер устида сирпана бошлади. Пўлат ҳам муз устида рақс тушаётгандай Ундинанинг қўлидан тутди-да, демак, буйруқ шу, деган фикр билан сирғалиб кетаверди. Аммо ихтиёр ўзида эмасди. Қандайдир куч ер остида ҳаракатланар, оёғидан тортар ва ўзи лозим топган тарафга қараб судрарди. Одамлар муз устида чанғи отаётган каби кенг доира ясаб бараварига айланмоқда. Пўлатга ёқмади бу, қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Ундинанинг қўлидан маҳкам ушлаганча тўхтатишга, куч таъсиридан чиқишга ва қизни бошқа ёққа бошлаб кетишга, ҳеч бўлмаганда ҳамма айланаётган томоннинг тескарисига қараб ҳаракат қилишга уриниб кўрди. Балки Ундинани ўша қудратли кучдан рашк қилган ҳамда қизнинг ихтиёрини унинг измидан озод этишга урингандир, аммо эпллолмади. Энди издиҳом тескари томонга қараб ай-

ланарди. Пўлат бунга ҳам қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди-ю барибир ҳамма қатори кўзга кўринмас куч бошқарган тарафга қараб ҳаракат қила кетди.

Тунда ўт ёқиш, дам олиш ва овқатланишга ижозат берилди. Фақат шарт қўйилди: ҳамма қўлини таомга барабар чўзиши, тирсагини барабар букиши, бир вақтнинг ўзида оғзини очиши ва қошиқлар оғзига барабар кириб чиқиши керак. Овқатни чайнаш, ютиш ҳам худди шу тартибда бажарилиши керак. “Начора, кўпга келган тўй”, хаёлидан ўтказди Пўлат. Шундай оғир дамда ёнида Ундина борлигидан қувонди. Ширин халларга берилди: “Бирга яшаймиз, бирга занглаймиз ва бирга ўламиз. Ҳали ўлимгача вақт кўп. Унгача анча ишларни бажаришга улгурамиз. Ана шу ишларнинг энг муҳими, фарзанд кўриш ва кўпайиш. Кўпайиш учун вужудни бошқа бир вужудга пайванд этиш керак. Фақат бунга ижозат бормикин?” Йигитнинг хаёли бўлинди. Издиҳом оёққа қалққан, одамлар турган жойларида оҳиста тебранар ва осмонга қарашарди. Пўлат вужуди енгиллашиб бораётганини ҳис қилди. Ернинг тортиш кучи деярли сезилмасди. Ундина осмонга учиб кетмаслик учун унинг белидан маҳкам қучганча қийқириб куларди, ерга тегиб-тегмай турган оёқларини енгилгина типирчилатарди. Йигит эса осмонга учиб кетмаётганлигининг сабабини қизнинг оғирлиги ҳам ўз вазнига қўшилганидан деб, уни қўйвормасликка ҳаракат қилди. Издиҳом ниманидир кутарди. Яна шивир-шивир бошланди. Осмонга учиб кетмаслик мақсадида ҳамма бир-бирини ушлаб олган. Мисли кўрилмаган улуғ воқеа юз бериши керак эди гўё. Пўлат боши узра чайқалиб турган бўшлиққа қаради. Кўзи тиниб кетди. Осмон деб номланган буюк бўшлиқнинг четлари ернинг теграсига ёки уфқларда юксалиб турган тоғларга эмас, одамларнинг бошига тегиб турганини кўриб, рубъи маскундаги бор халойиқнинг ҳаммаси

шу ерга тўпланганини тушунди. Гўё одамлар боши билан осмонни суяб тургандай. Кутилган воқеа худди ана шу лаҳзада, яъни издиҳом кўкка боқиб ҳайратланиб турганда юз берди. Осмонда Ер курраси муаллақ турарди! Нима учундир Пўлат бу ҳодисани биринчи бўлиб ўзим кўрдим, деган хаёлга борди. Юрагига сиғмаётган қувончни ҳаммага эшитарли қилиб бор овоз билан қичқириб айтгиси келди.

– Қаранглар! Қаранглар! Ер курраси! Ер курраси! Курраи Замин осмонда учиб юрибди!

Йигитнинг нидосига ҳеч ким эътибор қилмади. Ҳатто Ундина ҳам ҳайқириқни эшитмаган, нигоҳини осмони хафтумга тикканча жилмайиб турарди. Шундай катта жисм қулаб тушса мисли кўрилмаган фожиа юз бериши мумкинлигини билишса-да, кимларнидир олқишлашар, кўм-кўк осмон сатҳида муаллақ турган куррага таҳсинлар айтишар ва бундай улуғ тарихий воқеани бошқа бирор халқ, ўзга авлод ёки аждод эмас, ўзлари кўришга мушарраф бўлганларидан фахрланишарди.

– Бу фирқанинг иши!

Пўлат қулоғи остида ана шундай деб шивирлаган кишига қаради ва дарҳол эътироз билдирди:

– Йўқ, халқнинг кучи.

– Нима билан исботлайсиз?

– Халқ қудратли деб эшитганман. Қаранг, боши билан осмонни кўтариб турган ҳам халқ эмасми?!

– Тўғри, кўтариб турибди, аммо кучни қаердан олаяпти? Бу томонини ўйлаб кўрмагансиз, ўртоқ. Халқ кучини фирқадан олаяпти. Фирқа уни илҳомлантириб, сафарбар этиб, қувват бағишлаб турибди.

Пўлат бу одамнинг нуктадонлигига, фикрни ихчаму ишонарли қилиб тушунтиришига қойил қолди-да, сўради:

– А... фирқанинг ўзи қаерда?

Нуктадон одам кўрсаткич бармоғини чеккасига тегдирди, “мана бу ерда”, деди ва сўради:

- Аъзо бўласизми?
- Нимага?
- Фирқага.
- Қаерда аъзо қилишади?
- Истаган бошқўмда.
- Мен фирқанинг тарихини билмайман-да.
- Энди шарт эмас. Аввал кўп нарса сўраларди.

Пўлат иккиланди.

- Ёки фирқанинг кучига ишонмайсизми?
- Ишонаман. Айтганингиздай, шундай оғир юкни халққа кўтартириб қўйган куч – фирқа беҳад зўр бўлиши керак.

- Балли. Уни кўтариш ва халқнинг гарданига қўйиш учун нафақат куч, балки бой тажриба ва билим керак.

- Бу худонинг каромати.

Пўлат энди ўнг ёнида туриб шивирлаётган одамга қаради.

- Ҳа, тангрининг каромати, – такрорлади кўринишидан телпакли михга ўхшаб кетадиган киши ва қўллари осмонга чўзиб, дуо ўқиётган каби шивирлай бошлади.

Худди шу пайт миршаб либосидаги икки киши пайдо бўлди ва унинг қўлларини орқасига қайириб боғлади.

- Олиб боринглар, – буюрди Нуктадон ва Пўлатга қараб “кўрдингми” дегандай жилмайиб қўйди. Йигитнинг юрагига ваҳима тушди. Ундининг қўлидан тутганча секин юриб одамлар панасига ўтди. Қизиқ бир ҳақиқатни англади. “Демак, кишилар гапиришдан кўрқишар ва шу боисдан жим туришаркан”. Ана шу фикр миясига урилиши ҳамон тилини тийишга, ҳеч ким билан сўзлашмасликка қарор қилди. Унди-на йигитнинг енгидан тортиб, осмонни кўрсатди. Улкан соққа майдон устига яна яқинлашиб келиб

дам шарққа, дам ғарбга томон ҳаракатланмоқда эди. Соққа, яъни ер курраси қайси томонга ўтса, издиҳом ҳам ўша тарафга буриларди. Пўлат вужудида оғирлик дам ошиб, дам камаяётгани, гоҳида вазнсиз бир жисмга айланиб қолаётганидан ажабланди. Ногоҳ издиҳом ерга йиқилди. Пўлат ҳам Ундинани қучоқлаганча юзтубан ётди. Лаҳза ўтмай қудратли куч кўзга кўринмас панжалари билан унинг елкасидан тутиб юқори кўтарди. Издиҳом ўрнидан турди. Ер курраси пастлай-пастлай майдоннинг узоқ бир жойига қўнди. Пўлат секин бош кўтариб ўша тарафга қаради. Одамлар Куррага сажда қилишарди. Атроф теп-текис, энди осмоннинг четлари уфққа туташиб турганлигини кўриш мумкин. Ана шу уфқнинг бир четида Ер курраси кузги япроқдек титраб турибди. Пўлат кўрқиб кетди. Чунки Ер куррасини улкан бир мавжудот панжалари билан маҳкам чангаллаб турарди. Мисли кўрилмаган бу ҳодисага узоқ тикилиш мумкин эмасди. Ақлдан озиб қолмаслик учун кўзларини чирт юмиб, бошини ерга, Ундинанинг ипак янглиғ майин сочлари ёйилиб ётган жойга қўйди. Сукунат. Фақат минглаб юракларнинг гуп-гуп...гуп-гуп... этиб урган садоси, томирлардаги қон дарёсининг шовуллаб оқиши эшитиларди. Худди шу пайт нимадир еру осмонни ларзага солиб, гулдурай бошлади. Пўлат қулоқ тутиб гулдурос ичида товушлар, сўзлар ва маъно борлигини англади. Ўзича бу овоз Ота Гулдуросники деган хулосага келди. Хулосани ҳеч ким айтмагани, ўзи ўйлаб топгани ҳамда унга “Ота Гулдурос” деб ном берганидан қувонди.

– Нима қиляяпсан, ўғлим? – сўради Ота Гулдурос. Майдон титраб кетди. Пўлат бу гапнинг ўзига ҳам, ерга юзтубан ётган халойиққа ҳам тааллуқли эмаслигини тушунди. Издиҳомдан ва Пўлат билан дунёдан ташқари эди бу гулдурослар.

– Ўйнаяпман, – жавоб берди бошқа бир овоз.

Бу сас Бола Гулдуросники эди. Момақалди роқ гулдурагандай, осмон ёрилгандай бўлди. Аввалгисига қараганда кучсизроқ, майинроқ ва тиникроқ бўлса-да, барибир жуда қудратли эди бу товуш. Шу қадар қудратли эдики, майдонни тўлдириб ётган издиҳом ўрнидан турса, қўлини оғзига қўйиб карнай қилса ва бор кучи билан бараварига бақирса ҳам унга тенг келолмасди.

– Нимани ўйнаяпсан, ўғлим?

– Соққани.

– Қандай соққа ўзи бу?

Пўлат ҳам Бола Гулдурос ўйнаётган соққага қизиқиб қолди. Лекин бош кўтариб қарашга мажולי етмади. Жим ётиб қулоқ тутди. Бола Гулдурос жавоб қилди:

– Оҳанрабо.

– Булар-чи?

– Одамчалар.

Майдон қаттиқ силкинди. Ердан вулқон отилиб чиқаётгандек қулқиллаган, булкиллаган товушлар эшитилди.

– Ишонмайсизми? Мана, қаранг.

Майдон аввалгидан кучлироқ силкина бошлади.

– Кулманг, дада, одамчаларимни учуриб юборасиз. Улар ҳозир ухлашаяпти. Ана энди уйғонишди. Ишга боришаяпти. Энди мажлисда ўтиришибди. Ҳозир тушлик қилишади.

– Ух, ичимни уздинг!

Шиддатли шамол издиҳомнинг бир қисмини супуриб кетмоқда эди. Буни кўриб, Пўлат Ундинани маҳкам ушлади. Қиз бутун вужуди билан титрарди. Афтидан ҳеч нарсани тушунмас, балки ота-бола ўртасида бўлаётган сўзлашувни бўрон ва зилзила деб ўйларди. Йигит унинг кўзларига тикилиб қараб, шундан ўзга маъно кўрмади. Қудратли кучнинг ҳам устидан

хукмронлик қилувчи куч мавжудлигини илғади, аммо қизга тушунтиролмади.

– Одамчалар дегин-а. Балки халқдир? Одамлар тўдаси халқ дейилади.

– Халқ. Лекин улар жуда тартибли, худди аскарларга ўхшайдилар.

– Қаранг, қандай интизомли. Ёт деса ётади, тур деса туради.

Ота Гулдурос яна кулди.

– Тўғри, булар ҳақиқий одамлар эмас, михчалар, қистиргичлар, пўлат ва темир қириндилари, лекин худди одамлардай ақлли. Ҳамма машқларни бажара олишади. Мана, ҳозир кўрасиз.

Пўлат бошини кўтариб қарамоқчи бўлди-ю, улгурмади. Шиддатли оқим уни майдон бўйлаб яшин тезлигида учириб кетди. Издиҳом зир югуришга тушди.

– Кўрдингизми? – мақтанди Бола Гулдурос кўлини миз остида ҳаракатлантираркан. – Ҳатто бошлиқларини кўришмаса-да, буйруғини сўзсиз бажараверишади.

– Селфида! – қичқирди Ота Гулдурос, – Қаранг, ўғлимиз нималар деяпти. Ўғлимизда, биласизми нима бор?

– Нима боракан, дадаси?

– Раҳбарлик иқтидори бор. Ҳозирданоқ халқни бошқаришнинг рафтани олаяпти.

– Қанақасига халқ бўлсин, темир тақалар-ку? Ота-бола бир-бирларингиздан қолишмайсизлар.

Бола Гулдурос соққани темир устига тарақлатиб ташлади. Издиҳом титраб кетди. Майдон силкинди. Пўлат ва унинг атрофидаги одамлар бўйлари баробар кўтарилиб, яна ерга қуладилар. Ота Гулдурос темир патнис устида сочилиб ётган “халқ”қа қараркан, хаёлига антиқа бир фикр келди. Оҳанрабо соққани кўлига олиб, диққат билан қаради. Сўнгра уни бармоғининг учи билан секингина туртиб, ғилдирата бошлади. Пўлат ва темир қириндилар, михчалар шувиллаб

келиб соққага ёпишарди. Ота Гулдурос анчагача бу машғулотдан кўнгил узолмади. Оҳанрабога қириндиларни ёпиштирар, кўли билан сидириб ташлаб соққан тунука устида ҳаракатлантирарди.

– Ёш бола бўлинг-а, дадаси. Бир ҳудуднинг эгаси бўла туриб темир тақа ўйнашингизни қаранг.

Ота Гулдурос хотинига қараб “жим” ишорасини қилди, сирли жилмайганча унинг қулоғига шивирлади:

– Кашфиёт!

– Нималар деяпсиз, қандай кашфиёт?

– “Б-М”.

– Бюрократия Машинасими?

– Бошқарув Машинаси.

– Ё тавба! Қандай қилиб бошқарасиз?

– Мана бундай қилиб!

Ота Гулдурос чўнтагидан рўмолча олди. Соққани тунука устида бир-икки думалатиб қириндиларни унга ёпиштириб олди-да, рўмолчага ўраб чўнтагига солди. Сўнгра телефон дастагини кўтариб маҳкамага кўнғироқ қилди:

– Тезда ходимларни йиғинг, мажлис бўлади! Кейин Селфидага деди:

– Бугун ходимларимга “Б-М”ни кўрсатаман. Ҳа, Бошқарув Машинаси менинг кўлимда!

...Юз берган кейинги воқеаларни баҳолашга Пўлатнинг ақли етмади. Ундинанинг кўлидан ушлаганча кутиб тураверди. Гулдурослар кучайди, ер титради, сўнгра осмон тобора пастлаб кела бошлади. Ваҳимага тушган издиҳом номаълум тақдир ва қоронғи келажак олдида титраб-қақшаб турарди. Тубсизлик қаърига қулаб тушмаслик учун ҳамма бараварига Ер курсисига ёпишди. Пўлат издиҳомдан ажралиб қолишга, оломоннинг ҳеч бўлмаса бир қисмини тўхтатиб қолишга уринар, аммо уддасидан чиқмасди. Осмон тобора пастлаб келаверди. Энди унинг четларидаги

қўк ва яшил чизиқлар, ўртасидаги чорхона шакллар ҳамда нимранг гулларнинг суврати аниқ кўринарди. Ер курраси бир неча бор ағдарилди, оломон бир неча бор шовқин-сурон билан майдонга қулади. Издиҳом Ер куррасига янада маҳкамроқ ёпишиб олди. Пўлат билан Ундина ҳам улар орасидан ўзларига жой топиб, бутун вужудлари билан ерга қапишдилар. Ётган жойларида Қудратли Кучга тасаннолар айтардилар улар. Чорак аср давом этди бу ҳолат...

Йигитнинг кўзларидан юм-юм ёш оқар, даъватига қулоқ тутишни истамаган оломонни лаънатларди.

БОТМОННИНГ ҚЎШИҒИ

“Эй қанотсиз одамзод...”

Ана шундай бошланарди Ботмоннинг қўшиғи. Қанчалар таассуф бор эди унинг сўзларида ва кўзларида. Ҳақиқатдан ҳам биз қанотсизмиз, ўз маъносида ҳам, рамзий маънода ҳам тўғри бу таъриф, қўшиқнинг давомида айтилганидек бизда “икки оёқ бор”. Афлотуннинг ёзишича, аслида, одамзод тўрт оёққа эга бўлган ва жуда тез югурган. Ҳамма жониворларникидан зиёд бўлган унинг кучи ҳам. Бу ҳолни кўрган юнон худолари хавфсираб қолиб, қачондир одамзод бизга хужум қилади деб инсон вужудини иккига бўлган ва шу икки бўлакнинг биридан аёлни, иккинчисидан эркакни бунёд этган. Шундан буён аёл билан эркак ўзининг иккинчи бўлагини қидирар эмиш. Ҳеч шубҳасиз, Платонни танимасди Ботмон, унинг бу мавзудаги трактатини ҳам ўқимагани, ва шу боис, одамнинг оёғи азалда (ўйлаганидек ва кўриб турганидек) иккита эмас, балки тўртта бўлганини билмасди ва табиийки менинг бошпанам йўқлигидан ҳам хабарсиз эди бу қанотли жонивор. Модомики шундай экан, ҳаётим даво-

мида йигирма беш жойга кўчиб, бировларнинг уйида яшаганимни қаердан билсин?! Йигирма беш! Тасодифни қаранг! Майли бу рақам нега мени бу қадар ғазаблантираётганини айтмай кўя қолай.

... Хуллас, сертупроқ кўчадан терлаб-пишиб борарди Одам. Кун ғоятда иссиқ, гарчи бизга нисбатан шимолий минтақада яшаган бўлса-да, Чехов ҳикояларида бор худди шундай жазирама. Бундай жазирамада оёқ остидан кўтарилаётган чанг ҳам ҳавода узоқ тутиб туролмайди ўзини ва жимгина яна ерга – чатнаб ётган тупроқ устига кўнади. Фақат шилқим ва дилзор пашша-чивинларгина баҳру диллари очилиб парвоз этадилар, одамни қувиб этадилар ва Ботмон айтганидай, беаёв талайдилар уни. Пашша деб ном олган ашаддий космополит бу жонивор тўғрисида Лукиан жанобларининг ёзганлари айтиш ҳақиқат. Ожизлик қилади бундай ҳолатда одам деган ақлли жонзот, қўллари ҳавода қаттиқ тўлғаб, гоҳ ўзининг юзига ва ё бўйнига шапати уриб ҳимояланмоқ ниятида тўлғанади.

...“Эй қанотсиз одамзод!..” деб куйларди Ботмон. Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша қанотсиз одам ўзим эканлигимни англаб қолдим. Яна ўтдим ўша йўлдан, узоқ юрдим ўша йўл бўйлаб ва қулоқ тутдим. Катталиги бош бармоқдайгина қушча тинимсиз сайрарди. Йўл бўйидаги эскигина бино пештоқида ўтирибди, атрофга қарайди, қорамуғдек кўзларида ниманинг ифодаси борлиги менга қоронғи, аммо овозида ўша азалги оҳанг.

Йўлда давом этарканман, илашимли хаёллардан қутулиш учун бошимни қаттиқ силкиб олиб Танзила тўғрисида ўйладим. Одамзод жинсидан бўлган бу қиз ҳам қанотсиз, аммо осмони ҳафтумда учиб юрган бўлса не ажаб, мени назарга илармикан? Танимасдим аслида уни, аммо тақдир ипи омонсиз етаклаб борарди мени ўша қиз томон. Қани энди, қанотим бўлса-ю, учиб борсам... Кўп рамзий маънолар бор Ботмоннинг

қўшиғида. Қанотсизлик – бу иложсизликдир, деган хулосага келдим бир маҳал. Ахир унда ҳали тўғри хулосалар чиқариш қўлимдан келмасди. (Аслида, бу қўлинг эмас, миянинг иши). Бош чаноғим ичида эса ҳали ўзим танимаган Танзиланинг хаёли ва висоли. Хаётда унинг мавжудми ёки йўқлигини билмайман, аммо миямнинг стреатум марказида унинг бор хислату фазилатларини кўтарганча кетиб боряпман.

... Орадан йиллар ўтиб биз учрашдик. Далада, гулзорда ёки йўл бўйида эмас, жухутон маҳалласидаги кичкинагина, агар таъбир жоиз бўлса, товуқ катагидайгина уйчада бўлди бу учрашув. Шу атрофдаги кўчалардан бирида яшайдиган қария аммамнинг уйига кўп марта келганман. Тагичинор кўчасида турардилар аммам. Иккита тоғам бор: бири уйланган, иккинчиси ҳали бўйдоқ. Бўйдоқ тоғам скрипка чаларди. Ва менга қараб агар уйлансанг, тўйингда ана шу куйни чаламан дерди. “Аввал ўзинг уйлан”, дердилар аммам бечора ҳамиша ёшланиб турадиган кўзларини кенг энглари билан артиб ва сукутга ботиб. Менга унчалик ёқмасди бу хилдаги гаплар. Ана шундай ташрифларнинг бирида онам менга ҳамроҳ бўлдилар, тўғрироғи, мени бошқариб борардилар. Аниқ ёдимда, саккизинчи март эди ўшанда, ёмғир аралаш қор ёғиб турарди жухутоннинг тор кўчаларида. Атрофга хавфсираб қарадим ва сўрадим:

– Она, мени қаерга олиб боряпсиз?

Оғир хўрсинди жафокаш онам, сукут қилди бир муддат, афтидан, айтадиган гапларини тарозига солиб кўрар ва менинг айниб қолмаслигим учун жўяли гап қилишни ўйлар ва яна қандайдир режалар тузарди онагинам. Қадамларим сусайиб тўхташни мўлжалладим, тайсалладим десам, балки тўғрироқ бўлар... Ортига ўгирилиб қаради онам. Ва сира кутилмаганда шундай деди:

– Агар бормасанг, ўзимни ўлдираман!...

Мен ашаддий меланхолик ва ўта ғамзунук йигит эдим. Шунга қарамай, кулгидан ўзимни тийиб қололмадим. Онам йиғлаб юбордилар. Шундагина масаланинг ғоят жиддийлигини англадим. Чунки бу гапни иккинчи бор такрорламоқда эдилар бечорагина онам.

2

Бундан анча аввал ёз кунларининг бирида ишдан кеч қайтдим ва онамни тандирхонанинг остонасида ёлғиз ўтирганларини кўриб ичимдан зил кетди. Тўхтаб қолиб, тикилиб қарадим. Ҳа, қоронғида остонада ўтирган менинг онам, энг оғир дамлардагина шундай ҳолатда ўтиради аёл. Остонада ўтириш бехосият иш, аммо ночор қолганда шундай қилишдан тоймайди аёл зоти. Нохуш бир нарсани сезди юрагим ва сўрадим:

– Нимага бундай ўтирибсиз, она?!

– Ўзимни ўлдираман!.. – деган нидо келди қоронғи тандирхона оғзидан. Кўрқинчли ва беҳад ғамли эди бу манзара. Узоқ йиллар давомида тутун пуркаган эди тандир деворлару эшиксиз эшик пешонасига. Қуёш эса маҳзун лаҳзалар таъсирини янада кучайтирмоқчи ва бу билан муштипар аёлга кўмак бермоқчи бўлгандек, беомон ботиб борарди.

– Нима учун, она? – сўрадим, гарчи нима мақсадда онамнинг бундай қарорга келганини тушуниб турган бўлсам-да, талмовсираб. Аслида, сабабини кўп марта эшитгандим, ётиғи билан ройиш қилардилар авваллари онам. Укаларимдан иккитаси уйланган, учинчиси ҳам уйланишга ҳозирлик кўрар ва мен, оиланинг тўнғичи бўла туриб, ҳамон бўйдоқлигим қаттиқ ташвишга соларди онамни. Одамлар маломат қилаётганини тушунтирдилар бир неча бор, аммо тўнғичининг розилик билдириши қийин кечди. Ана шундай кунларнинг бирида, ёз пайти товуқларга катак қуриш учунми, ёки оғил деворининг емирилган жойларини суваш учунми, аниқ эслолмайман, лой қораётганимда

уйимизга меҳмон келди. Бири аёл, бири эркак, ёшлари элликларда бор. Мени ҳам меҳмонлар ўтирган хонага чорлашди. Наридан-бери ювиниб хонага кирдим. Турли ширинликлар ва ичимликлар турарди стол устида. Менга қизиқиш билан қарашди меҳмонлар ва нима сабабдандир, бироз ўнғайсизланишди ҳам. Зиёфат сўнгида менга мурожаат қилдилар онам: “Ўғлим, суратларингдан бўлса, бир донасини олиб кел”. Қора кўйлак кийиб, ўйчан қиёфада тушган суврат қўлимга илинди. Бепарвогина қарадим сувратга: ариқча бўйида қўлларим билан тиззамни қучганча ўтирибман. Ён томондан олинган сувратда бурним бироз узунроқ кўринади. Сочим қалин ва мумдай қоп-қора. Меҳмонларнинг аёли суратга узоқроқ тикилиб қолди, эркак меҳмон сувратга қарадими, йўқми, билмайман. Онаминг ўтир ўғлим, деб илтижо қилишларига қарамасдан хонадан чиқиб кетдим. Масаланинг моҳиятига тушунгандай эдим. Эркак ҳам, яъни менинг бўлғуси қайнотам ҳам сувратга қараган албатта. Чунки ҳар қандай даврада сувратнинг қўлдан-қўлга ўтиши табиий ҳол. Яна лойга уриндим, меҳмонлар ҳовлини тарк этишди... Бахт қуши бошимга қўнишидан анча аввал рўй берган ана шу воқеалар таъсири ҳанузгача ҳароратини йўқотгани йўқ.

3

... Мана энди биз белгиланган маконга томон боряпмиз. Сувратимни олиб кетишган эди меҳмонлар ўшанда. Қизга, яъни менинг бўлажак хотинимга кўрсатишган албатта ўша сувратни, боришимиз билан қиз мени танийди. Саволимга анча кеч жавоб қайтардилар онам, “совчиликка”, дедилар бироз кўз ёши қилиб олганларидан кейин. Хуллас, биз учрашган уйда чоғроққина дастурхон безаб қўйилганди. Бурчақда катталиги нари борса ёнма-ён қўйилган иккита китоб

ҳажмида телевизор. Хира қор пардаси ортидан кўри-
нарни қандайдир одамлар ва ҳаракатлар. “Фигурная
катания” деган спорт тури экан. Иккита қиз биз ўтир-
ган хонага кириб-чиқиб, дастурхон тузашмоқда. Бири-
нинг сочи семиз одамнинг болдиридай йўғон, битта
қилиб ўриб орқасига ташлаб қўйилган. У пайтда қиз-
лар сочларини йиғиштириб, майда ўриб, саранжом-са-
ришта қилиб юришарди. Шўхроқ қизлар европалик
дугоналарига тақлидан, “Я у мами дурочка” “яъни
“мен онамнинг тентакчаси” деган причёска қилишар,
табиати оғирроқлари эса “лошадка” билан чекланар-
дилар. Сочни битта қилиб ўриб қўйиш кўпчилик евро-
памижоз қизларга хос эди. Назардан қочирмадим ҳар
иккала мезбон қизни ҳам. Буни пайқадилар онам ва
“анависи” деб ияклари билан имо қилиб, сочи улоқча-
нинг думчасидай ўйноқлаб турган қизни кўрсатдилар.

... Кўп сувлар оқиб ўтди ўшандан буён, гоҳ лойқа-
ланди, гоҳида тиниқ тортди мен айтган сувлар. Мана
энди ёшим бир жойга бориб қолган, ўзим ҳам тиниқ
тортганман, сочларига оқ оралаган кампирча ўтириб-
ди ёнимда. Ундан ярим ҳазил овозда сўрайман:

– Сен Ботмон деган қушни биласанми?

– Биламан. Боши ва томоғининг таги қора рангда,
худди қора рўмол ўраб олгандай. “Чилим-чилиим”, деб
сайрайди.

– Йўқ, сен айтаётган қуш Потмачумчук, ҳовлилар-
да ёлғиз ўзи юради, тинимсиз думини силкиб туради,
жуфти билан юрганини ҳеч кўрмаганман. Ботмоннинг
жуссаси ундан ҳам кичик, бош бармоқдайгина, аммо
кичик бўлса ҳам, ҳикматга тўла унинг боши.

– Нима деб сайрайди? Кеча “Хамса”дан Чаковак
деган қуш тўғрисида ўқиб берган эдинг, Ботмон дега-
нинг мабодо ўша қуш эмасми, сен ўзингча ном қўяве-
расан, баъзида.

Хуллас, бироз чўзилган мунозаралар сўнгида биз
Ботмон яшайдиган ўша ташландиқ уйча томон йўл ол-

дик. Бунинг учун Такия деган қишлоққа боришимиз керак эди. Жуда кўп қишлоқларнинг қиёфаси ўзгарди замоннинг зайли билан, аммо Такия бундан юз йил аввал қандай бўлса, шундайлигича қолган. Демакки, биз излаган қушчанинг ини бузилмаган. Қишлоқ кўчасидан борарканмиз, ногоҳ қулоғимга урилган таниш ноладан дилим ҳаприқиб кетди. Ботмоннинг овози! Тупроғи билқиллаб ётган йўл устида тўхтаб, атрофга алангладим ва ташландиқ уйча пештоқида турган қушчани кўрдим. Унинг сайрашига бир дам қулоқ тугиб турдик биз. Бу сафар Ботмоннинг кўшиғини охиригача эшитмоқчи ва хулоса чиқармоқчи эдим. Сен хув анави қайрағоч тагига бориб соялаб тур, дедим Танзилага, зеро ҳаддан зиёд иссиқ эди кун. Ёлғиз ўзим қолиб қулоқ тутдим бу антиқа жонзотнинг ноласига. Азалдан таниш эди менга Ботмоннинг кўшиғи. Қаерда эшитганман, қайси китобдан ўқиганман, эслолмайман буни, аммо “Эй қанотсиз одамзод” деб бошланадиган ўша шеър ёдимда қолган.

... Кўп антиқа воқеалар ўтди бошимдан. Турли хулосалар чиқардим бу воқеаларни таҳлил қилиб ва пировардида англаганим шу бўлдики, ҳар қандай буюк одам ҳам Ботмоннинг кўшиғида айтилган ҳикматдан четда яшамас экан. Қанотсизлик қисмат экан инсонга. Шундан буён иложсиз қолганимда, чорасиз қотганимда ва ғамга ботганимда Ботмоннинг кўшиғини айтаман ва таскин топаман:

*Эй қанотсиз одамзод,
Сенда икки оёқ бор.
Қанча катта бўлсанг-да,
Пашша чивинга емсан.
Мен-чи, кичик бўлсам-да,
Пашша-чивин менга ем...*

ВАҚТ ФАЛСАФАСИ

Танзилага

1

Вақтни тўхтатиш мумкинлигини англаган куним ҳаётимнинг узилиш ва қайта уланиш нуқтаси бўлди. Бу нуқталар улуғвор кашфиёт олдида турган одам учун зиғир донасича ҳам аҳамиятга эга эмас. Вақт тўхтаса, Ифбат қаримайди. Унинг юзларига ажин тушмайди ва у ҳеч қачон Тўхта момога ўхшаб букчайиб қолмайди. Айтишларича, Тўхта момо ёшлигида жуда дилрабо қиз бўлган. Мана, энди лаблари шафтолиқоқидек қурушган, яккаю ягона сўйлоқ тиши қоронғи ғор оғзига тираб қўйилган ёғочни эслатади. Худди ўзидек эгри ҳассаси ва букчайган қадди, чақчайган кўзлари ва томоғи остида эски латтадек шалвираб осилиб турадиган териси ва умуман бутун қиёфаси билан байни ялмоғиз кампирнинг ўзи. Момонинг айби йўқ, бу вақтнинг иши. Мен оралиқдаги вақтни йўқ қилиб ташлаб, ёки ортга қайтариб Тўхта момони навниҳол қиз кўринишида тасаввур этишга кўп марта уриниб кўрганман. Аммо ...

Тўхта момони учратиб қолсам, унинг ҳамиша тўзғиб ётадиган пахтадек оппоқ сочларига қараб беихтиёр Ифбат билан солиштираман. Бир куни уларнинг юзма-юз турганларини кўриб бемисл контраст ҳолат қаршисида лол қолдим. Кампирнинг зағчаникидек қоп-қора қоқсуяк бармоқлари қизнинг оппоқ ва нозик билагидан худди балиқ ушлагандек маҳкам чангаллаб турарди. “Балиқ ушлаган зағча”. Гарчи ҳаёт ҳақиқати-га мос келмаса-да, назаримда бу энг мос ўхшатиш. Кампирнинг эғнида уवादаси чиққан тўн. Ифбат зарғалдоқ рангдаги нафис поплин кўйлақда... Бири иккинчисига тамоман зид бу ғаройиб манзара сира кўз ўнгимдан

кетмай қолди. Вақтни тўхтатиш устида тажрибалар олиб борарканман, биринчи навбатда Иффатни ва ундан кейин бутун инсониятни қариллик балосидан халос этишни ўйлаб, кафтимни қулоқларимга босганча кўзларимни чирт юаман. Қоронғилик ичра қолган Вақт гўё йўқолган дунёни излаб бўзлайди. Назаримда унинг гувраниши кечагидан ўзгачароқ. Шу пайтгача вақт бутунлай абстракт тушунча эди. Яъни унинг мавжудлиги борлиқнинг эскириб бориши, фасллар алмашинуви, одамларнинг қариб бориши, ўлиши ва уларнинг ўрнига янгилари келишига қараб, нималардир туйғуларимизга таъсир этарди. Ва биз инсонлар унинг таъсирини емирилган борлиқ ўрнида янгисининг бунёд бўлишида кўрардик. Модомики, энди мен ўз тажрибаларим билан вақтни тўхтатиш имконига эга бўларканман, демак, дунёни қаришдан ва емирилишдан сақлаб қола оламан!

2

Бир неча кун ана шундай кайфият билан юрдим. Кўча-кўйда одамларнинг менга ажабланиб қараши, ўзларини четга олиши ва менга йўл бериши ҳамда уларнинг юз-кўзларидаги ифодалардан пайқадимки, мен бошқаларга ўхшамайман. Укам Ширвоннинг келиши ва ўртамизда бўлиб ўтган суҳбат фикрим тўғри эканлигини исботлади. Ширвон юзимга тик қарай олмади. Фикрини ҳам очиқ айтолмай ямланарди. Мен атайлаб нигоҳимни ерга олдим ва сен буюклик қаршисида турибсан, майли, қараб ол дегандай, ер шохлаб туравердим. Аммо лабларимдаги табассум, тиришган пешонамдаги қатор-қатор чизиқлар, кўзларимда зухур этган фикрчанлик ва ўйчанлик буюклик аломати эканлигини англашга укамнинг қурби ва фаросати етармикин? Бу ҳолатни хаспўшлашга бўлган интилишим беҳуда кетди. Ширвоннинг кўрпача чети-

да қимтинибгина ўтириши, овозидаги титроқ оҳанглар, бошидаги ола дўпписини ҳадеб айлантиравериши, ва ёш боладек бурнини тортиб-тортиб қўйиши менга кўп нарсани маълум қилди. “Ака...” деди ниҳоят иродасини бир жойга жамлаб, укам:

– Ака...

Ширвоннинг овози жуда узоқдан, вақт девори ортидан эшитилди. Бош кўтармадим. Сукутга бордим. Укам истиҳола қилар ва афтидан, гапни нимадан бошлашни билмасди. Ниҳоят, узоқ жимликдан кейин у яна тилга кирди:

– Ака, нима учун бундай қиласиз?.. Одамлар маломат қилишяпти. Онамиз бечора оҳ уриб, “бобосига тортди” дейдилар-у, қандай қилиб бобомизга тортганингизни тушунтирмайдилар. Докторлар бўлса “у кишини уйлантириб қўйиш керак”, дейишяпти...

“Маломат” ва “докторлар” деган сўзларни эшитиб, укамга раҳмим келди. У адабий тилда гапиришга ҳаракат қиларди. Менга ёқиш учун, албатта. Маънодор бош тебратиб унга далда бердим. Шууримда эса “Қанчалар буюк бўлмай, мен акангман ахир, нега мендан чўчийсан?” деган сўзлар йиғиндиси. Жигаргўшамни кўрқитиб юбормаслик учун юз ифодамни кескин ўзгартирдим ва кўзларимга ёқимли ифода бериб бош кўтарарканман, укам шошқин бир ҳаракат билан ўрнидан туриб ортига тисарилганча, эшик томон чекинди. Ҳақиқий буюклик билан юзма-юз келганлиги ва ўзини ожиз сезиб чекинаётганлиги унинг кўзларидан яққол кўриниб турарди. Укамнинг ўрнида бошқа ҳар қандай киши бўлганда ҳам шундай қиларди, албатта. Неча йиллардан буён уни кўрмагандим. Озиб-ёзиб бир келган жигаргўшамнининг бундай тарзда чиқиб кетишини истамасдим. “Кўрқма, Ширвон, мен аканг Тавошарман”, деганча ўрнимдан турдим-да, уни бағримга олиш ниятида қучоғимни кенг очиб, бир неча қадам

қўйдим. Ва бу бахтли оннинг лаззатини олдиндан чуқурроқ ҳис этиш учун кўзларимни юмиб олдим. Эшик тарақлаб кетди. Кўзимни очиб қараганимда Ширвон жон ҳалпида қочиб борарди...

3

Тажриба ўтказиш ва кузатишлар мени обдан толиқтиради. Ўзимни бирозгина чалғитиш мақсадида Вақт девори кемтигидан бўйлаб қарайман. Болалик дунёсида қолиб кетган манзаралар. Ҳамма нарса оддий ва ибтидоий: Кекса тут дарахти, ёлғизоёқ йўл, тахта кўприк... Барчасида шафқатсиз вақт тамғаси бор. Кўксимни деворга маҳкам босиб турибман. Юрагим зарбидан девор титраётгандай. Соат ўн иккига яқинлашмоқда. Одатда, худди шу пайтда: баъзан бироз олдинроқ ёки кейинроқ челақ кўтарган бир қиз сувга ўтади. Мен яшайдиган ҳовлининг адоғида чашма бор. Усти айвончали. Чашмадан қирқ қадамлар юқорида шарқираб оқиб ётган ариқ бўлса-да, қишлоқ қизларининг ҳаммаси чашмадан сув олишни яхши кўришади. Бу ер уларнинг сирлашадиган маскани. Ифбатни биринчи марта шу жойда учратганман. Ўшанда бирор оғиз ҳам гаплашмадик. Қиз сувга лиммо-лим тўла челагини илкис кўтариб, бошига қўйди ва шу ҳолатда менга бир қараб олди-ю, жўнаб қолди. Кейинги учрашувларимиздан бирида мен чашманинг тарихи тўғрисида мутлақо ёлғон бир афсона тўқиб унга сўзлаб бердим. Туни билан гоҳ ухлаб, гоҳ уйғониб, алоқ-чалоқ тушлар аралаш тўқилган менинг ёлғоним мана шу чашма ўрнида ёрини йўқотиб йиғлаб ўтирган бир қиз ва унинг севгиси ҳақида эди. “Ана шу чашма, – хулоса қилдим мен, – ўша қизнинг кўз ёшлари”. Қисқагина, бор-йўғи бир неча дақиқага жо бўлган суҳбатимиз қизгинага ўз таъсирини ўтказган эдики, унинг қадам ташлашига қараб хаёли паришон бўлганлигини англадим.

Бу ҳолат елкаси бўйлаб кенг ёйилган жамалагининг тебраниши, жамалак учидаги потисқаларнинг ўзгача жиринглаши ва боши устидаги челакдан сувнинг чалпиб-чалпиб тўкилишида ўз ифодасини топган эди. Демак, у ташқи оламдан узилиб, ўз ички дунёсида сайр этарди. Унинг ортидан қараб турдим. Жамалагидаги садаф тугмаларда куёш нури ўйнар ва челакдаги сув чалпиб-чалпиб тўкиларди. Кейин орадан кўп йиллар ўтди, биз бошқа учрашмадик. Аммо мен хаёлан Ифбат билан бирга яшардим. У билан ҳар кун суҳбатлашар, унга бағишлаб шеърлар тўқирдим. Гоҳида эса хўжайилик дўстим Ҳайитбой Абдисодиқнинг айни пайтдаги ҳолатимга монанд мана бундай сўзлари ёдимга келарди:

*Нимадир шитирлар боғда,
Кўрқма, дейман севгилимга.
Кўлларини маҳкамроқ ушлайман,
Юрагим “дук-дук” уради.
Вақт муаллақ туриб қолади
менинг тепамда.*

4

Орадан беш йил ўтди. Университетни тугатдим ва қишлоғимга қайтдим. Аммо энди чашма ҳам, мен яшайдиган ҳовли ҳам, ёввойи бутазорлару сўқмоқ йўллар ҳам йўқ. Болалигимиз билан боғлиқ хотираларнинг айрим лавҳаларигина ярқ этиб, хаёлда намён бўлади. Энди бу макон чигирткалар босқинидан кейин ҳувиллаб ётган даладай кўримсиз бўлса-да, мен учун қадрли. “Сени ҳеч кимга бермайман” деб кичқиргим келади-ю, истиҳола қиламан. Қадимий қишлоқ ўрнида қад ростлаган шаҳарчанинг шовқин-сурондан холи гўшалари ҳам бор. Ана шундай гўшалардан бири “Куркуллум” савдо мажмуасининг шимолий тарафи-

даги “Калта хиёбон”. Аслида, бу хиёбон шаҳарчани тенг иккига бўлиб ўтадиган анҳорга бориб туташган бўлса-да, куркуллумчилар қурган улкан иншоот уни қоқ ўртасидан иккига бўлиб қўйган ва энди хиёбоннинг шимолий қисми одам кам юргани сабабли хилват чакалакзорга айланган. Савдо мажмуасида Иффатнинг акаси ва унаштирилган йигити ишлайди. Аммо улар пул тўплаш васвасаси билан шу қадар бандки, бино ортида соя-салқин хиёбон борлиги ва бу хиёбонда бизнинг учрашиб туришимизни балки билишмайди ҳам.

Вақтни тўхтатиш ва инсониятни кексайиш, ҳаттоки ўлимдан халос этиш истаги, режалари бошимда ғужғон ураркан, шу улуғвор туйғулар таъсирида Иффатни кўргим келди. Чунки барча туйғулару ҳиссиётлар марказида зарғалдоқ кўйлакли қиз турарди. Албатта, унинг бошқа либослари ҳам бор. Иффат бадавлатгина қиз. Отаси катта фермер. Унаштирилган йигити “Қуркуллум”да бошбух. Акасининг “Каптива”-си бор. Шундай бўлгач, унда кийим-кечак муаммоси йўқ. Мен эса уни ҳамиша зарғалдоқ кўйлақда кўргим келади. Рассомларга хослик... Бу қавм инсон қиёфасидаги ўзига хос бирон-бир чизгини хотирасида қаттиқ сақлайди ва уни сувратда бўрттиради. Ўн йилдан кейин ёки юз йилдан кейин қарасангиз ҳам сувратдаги қиз қаримайди, очилиб турган гул сўлимайди, қуёш ботмайди. Вақт тўхтаб туради.

5

... Иффат ҳамишаги жойимизда ўтирарди. Боши эгик. Бир ўрим сочи кўкси устида қабариқ шакл ҳосил қилиб тиззасига тушган. Қўлида заъфарон япроқ – сариқ ранг ҳукмида қолган терак япроғи – бандига яқин қисми яшилтоб, учлари қизғиш тус ола бошла-

ган. Сарик ранг – Ван Гог тасаввурининг оҳанрабоси. Қизнинг ҳолати эса кузнинг ўзидай сокин. Умуман, Иффатда кузга хос жиҳатлар кўп. Мен вақтни айнан шу ҳолатда тўхтатиб қўйсам, дейман. Сокинлик. Заъфарон ранглар ва ана шу ранглар арсадида ўтирган қиз. Йўқ, рассом сифатида эмас. Дунёни бир варақ қоғозга жо этадиган бу санъатдан йироқман. Вақтни тўхтатиш қўлимдан келишига эса ўзимдан бошқа ҳеч ким ишонмайди. Дунё пайдо бўлганидан буён вақтни жиловлашга ҳеч ким уриниб кўрмаган. Мантиқан олганда мен ҳақман. Уриниб кўрмагандан кейин қандай қилиб бирон-бир натижага эришсин! Мен эса тажрибалар ўтказяпман. Бунинг учун энг аввало, вақт оқимини ҳис қилиш керак. Уни эшитиш ва ҳатто кўриш ҳам мумкин! Ҳа, худди шундай: қўлингиз билан қулоқларингизни маҳкам беркитинг. Гоҳида кафтингизни бирозгина бўшаштириб, қабарик ҳолатда тутинг, шунда улуғвор бир гувраниш эшитилади ва сиз вақтнинг шиддатли оқимини ҳис этасиз. Бу гувраниш қанчалик ваҳимали бўлмасин, ундан ажралгингиз келмайди. У беҳад чуқур ва бепоён. Бутун борлиқни қамраб олган ҳад-худудсиз ана шу оқимда ўзингиз ҳам оддий ва ожиз бир хас ёки бир зарра каби сузиб бораверасиз. Ва шу ҳолатда уни тадқиқ этишга, англашга интиласиз.

Мен вақтнинг шовурини кашф этганимга кўп йиллар бўлди, аммо бу ҳолатни нимага йўйишни билмадим. Шунчаки ўйин, эрмак сифатида қарадим. Тўғрироғи, бу гувранишнинг ҳақиқатан ҳам вақт оқими эканлигига аввало, ўзим ишонмадим ва бошқаларни ҳам ишонтира олмадим. Ногоҳ бир кеча алламаҳалда уйғониб кетиб бошимда кучли шовқин, миллионлаб жизилдоқларнинг бараварига “жаззи-и-ит! Жаззи-и-ит!” деган овозини эшитдим. Овоз ташқи дунёдан келяптими ёки миямнинг мубҳам қаватларида ҳосил

бўляптими, буни билиш учун тўшагим устида чўкка-
лаб ўтирганча, кулоқларимни кафтим билан маҳкам
беркитдим. Жизилдоқлар овози тинмагани ҳолда,
коинотни қамраб олган соҳир бир гувраниш шууримга
урилди. Аммо бунинг вақт оқими эканлигини орадан
анчагина ою кунлар, балки йиллар ўтиб англадим. Ме-
нинг тажрибаларим ва доимий машғулотим кейинча-
лик Хронохрон ускунасини яшаш ва вақтни тўхтатиш-
дек оламшумул кашфиётга бориб тақалди. Ускунанинг
Хронохрон деб номланиши кўп нарсаларга боғлиқ. Ав-
вало, “хроно” сўзи юнонча вақтни англатишига, ундан
кейин, файласуф Бахтиннинг хронотоп назариясига
асосландим. Хронохрон ташқи кўринишидан қумсоат-
га ўхшаш ускуна. Уни айнан шу шаклда яшаш, вақтнинг
тепадан пастга томон бир маромда қуйилиб туриши-
ни кузатиш бундан кўп йиллар аввал бир дўхтирнинг
қабулида бўлганимда, унинг хонасидаги қумсоатга қа-
раб туриб хаёлимга келган. Кейинчалик шаҳар дўкон-
ларидан худди шундай соат изладим. Вақт – қум. Ёки
қум – вақт. Кўнғиртоб майда заррачалар шиша мосла-
ма ичида бир маромда оқади ва вақт оқимини аниқ
кўрсатади. Балки у қадар аниқ ҳам эмасдир, ҳар ҳолда
унга қараб вақт оқимини кўриш мумкин. Дўконларда
эса қумсоат сотилмас экан. Аммо фикримдан қайтма-
дим. Шундай соатим бўлишини жуда-жуда истардим.
Узоқ уринишлардан кейин эскигина бир қумсоатни
қўлга киритдим. Уйга олиб келдим, бир неча кун унга
телмилиб ўтирдим. Қумсоатнинг тепадаги бўлмачаси
бўшаб қолиши билан назаримда вақт ҳам тўхтарди.
Шунда мен бу антиқа ускунанинг ўймакор поячасидан
авайлаб тутиб, “Оёғини осмондан” қилиб қўяман. Ас-
лида, унинг бош-оёғи йўқ. Ҳар иккала шиша бўлмача
ҳам бир хил шакл, бир хил сиғим ва бир хил кўриниш-
га эга бўлиб, уларни уч дона ёғоч устунча бирлашти-
риб туради. “Оёғини осмондан қилиш” ёки тепадаги

бўлмачанинг қуми тугаб қолиши билан вақтнинг тўхташи, албатта бу тасаввур ҳосиласи. Хуллас, мен ясаган хронохрон ускунаси шаклан қумсоатга монанд. Энди бу мўъжизадан фақат ёлғиз ўзимгина баҳраманд бўлишни ўйлар ва бу буюк кашфиёт олдида ўзим ҳам ожиз эдим. Айни пайтда ҳали ҳеч кимга насиб этмаган бахт туйғуси билан яшардим.

... Ифбатнинг ёнидан жой оларканман, кафтларим билан қулоқларимни беркитдим ва қизга ҳам шундай қилишни уқтирдим. Биз шу ҳолатда анчагина ўтирдик. Кейин мен қизнинг юзига қараб сирли жилмайдим ва овозимга сирли тус бериб сўрадим:

- Нимани эшитдинг?
- Ҳеч нарсани.
- Ҳеч нарсани? Наҳотки!?

Унинг жилмайиб ва айни пайтда ажабланиб, шу билан бирга, савол назари билан қараб турганини кўриб мен ҳам ажабланганимни яширмадим. Аксинча, кўзларимни катта-катта очиб, қошимни чимирганча бир лаҳза қотиб қолдим. Менинг бу ҳолатим уйқудаги ипак қуртини эслатарди. Кейин кутилмаганда ўзимда улкан бир журъат сезиб, унинг қулоқларини кафтларим орасига олдим. Қиз буни кутмаган бўлса-да, қаршилиқ кўрсатмади. Биз шу пайтгача ёнма-ён ўтириш, нари борса қўл бериб кўришиш ва қимтинибгина сўзлашишдан нарига ўтмаган эдик.

6

Октябрь. Зардолулар, олчаю алволилар арғувон либосда. Фақат тут дарахтларининг япроқлари заъфарон. Ифбатнинг кўйлагига монанд. Агар ҳозир Ифбат тут дарахтининг устига чиқиб ўтирган бўлса, мен унинг фақатгина оппоқ юзини ҳамда қоп-қора соч турмагини фарқлашим мумкин. Табиат вақт таъсирида. Ифбат ҳам. Сочини боши узра турмаклаб юриши

менга ёқади. Саксонинчи йилларнинг аёлларига ўхшайди. “Турраи таррорингга салламно”, деб таҳсин айтаман ичимда. Сочни бундай турмаклаш унинг ёшини бироз катта қилиб кўрсатади. Бу энди вақтнинг иши эмас, аммо гапнинг сирасини айтганда, вақт жуда ақлли хилқат. Шошилиш унга ёт. Бир маромда ишлайди, масалан, юзингизга қачон ажин тушганини сезмай қоласиз. Ҳеч ким, айтайлик, “ўнинчи октябрь соат ўн иккидан уч дақиқа ўтганда юзимга ажин тушди”, деёлмайди. Дарахтларнинг япроқларидаги ўзгаришлар ҳам худди шундай содир бўлади. Ҳа, вақт илондай муғомбир.

Иффатни кўрмаганимга ҳам анча бўлди. Энди бир йўла тажрибаларимни якунига етказиб, кейин унга рўбарў бўлсам дейман. Чунки вақт кетяпти, шошилмоқдаман, Тўхта момо соғ-омон юрибдимикин ўзи?.. Деворга осиб қўйилган тақвимнинг варақларини йиртмаяпман. Унда 24 октябрь санаси. Тўхта момони худди шу куни кўргандим, шанба эди, балки жумадир... Иффат билан юзма-юз туришганди. Тақвимда белгилаб қўйганман. Ана, йигирма тўрт рақами ёнида қизил сиёҳ билан “соат уч” деб белгилаб қўйилган.

Ярим тунда уйғониб ускунанинг юқори бўлмасида – (хронохрон бўлмалари қумсоатникидан ўн битта кўп) энг юқоридаги биринчи бўлмасида– хира туманликка ўхшаш алланарса сузиб юрганлигини кўрдим. Миллион-миллион майда заррачалардан иборат туманлик гоҳ қизарар, гоҳ кўнғир тус олар ва дам ўтмай тиниқ сариқ рангда намоён бўларди. Қани, энди буни Ван Гог кўрса! Японлар сузишни эплайдиган болаларнинг бошига, айтайлик, қизил шабпўш кийдириб сувга туширсалар, ҳали яхши сузолмайдиганлар бошига сариқ шабпўш кийдиришади. Чунки сариқ ранг бошқа барча рангларга нисбатан кўзга яхши ташланади. Мана, мен ҳам шиша ичидаги ҳолатни аниқ кўряп-

ман, ваҳоланки, кўзим тобора хиралашиб бораётганини пайқаганимга анча бўлган. Дарвоқе, ҳассам қани? Ёлғиз умримнинг бу содиқ ҳамроҳини хонанинг қайси бурчагига суяб қўйганимни мана энди эслолмай турибман. Тиззам қақшаб оғримаганда-ку, учига резина қалпоқча кийдирилган етмиш етти сантиметрли оддий бир таёққа сира эҳтиёж сезмаган бўлардим.

7

Шиша идишда кўринаётган туманлик рўё эмасмикин, балки ҳали уйқум ўчмагандир, ёки... кўзларимни кафтим ва бармоқларим билан ишқалаб, қайта-қайта қарадим. Сарик туманлик ўрнини кулранг – қорамтир маъво эгаллаб борарди. Бошим айланаётганини пайқаб, йиқилиб кетмаслик учун стол четига таяндим. Ва яна хронохронга тикилдим. Юрагим гурсиллаб қаттиқ-қаттиқ урар ва унинг зарбидан шиша идиш ичидаги туманлик (балки суюқликдир) қалқиб турарди. Назаримда вақт тўхтаган! Деразага қараб тонг ёришиб келаётганини кўрдим. Тонг! Тонг! Ҳазрат Навоийнинг ғазалларида вақт рўзномасининг бу фасли субҳ деб ишлатилган:

Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокроқ,

Кипригим шабнам тўкилган майсадин намрокроқ,

Кўзларимдан шашқатор оқаётган ёш юзимни балиқчилар тўридай қоплаган ажинлар бўйлаб турли тарафга тараларди. Юрагим ҳаприқиб, бўғриққан хонанинг биқиқ муҳитида энди бир сония ҳам қололмаслигимни англадим ва ўзимни эшикка урдим. Йўл четида жулдур кийинган бир кампир ҳассага таянганча деразамга тикилиб турарди. Қадди букилган, сочлари пахтадек оқ... Унга яқинлашиб бордим. Бўғзимдан хирқираб отилган нидо кампирни ҳаракатга келтирди, деразадан кўз узиб менга томон ўгирилди, сўник кўзларида кул остида қолган чўғдек нимадир йилт

этиб кетди. Бу навқирон ёшимизда ишқ ёққан олов қўрамтасининг ҳали сўнмаган чўғи. Балки тасаввуримда шундай бўлгандир, ҳа, шундай. Заифлашиб қолган кўзларим энди хира туманлик, қора-қура нуқталар ва қўнғиртоб пардадан бошқа нарсани илғашга қодир эмас. Тўхта момони ҳам ана шу туманлик пардаси ортида кўрдим. Ва унинг қуруқшаган қўлларини кўзимга суртиш учун эгилдим:

– Тўхта момо! Онагинам...О, онагинам!..

Кўксимдан отилиб чиққан нолакор бу нидо ва бу илтижо титроқлари ҳали ҳавода сўниб улгурмай, Вақт девори ортидан сўник бир овоз қулоғимга чалинди:

– Адашдинг, Товашар, мен Иффатман...

ФАЙРИТАБИЙ ҲОЛАТ

1

Тун яримдан оғанда хотинининг безовталана бошлаганини пайқади Тиркаш. Қўрқинчли ва бўғиқ хансираб, қарийб товушсиз, фақат нафаснинг ўзи билан нималарнидир гапирар, жонҳолатда ёрдамга чақираётганга ўхшарди аёл. Диққат билан қулоқ тутаркан, унинг бўғзидан иссиқ нафас билан чиқаётган узуқ-юлуқ товушларда “х-ал-хал, ат-атт-матт” деган кимнингдир исмига ўхшаш сўзлар борлигини англади ва нима қиларини билмай туриб қолди. Уйғотсам қўрқиб кетиши мумкин, унинг қийналаётганини кўра туриб уйғотмаслик, золимлик эмасми деган фикр шуурида қарор топиб улгурмай, бошини ёстиқдан адл кўтарди ва ухлаётган ипак қуртидай қотиб қолди хотини. Тунчироқнинг кўкимтир хира ёруғида қўрқинчли кўринарди унинг ҳолати. Дарҳол ўрнимдан туриб бағримга боссам, балки фалокатнинг олдини олган бўлармидим деган ўй сизғириб ўтди миясидан, аммо сусткашлиги, қийин вазиятлар-

да бирдан қарор қабул қилолмаслиги яна панд берди. “Кимё!.. Кимё!..” демоқчи бўлди, дунёдаги ҳамма нарсадан қадрли бўлган шу сўз миясидан бўғзига тушиб улгурмай кутилмаган ҳолат рўй берди: Ўрнидан отилиб турди Кимё, уйда кийиб юрадиган халатини кийим илгичдан юлқиб олиб елкасига ташлади-да, ташқарига чиқиб кетди. Қарсиллаб ёпилди эшик. “Кимё!.. Қаёққа боряпсан? Кимё!” деганча тўнани ёпинди-ю шошқин ҳаракатлар билан икки қўллаб эшик тутқичига ёпишди Тиркаш Бешим. Гоҳ ўннга, гоҳ чапга буралди, кичкина учбурчак тилини ёғоч кесакининг тешикчасига тиқиб турадиган тутқич. Шошганда лаббай топилмас деганларидек, аслида, тутқични бекорга бураётганини англаб, эшикни итариб очди, остонага тўқишиб мункиб кетди. Тўлин ой ёруғида худди қор ёғгандек оқариб кўринарди ҳовли юзаси. Атофга аланглади, оғилтом соясига, тандирхона пардагиридан тушиб турган қоронғиликка тикилиб қаради, хотинининг номини айтиб чақирди ва ҳовлини зир айланиб қидирди. Тўлин ой бус-бутун ёритиб турган торгина ҳовли ўртасида қаддини бироз букканча қотиб турди бир муддат, сўнгра уйдан қўлфонарини олиб чиқиб, юрак ҳовучлаганча оғилга кирди. Безовталаниб пишқирди эшаги. Тандирхонага ўтди. Қорайиб оғзини катта очганча турган тандирдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Қандайдир хаёл илинжи билан тандирнинг ичига ҳам фонарини тутиб қаради. Ҳеч қаерда йўқ эди Кимё...

Ногоҳ ёдига келган ҳолат таъсирида югуриб том ортига ўтди. Дарвоқе, бундай “ҳолат”нинг нималигини ва қачон, қай тарзда рўй беришини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Касалманд юраги ва ўнг қулоғининг яхши эшитмаслиги “ҳолат”га аниқ ташхис қўйиш имконини бермасди. Тўғрироғи, ҳеч қандай заурати ҳам йўқ эди бунинг.

– Чап томонинг билан ётсанг, гурсиллаган товуш эшитиладими? – деб сўраган эди ўша кеча хотинидан.

– Ҳаммага ҳам эшитилади, – жавоб қилди Кимё.

– Меники бошқачароқ-да, – деди Тиркаш Бешим.

Бироз жимликдан кейин уйқусираган овози эшитилди аёлнинг:

– Сизда сенусовая бродикардия бор-да.

“Йўқ, сен билмайсан, бу бошқачароқ гурсиллаш” демоқчи бўлди, аммо унинг уйқусираган товуш билан гапирганини эслаб ором олишига халақит бермаслик учун индамади. Ўша товушни эшитиш, унга аниқлик киритиш учун чап ёни билан ётди. Ва эшитди ўша товушни. Нимадир худди юрак уришидай бир маромда гурсилларди. Гоҳида тўхтаб қоларди. Хотини айтган бродикардиядаи ёки стенокардиядаи шундай бўлади-да, юрак бир маромда урмайди. Гоҳида гурсиллашларни системага солиш, яъни неча марта ургандан кейин тўхташини ва қанча вақт оралиғида яна ҳаракатга келишини, бир дақиқада неча марта гурсиллашини санаб ётар ва бир қолипга солиб, хулоса чиқаришга уринарди Тиркаш. Хотинида ғайритабиий ҳолат рўй берган ўша кечада ҳам шундай тажриба билан машғул эди. Юрагининг гурсиллаши том ортидан эшитилгандай бўларди. Шунинг учун ҳам уйни айланиб ўтиб, дарвозадан чиқди ва том ортига томон югурди. Тўни елкасидан тушиб қолганини билди, аммо уни олишга йўқ эди фурсати. Қоп-қора ва совуқ соя. Ой нурунинг кескин чегараси... деворнинг нариги бурчагида нималардир жимирлаб тургандай кўринди. Аммо узоқ давом этмади бу рўё. Чорлади:

“Ким-ё-ё-ё...”

Сукунат. Овози титраб, кучсиз чиқди. Гўё ёнгинасида туриб унинг қулоғига шивирлаётгандай. Бутун вужуди билан титраб бораётганини пайқади. Совуқ

эди ноябрь тунн. Ортига қайтиб тўнини олди ердан, елкасига ташлади ва яна атроф-теваракни кузатди. Ойнинг ёрқин нури билан том соясининг қора тўшамаси туташган чизиқда нимадир бор... Турган жойидан жилмай бошини тебратиб кўрди ва ўша нарсанинг ой шуъласи тушиб турган қисми ялтираб кетди. Хотинининг тақинчоғи!.. Уйга қайтаркан, атайлаб том ортидан ўтди ва тунда ялтираб кўринган нарсага кўзи тушди. Уни ердан олиб маҳкам кўксига босди. Хотини тўғрисида хабар берувчи ҳар қандай буюм қадрли. Унинг ўн тўққиз кўзли брошкаси эса алоҳида қимматга эга. Кимё ўн тўққиз ёшга тўлганда совға қилганди бу тақинчоқни. Ўша куни, яъни май ойининг ўн тўққизинчи куни азон палласи туриб, уйдан чиқиб кетди. Тунда момақалди роқ гумбурлаб, чақинлар чақиб ёмғир ёлган эди. Табиат ана шундай тантана қилганда ер бағридан отилиб чиқади кўзиқоринлар ва замбуруғлар. Ташландиқ токзордан бир неча дона кўзиқорин топди ва қирга томон кўтарилди. Ҳали кўзлари катарактадан хиралашмаганди ва майсалар орасида ғимирлаб юрган майда қора кўнғизчаларни ҳам аниқ кўрарди. Ана, яна битта кўзиқорин! Нарироқда яна иккитаси тупроқдан бош кўтариб турибди. Бирининг устида нўхат катталигида қотиб қолган лой бўлаги қорайиб турибди. Уни узиб олишдан аввал майса устига чўккалади. Завқи жўшиб турар ва табиатнинг бу антиқа “радар”ни узиб олишга шошилмай, унинг шаклу шамойилини томоша қиларди. Ўтлар орасида бир неча дона майда оқиш рангли, руслар маслята деб номлаган замбуруғчалар тизилишиб турибди. Аммо эътибори кўзиқоринда. Унинг пастдан юқорига томон ингичка тортиб кўтарилган конуссимон баданида юзлаб хоначалар бор. Қирчумоли уясини эслатади. Ҳали табиатда инсон номлаб улгурмаган нарсалар беҳисоб. Баъзи хилқатларнинг нималигини билиб олишга ул-

гурганимиз йўқ, айримларининг номи эса жисмига ва хусусиятларига мос эмас. Қўзиқорин-чи? Уни номлаган одам жуда кузатувчан киши бўлгани аниқ. Бу антиқа гиёҳнинг ташқи кўриниши кўзининг ёки қўйнинг қатқоринига жуда ўхшайди. Аммо кўзиқориннинг бошқа бир хусусияти ҳайратлантиради. Баайни Радар, худди шундай, кўзиқоринлар ҳаводаги титроқларни нозиклик билан илғайдилар. Момақалди роқ уйғотиб юборади уларни, уйқуси бузилган кўзиқоринлар гум-бурлаётган садо сирини билиш учун ердан бош кўтариб чиқади. Бундан ташқари улар радиацияни ва нурлар оқимини ҳам бошқа гиёҳларга нисбатан аниқ ҳис этадилар. Нима бўлганда ҳам бағоят лаззатли улар. Ёғда қовуриб еса ҳам бўлади, баъзилар сутда қайна-тиб истеъмол қиладилар. Тиззасидан нам ўтиб кетаётганлигини пайқаб ишни тезлатди. Костюмининг чўнтаклари қаппайиб қолди. Табиат неъматлари Кимёнинг туғилган кунига яхши совға бўлишини ўйлаб, қовурилган кўзиқориннинг беқиёс таъмини оғзида ҳис этганча йўлда давом этаркан, нимадир ялтираб кетганини пайқади ногоҳ ва бир қадам орқага қайтиб ерга тикилганча туриб қолди. Ўтлар орасида нимадир чўғдек ёниб турарди. Олди, сув томчилари ва ёмғирда сачраган лой зарраларини артиб, тозалаб чўнтагига солди.

...Хотинини излаб том ортига ўтаркан, ой нурида ялтираб турган нарса ўша тақинчоқ – ўн тўққиз кўзли брошка – эканлигини англади. Кимёнинг ярим тунда ўрнидан туриб қочиши ва унинг ғайритабiiй ҳолатини баҳолашга, хулоса чиқаришга ожиз эди ақли. Тақинчоқни ердан олиб, иситмоқчи бўлгандек кўксига босди. Муздай эди анор донасидек тизилган мунчоқлар.

2

Қишлоқда қариндош-уруғлари йўқ эди бу оиланинг. Кимёнинг иккита дугонаси бор, холос. Медици-

на ҳамшираси бўлиб ишлайди ҳар иккаласи ҳам. Кимё уларнинг бошлиғи, яъни катта ҳамшира. Қишлоқ ши-
 фохонаси чамаси икки километр нарида жойлашган. Шомир Халтаев деган одам бош врач. Аслида, унинг фамилияси Холтоев... исмларни русча талаффуз билан айтиш урф бўлган замонларда паспортига “Халтаев” деб ёздириб олган. Бу одамнинг қўшша ияги, чўтир-
 тоб юзи ва бироз кўкимтир чағир кўзи... кўзининг оқи... ва кўз остида осилиб турадиган халтача... булар-
 нинг ҳаммаси нохуш таассурот уйғотади. Хотини из-
 сиз йўқолган туннинг эртасиёқ бош врачнинг олдига борди. Катта ҳамшира Кимё Шоҳазратовнанинг йўқо-
 либ қолганини айтди:

– Нечун менга дарди ҳол қиласиз?

– Кимга айтай дардимни, сиз бошлиғисиз... – деди ялинганнамо бир қиёфада Тиркаш Бешим.

– Ўзингиздан ва ўзингизга, – деган фалсафий жа-
 воб бўлди. Уч кун кутди ва тўртинчи куни милиция идорасига борди. Дунёдаги энг совуқ идора – милици-
 яхона. Саратоннинг жазирамасида келган кишининг ҳам бутун вужуди қалтирайди. Ана шундай алфозда тиззаларида титроқ туриб, навбатчи милиция ходи-
 мига рўпара бўлди. Елкасида тўрт дона майда юлдуз-
 ча, демак, капитан. Унга мурожаат қилди:

– Ўртоқ командир, хотиним йўқолиб қолди.

– Фамилияси?

– Шоҳазратова.

– Исми?

– Кимё.

– Ёши?

– Қандай боши? – ағрайганча сўради хаёли жойида эмаслиги сабабли, капитаннинг гапини тушунмай.

– Неча ёшда эди деяпман, галварс! – жаҳл қилди ка-
 питан.

– Йигирма еттида.

– Бўйи?

Кимёнинг бўйи неча сантиметрлигини билмасди. Унинг боши қулоғининг солинчоғидан келишини тахминлаб “бир-у олтмиш”, деди. Аёлнинг вазни, юз тузилиши, кўзи-қоши, сочининг рангини сўради капитан. Билганича жавоб берди.

– Эғнида қандай кийими бор эди? – деб сўроқни давом эттирди капитан. Қизил рангли халатини елкасига ташлаганча уйдан югуриб чиқиб кетганини айтди. Яна чорак соат давом этган савол-жавобдан кейин, “эрта соат тўққизда суратини олиб келинг, хотинингиз йўқолиб қолгани тўғрисида ариза ёзиб топшириш эсингиздан чиқмасин”, деб кетишига рухсат берди. Уйга қайтди Тиркаш. Эшик тутқичига қўл юбораркан, “хонада хотиним ўтирган бўлса-я”, деган мубҳам туйғу урилди шуурига. Юраги ҳаприққанча ичкарига олди ўзини. Хона бўм-бўш!.. Ёзув столи устида сочилиб ётган қоғозларига қараб ўйга толди. “Унвонсиз ёзувчи”га сўнги нуқтани қўйиш оғир кечмоқда эди. Роман қаҳрамони ёзувчининг иродасига бўйсунмай, саркашлик қилар ва уйланишни хоҳламасди. Хонасининг деворида: “Эй Худо, аёллардан ўзинг халос эт!” деган ёзув.

– Сен Ал-Маарий эмассан, Шопенгауэр ҳам эмассан, ё Кант деб ҳис этиясанми ўзингни, йўқот бу шиорингни ва дарҳол уйлан, – деди қаҳрамонига қараб аччиқ билан. Аччиқ жавоб қилди роман қаҳрамони Босим ҳам:

– Сен уйланиб нима қилдинг?!

– Кимё қайтади, – деди тушкун бир қиёфада.

– Қайтмайди.

– Сен қаердан биласан?

– Биламан. Бу ишда милициянинг қўли бор.

– Нима қил дейсан унда?

– Менинг ҳаётим тўғрисида ёзаётган романингни йўқот. Ёндириб ташла. Ёндириб ташла! Хотининг йўқолиши ана шу роман воқеалари билан боғлиқ.

– Қандай асосинг бор, тахминан гапириб мени чалғитма.

– Асосим бор. Сен қораланган варақларда номаъқулроқ гап бор... роман чоп этилса...

Босимнинг гапи оғзида қолди. Эшик қаттиқ тақиллаб ташқаридан гурсиллаб босилган қадам товушлари эшитилмоқда эди. Қоғозларини шошилинч ҳаракатлар билан тортмага тиқиб, ҳамма нарса жойидами дегандай хонага бирров назар ташлаб олди-да, эшикни очди. Капитан Аллабоев қад ростлаб турарди остона ортида.

– Кимё Шоҳазратовнанинг изига тушдик. Фуқаро Шоҳазратовна “Дарранда” кушхонаси томонидан ўғирланган, деб тахмин қилмоқдамиз.

– Нега? Кушхонага не сабабдан керак менинг хотиним?

– Сабаби ҳозирча номаълум. Албатта биз фақат шу тахминни сизга етказиш мақсадида келмадик. Бизга маълум бўлишича, сиз тунлар ухламай қандайдир тадқиқот ўтказармишсиз.

– Менда бродикардия бор.

– Кимё Шоҳазратовнанинг бедарак йўқолишига дахлдорми бу... ускуна?

– Буни билолмадим, аммо сиз айтгандай “ускуна” эмас, касаллик. Шу дард таъсирида тунлар уйғониб аллақандай гурсиллаган овозга қулоқ тутардим, гоҳи-да Кимёдан “Сен ҳам эшитяпсанми?” деб сўрардим.

Маънодор бош лиқиллатди капитан. Ва сўради:

– Кушхонада танишларингиз борми?

– Умримда эшитмаганман сиз айтган корхонанинг номини.

– Яхши, сиз ҳозирча уйдан узоқлаб кетманг, ҳар лаҳзада маҳкамага чақириб қолишимиз мумкин, – деди капитан ва кескин ортига бурилиб, тўрт кишидан иборат ҳайъатини эргаштирганча ҳовлини тарк

этди. Танасидан бензоарра билан кесилган дарахтдай каравотига қулади Тиркаш Бешим. Кушхонанинг нима алоқаси бор... Тўғри, Кимё этдоргина эди. Бўйи биру олтмиш бўлгани ҳолда, вазни тўқсон килога яқинлигини билардим. Капитанга ҳам айтгандим. Кушхонаси қаерда экан ўзи? Барвақт ўрнидан туриб “Дарранда”-ни излашга тушди. Аммо қанча елиб-югурмасин ва қай ишга қўл урмасин, шифохона бош враччи Халтаев хаёлидан кетмасди. Кун бўйи санғиди, шаҳарнинг энг чекка минтақаларига борди, одамлардан сўраб-суриштирди, аммо “Дарранда” кушхонасининг дарагини тополмади. Эртаси кун милиция маҳкамасига бориб, капитанни излади. Тўртинчи қаватда бошқа бир хонада ўтирарди Тиркаш излаган одам. “Дарранда”нинг манзилини сўради. Бу корхонанинг манзили номаълумлигини маълум қилди капитан. “Топсангиз, бизга ҳам хабар қилинг”, деди хайрлашаркан. “Топаман”, деган қатъий қарор билан ўрнидан турди, эшик тутқи-чига қўл чўзаркан, капитаннинг овози тўхтатди уни:

- Эшитишимча сиз ёзувчи эмишсиз...
- Мен Кимёнинг эриман.
- Айтмоқчи бўлганим шуки, – давом этди капитан, – ёзувчиларга хотиннинг унчалик зарурати йўқ.

Бу “постулат” қандай мақсадда айтилганини билиш учун ортига ўгирилди Тиркаш.

– Шундай. Ёзувчилар кўпроқ ўзлари қоғозда тасвирлаган аёл билан бўлишни хуш кўриб, умр йўлдоши борлигини унутиб қўйишармиш.

- Нимага шама қиялпсиз?
- Кимё Шоҳазратованинг уйдан қочишига мана шу ҳолат сабаб бўлмадимикин, демоқчиман. Аёлга эътибор керак. Ҳа, айниқса тунда. Инчунин, Шоҳазратова нега кундуз кун эмас, тунда қочди. Бу ҳолатлар ўрта-сида бирор боғлиқлик кўрмаяпсизми?

“Инчунин” ичида такрорлаб кўрди Тиркаш Бешим. Инчунин... афтидан, бу сўзни яхши кўрарди капитан. Уни талаффуз этганда чап қўлининг бармоқларини бир нуқтага тўплаб, носқовоқ шаклида ушлаб турар ва бутун фикри ва ё Кимё Шоҳазратованинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ барча тафсилотлар шу “носқовоқ” ичида жойлаштириб қўйилгандек, уни намойиш этганча ҳавода муаллақ тутиб турарди.

– Инчулдегунг, – деди Тиркаш дилидаги бор ғазабини шу сўзда тўплаб. Аммо ғазабдан кўра афсусдай садо берди бу сўз. Зеро, кўнгилчан ва журъатсиз киши эди Тиркаш ва ўзидан бошқага ғазаб сочишга қодир эмасди унинг журъати. Темир панжаралар орасидан ўтиб маҳкамани тарк этди. Дарахтзор эди теваарак-атроф. Баргихазон тўшалган хиёбон бўйлаб бораркан, Босимнинг тақдирини ҳал қилиш тўғрисида жиддийроқ ўйлашга уриниб кўрди, ҳақиқатан ҳам Кантга ўхшатиб файласуф қилиб тарбияласаммикин уни, деган хаёлдан тўлқинланиб кетди. Эммануэль Кант. Бўйи 164 см. Уйланмаган. Мавҳум хаёлот унинг ёзганлари. Шу қадар мураккабки гап қуриш усули, юз марта қайта ўқи, бирор маъно ажратиб ололмайсан. Яна юз йил ўтади, биз унинг асарларини ўз тилимизга ўгира олмаимиз. Кантни тушунадиган бирорта файласуф йўқ бизда. Демакки, Босимни Кант даражасига етказа олмаيمان. Рассом ёки ёзувчи қилиш осонроқ кечади. Хаёли бўлинди. Дарахт шохида ўтирган қуш баланд овоз билан сайраб юборди:

- Хук-хук!
- Менга айтяпсанми?
- Хук! Хук!

Мириқиб кулди Тиркаш. Майна эди шохдаги қуш ва у дарахт остидан ўтиб бораётган кишини бемалол ҳақорат қиларди. Хук – чўчқа дегани тожиклар лафзида.

Итни сак(г), чўчқани хук, дейди тожиклар. Йил саноғи-да ёнма-ён келади бу икки ҳайвон. Дили яйраб кетди бу ҳақоратдан. Қани энди мен ҳам майнадай бўлсам, деган хаёл билан тепага қаради. Майна жуда жанговар куш. Мушукми, филми, барибир унга. Қўрқмай учиб келади, оёқлари ва қанотлари билан уриб, яна осмонга кўтарилади. Уясини ва палапонларини шундай ҳимоя қилади.

3

Ярим кечада уйига қайтди Тиркаш Бешим. Боз боягисидек ёритиб турарди тўлин Ой. Орадан шунча кун ўтди нега ҳамон ўша ҳолатда турибди Ой? Бу давр ичида камая бориши ва яримта ҳолатда кўри-ниши керак эди... Шундай хаёллар билан чўнтагидан калит олиб қулф тирқишига тиқди, калит айланмади, не кўз билан кўрсинки, эшик қулфи очиқ. Қандайдир хатар борлигини ҳис этди унинг бродикардияга ошно юраги. Эшик очилди. Остона ҳатлаб хонага кирди ва электр чироқ тугмачасини пайпаслади. Топди, босди. Хона ёришди ва тўшакда ётган номаълум жонзот ҳа-ракатга келди, қаддини ёстикдан кўтариб қаради.

– Кимсан?! – хириллади Тиркаш.

– Кўриб туриб талмовсирайсиз, Кимёман.

– Қачон келдинг?

– Қаердан?

– “Дарранда” дан!

– Дарранда деганингиз нимаси? Ким айтди сизга бу гапни?

– Милиция. Капитан Аллабоев...

– Ҳеч қаёққа борганим йўқ. Ўрнингиздан отилиб турдингизу ўқдай учиб чиқиб кетдингиз ўзингиз. Бир соатдан бери нима қилдингиз ташқарида?

– Бир соат деганинг нимаси? Беш кундан бери сени қидираман, – деди тушкун қиёфада Тиркаш Бешим ва

ҳолсизланганча каравотига ўтириб қолди. Бироздан кейин унинг йиғламсираган овози эшитилди:

– Шафқат қилсанг бўларди менга, Кимё...

Шу гапдан кейин оҳиста ўрнидан турган аёл яқинлаб келди ва кафтини эрининг пешонасига босди. Бу ҳолат узоқ давом этишини, мангуликка бориб туташувини истарди Бешим. Оловдек қизиб кетган пешонасига малҳамдек ёқди аёлининг кафти.

... Муздек эди Кимёнинг бармоқлари.

Чирчиқ, 2020 йил, декабрь

ЕТИМ

Бир дона дўлана тушиб қолди подачининг сумкасидан. Чақил эди ер. Ғўрашак тупроқ тагида хўмрайиб ётарди бадқовоқ ва шафқатсиз палахса тошлар. Инсоннинг қаерда туғилиши ўз ихтиёрида бўлмаганидек, дўлана ҳам илдиз отди ана шу лаънат тамғаси билан муҳрланган ерда. Узоққа кетолмади унинг томири ва нимжон бўлиб ўсди ниҳол. “Ўсди” деган калима унинг ҳаётини тўлиқ ифодалай олмайди. Йиллар ўтса ҳамки, сира моннимасди. Лафзимизда шундай сўз бор. Адабий тилимизда учрамайдиган бу сўз чақил ерда дийдираб турган дўлана ниҳолининг кўринишини аниқ ифодалайди.

Ноилнинг ҳаётини ана шу дўланага ўхшатаман. Атрофга жовдираб қарарди унинг кўзлари. Кўрқув аломати бу. Боланинг юрагини қамраб олган ҳиссиёт умрининг охиригача кетмади унинг вужудидан. Беш ёшлигида бегона бир одам пайдо бўлди ғарибгина хонадонда ва эшик олдига тақаб қўйилган каравотга ётди. Қандайдир қўшиқни хиргойи қиларди у беўхшов овоз билан. Айвончада турарди бу пайтда Ноил. “Эй қизча, бу ёққа кел!” деган чорловни эшитди Ноил,

бўйсунди ва каравот олдига яқинроқ борди. Билмасди аслида: бу одам ким? Қаердан келган? Нима қилади бу ерда? Ҳирс билан қаради одам ва сира мумкин бўлмаган, китобларда ёзиш ёки бировга айтиш имкони йўқ бир нарса беришни талаб қилди боладан. Хушсувратгина бола эди Ноил. Елкасига тушиб турарди икки ўрим кокили. Ўғил болаларда ҳам кокил бўларди ўша даврларда. Кўзлари бўталоқларникидек катта-катта, юзи оппоқ, қошлари қора, киприклари узун эди Ноилнинг. Шу сабабли уни қиз бола деб ўйлади каравотда ётган киши ва... Қўрқиб кетди бола. Қиз бола эмаслигини айта олмади ва қалтираганча туриб қолди каравотдан икки қадамлар нарида. Йиллар ўтди ўша қўрқув кетмади унинг юрагидан. Ва ҳамиша шубҳа билан қаради ҳаётга ва хусусан, ўша одамга. Кейин отасига айланди ўша одам. Тенгдош эдик биз. Ўзимнинг ойнадаги аксимга ўхшатардим уни. Қўрқоқ ва ўта уятчан эдик иккимиз ҳам. “Сен – мен” дер эди гоҳида юзимга хаёлчан тикилиб туриб. “Мен – сен”, деб жавоб қилардим. Одатда индамай хаёл суриб ўтирардик. Ўғай отаси тўғрисида ўйларди Ноил. Ўйламасликка ҳаракат қилса ҳам унинг доирадай кенг юзи ва бири-бирига туташиб кетган қошлари кўз ўнгида туриб олар ва кўзларини юмса ҳам кетмасди ва фарғонача талаффуз билан айтган ўша гапи эшитилаверарди қулоқларига. Аслида, фарғоналик эмасди у одам. Унинг кимлигини ҳам, қаердан келганини ҳам билмасди Ноил. Узоқ йиллар бирга ҳаёт кечириш жараёнида ўша гап сира унутилмади. Ва эшик олдидаги каравотда ётган одамнинг турқи кўз ўнгидан кетмади. Йиллар ўтди, онасининг йўриғини қай йўсинда баҳолашни билмади улғайганида ҳам. Болаликда эса ота ёки она тўғрисида фикр юритиш, яъниким уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш, хулоса чиқаришга ожизлик қиларди унинг гўдак ақли. Ёши бир жойга етиб, мия ичидаги

жараёнлар такомиллашгач, ўз ҳаётининг ўша даврларини қайта бошдан таҳлил қилиб кўраркан, онам нега мени ўлдиришга кўп марта уриниб кўрди, деган савол кўндаланг бўлди. Аммо Худо йўл бермади. Чунки, Ноилнинг зиммасига юкланган вазифани ҳеч ким ҳеч маҳал бажара олмасди. Ўгай ота эса нималарнидир шама қилар, Ноилнинг ёнидан ўтганда бурнини жийирар ва унинг тунда тўшакни ҳўл қилиб кўйишини имкон бўлди дегунча бўрттириб кўрсатишга интиларди. Ғужанак бўлиб қоларди бундай паллада етим бола. Борган сари такомиллашиб борарди онанинг шууринда Ноилдан қутулиш режаси. Мунтазам эмасди ният. Ўқтин-ўқтин бош кўтарарди ва ана шундай паллада баъзан кескин ҳаракат қиларди она.

Ёзнинг жазирама бир кунида сувга борди Ноил. Алюмин челакни энди дарёга ботириш учун тарадудланиб турганда, бақувват қўллар даст кўтарди уни ва тошиб оқаётган сувга ташлаб юборди. Осмонга сапчиган тўлқинлар ва сув пардаси ортида турган аёлни кўрди бола, энтикди, нималардир деб овоз берди, қўл-оёқлари билан шапиллатиб сувни уриб, қирғоқ томон талпинди. Тўлқинлар беаёв суриб борарди ўлжасини. Челакни сувга ботирди она ва ортига қарамай кетди.

ЁЗУВЧИ УЧУН АТИР

Чекка сочлари оқариб қолган Григоровичнинг қандай атир суртиб юрганлигини билмайман (қадимда атир суртиларди, ҳозирда пижиллатиб сепилади), аммо Бунин тасвирлаган шу ёзувчининг, яъни Григоровичнинг олдидан ўтгим келади ва ундан анқиб турган ифорнинг қанақалигини билгим келади. Афсуски, энди Бунин ҳам, Григорович ҳам ва Жемчужников ҳам йўқ. Шунга қарамай, ўша даврга хос айрим ҳолатлар-у манза-

раларни тафаккур ёрдамида тасаввур қилиш мумкин.

Бизнинг болалигимиз ва ўсмирлик пайтимизда “Сирень”, “Ландиш”, “Кармен” деган атирлар бўларди. Ўсмирлик пайтимда биринчи марта “Қора наво” деган атирдан суртиб кўрганман. Австралияда чайлачи деган бир қуш бор. Қанотли бу жонивор урғочисини жалб қилиш учун қарийб одам бўйи келадиган чайла қуради ва ўзи бунёд этган иншоотни турли-туман ялтироқ нарсалар билан безайди-да, чайла атрофидан айланиб қўшиқ куйлайди. Инсонга ҳам хос бундай бачкана ҳолат. Ясан-тусан қилсам, унга яхши кўринаман деб ўйлайди севган қизининг олдига бораётган йигит. Садафни узоқдан бўлса ҳам бир кўриш ниятида йўлга тушарканман, икки кун аввал қишлоқ дўконидан сотиб олган атиримдан сепиб олдим. Китоб жавонимнинг орқасида яширин сақлардим уни. Жуда ўткир эди “Қора наво”нинг ҳиди. Атир бўйини шамол олиб кетмасин деб, пана-пастқам йўлдан борардим. Киссамда носкашларнинг носқовоғидай дўмпайиб турибди дағал шиша идиш. Унинг сиртида рақс тушаётган аёл сурати бор. Ярим йўлга етгач, яна бироз сепиб олсаммикин деган хаёлга бордим. Чўнтақдан учбурчак шаклидаги шишани оларканман, унга ёпиштирилган расмга яна бир карра қарадим. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам рақс тушаётган аёл суврати... Аёлларники эмасмикин бу одеколон деган шубҳа оралади кўнглимга. Йўл бўйида кимдир кўринди ва катта ёшли бир киши мен томон келаверди. Девор тагига томон тикилиб бордим. Ёнимдан ўтаётиб бурнини жийирди ҳалиги одам ва “такадай сасибсан” деди, мендан ҳазар қилгандай ўзини нарироқ олиб. Уялиб кетдим. Аммо атир ҳидига бўлган ўчлигим босилмади. Бирор нарса ёзишга ўтирсам, ҳозир ҳам албатта юзимга атир пуркайман.

Жонзотларга ҳид билиш хусусиятини ато этаркан, бу ноёб ҳиссиётнинг бошқа барча сезгилардан ва ҳат-

токи кўришдан, таъм билишдан ва эшитишдан ҳам аъло даражада бўлишини таъминлаган табиат. Бошқа ҳар қандай сезги миядаги: таламус, ҳипоталамус, стретатум каби марказлардан ўтади, аксонлар ва дендритларнинг қўлига тушиб турли ўзгаришларга учрайди, буйруқлар макони бўлган бош мия пўстига етиб боргунга қадар неча марта ўлиб-тирилади. Тадқиқотчи олимларнинг айтишича, биз кўз билан кўриб турган нарсалар аслида, кўринганидай эмас, бутунлай бошқача эмиш, фақат ҳид билишгина бундан мустасно, мия пўстлоғига тўғридан-тўғри, яъни бевосита, ҳеч қандай ўзгаришга учрамасдан етиб боради.

Атирга ўчлик менинг жиддий нуқсоним. Шундайлигини биламан ва имкони борича атир харид қилмасликка интиламан. Атирга бўлган тийиқсиз интилишни жиловлаш учун шундай қиламан. Бахтга қарши йўлда бир қанча атир-упа дўконлари бор, Чилонзордан Фарҳод бозоригача ва бозордан метрогача пиёда бораман. Йўлда бир аёл атир сотиб ўтиради. Яхши хушбўй атирлари бор унинг. “Смокинг”, “Шанел” “Матфикс ман” ва ҳоказо. Ҳар доим унинг ёнидан ўтарканман, кўк, яшил ёки заъфарон рангли суюқлик тўлдирилган турли шаклдаги шишачаларга қарайман. Сўнгра улардан бирини қўлга олиб қопқоқчасидан сал қуйроққа, шишачанинг бўйнига бурнимни маҳкам босиб ҳидлайман. Менинг ҳаракатларимни кузатиб туради сотувчи аёл. “Олинг”, дейди. Атир нархи қиммат, ҳиди менга ёқса-да, пулни ўйлайман. Сирасини айтганда, дўконлардагидан арзон унинг атирлари, йигирма беш мингдан зиёд эмас, худди шундай атир дўконларда анчагина қиммат туради. Ҳатто юз минг сўмлик, икки юз ва ҳатто уч юз минг сўмлик атирлар ҳам бор. Бир дўстимнинг айтишича, “Клив Христиан № 1” деган атир 2.350 доллар турармиш. Менга “Suave” ҳам бўлаверади. Кўкимтир шишачали, қопқоғи савса-

ни бу атирнинг ҳиди менга жуда ёқади. Албатта, масалан, “Смокинг” даражасида эмас, шундай бўлса ҳам жуда олгим келарди уни ... гўё “Қишлоқ” романининг муаллифи Григорович ана шу атирдан суртиб юрадигандай. Дарвоқе, ўз даврида анчайин ном қозонган ва ҳатто ана шу романи билан Белинскийнинг назарига тушган эди бу ёзувчи. Унинг олдига бориш, унга яқинроқдан қараш ва ундан таралаётган ифордан ҳидлаш... Узун бўйли, жуда тоза ва ёқимли кийинган кишига ҳадиксираганча қараб турар ва мириқиб атир ҳидларди Бунин, аммо нафас олаётганини, ҳаводан атир ҳидини ўғирлаётганини Григоровичдан, яъни атир эгасидан пинҳон тутарди. Адабиёт майдонида ҳали ном қозониб улгурмаган, образли қилиб айтганда, эндигина тетапоя бўла бошлаган журъатсиз ва ҳуркак ёзувчи учун табиий ҳол эди, албатта, бу. Французча тарбия кўрган Григорович эса парфюмерияга эътиборсиз эмасди. Ва Никольский кўчасида очилган номдор атир-упа магазини олдида вақт-бевақт учратиб қолиш мумкин эди уни. Нафақат Григорович ёки Жемчужников, балки ўзига қараб юрадиган барча эркакларнинг диққатини тортарди бу дўкон. Хусусан, “Шанель №5” одеколонида суртиб, хонимларнинг ёнидан ўтиш олифта эркакларнинг орзуси эди. Брокер кашф этган “Цветочный” деган афсонавий атир ҳам сотиларди бу ерда.

... Ўзимни чалғитишга ва Григорович билан Буниннинг учрашувини бирон-бир машҳур ёзувчининг хонадонида ташкил этишга қай даражада уринмай, кўз олдимда энг қимматбаҳо ифорли атирлар билан савдо қиладиган ўша магазин ва унинг пештахтаси олдида турган Григорович ва узоқроқдан уни кузатиб турган Бунин кўриनावерарди. Афсуски, мутлақо хато эди менинг бу тасаввурим: биринчидан, турли ҳидлар анқиб турган атир-упа дўконининг ичида Григоровичдан таралаётган ифорни пайқамасди, иккинчидан,

қўл учида кун кўраётган Бунин қимматбаҳо атирлар билан савдо қиладиган бундай дўконларга беҳудага кирмасди, деб ўйлайман. Уларнинг учрашуви ҳақиқатан ҳам Бунин хотини Варвара Пашенкоддан ажрашгандан кейин, Москвада рўй берган экан. Аммо Бунин атир билан боғлиқ ҳолатни анча кейинга сурган. “Ой чиқди ложувард ой ёнидан” деган мақоласида Григоровичнинг ўлиmidан биров олдинги ҳолатни беради. Демак, 1899 йил куз фаслида бўлган эди бу учрашув. Орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг 22 декабрида Григорович вафот этди.

... Ана шу манзара бор тиниқлиги ва тафсилотлари билан кўз ўнгимни қоплаб оларкан, атир шишасини эҳтиёткорлик билан ушлаган ҳолатда, юзимга ёқимли тус бериб сотувчи аёлдан сўрадим:

– Қанча дейсиз?

– Йигирма беш.

– Йигирма бераман.

– Нималар деяпсиз, ахир бу “Suave”!

Яна шишача бўғзини бурнимга тақаб ҳидлайман. Ва қайтариб жойига қўяман.

– Ёқмадими?

– Менга Григорович суртадиганидан топиб беринг, – оламан дейман атайлаб, сотувчини гангитиб ташлаш ва шу йўл билан ҳам ўзимни бу соҳада саводсиз эмаслигимни кўрсатиш, ҳам хасислик қилаётганимни хаспўшлаш мақсадида.

Юзини тескари ўгиради сотувчи ва мен узоқлашаман унинг олдидан. Киссамдаги пул атир олишга етади, албатта, аммо ўйловим кўп, рўзғор, дори-дармон ва кутилмаган бошқа харажатлар. Ҳаммасидан кўпроқ ўйловга соладигани коммунал тўловлар, кам эмас, ўн икки хил тўлов...

Қандайдир тетиклик бағишлайди менга хушбўй атир. Кейинги йилларда сотилаётган фаранг одеколонларида атиргул ҳидидан тортиб, каппарис спино-

за гулининг ҳидигача бор ва улар ниҳоятда дилтор-тар. Каппарис спиноза оқ гуллайди, лотинча номдаги бу ўсимликни биз оддийгина қилиб ковул деймиз. Бу антиқа ўсимликнинг гули бутун бошли мўъжиза ва унда танноз аёлларга хос нимадир бор. Гулининг ҳиди жуда нафис, жуда ёқимли... қандайдир хаёлчан ва романтик ифор. Албатта, масалан илиқликни эслатувчи ҳидларни ёки карамель ҳидига монанд одеколонларни ёқтирадиган кишиларга ковул гули таратадиган ҳид ёқмаслиги мумкин. Буниннинг ёзишига қараганда, Григоровичдан анқиб турадиган атир жуда хушбўй бўлишига шубҳам йўқ. Нега Григорович ёки Жемчужников деган рус ёзувчилари шундай атирлар сепиб юришади-ю, мен бундай қилолмайман, ахир мен ҳам ёзувчиман. “Мавҳумот” деб номланган романининг ўзи агар чет тилларга таржима қилинса, долларнинг тагида қолиб кетишимга шубҳам йўқ. Чунки унда эфтоназия тасвирланган. Романнинг учинчи китоби шу ном билан аталади. Агар янглишмасам, ўлим салтанатига хизмат қилувчилар тўғрисида ёзилган биринчи роман бу. Эфтоназия, яъни ҳузурбахш ўлим деб номланган корхона ҳозирча фақат Нидерландияда, Австралиянинг қайсидир бир шимолий минтақасида ва яна бир-иккитагина давлатда мавжуд. “Адам водийси” ҳам ундан қолишмайди. Аммо мени юксакликка кўтарадигани – новеллаларим. Майли, бу тўғрида гапирадиган бўлсам, мени нотўғри тушунишлари ва мақтанчоққа чиқариб қўйишлари турган гап. Лекин Бунин мени тушуниши мумкин эди, чунки иккаламиз ҳам Григоровичнинг ва Жемчужниковнинг атирига мафтунмиз. Мени безовта қилаётган ва атир олишга ундаётган куч Буниннинг бир мақоласи бўлди.

Ёзнинг жазирама кунларидан бирида айвончада ўтириб олиб қайноқ чой хўплардим ва “Китоб дунё-

си” газетасини варақлардим. Ногоҳ атирга ишқибоз Буниннинг “Ой чикди ложувард ой ёнидан” деган мақоласига кўзим тушди (юқорида айтиб ўтгандим). Азбаройи Нобель совриндори бўлганлигини ҳисобга олиб мақолага кўз югуртирдим ва мана бу сатрлар эътиборимни тортди: “Бир маҳал шундоққина ёнимдан бурнимга ёқимли одеколон ифори урилди, бошимни кўтарсам, не кўз билан кўрайки, Григорович! Бу учрашув унинг ўлимидан бироз олдинроқ содир бўлганди, анчагина қартайиб қолганди. Лекин худди ўзидан келиб турган ифор каби тоза ва тетик эди”. Атир ҳидидаги тозалик ва тетиклик... албатта жуда қизиқ бу, “ифор” ҳам оддий таъриф эмас. Шу сўзларни ўқидим-у, дарҳол ўрнимдан туриб Фарҳод бозори сари йўл олдим. Энди атирга икки баробар қиммат баҳо қўйса ҳам оламан, деган қарор дилимда қатъий. “Олурман икки жаҳон мулкига баҳо қўйсанг”, деган мисра майин куйга қоришиб, бош чаноғим ичида қовоқаридай гўнғиллаб айланади. Хаёлимнинг чуқур бир жойида эса ноёб атирдан сепиб, Садафнинг олдида борган ҳолатим.

... Биз учрашдик. Бадавлат оиладан эди қиз. Қайрағоч дарахти тагига қўйилган ёғоч скамейка олдида борарканмиз, атайлаб шамол эсаётган тарафда ўтирдим. Енгилгина шабада ноёб атирни менинг қизил алвон кўйлагимдан супуриб олиб, қизнинг нозиккина бурунчасига урарди. Бир пайт қарасам, оғзидан нафас оляпти Садаф. Баъзан йўл бўйида ўлиб қолган мушук ёки бошқа бир жонивор олдидан ўтаётиб, мен ҳам анча жойгача оғзимдан нафас олганча, қадамларимни тезлатиб, бадбўй ҳидни шу йўл билан бартараф этардим. Садафга қараб ҳаммасини тушундим. Аммо қиз ҳолатини ошкор этмади, кўп андишали эдилар-да бизнинг ёшлик давримизнинг қизлари. Хуллас, шундан кейин биз узоқ вақт учрашмадик. Уялиб юр-

дим. Ўта ноқулай-да бундай ҳолатлар. “Дид тўғрисида баҳслашмайдилар” дейдилар руслар, шундай бўлса ҳам... Тўғрироғи, бу бир тарафлама фикр. Ҳар қандай таёқнинг икки учи бор. Григорович билан Жемчужниковнинг тоза ва тетик атири Бунинга ёқди, балки бошқа бировга ёқмаслиги ҳам мумкин эди, аммо бу ерда бошқа бир жиҳат ҳам бор. Бунин ёзувчи бўлишни орзу қилиб юрган даврларда Григорович ёки Жемчужников каби улуғлар билан учрашиш катта бахт эди ва бундай бахтга мушарраф бўлган тетапоя ёзувчи учун улардан уфуриб турган ифор ҳам улуғ эди ва кўп нарсани белгиларди.

... Хуллас, шошқин қадамлар билан Фарҳод бозори томон йўл олдим. “Э худо, атир сотувчи бугун ҳам савдога чиққан бўлсин, ўша атирни сотиб юбормаган бўлсин”, деган “дуо”ларни такрорлаганча борардим. Ўз жойида эди сотувчи аёл, мени кўрди, таниди ва юзини четга бурди. Атирни олдим-да, йигирма беш минг сўм узатдим. Қошларини кериб қаради аёл ва: “Suave”нинг нархи юз минг сўм”, деди жиддий қиёфада. Иккиланмадим, чўнтагимдан бор пулимни олдим ва санаб юз минг узатдим. Узун бўйли, тоза кийинган ва хушбўй ифор анқиб турган Григоровичга ёки тозалигу тетикликда ундан қолишмайдиган шоир Жемчужниковга ўхшашни жуда истардим шу лаҳзада. Жуда кўп манзаралар, ҳолатлару орзу-умидлар, ўтмиш салафларимизнинг ҳаёт тарзини қўмсаш ва яна нималардир мужассам эди бу истакда. Ажабланиб қаради аёл ва йигирма беш минг олиб, қолганини қайтарди.

Уйга келишим билан ёзув столига ўтирдим. Шишачани қўлга олдим. Нақ бурнимга қаратиб, унинг қорагина қалпоқчасини босдим. Пижиллаган товуш ва зарраларга тўйинган салқин ҳаводан энтикиб-энтикиб нафас олдим, “Suave”нинг дилрабо ифори! Бунин таъ-

рифлаганидай тоза ва тетик ифор! Кўзларимни юмиб, чуқур нафас олдим-у, яна “пижиллатдим” ва ушбу новеллани ёзишга журъат этдим. Ёзувчи учун атир қанчалар катта куч эканлигини ҳис этиб турардим. Балки “катта куч” демай, бошқачароқ ифодалашим керакдир... Айтмоқчиманки, кишининг тетик юриши ва ўзини яхши ҳис этиши учун ва ҳаттоки ана шундай кайфият таъсирида бадий асарнинг дунёга келиши учун нафақат хушбўй ифор, баъзан оддийгина нарсалар ҳам, айтайлик, ботинкангизнинг ечилиб кетган боғичи ҳам, ёки чўнтагингизда дастрўмолчангизнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бас, шундай экан, Григорович билан Жемчужниковнинг тетиклиги яхши одеколоннинг хизмати эди десам, мени маломат қилманг, бу бир лаҳзалик онгостида яшириниб қолган ўйнинг ёки фикр моддасининг хизмати, албатта. Ана шу хизмат, яъни онг остидаги фикр моддаси қутқуси билан ўз-ўзимдан сўрайман: Григорович ва Жемчужниковдан таралган ифорни ҳидлаган Буниннинг улуғ ёзувчи бўлиб шаклланиши ва ҳаттоки, Нобель мукофотини олишига ўша ифор сабабчи бўлмадимкин? (Ҳеч кимдан жавоб талаб қилмайди бу риторик савол). Барибир мен ўз фикримга томон ён босаман. Ҳамма нарса, барча разиллик ва барча буюклик, дунёдаги бор кашфиёт миянинг иши. Неки қилсак ҳиссиётлар таъсирида, уларнинг қутқуси билан қиламиз. Ҳид билиш эса табиат ардоқлаган энг ноёб ҳиссиёт. Григорович тўғрисида гапираркан: “Бурнимга ёқимли одеколон ифори урилди”, дейди Бунин. Энг аввало шунга урғу беради. Модомики шундай экан, мендан таралаётган “Suave” ифорини ким пайқаркин, ким бош кўтариб кўраркин мени, балки бош кўтариб эмас, юқоридан пастга томон қараб кўришар ва ниҳоят, қаерларгача олиб бораркин мени бу ифор?..

ДАБДИРАГАНОВ

Мабодо Ундина хиёбонида кўнғир рангдаги ёмғир-пўш кийган, жуссаси нозиккина, бўйи ўртадан пастроқ бўлгани ҳолда, қаддини эгиб юрадиган кишини кўрсангиз, эътибор билан қаранг. Дабдираганов деганлари ана шу одам. Хиёбонда бундай либосдаги кишилар кўп бўлиши мумкин. Янглишмаслигингиз учун бу одамнинг бошқа белгиларини ҳам айтаман: Бошида эски кигиз шляпа, оёғида кирза этик. Белида шоҳи белбоғ. Ҳазиллашмаяпман, айнан шундай. Дунёда фақат бир киши – Дабдирагановгина ёмғирпўш устидан белбоғ боғлаб юради. Аммо буларнинг ҳаммасидан аввал (агар рўпарангиздан келаётган бўлса) қизил ва сариқ рангли зар иплар билан нақшланган бўйинбоғи кўзга ташланади. Худди бағрида олов ловуллаб ёниб тургандай. Ҳеч қачон бўйинбоғсиз кўчага чиқмайди бу одам. Уни сизга таништиришдан бирон-бир шахсий манфаат кўзлаганим йўқ. Сиз ҳам бу танишувдан ҳеч қандай фойда кўрмайсиз. Фақат кўнглингизда қизиқ бир ҳиссиёт қолади. Дабдирагановнинг шахсий ҳаёти билан танишиш истагини кун сайин шуурингизда маҳкамлайверади. Кўз олдингиздан кетмай қолади унинг қиёфаси.

Ундина хиёбони Дабдирагановнинг ишхонаси. Йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам ва ҳар қандай оби ҳаво шароитида ҳам иш жойида кўрасиз уни. Бундан икки йил ёки уч йил аввал январнинг ўрталарида жуда қалин қор тушди ва ҳарорат кескин пасайиб, томлар бўғотида қотган шушалар қарийб бир ой давомида эримади. Ана шундай кунларнинг бирида кўнжи узун этигимни кийиб, қалин шубага бурканганча хиёбон томон йўл олдим. Узоқданоқ қор устида қорайиб турган гавдани кўрдим. Дабдираганов! Ҳар доимги жойи-

да – кекса қарағай дарахти тагида ёлғиз ўзи турарди. Иккиланиб туриб қолдим. Агар мени пайқамаганида ими-жимиди ортга қайтган бўлардим, аммо қўлига доирасини олганидан англадимки, энди кеч. Энди йўлни давом эттиришга мажбурман. Чўнтагимни кавлаштирганча, қор кечиб унга яқинлашдим. Орадаги масофа ўн қадамлар қолганда вазифасини адо этишга киришди Дабдираганов. Титроқ овоз билан қўшиқ бошлади:

Орангутан, каркидон

Бўлдилар қуда-анда.

Тўйда қуйладим чунон.

Ўйнади бир газанда...

Ўйнади бир газанда...

Қалин қор остида оғир сукутда турарди дарахтлар. Совуқда салқи тортиб қолган доира “дап-дап” этиб садо беришдан тинди. Бир неча чақа ташладим қор утида турган қутичага. “Чилдирмам совқотган”, деди Дабдираганов бироз хижолат чекиб. Ижро қўнгилдагидек чиқмагани ва титроқ товуш билан айтган қўшиғи учун ҳақ олганидан эзилган тарзда узрхоҳлик қилмоқда эди. Бирор нарса деб далда бергим келди унга. Бир-бирига бегона одамлар тақдир тақозоси билан бир жойда туриб қолсалар ноқулай жимликни бузиш учун оби ҳаводан гап бошлашади одатда. “Қор жуда қалин тушди”, дедим мен ҳам бошқа гап тополмай.

– Қушларга қийин.

– Одамларга ҳам.

Юзимга тикилиб қаради Дабдираганов. Шунда жисмонан заиф кўринган бу одамнинг нигоҳида қандайдир куч яшириниб ётганини пайқадим. “Унинг кўзларида нима бор эди? Бир лаҳзагина зуҳур этган ва яна қорачиқлар ортига беркинган чақин ниманинг ифодаси бўлиши мумкин?” дея хонам бўйлаб кезинар

ва шу ҳақда ўйлардим. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бўларкан. Орадан ўн йил ўтиб ўша “чақин”нинг нима-лигини англадим.

Аммо ўшанда, қор устида туриб совқотган оёқлари аранг қимирлаётгани, қарахтлашган қўллари билан доирасини ғилофига жойлаётган ҳолати кўзларидаги ифодани бир лаҳза бўлса ҳам, унутишимга сабаб бўлган ва мен шу одамни уйимга олиб борсаммикин, дея тараддудланганим эсимда. “Одамларга ҳам қийин” деган гап билан унинг ўзини назарда тутганимни пайқади афтидан. Доирасини ғилофга солиб қўлтиғига тикди ва қорга бурканиб ётган дарахтларга қаради менинг елкам оша. Индамай йўлда давом этдим. Хиёбонга туташ кўчага ўтиб, бироз юрдим-да уйимга қайтдим. Иссиққина печ ёнида ўтириб қайноқ чой хўпларканман, ғаройиб табиатли бу одам ҳақида турли фикрлар хаёлимдан ўтди. Ҳатто, Англиянинг жосуси эмасмикин деган хаёлга ҳам бордим. Ҳеч қандай асосга эга эмасди миямнинг бир четидан ўйинқароқ ва мазахомуз бир ҳолатда кўриниш берган бу фикр. Тўғриси, ўз-ўзимга ҳазил қилмоқда эдим. Кейин жиддийроқ ўйлар шууримга урилди. Шундай қаҳратон совуқда уни кўчага ҳайдаб чиқарган куч нима ўзи? Очлик ва муҳтожликми? Ҳақиқатан ҳам тиланчими ўзи бу одам? Балки уйида оч ўтирган болалари бордир... Ногоҳ унинг тўйларда айтадиган яна бир шўхроқ кўшиғи эсимга тушди. Қулоқларим остида доира товуши, узоқроқдан келаётган шовқин-суронлар, якка-ярим қарсак овозларига қоришиқ ҳолда янгради ўша кўшиқ:

Йўл бўлсин-а, о, йўл бўлсин-ин,

Ҳеккан пахтанг Кремлга гул бўлсин!..

Мазах оҳанглари бор эди бу кўшиқда. Гўё бор ғазабини “ҳеккан” деган сўзга жойламоқчидек алоҳида куч ва урғу билан, атайлаб сўз бошига “Ҳ” ҳарфини

қўшиб куйларди Дабдираганов. Буни пайқамасдилар одамлар. Улар ароқ ичишар, қийқириб кулишар, нутқ сўзлашарди, аммо ҳеч ким бу қўшиқ мазмунини ўйлаб кўрмасди. Доирасини куч билан шапатиларди Дабдираганов. Шунга мос равишда кирза этиги билан ер тепинарди. Бўйинбоғи дирижёр таёқчасидай ўйноқлаб доира такти ва ритмини белгиларди гўё. Нарироқда пойтахтдан “ташриф” буюрган санъаткорлар қўшиқ айтиб рақсга тушишар, тўй дастурхонидан узоқроқда – дарвоза олдида туриб куйлаётган санъаткорга бирор киши эътибор қилмас, фақат беш-ўн чоғли шумтака болалар унинг олдида қилпанглаб турли қилиқлар қилишарди. Шундай бўлса ҳам бўш келмасди Дабдираганов. Тўй ниҳоясига етганда чақирилмаган бу санъаткорни ҳам қуруқ жўнатишмасди, албатта. Беш-тўрт сўм пул ва бир тугунча егуликлар билан кузатиб қўйишарди.

Оғир келган қаҳри қаттиқ қиш ниҳоялаб, буталар остида бинафшалар бош кўтарди. Ижодий ишларга бошим билан шўнғиб, икки ой давомида уйдан деярли чиқмадим. Чиқсам ҳам, Ундина хиёбони томонларга ўтмадим. Чунки Дабдираганов энди менинг хонамда яшарди. Яъни мен қоғоз устига эгилганча, ўз қаҳрамоним билан хаёлан суҳбатлашар ва уни турли қиёфада тасвирлашга уринардим. Ёзаётган асарим тармоқлаб, ўсиб ва кенгайиб борар, аммо ғаройиб табиатли бу одамнинг тасаввуримдаги ҳаётини тасвирлашга фантазиям етишмаётганини англаб, асабийлашардим. Уни қийинчиликлар гирдобига ташлаб, қарийб ўз жонига қасд қилишгача олиб бордим. Барибир, қисса жуда бўш чиқди. Қоғозларимни бир четга суриб қўйиб Ундина томонга йўл олдим. Ҳали узоқданоқ доира товуши қулоғимга чалинарсан, саёқ санъаткорнинг иши юришиб турганини англадим. Дарҳақиқат, хиёбонда сайр этиб юрган кишилар доирачининг рўпарасида

тўхташар ва унинг оёқлари олдида турган кичкина кутичага эп кўрганларини ташлаб ўтишарди.

Эгнида ранги униққан ёмғирпўш, белида кўк шоҳи белбоғ, шляпаси ҳам ўша-ўша. Бўйинбоғи оловдай ловуллаб турибди. Мен дастлаб унинг ёнида туриб билинар-билинемас ҳаракатлар билан муқом қилаётган аёлни пайқамаган эканман. Дабдираганов доирасини шапатилай туриб тирсаги билан уни туртиб, қўшиқ орасида “йўқол” деб ўшқирганидан кейингина кўрдим аёлни. Ориққина, ёши ўттизлардан ошган бўлса ҳам ёш қизлардай нозик, кўкрагига етар-етмас ораликда эчкининг думидай қилпиллаб турибди жимжилоқ йўғонлигидаги бир ўрим сочи. Менга жуда қизиқ туюлди уларнинг муносабатлари. “Немисча шеърдан бўсин! Немисча шеър!” дея қичқира бошлашди чорпоя устида ўтирган улфатлар. Доира товушини пасайтирди Дабдираганов ва қўшиқ айтишдан тўхтаб шиддат билан шеър ўқий бошларди:

Штрангкергриннинн зихх пферзих-хх!

Хальт унзерин кранкин криншприх-хх!..

Бу сўзларни шундай бир қиёфада ва шундай шиддат билан айтардики, энг довюрак немис ҳам қочиб ўзини дарахт панасига олган бўларди. Олмон тилини бир нав билганлигим сабабли, “Пфирзих”нинг шафтоли эканлигини ва “хальт” тўхта, деган маънони англа тишини тушундим. Бошқа сўзларни луғатлардан ҳам қидириб тополмадим. Энг қизиғи, қачон бу ғаройиб томошани кўришга бормаи, мутлақо маъно боғланиши ва мантиқ йўқ “шеър”ни одамлар лол қолиб тинглашаётганини кўрдим. Шеър айтаётганда унинг юз ифодасига қараб, товушларнинг бу қадар аниқ талаффузи, куч билан портлашидан ўзим ҳам ҳайратда эдим. Дарвоқе ёнидаги аёл билан унинг муносабати ит билан мушукни эслатарди. Дабдираганов доира чалаётганда ҳам, қўшиқ куйлаётганда ёки шаър ўқиётганда

хам аёлни туртиб ташлар ва “йўқол” деб ўшқиришни унутмасди. Уйга қайтиб бу ҳолатларни қоғозга туширдим ва ҳар кун томошага борадиган бўлдим. Август ойига бориб тўйлар кўпайиб қолди ва энди Ундина томошаси тўйхоналарга кўчди. Тўйга таклифни кутиб ўтирмасди Дабдираганов, доирасини чалганча тўғри тўйхонага кириб бораверарди. Ёнида эса ҳар сафар ўша аёл. Буни қарангки, энди тўйга келган кишилар ундан немисча шеър айтиб беришни талаб қиладиган ва бундан беқиёс завқ оладиган бўлишган. Шеър ҳам аввалгидек саккиз қатор эмас, чамаси йигирма мисралар бор. Дабдираганов ҳеч қандай маънога эга бўлмаган сўзлар йиғиндисини тўйдан-тўйга кўпайтириб борар ва экспромт йўли билан соатлаб айта оларди.

Узоқроқ бир қариндошимнинг тўйида Дабдираганов етмиш мисра шеърни ёддан айтди. Катта пул эвазига олиб келинган санъаткорлар ҳам кўшиқ айтишдан тўхтаб немисча шеърни тинглаб туришар, уларнинг ўйинчиси қўлини осмонга кўтарган кўйи туриб қолганди.

Воқеалар шу зайлда ривожланиб бораётганда мени Қарши шаҳрига ишга чақириб қолишди. Рад этолмадим. Газетанинг иши билан овора бўлиб ҳеч ёққа чиқолмас ва Дабдираганов тўғрисида ёза бошлаган қиссамни ҳам тамом унутгандим. Фақат ҳар замон гап келганда бу одам ва унинг ҳамроҳи тўғрисида ҳамкасбларимга сўзлаб берардим, холос.

Орадан ўн йил ўтиб халқимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида бир очерк тайёрлаш учун Шаҳрисабзга бордим. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди шаҳар қиёфаси. Гўзал архитектура намуналарига қараб кенг ва равон кўча бўйлаб борарканман, ёнимга янги оқ “Нексия” келиб тўхтади. Ўзимни четроққа олмоқчи бўлдим. Аммо машинадан тушган қора кўзойнакли одам чаққон ҳаракатлар билан йўлимни тўсди.

– Нима гап? – дедим жаҳлим кўзиганини яширмай.

– Мен Дабдирагановман!

Орқага қалқиб кетдим.

– Ўтиринг машинага.

– Немисча шеър ўқиб берасизми? – дея ҳазил қилган бўлдим ўзимни бироз тутиб олиб. Хаёлимда эса унинг доира жўрлигида айтадиган кўшиғи:

Оранггўтанг, каркидон

Бўлдилар қуда-анда.

Тўйда куйладим чунон,

Ўйнади бир газанда,

Ўйнади бир газанда...

– Эслатманг, у даврлар ортда қолди, – дея кескин қўл силтади Дабдираганов. Машина ичида кўркамгина аёл ўтирарди. Бунга эътибор қилганимни англади ва гарчи аёл бизнинг гапларимизни эшитмаётган бўлса-да, таништирди:

– Янгангиз. Ундина хиёбонида ёнимда турадиган ўша аёл. Аммо ҳамон уни Газанда, дейман. Яхши маънода, албатта. Энди у катта фермер. Юз бош сигири бор. Компьютер билан бошқаради ишни...

– Ўзингиз-чи?

– Мен хусусий тадбиркорман. Иккита супермаркетим ва шаҳар марказида рестораним ҳам бор. Ҳозир сизни ўша ресторанга олиб бораман, агар розилик берсангиз. Ўша ерда, алоҳида хонада ўтириб бир отамлашамиз.

Бундай эврилишдан ҳайратда эдим. Ўн йил аввал оппоқ қор устида унинг қутичасига танга-чақаларни ташлай туриб, нигоҳида ялт этган чақиннинг кучини ҳис этган, аммо унинг нималигини билмагандим. Шунини эслаб ўша ҳолатнинг такрорланишини яна кўриш истагида унинг кўзларига қарадим, аммо қора кўзойнак тўсиб турарди унинг нигоҳини. Қашшоқ тиланчининг қандай қилиб бу даражага етганини би-

лолмай, бу ҳолдан таажжубга тушдим. Кўп нарсани билишни ва унинг ҳаётига доир кўп нарсани сўрашни истаганим ҳолда, савол беришга истиҳола қилиб турганимни пайқади Дабдираганов ва ундан сўрамоқчи бўлган саволларимнинг ҳаммасига бир оғиз сўз билан жавоб берди:

– Мустақиллик!

ЁРОНГУЛ

1

Кўй келади кўзи билан язонгул

Бир-бирининг изи билан язонгул...

Мактаб болалари тизилишиб ўтиб боришар, уларга қараб туриб шу икки қаторгина шеърни куйга солиб айтарди Алпак момо. Жуда бошқача оҳангда айтиларди мисра охиридаги “язонгул”. Қандайдир улуғлаш ва эркалаш ёки эркаланиш урғуси яққол сезиларди бу сўзда. Бошқа гапирмасди момо бирор оғиз ҳам. Дунёга доврўғ солган улуғ ва номдор шоирларнинг ижоди билан ошно бўлганлигим сабабли, момонинг шеъри бир тийинга қиммат туюлар ва раҳмим келарди, шеъриятнинг ҳайқириб оқиб ётган улуғвор дарёсидан беҳабар қолган бечора аёлга. Билмасди-да ахир, момо Байроннинг “Чайльд Горальд зиёратгоҳлари”ни. Билмасди Петрарканинг гўзал сонетларини. Лоақал бирор марта эшитганмикин Ҳофиз ё бўлмаса, Навоий ғазалларини бу кампир.

Табиатни кузатиш учун баъзан адирга олиб чиқардим ўқувчиларимни. Ҳар сафар ўз ўрнида – дарвоза ёнидаги тош супачада муқим ўтирган бўларди кампиршо. Қошларида ўсма. Икки ёноғи усқизил билан бўялган. Қадим замонларда лўлилар учбурчак шаклидаги қоғоз ўрамаларда турли хилдаги рангларни,

сақич ва тишқоли деб номланган моддаларни ҳовлима-ҳовли олиб юриб, хонадон бекаларига сотиб кетишар ёки бирон-бир егуликка алмаштиришарди. Аммо бизнинг давримизда хилма-хил пардоз бўёқлари кўпайиб қолганлиги сабабли, лўлилар халтасини обод қилган бундай маҳсулотлар йўқолиб кетган. Ҳеч қаердан тополмайсиз уларни. Модомики, Алпак момо ёноқларини қадимий усқизил билан бўяб юрар экан, демак момо даврнинг шамолини ҳис қилган ва қадимий пардоз бўёқларини захира сифатида сақлаб келаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Момонинг мунтазам равишда бўяниб юриши менга кулгили туюлар ва баъзан буни момонинг ўзига айтиб юборишдан аранг тийилардим. Тўғри-да, ахир ким учун ва нима учун ўзига пардоз беради? Ёки ўзини ҳамон ёш аёл сифатида тасаввур қилармикин?..

Хуллас, унинг олдидан ўта туриб биз, албатта “язонгул”ни тинглашга мажбур бўлардик. Менга ва ўқувчиларимга қараб “қўй келади қўзи билан...” дейиши ҳам жиғимга тегарди бироз. Жаҳлим ҳам кўзирди кўшиқ сўзларини айнан ўз маъносида қабул қилаётганимни ўйлаб. Ва қай маънода айтаётганини билиш учун синчиклаб қарардим унинг бўяб ташланган юзига. Аммо кечирардим уни. Кимсасиз бир бечора аёл...

Бир куни ишдан қайтаётиб ўзимча нималарнидир гинғиллаётганимни пайқаб қолдим. Қарасам, момонинг “язонгул”ини айтиб келаётган эканман. Одатда мен “Ҳастадур жоним менинг, то борки жононим менинг”, деб бошланадиган романсни хиргойи қилиб юришни яхши кўрардим. Умуман романс беқиёс, ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайти инсон тафаккурининг бундай нафис маҳсулини. Қайси тилда куйланмасин, романс бутун бошли жозиба. Кўнглингиз тошдай қотганда “Ман намедонам чи ном дорад” деб хиргойи

қилишингиз билан кўзингиз жиққа ёшга тўлади. Мен ўз ҳолатимдан келиб чиқиб айтяпман. Аммо бугун, бундай ўйлаб кўрсам, ишхонада ҳам “Язонгул”ни хиргойи қилиб юрганим ёдимга тушиб, истеҳзо билан кулдим. Тунда эски қўлёмаларимни титкилаб ўтириб яна момонинг кўшиғи беихтиёр шууримга урилаётгани ва миямнинг мубҳам қаватларида ўз оҳанги билан айланаётганидан, сўзлар тилимга кўчаётганидан таажжубга тушдим. Дарҳақиқат, одатдан ташқари нимадир бор эди шу сўзлар тизимида. Балки оҳангдир... ёки ёронгул сўзининг бузиб язонгул шаклида айтилишимикин. Хуллас, унча кучли бўлмаган, аммо арининг визиллашига монанд оҳанг менинг шууримда ўрнашиб қолган ва қандай иш билан банд бўлмай, энди ҳар доим ғинғиллаб “Язонгул”ни куйлардим ва кўп ҳолларда ундан қутулишга ва бошқа бирор кўшиқни хиргойи қилишга, ё бўлмаса, умуман ҳаммасини миямдан қувиб чиқаришга интилардим. Аммо бироздан сўнг яна аридай визиллай бошларди миямнинг қаватларида ўша эркаланувчи оҳанг.

Нима мақсаддалигини аниқ билмаган ҳолда, аммо атайлаб момонинг олдига бордим кунлардан бир кун. Одатдагидек, дарвозани қулфлаб ташқарида тош сучача устида ўтирарди кампиршо. Шунда дабдурустдан яна “Язонгул” ёдимга тушди ва сўрадим:

- Язонгул деганингиз қандай гул, момо?
- Қизил гул, балам, – жавоб қилди момо ёшига хос бўлмаган тетик овоз билан.
- Ёронгулдир балки, геран дейишади руслар?
- Йўқ у бошқа... Язонгулнинг ранги мана, менинг юзимга ўхшайди.
- Ўзингиз кўрганмисиз, шу язонгул деганингизни?
- Кўрганман, балам, кўрганман. Ҳар кун кўраман.
- Қаерларда ўсади бу гиёҳ, тоғдами, боғдами?

Анчагача жим қолди момо. Сабр билан кутдим. Пинакка кетди шекилли менинг момогинам, деб турганимда шивирлаб қолди унинг лаблари:

– Кўнгилда... кўнгил уйда ўсади... – тушкун бир кайфият бор эди энди унинг сўзларида.

Ҳафсалам пир бўлди бу гапдан бироз ва нима бўлса ҳам ёлғиз бир инсоннинг кайфиятини кўтарай деб ҳазиллашдим:

– Кўнгилда ўсса сув-пув ичмайдими у жонивор?

– Ичади, мана, саксон йилдирки, уни суғораман, парваришлайман. Юракдан сув ичади язонгул, шунинг учун ҳам қизил, қип-қизил-да...

Ҳа, гап бу ёқда экан-да, дедим момонинг фикру фалсафаси қай томон оғаётганини фаҳмлаб. Нима учундир бир умр ёлғизликда яшаган бечора аёлнинг ёшлиги, қизлик пайти, севгиси тўғрисида сира ўйлаб кўрмаган эканман. Эсимни таниганимдан бери шу момо бор. Сира ўзгармайди, гўё шундай кўринишда – оппоқ сочлари, зангори матоҳдан тикилган култапўшоги, митти-митти кўк гулли алпак деган матодан тикилган кўйлаги билан туғилгандай... Момонинг бош кийимига ҳам қизиқаман. Худди узун дастали ёғлоғига ўхшайди. Дастасининг ичи қавак. Ана шу қавақдан эчкининг думидай бўлиб бир ўрим сочининг учгинаси кўриниб туради. Юз ёшдан ошган, дейишади уни. Аммо момо тетик. Камгап бўлса ҳам ҳаракатчан. Куч ёғилиб тургандай данакдеккина вужудидан. Демакки, ёшлигида ва балки умр бўйи кучли жисмоний меҳнат билан шуғулланган.

Одатда, кун бўйи дарвоза оғзида ўтиради Алпак момо. Шу йўлдан ўтаётиб саломлашаман ва баъзида кўнгли учун ниманидир сўрайман. Момоларда гап кўп. Ҳаммаси сирли гаплар. Назаримда, “язонгул”да ҳам қандайдир сирлар яширин. Акс ҳолда саксон йилдан бери уни суғориб парваришлаб ўтирмасди бу момо.

Шуларни ўйлаб, унинг ички дунёсига ва яшаш тарзига янада қизиқиб қолдим. Қандай бўлмасин, кампиршонинг уйига кириш ниятидаман. Уйига кириш – сирига кириш. Кўп нарсаларни ҳикоя қилади уй ва унинг деворлари... Инсон ҳаётининг ва турмуш тарзининг нуқси уриб қолади деворларда.

2

Кузнинг охирлари, ҳаво совуқ. Ишдан қайтаётганимда, кечга томон оға бошлаган эди кузнинг бир тутам куни. Момо эса ҳамишагидай дарвоза ёнидаги тош супачасида ўтирарди. Тагида пахталик нимчасими ёки кўрпачами, нимадир бор. Эгнида ёқаси мўйналик эски мовут пальто, мўйнаси тўкилиб, ёқанинг айрим жойлари яланғочланган, бошида тивит рўмол, қўлларида руслар “варюшки” дейдиган қўлқоп. Айни муддао дедим ўзимча. Момони уйига киргизиб қўяман! Ана шу мақсадда енгил қадамлар билан олдига бордим:

– Моможон, совқотиб қолибсиз, уйингизга олиб кирай, – деб қўлтиғидан олдим.

– Ўзим киравераман, болам, овора бўлма.

– Ёрдамлашиб, сизнинг дуонгизни олай дейман-да, моможон.

– Қўй, мени ёмон ўргатма.

Кулгим келди. Ўзини тарбиялашда давом этмоқда эди юз ёшдан ошган кампиршо. Балки тонгда туриб сальто – пальто қилса ҳам ажаб эмас. Индамай йўлимда давом этдим. Айтишларича, ҳали ҳеч ким кўрмаган унинг яшаш жойини. Миямда мустақамлана бошлади бир фикр: “Момода бир сир бор”. Ҳатто унинг исми ҳам бошқача: “Алпак”. Кийинишлари ҳам бу қишлоқ аёллариникига ўхшамайди. Ёлғизлиги-чи?.. Сир-синоатлар кўп бўлади ёлғиз одамда. Хуллас, Алпак момонинг ҳаётини ўрганишга бўлган қизиқишим тобора ортиб

борарди. Луғат китобларини варақлаб, кексалардан суриштириб, Алпак деган сўз мазмунини қидиришдан бошладим тадқиқотни. Узоқ йиллар аралаш моллар дўконидида ишлаган бир амаки мен қизиққан сўз мазмунига аниқлик киритди, ниҳоят. Унинг айтишича, кўринишидан шоҳига ўхшаш, аммо шоҳига нисбатан бировгина дағалроқ, гули ўзидан чиқарилган якранг матоҳ экан алпак. Хулоса қилдим ва у ҳамиша шу матодан кўйлак кийиб юргани учун балки исмини Алпак деб атаб кетишгандир, деган фикрга бордим. Нима бўлганда ҳам, инсонни ўрганиш улуғ тадқиқот. Ойни, Марс ёки Юпитерни ўрганишдан олдин инсонни чуқурроқ англаш, унинг ички оламини тадқиқ этиш фойдали ва зарур деб ўйлайман. Биолог бўлганим ва ҳар бир гиёҳга ва ҳар бир ҳашаротга қизиққаным учун эмас, айтайлик, адабиётчи бўлганимда ҳам шу фикрда қолган бўлардим. Инсонни тадқиқ этиш учун менинг назаримда Алпак момо энг яхши манба.

Афсуски, ўша қишдан чиқмади момо. Унинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитишим билан биринчилар қаторида етиб бордим. Мўйнали пальтосига ўранганча хона бурчагида ғужанак бўлиб ётарди бечора. Пальто тагидан этаги узун алпак кўйлаги кўришиб турибди. Дафн харажатларининг ҳаммасини бўйнимга олдим. Орадан икки кун ўтгач тоғда яшайдиган узоқ бир қариндоши келиб, марҳумнинг лаш-лушларини олиб кетадиган ва уйни сотадиган бўлди. Бу гапни эшитиб, сира иккиланмай тўғри ҳовлига кириб бордим. Бунга тўла ҳақли деб ҳисоблайман ўзимни. Чунки шу қишлоқда ҳаммадан кўра мен яқин эдим момога. Бундан ташқари уни ўрганишга киришган эдим. Демакки, мен ҳар куни уни эслаш, унинг ҳаёти тўғрисида фикрлашга, бундай айтганда, маҳкум ва масъул эдим. Момо вафот этгандан кейин – гарчи у фарзанд кўрмаган бўлсада, уни она сифатида, мушфиқ бир аёл сифатида яхши

кўришимни англадим. Нега унга бирон-бир яхшилик қилмадим, ҳеч бўлмаганда туғилган кунини аниқлаб бирор кафт хурмоми, ҳолвами совға қилмадим деган афсус дилимни ўртарди энди. Ким эди бу аёл, миллати нима эди? Қандай мақсад билан яшади ва ким учун яшади? Дунёда муҳаббат деган туйғу борлигидан хабар топдими унинг юраги? Ана шундай алғов-далғов фикрлар билан ҳовлига қадам қўярканман, бироз адоват ила қарадим тоғлик одамга. Ва ўша куннинг ўзида ёқ каттагина пул эвазига ҳовлини сотиб олдим. Айрим сабабларга кўра, пайсалга солиб бўлмасди бу ишни. Бундай йўл тутишим қишлоқ аҳлининг энсасини қотирди бироз. Шу пулга дурустгина ҳовли-жой олса бўларди, дейишди менга баъзилар. Ҳовлидан ариқ ўтади суви учун олдим, деб баҳона қилдим. Аслида эса мақсадим нима эканлиги фақат ўзимгагина маълум.

Уч хона, бир даҳлиз ва даҳлиз адоғида жойлашган қазноқдан иборат эди бино. Олди пешайвон. Қадимий токчали болғиндорли вассажуфт уй. Момонинг лаш-лушларини йиғиштиришаётганда кузатиб турдим, бирор эътиборни тортадиган ва момонинг сирини очишга ёрдам берадиган буюм чиқиб қолмасмикан деб. Йўқ, ҳаммаси оддий кундалик рўзғорда ишлатиладиган нарсалар. Болғиндордаги сандиқ ичидан ҳам эски-туски кийимлардан бўлак ҳеч нарса чиқмади. Ҳовлини ва уй рўпарасидаги ошхонани ҳам назардан ўтказдим. Булар ҳам одатдагидай: ўчоқ, тандир, бир кучоқ тараша ўтин...

Ҳовли ўртасидан ўтадиган ариқ бўйида ўтириб ўйга толдим. Энди нима қиламан бу жойни, қайта сота олмасам, кўчиб келишга ҳам кўнглим йўқ. Уй жуда тароватсиз... Мунгли қандайдир. Эшик-деразалар ҳам момонинг ўзидай “қариган”. Сувга қараб ўйга толаман. Ариқ ўзанида майда ғўрашакли сополсимон тошчалар... “Кўй келади кўзи билан язонгул”, дея хиргойи қи-

ламан ҳар замон. Ва хиргойи қилганча яна сувга қарайман. Жимираб кўринади сув тагида қизғиш кўнғир тошчалар. Қаердан келиб қолди экан бундай тошчалар? Мактаб ўқитувчиси учун бегона уй йўқ. Ўқувчиларим яшайдиган ҳар бир ҳовлига кириб чиққанман. Йўқ, бирор жойда кўрмаганман бундай тошчаларни. Шу ҳақда ўйладим, аммо бундан бирон-бир хулоса чиқара олмадим. Табиатан кузатувчан одамман мен. Ёзувчиларга ва биологларга хос хусусият бу. Ўқувчиларим билан ер қаватларининг тузилишини ўрганиш мақсадида, Чуқурсойга борганимизда сув ювган ва эрозияга учраган бир жой эътиборимни тортди. Икки метрлар чамаси қалинликда бўз тупроқ, ундан кейин қарийб бир қулоч қалинликда қум, шағал. Демак, бир пайтлар бу ер дарё ўзани бўлган. Вақтлар ўтиши билан сув йўналишини ўзгартирган, ташлаб кетган бу жойларни оқар сув ва қишлоқ бунёд бўлган унинг ўрнида. Ана шу манзара кўз ўнгимдан ўтаркан, ҳовлидан оқиб ўтадиган ариқ шағалидан бир ҳовуч олиб селюфан халтачага солдим-да, ўша жарга бордим. Ҳар иккала намунани солиштирдим. Деярли бир хил. Қийин бўлди хулоса чиқаришим. Алпак момо шу жардан шағал олиб бориб ариқига тўккан дейиш мантиқан нотўғри. Бу сувнинг иши десак, ариқ икки-уч метр чуқурликдан оқсагина ўша қаватга етиши ва унинг ўзанида шағал ҳосил бўлиши мумкин. Ҳар иккала хулоса ҳам нотўғри, демак. Ўйлаб қолдим. Алпак момонинг сири, ҳеч бўлмаганда сирнинг бир учи мана шу ерда, мана шу тошчаларда эмасмикин?.. Кўнглимга оралаган мубҳам бир шубҳа таъсирида хоналарни қайтадан бирма-бир кўздан кечирдим. Ва...

3

... Ва ниҳоят, калавининг учини топдим. Аниқроғи, сир очилди! Даҳшатларга тўла тун ортда қолди. Икки

кун ётдим ўзимга келолмай. Учинчи кун мактабга борганимда илмий бўлим мудиримиз Ақдавлатова опа ағрайганча қараб қолди менга. Кейин унинг қизи Гавҳар ва бошқа касбдошларим ўраб олишди атрофимни. Директорнинг ўзи ўрнидан туриб олдимга келди-да, бошимни силай бошлади. Эрталаб ойнага кўз ташлагандим ва билардим, сочим бир кечанинг ўзида қордай оқариб кетганини. Сабабини сўраб-суриштиришди. Аммо мен айтолмасдим Алпак момонинг сирини. Йўқ, айтадиган, ошкора қиладиган сир эмасди бу. “Кулли сиррин жовазал иснайн шоъ”, дедим ўзимга ўзим ва тилимни тийдим. Кудуққа ҳам айтолмасдим бу сирни... Баҳонага бошқа жўяли гап тополмай, қўрқинчли туш кўрганимни айтдим. Биров ишонди, биров ишонмади. Сочимнинг бир кечада оқариб кетгани ҳам, менинг нафақат ташқи қиёфам, балки ички оламим, руҳиятим ва характерим ҳам энди аввалгига ўхшамасди. Вақтлар ўтиши билан касбдошларим ва таниш-билишларим кўникишди менда рўй берган метаморфазага, аммо сира кўниколмадим ўзим. Алпак момонинг сирини борган сари янгиланар, кучаяр ва кунлардан бир кун бор овозим билан одамларга ошкор этишимни талаб қиларди. Шунда англадимки, ундан халос бўлишнинг фақат ягона бир йўли бор. Мен бу сирни дафтар варақларига кўмишим керак. Ва бу дафтарни ҳеч ким топа олмайдиган жойга яшириб ташлашим керак. Сира пайсалга солмай қўлимга қалам олдим ва шиддат билан ёзишга киришдим:

...Бугун мен билган Алпак момо чамаси йигирма беш ёшда эди ўшанда. Тахминимча, 1939 йиллар... Ворошилов номли колхоз фермасида ишларди. Баланд ўсган маккажўхоризор оралаб борарди ишхонасига. Фермага яқинроқ эди бу йўл. Ногоҳ, маккажўхори буталари шовуллаб кучли шамол эсгандай шалдираб силкиниб кетдию, ёндош эгатда кимнингдир тирсаги

кўринди. Жунбишга келди қизнинг барча ҳиссиётлари ва оҳиста шивирлади.

– Язон?!

– Алпак!..

– Қўрқитиб юбординг-ку, болакай...

Кўйлагининг ёқасини очиб, кўксига туфлаган бўлди қиз.

– Мен кетяпман, Алпак...

Унинг елкасида чилвир билан танғиб кўйилган халтасига қаради ва энги билан жимгина кўз ёшларини артди қиз. Ва энгини кўзидан олмай чеккасини тутди ўсмирчага. Бундан бироз саросимага тушди йигитча. Бир лаҳза доврираб турди ва беўхшов бир ҳаракат билан бағрига босди қизни. Қисқа бўлди хайрлашув, йўлга тушди жаҳд билан Язон. Шовуллаб қолди маккажў-хоризор унинг ортидан. Уч йил ўтди орадан, армиядан қайтмади йигит. Чунки бу пайтда уруш бошланиб қолган эди. Ўтиб кетди орадан яна уч йил. Хат-хабар бўлмади йигитдан ва умидини узди Алпак, шундай бўлса ҳам, эрга тегмади. Кўнглининг бир четида яшириниб яшаётган қандайдир туйғу йўл бермасди бунга.

Уруш... мактаблар ўқитувчисиз қолди. Ташаббус кўрсатди шунда Алпак. Турли ёшдаги болаларни битта синфга тўплаб, ўқитиш, ҳарф ўргатиш билан машғул бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида ярим тунда оҳистагина тақиллади унинг эшиги. Оппоқ қорга беланиб кимдир турарди остонада. Елкасида милтиқ, орқасида чилвир билан танғиб боғланган халта. Бир неча сонияга чўзилди сўзсиз саҳна. Ва остонадан тушмасдан унга отди вужудини қиз. Тўзғиб қолди оёқ остида қорлар...

Қайғули эди Язон. Шивирлаб гапирарди. Чўчинқираб қулоқ тутарди ҳар шарпага. Унинг ҳолатини тушунди қиз. Қалин матоҳ илди деразага. Ташқарига чиқиб

дарвоза олдидаги ва йўлакчадаги қорни кураб ташлади. Супани ва дераза тагини супурди. Эшикни қулфлади...

– Нимасидан кўрқасан, икки йил эмас, уч йил эмас, олти йил хизмат қилдинг! Қани бошқалар ҳам сенча хизмат қилиб кўрсин аввал... – деди Алпак йигитнинг рўпарасига чўккаларкан.

– Излаб келишади... топиб олишади... отиб ташлашади...

– Қўрқма, бир бошга бир ўлим.

– Ўлимдан эмас, исноддан кўрқаман.

– Нега қочдинг унда?

– Сира ҳам бундай қилмоқчи эмасдим. Олти йил ватандан узоқда не кунларни кўрмади бу бошим. Аммо етарди ҳали бардошим. Сен кўзимга кўринавердинг, тушларимга киравердинг...

– Сени айбламайман, Язон. Кимлардир ўз манфати учун бошлаган урушда сен қурбон бўлишинг керакми?! Сенинг бундай йўл тутишинг босқинчилик ва қонхўрликка қарши исён.

Шундай гаплар билан Язонни биров бўлса-да тинчлантиришга уринарди қиз. Ва мутлақо бошқа нарсаларни ўйларди айни пайтда. Қочоқни яшириш жуда қийин иш. Аммо Язон ота-онасиникига ҳам бормай паноҳ излаб меникига келибдими, жоним борича ҳимоя қилишим керак уни. Жуда ҳолдан тойганди Язон, бурчакка суянганча ухлаб қолди. Уйқуда ҳам ташвишли эди унинг юзи. Болғиндордаги сандиқни тортиб ерга туширди Алпак. Тешача билан болғиндор тагини ўя бошлади. Қатъий қарорга келганлигини англаш мумкин эди уни ҳаракатларидан.

4

Ёш ва бақувват қиз эди Алпак. Кундузи фермада ишлар, тунда лаҳим қазирди. Аввал бу ишдан бирор натижа чиқишига ишонмаган Язон ҳам энди ишга жиддий киришиб кетган. Ертўладан чиққан тупроқ

муаммо эди албатта. Йўли топилди бунинг ҳам. Тунда тупроқни ташиб чиқиб, ариқ сувига оқизишарди икковлашиб. Майда ғўрашак тошчалар ариқ тубига чўкиб қолар, тупроқ эса лойқаланиб оқиб кетарди...

Мана, энди тушунгандирсиз ариқ тубидаги тошчаларнинг қаердан келиб қолганлигини. Хуллас, ўша куни ариқ ўзанидаги ва жарликдаги шағални солиштирарканман, Алпак момо яшаётган уй тагида, икки ёки икки ярим метр чуқурликда ертўла бор, деган хулосага келдим. Аммо унинг эшиги қаерда. Бирор жойда буни кўрсатувчи белги йўқ. Нима мақсадда қазилган бу ертўла? Ўйлаб, ўйимга етмасдим. Ертўла кампирга нима учун керак? Албатта, уй остида яширин ертўла борлигини шубҳа остига қўяди бу савол. Ёш бўлса, бадавлат бўлса, катта бойлик тўплаган бўлса, бунинг йўриғи бошқа... Кампирда эса буларнинг ҳеч бири йўқ. Ечим – ертўлани топишда. Шундагина ойдинлашади ҳаммаси. Мактаб биология кабинетидан заррабин олиб келиб, ҳар бир тешик-тирқишни, хона бурчакларини кўздан кечиришга киришдим. Ва мана, ниҳоят, болғиндор тагидан чиқиб турган темир ҳалқача эътиборимни тортди. Чапга бурагандим жойидан чиқиб келди ҳалқача, энди уни ўнг томонга бурадим. Ва ўзим томонга тортиб кўргандим, сомон сувоқ қилинган ер ўрnidан кўзғалиб, юқорига томон кўтарилди бошлади. Ва унинг тагида ертўлага олиб тушадиган зина кўринди. Бундай ҳолатда тасаввур қиласизми, инсоннинг қай ҳолатга тушишини! Ертўла қопқоғининг қалинлиги қарийб ярим қаричлар бор. Остки қисми қалин тахта, усти сомонли лой билан шундай сувоқ қилинганки, уй девори ва хонанинг таг қисмидан фарқлаш қийин. Қопқоқ ёпилганда, бурама ҳалқача олиб қўйилган. Аммо энг сўнгги дамда, момо афтидан ертўлага тушиб чиққан-у, ё дард туфайли, ё ўлим фариштасининг қистови туфайли, ё бўлмаса ха-

ёлпаршонлик билан ҳалқачани бураб олишни унутган. Менинг тахминларим шундай ва мен буларнинг тўғрилигига тўлиқ ишонаман. Ҳадемай тахминларим тўғрилиги ўз исботини топди. Зинага қадам қўйишдан аввал, қўлфонари билан хуфра деворларига синчиклаб қарарканман, шундайгина биринчи пиллапоя ёнида, чап томондаги деворда электр чироқ тугмаси борлигини кўриб қолдим. Хона ёришди. Эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда, ҳар қандай тасодифларга ўзимни шай тутиб, туша бошладим зинадан.

Гарчи ҳаяжонимни жиловлаб, оддийгина сўзлар билан айтаётган бўлсам-да бу воқеаларни, ўшанда ҳазилакам кўрқмаганман. Сир ортида синоат бор. Кимдир мени кузатиб тургандай, анави жавон ичидан мўйнали пальтосига ўранганча Алпак момо чиқиб келадигандек... ёки биров тепадаги қопқоқни ёпиб, устига сандиқни суриб қўядигандай... Минг хил ваҳима остида зинадан тушдим. Чоғроққина хона. Хона бурчагидаги ёғоч стулча устида сув тўла челақ. Деворга бир даста ҳазориспанд илинган. Берироқда пастаккина стол ва дастурхон. Девордан ўйиб ясалган токчада идиш-товоқлар. Унинг ёнидаги токчада қоқнон тўлдириб қўйилган тўрхалта. Тамом-вассалом. Ертўла момонинг ювин чайин қиладиган жойи экан, деган хулосага келдим сувни ва бурчакдаги ташнобни кўриб. Бу ерда қиладиган ишим қолмаганди энди. Тезроқ ёруғ дунёга чиқишга шошилдим. Ортимга ўгирилиб зинага қадам кўярканман, зина ортида хонанинг бор бўйича тортилган брезинт тўсиққа кўзим тушди. Девор рангида бўлганлиги сабабли, шу пайтгача пайқамаяндим уни. Бу тўсиқ ортида момонинг эски-туски кўрпа-кўрпачалари бордир-да, деган бепарво бир кайфият билан тўсиқни сидириб тортдим. Ва... Бошимга тушган оғир “гурзи” зарбидан ерга қуладим. Металлдан ёки тошдан эмасди бу гурзи, “Даҳшат”, эди бу гурзининг оти.

Жонҳолатда “а-а-а-а!” деб қичқириб юборади одатда, одам бундай ҳолатда. Ёки бемажолгина инграниб ерга қулайди. Шундай қилган бўлсам керак мен ҳам. Қанча муддат ётганимни билмайман, эгим жунжикиб, нафасим бўғзимга тиқилиб ўзимга келдим. Ва ётган жойимдан очиқ қолган тўсиқ томонга қарадим. Каравотда ботартиб қалаштирилган оппоқ суякларини намоиш этганча бор бўйича чўзилиб ётарди одам скелети... Язон эди бу! Ҳа, ҳа, бунга шубҳа йўқ. Қочоқ Язон бутун умр ана шу ертўлада одамлардан яширишиб яшаган, шу жойда вафот этган. Айрим белгиларга қараганда унинг ўлганига кўп йиллар бўлган кўринади. Шунга қарамай, чангу ғубордан тоза эди скелет.

Титраб-қақшаб турдим ўрнимдан. Ва зинага суянганча бу хунук ва даҳшатли манзарага энди бироз хотиржам ҳолатда қарадим. Ёнида занглаб кетган бешотар милтиқ. Девордаги михга сафархалта илинган. Эвоҳ, қандай мўъжиза бу! Жасад ёнидаги тумбочка устида яшнаб турарди бир тўп ёронгул! Лоларанг, лоладай қип-қизил ёронгул! Ҳайратомуз эди бу ҳолат. Скелет, милтиқ ва ёронгул. Ишонмайсиз, албатта менинг бу гапларимга. Қоронғида ҳеч қандай гиёҳ яшай олмаслиги ҳаммага аён. Аммо гул барқуриб очилиб турибдими, демак, бунинг йўлини қилган хонадон соҳибаси. Назаримда, ҳар кун, кундузи гулни ўзининг хонасидаги ёруғ жойда сақлаган, парваришлаган ва фақат тундагина уни олиб кириб, жасад ёнига қўйган. Афтидан, Алпак момо аввал, қизлик пайтида тирик Язонни, сўнгра аёллик дамларида ўлик Язонни, кампир бўлиб қолганида унинг жасадини ва ниҳоят, токи ўлимигача қоқсуяк скелетини садоқат ва меҳру муҳаббат билан парваришлаган. Узоқ йиллар давомида Язон яхши кўрадиган (шундай деб тахмин қиламан) ёронгулни қайта-қайта экиб ўстирган. Чамамда, бу гулда (бал-

ки язон бўлгани учун) қандайдир рамзийлик кўрган. Балки бу гул язон бўлгани учун ҳам, ўлик Язон олдига тирик язонни қўйган. Сен тириксан, мана, яшнаб турибсан, куну тун менга ҳамроҳ ва ҳамнафасан, деган мазмунда уни мунтазам равишда жасад ёнига қўйишдан таскин топгандир балки, унинг кўнгли.

Қанчалик ночор ҳолатда бўлмай, момонинг овози қулоғимга чалинди. Ўша майин ва эркаловчи оҳанг. Ари қанотининг визиллашидай қатор келадиған титроқ “З” товушлари. Бир дам қулоқ тутдим ва мен ҳам худди аввалгидек ихтиёрсиз равишда ва балки ўзим истамаган ҳолда ва худди ўша оҳангда минғирлаб хиргойи қила бошлаганимни пайқаб қолдим:

Кўй келади қўзи билан язонгул,

Бир-бирининг изи билан язонгул...

ИСКАР

1

Итимни Искар деб номлашим ҳеч кимни ажаблантирмади. Одатий ҳол: Итлар дунёни асосан, бурни орқали англайди. Етти минг хилдан зиёд ҳидни аниқ билади ҳар бир ит. Яна олти минг хил ҳидни қиёслаб билади. Бундан ташқари бир ярим миллион ҳидни бир-биридан фарқлай олади. Искаш – бу ҳидлаш. Аммо мен “Искар” замирида хавfli бир адоватни яширмоқчи бўлган эдим. Кимга қаратилган эди менинг шахсий адоватим, қандай яширин фикр бор эди унинг замирида? Бу ҳақда ҳозирча ҳеч нарса дея олмайман. Инсоният тарихида душмандан ўч олиш учун итлардан фойдаланиш ҳоллари кўп бўлган ва улар хилма-хил тарзда амалга оширилган. Искардан шу мақсадда фойдаланиш аввалдан ўйланган режа бўлмай, дабдурустдан хаёлимга келиб қолган кўнгилга таскин берувчи ҳолат эди, аслида.

Тўғриси янни айтганда, ит мен учун ортиқча даҳмаза. Умр бўйи жамғарган бойлигим ўғри учун бир тийинга қиммат: китоблар, китоблар ва қоғозлар... Модомики шундай экан, ит сақлашга эҳтиёжим йўқ. Аммо нима ҳам бўлди-ю бошим айланиб, фикрим тўзғиб “Баряхолька” бозорида бир итга харидор бўлдим. Кўзлари кўкимтир, чағирроқ, яъни бир неча хил ранглар қоришмаси бор унинг қорачиғида. Мени мафтун этган нарса бу эмас. Одатда одамлар гўзалликни юксак қадрлайдилар, чиройли аёл, чиройли гул, чиройли либос... менда ҳам бир пайтлар шунга мойиллик бор эди. Кейинчалик – дунё нималигини тушуна бошлаганимдан кейин дидим ўзгарди ва унда ижобий сифат кўринишлари рўй берди: хунуклик, таъвиялик ва ёки юмшоқроқ қилиб айтганда, кўримсизликда ҳам инсон эътиборига молик унсурлар кўплигини кашф этдим. Мен сотиб олган ит таъвияликнинг юксак намунаси. Жониворнинг чақчайган кўзи юрагимга ваҳима солади. Одатда, итларнинг кўзида илтижо ва садоқат барқ уриб туради. Искар бундан мустасно. Хукмронлик, ўч, таъма, зуғум ва мен номини билмайдиган яна аллақандай ифодаларни кўраман унинг кўзларида. О, Аллоҳим, бу антиқа жонзотни инсон қилиб яратмаганинга беадад шукр!

Кейинги кунларда уни кузата туриб, кўзларида ва эгри тумшуғида геноцидлик белгилари ҳам борлигини кашф этдим. Тиши уч қатор! Гўё темирни ҳам ғажиб ташлашга тайёр. Юрагимга ваҳима солиш учун тишларини атайлаб менга кўрсатади. Бу ҳеч нарсани англамайдимиз сизга!?

2

Ит сотиб олиш мутлақо хаёлимда йўқ эди, аслида. Якшанба куни турли жониворларга тўлиб кетадиган Чирчиқ бозорида шунчаки оралаб юрардим. Такрор

айтаманки, бирорта жонивор сотиб олиш ниятида эмасдим. Баъзида мутлақо хаёлига келмаган нарсага қўл уради инсон. Атрофдаги кишиларнинг нигоҳими, самодан қуйилиб келган қандайдир босимми ёки кимнингдир кўз қарашими шунга ундайди. Бозор ора-лаб борарканман, турли уй ҳайвонлари сотиладиган жойдан қушлар бозори томон ўтиб кетаётиб, ногоҳ қандайдир куч мени таъқиб этаётганини ҳис этдимү антиқа ранглар қоришмаси шууримга урилди ва ор-тимга ўгирилиб қарадим ва... ва уни кўрдим. Эти сую-гига ёпишган, жағига бемалол пичоқ қайраса бўлади-ган қоқсуяк одамнинг ўнг ёнида чўнқайган ҳолатда, ёнма-ён турарди. Бўйнида занжир, занжирнинг бир учи эгасининг қўлида. Яқинлашиб бориб сўрадим:

– Сизникими?

Бош чайқаб “йўқ”, деган ифодани билдирди қоқсу-як одам.

– Сотасизми?

Тасдиқ маъносида бош силкиди бу сафар менга умид билан қараркан:

– Номи нима?

– Билмайман, – биринчи марта сўз орқали фикри-ни билдирди ит сотувчи.

– Ўзингизники бўлмаса... эгаси даъво қилиб келса...

– Олаверинг, эгаси йўқ. Дайди ит. Ўзи келиб қолган эди, менга кераги йўқ. Қиммат сўрамайман.

– Қанча дейсиз?

– Бир нима беринг-да, олиб кетаверинг.

– Оти нима? – қайта сўрадим нимадандир гумонси-рагандай.

– Кимсон.

– Кимсон?! Нега, Кимсон? Кимёга қандай алоқаси бор бу жониворнинг?

– Ўзимнинг алоқам бор. Кимсон кукунидан тур-ли буюмларга ранг бераман. Бир куни дўконимда ўз

ишим билан машғул эдим, бу жонивор кириб келди, оғзида кимсон билан ишланган ликобча...

Гап шу нуқтага келганда оғзини кенг очиб эснади ит ва қандайдир овоз ҳам чиқарди, беихтиёр сесканиб кетдим. Уч қатор эди унинг тишлари ва назаримда жуда мустаҳкам эди. Юнглари ҳам бошқача. Жигар-ранг, савсани, сариқ ва корамтир-кўнғир.

– Суллони бор экан, – дедим итнинг оёғига ишора қилиб.

Балиқ тутадиган қармоқдек қайрилиб ерга ботиб турарди тўпиғидаги тирноғи. Бундай итлар хосиятли ҳисобланади ва жуда қадрланади.

– Суллони бор, ҳар қандай бўрини таппа босади, итлар эса умуман дош бермайди бунга. Мен сизга айтсам...

Кимёгарнинг гапи оғзида қолди. Қаттиқ ириллаб орқа оёқлари билан тупроқни тўзғитиб ота бошлади ит. Оғир занжирнинг куч билан бир неча бор силкиланиши ва “молчать!” деган кескин буйруқдан тинчиди, ва мен чўнтак кавладим. Қўлимга илинганини санамай узатдим, Кимёгар ҳам санамай олди. Катта каналнинг темир кўпригидан ўтиб соҳил бўйлаб борарканман, итнинг безовталанаётганини пайқаб, занжирни маҳкамроқ тутдим. Биздан йигирма қадамча олдинда бораётган аёл томон интиларди Кимсон. Сабабини туншунмадим. Бўйчангина аёл, ёши ўттизларда, белида тилло рангдаги камари қуёш нурида ярқирайди, сумкачасининг занжири ҳам шу рангда. Олтин тақинчоқ олишга қурби етмаса, шу металл рангига мос арзонгаров буюмлар билан ўзларини овутадилар аёллар. Занжирни куч билан силкилаб тортиб “молчать!” дея қичқирдим.

3

Итнинг баъзи бир хатти-ҳаракатларини кузатиб юриб уни ўзимдан узоқроқда тутишга қарор қилдим

ва ҳовлининг ошхона билан омборхона оралиғидаги кўздан панароқ бурчагига олиб бориб боғлаб қўйдим. Шу орада Қашқадарё вилоятининг тоғли бир қишлоғига боришга тўғри келиб қолди. Ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт кунга етадиган нон-сувини ғамлаб итнинг олдига қўйдим-да, овозимга бир талай ғамгин оҳангларни жойлаб, астойдил хайрлашдим. Ёлғиз одам ит сақлаши керак. Энг вафодор ва садоқатли дўст, агар билсангиз, ит деган жонивор. Ёлғизлик ғами елкадан зилдек босганда, итнинг кўзига қараш таскин беради.

Бизнинг ёзувчиларимиз от ва ит ҳақида ёзишни яхши кўрадилар, аммо уларнинг барча ўйлаб топган топилдиқлари итлар учун тухмат ва ҳақорат. Эмишки, бир ит қайнаб турган қозондан бир бўлак гўшти олиб кетганмиш. Эмишки, ит вафо, хотин жафо эмиш. Албатта, Искарни мустасно қилганда кейинги гапда бир қадар ҳақиқат бор. Гапларимнинг сўровидан итни ёқтирмаслигим сезилиб тургандай кўринади. Аслида, Есениннинг “Итлар ахир укаларимиз” деган гапига қўшиламан. Хуллас, Қашқадарё сафари олдидан вафодор дўстим билан хайрлашдим: “Соғ бўл, Искар! Қайт-гунимча уйни сенга, сени худога топширдим”, дедим йиғламсираб. Бошини кўтариб қаради жонивор. Бир неча кунга ташлаб кетаётганимни билди ва мен илк бор унинг кўзларида илтижо ва мунг қалқиб турганини кўрдим. Шунда унинг қайси зотдан тарқалгани тўғрисида ўйладим. Терьерлардан эмас, тойтерьер, эдилтерьер, сеттер, доглардан эмас. Питбулга бироз ўхшашлиги бордай. Ўзимизнинг маҳаллий зот бўрибосарларга ёки руслар “дворняжка” дейдиган оддий ҳовли итларига мутлақо ўхшамайди. Нима бўлганда ҳам уни ёлғиз ташлаб кетаётганимга астойдил ачина бошладим. Ҳатто кўзларим бироз намланди ҳам. Қишлоққа бормасам бўлмасди, тўй бўлганда бошқа гап, таъзияга бормаслик мусулмон одамига тўғри келмай-

ди. Тоғлик дўстимнинг онаси қазо қилган... Уч кунни мўлжаллаган эдим, бошқа фотиҳалик жойлар ҳам чиқиб қолиб бир ҳафтага чўзилди менинг мажбурий саёҳатим. Тоғ қишлоқларида суҳбат асосан ит ва от ҳақида бўларкан. Ит ҳамиша бўрига қарши қўйилиб, мутлақо ишончсиз афсоналар ҳам тўқиларкан. (Уларни баён қилиб ўтирмайман) Ит неча кунгача оч ва сувсиз яшай олиши тўғрисида қариялардан сўрадим. “Э ётаверади”, деган гапдан таскин топдим. Бир ҳафтадан кейин уйга қайтарканман, дарвозадан бош суқишим билан оралиқ томонга қарадим. Ит кўринмади, чақирдим: Искар! Искар! Жавоб бўлмади. Балки девор тубида ётгандир деган фикрим асоссизлигини билиб турган бўлсам-да, шошқин қадамлар билан оралиқ томон юрдим. Маҳаллий халқ “постромка” деб атайдиган тасмасимон, қалин ва мустаҳкам ип ерда узала тушиб ётарди. Юриш-туриши осон бўлсин деб, занжирини ечиб ташлаб постромкага боғлаганимга пушаймон бўлдим. Даҳлиз эшиги ланг очиқ. У ерда бобомдан қолган иккита жез примусдан бошқа ҳеч нарса йўқлиги сабабли, эшикни ёпгандим-у аммо қулфламагандим. Оёқ остида ўроқ-болға шакли туширилган сариқ тугмага кўзим тушди. Аскарликдан кийиб қайтган мундиримда шунақа тугмалар бўларди. Хизмат давридан хотира сифатида ташлаб юбормагандим ҳарбий кийимларимни, деворда осиглиқ турарди. Ичкарига қадам қўйиб, ҳушим бошимдан учди. Даҳлиз ўртасида бир уюм тупроқ. Девор тубида эса тандирнинг оғзидек тешик қорайиб турибди. Каламуш бор экан-да, деган фикрдан эгим жунжикиб кетди. Тешик катта, тупроқ мўл. Йўқ, бу каламушларнинг иши эмас. Примуслар ҳам йўқолиб қолганди. Хона ичида мени нималар кутаётганини тахминлаганча бир дам туриб қолдим. Дарҳақиқат, ичкарида ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб ётарди. Ги-

лам устида солдатлик мундирим. Парча-парча қилиб ташланган. Бирорта тугмаси йўқ. Девордаги медалларим ва стол устида турадиган қаламдоним йўқлигини кўриб, ўғрининг жуда майдақашлиги, унча қиммат бўлмаган нарсаларни олиб кетганлиги ансамни қотирди. Ваҳоланки, йўқолган нарсалардан анча қиммат турадиган патгилам ва болғиндордаги сандиқ ўз ўрнида. Яна қандай ўзгаришлар бўлганлигини аниқлаш мақсадида, деворларга ва токчаларга қайта-қайта қарадим. Қани спорт мусобақаларида олган “олтин медал”ларим? Қани онамдан қолган мис баркашим? Мис чойдишим қани? Стол устига эгилганча йўқолган буюмлар рўйхатини туздим. Бундан бирон-бир мақсадни кўзлаганим йўқ, шунчаки... аммо рўйхатга қайта кўз югуртирарканман, ўғирланган нарсаларнинг ҳаммаси олов рангидалигини англадим.

4

Ярим тунда деразадан қараб ҳовлининг узоқ бурчагида алланарсанинг ҳаракатланаётганини кўрдим. Ой сутдай ойдин. Бундай тунлар яхши ухлай олмайман, оғир хаёллар бостириб келаверади. Анча муддат кўз узолмай, кузатдим ўша нарсани. Нарса эмас, албатта, тирик жонзот. У менинг итим Искар. Йўқолиб қолган эди, демак қайтиб келибди. Эрталаб туриб ўша жойни қарайман. Қани, нималар қилган экан бу ақли жонивор! Баъзи бир итларнинг “қаро кун” учун озиқ-овқат ғамлаб, тупроқ тагига кўмиб қўядиган одатлари борлигини биламан. Искар ҳам бирор жойдан суяк топиб олган бўлса, кўмиб қўяётгандир деган хаёл билан яна тўшакка кирдим. Эркаланишни билмайди менинг итим, у ҳамиша жиддий ва босиқ. Гўё ҳовлида бор ҳамма нарса унинг мулки, ҳатто менинг ўзим ҳам. Шу сабабли, муносабатларимиз ёмонроқ.

Тонгда туриб, ҳали ювинмасимдан ҳовли бурчагига томон юрдим. Буталаб ўсган олча дарахтининг тагидан бир неча жойни кавлаган эди ит. Ўзи эса ҳеч қаерда кўринмасди. Нарироқда ҳам яна икки-уч жойнинг тупроғи тўзғиб турибди. Маълум бўлдики, захира омборлари анчагина. Уйнинг соярав ёнбошини, қазноқ ортини қараб Искарни топа олмадим. Айни муддао эди бу. Сирдан хабардорлигимни мутлақо билмаслиги керак. Супринди олиш учун ишлатиладиган тунука куракчани олиб чиқиб, тупроғи ҳали намини йўқотмаган тепачани мўлжалга олдим. Бошқа “омборхона”ларга нисбатан анчагина катта эди буниси. Ҳозир дафинани топиб оламиз, деган хушнуд фикр билан ишга киришдим. Хушнудлигимнинг боиси шундаки, тупроқ остидан топиладиган нарсанинг нималигига қараб, Искарнинг аслида “кимлигини” билмоқчиман. Куракчанинг учи қаттиқ бир нарсага тақалди. Ва тупроқни суриб ташлашим билан нимадир ярқираб кўринди. Шошқин ҳаракатлар билан уни тупроқ тагидан чиқариб олдим. Ажабо! Биласизми нима эди қўлда ушлаб турганим? Горн! Ҳа, мактаб ўқувчилари, аниқроғи, пионерлар чаладиган Горн! Қаердан топди экан буни? Ахир ҳозир икки минг ўн бешинчи йил. Пионер, комсомол деган тасаввурлар ёши улуғ кишилар онгида ҳам хиралашиб қолган, ёшлар эса тасаввур ҳам қила олмайдилар. Топилдиқнинг сиртини енгим билан артиб тозалаб, унинг овоз ҳосил қиладиган учини лабларимга босдим ва қаттиқ пуфладим. “Ғат-ғат”, “ғат-ғат” этган овоз таралди. Шу садо остида шахдам қадам ташлаб даҳлиз остонасигача бордим ва ортга қайтдим. Бир пайтлар ўнинчи синфни битириб, вожатий бўлиб ишлаганман. Валя деган ўрис қиз менинг ёрдамчим эди. Ундан гўзал хилқат йўқ эди шаҳарчамизда. Валя Позднякова! Оилада уч қиз... Валя билан иккаламиз пионерларнинг бўйнига лоларанг галстук боғлаб кўярдик ва горн чалишни ўргатардик...

5

Майли, ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас, бир лаҳзалик хаёллар арсадидан озод бўлиб, қўлимда бамисоли олтиндай ярқираб турган жисмга қарадим. Қанчалар ҳаяжонланганимни айтиб ўтирмайман. Болалик, ўсмирлик ва хусусан, йигитлик лаҳзалари бамисоли қора булут бағридаги сув билан олов. Чақинлар чақнаб, қалбингда момақалди роқлар садо беради у даврларни ёдга олсанг. Горн, яна янгради горн! О, қанчалар тантана бор унинг овозида. Ногоҳ борлиққа қайтдим ва саволлар гирдобида қолдим: Искар горнни қаердан олди? Нега кўмди? Горн егулик ҳам эмас, суяк ҳам эмас. Совет даврини ёдга солувчи бундай нарсаларни ҳозир ҳатто музейлардан ҳам топиб бўлмас керак. Лекин буни қарангки, Искар топибди уни. Наҳотки, ўтмишни кўмсаётган бўлса?! Сиёсат ҳам, мафкура ҳам, ё бирон-бир диний эътиқод ҳам йўқ-ку унинг онгида. Онгининг ўзи борми лоақал унда!?

Горнни олча шохига илиб қўйиб, иккинчи чуқурни кавладим. Мана, қаерда экан менинг мис баркашим! Тупроқ остидан чиқариб олиб, бута тагига қўйдим уни ва бирин-кетин бошқа дафиналарни ҳам ёруғликка чиқардим. Мана, бобом Мулла Тўрабойдан қолган бузуқ примуслар, мана менинг медалларим, мис чойдишим, бронзадан ишланган хўкиз ҳайкалчам ва бир ҳовуч жез тугма... Дарвоқе, айтишга ҳам истиҳола қилиб турибман. Чуқурларнинг бирида чалқанча ётган одам қиёфасини кўриб, бир муддат ўзимга келолмай қолдим. Пролетариат доҳийсининг бронза ҳайкалчаси! Дарҳол қайта кўмдим уни. Тунда кавлаб олиш мақсадида қайта кўмдим. Ҳатто қуёшдан ҳам гумонсирардим. Бошқа буюмларнинг ҳаммасини бир жойга тўпладим. Ерда чўнқайиб ўтириб, хаёлга толдим. Оловдай ловулларди қуёш нурида топилмалар. Олтин рангида эди уларнинг ҳаммаси. Олтин рангида... олтиндай... олтин...

ногоҳ миямга урилган умумлашма бевурдлиги билан ва айни пайтда инсон ҳаётига хослиги билан энг ақли заиф одамни ҳам ҳайратга соларди. Хулоса қилдим:

... Олтинга ўч эди Искар!

6

Шу билан ниҳоясига етиши керак эди ит билан боғлиқ воқеа. Кимсон буюмларни олиб хонага киришим ва уларни маҳкам яшириб қўйишим керак. Балки сандиққа солиб қулф урарман. Искар тунда келиб дафиналаридан хабар олади, балки яна кимсон буюмлардан топиб келар... Шунда хазинаси йўқолганини кўради-ю, юраги орқасига тортиб кетади. “Эвоҳ!” – деб пешонасига бир шапати уради-да, аразлаб кетиб қолади. Фикрим ўзимга ёқиб мириқиб кулдим. Хуллас, лабимда зухур этган кулги нишонси ҳали тугамай дарвозада бўйчан бир одам пайдо бўлди. Бошида кигиз шляпа, эгнида узун жигарранг плаш. Дафъатан мени кўрмади, эшигимга, деразаларимга қараб туриб энгак қашлади, кейин бўйинбоғини тўғрилаб олиб бир неча қадам босди-ю, олча соясида ёнбошлаб ётган кишини кўриб турган жойида қотди:

- Э, бу томонда эдингизми, тақсирим!?
- Қайси қусурларимга ишора қиляпсиз?
- Сизда қусур нима қилсин? Сиз...
- Тақсир, қусурли дегани эмасми?
- О, сизга беш кетаман, коллега!
- Ҳозир кетсангиз ҳам хафа бўлмайман.

Кўполроқ гап қилишимнинг боиси бор. Саксонинчи йил охирларида бир неча илғор фикрли журналстлар бамаслаҳат газетамизнинг номини ўзгартириб “Коммунизм байроғи” деган титулни олиб ташлаган эдик. Сўз эркинлигини қўмсаб қилган ишимиз қимматга тушди. “Бирликчи” деган тамға билан бизни ишдан ҳайдашди. Хуллас, бошимизга оғир кунлар тушди, таъқиб, тазйиқ... Ана шундай оғир кунларда бу одам

турли йиғинларда бизнинг устимиздан кулиб “Путури кетган бандалар” деган сарлавҳа билан мақола ҳам ёзди. Мана, энди биз олча дарахти олдида юзма-юз турибмиз. Мендан нигоҳини узиб атрофга аланглади чақирилмаган меҳмоним ва ногоҳ олча шохига осиб қўйилган ялтироқ олтинранг буюмга кўзи тушди. Бўғзидан ғаройиб товушлар чиқариб дам горнга, дам менга қаради. Уни тамом эсанкиратиб қўйди горн. Мисли кўрилмаган шаккоклик ва ҳатто оғир жиноят устида мени қўлга туширганига ишониб, бундан қувонмоқда эди Партинов. Хаёлидан ўтаётган фикрларни англаб турардим. Шу лаҳзада битта ёки иккита шоҳид керак эди унга. Мени судга бериш, қаматиб юбориш учун исбот талаб қилинарди, албатта. Бир дам лол қолди ва ниҳоят тилга келди:

– Шунингизни бир кунга бериб турасизми?

– Нимани? – сўрадим атай ўзимни тушунмаганга солиб.

– Горн дейишармиди... шуни-да, – қўли билан дарахт томонга ишора қилди Партинов. (Шундай эди унинг фамилияси) Менга қизиқ туюлмоқда эди унинг мақсади. Беҳад ҳаяжонланаётгани сабабли бўйинбоғи титраб турарди, оламшумул кашфиёт олдида турган олим ҳолатида эди.

– Нима қиласиз уни?

Бир дамлик сукутдан фойдаланиб, дарҳол жавоб қайтарди:

– Неварачага бир кўрсатиб, мана биз пионер бўлганмиз, мана бу горн, ана шуни чалиб саф тортардик, деб...

– Олинг!

Қулоқларига ишонмади Партинов. Эшитганим ростми дегандай, кўзларимга тикилди. Мен эса бошқа нарсанинг ташвишини қилардим. Пролетариат дохийси оёғидаги туфлининг бир чети учбурчак шаклида кўри-ниб турарди. Шошилишда чуқурроқ кўммаган эканман.

– Олаверинг! – дедим ундан осонроқ қутулиш мақсадида ва секин ён томон сурилиб, гавдам билан дохийни тўсдим.

Кимсон буюмлар устидан сакраб ўтди Партинов ва горнга қўл чўзди. Бунчалик осон ён берганим ажаблантирди, албатта уни, аммо сабабини ўйлаб ўтиришга фурсати йўқ эди. Горнни олди-ю қўлтиғига урганча, дарвоза томон одимлади.

Орадан икки ҳафта ўтиб, туман газетасида “Ўтмишни қўмсаш” деган мақола босилди. Горннинг расми ҳам ашёвий далил сифатида берилган эди. Инсофи борнинг баракаси бор деганларидек, исму фамилиямни кўрсатмабди. Балки кейинги йилларда бир қатор асарларим нашр этилганлигини юзхотир қилгандир.

Шундай қилиб, Искарни ҳам, компартиянинг ашаддий мухлиси ва маддоҳи Партиновни ҳам қайтиб кўрмадим. Горнни нима сабабдан ҳеч эътирозсиз бериб юборганим Сизни ажаблантириши табиий. Юқорида салгина шама қилиб ўтган эдим, балки тушунарли бўлмагандир, балки тирноқ орасидан кир излайдиган одамлар ҳам нималаргадир интилиб, катта орзулар қанотида яшайдилар деган хулосани амалда исботламоқ учун шундай қилгандирман.

Тўғриси айтсам, бундай ожиз одамларга раҳим келади.

Худди кимсон буюмларга ўхшайди улар.

ФАВВОСЛИК МАКТАБИ

1

Етти йил бедарак кетган ўғилнинг остонада пайдо бўлиб қолиши отани ҳам қувонтирди, ҳам чўчитди. “Қоплонмисан?!” овоз берди ота бағрини кенг очиб. Улар кучоқлашиб кўришдилар. Ҳадемай шодон қийқириқларга тўлди кенг ҳовли. Эски ариқни лойқадан

тозалаётган тўққиз нафар ўсмирча иш қуролларини ариқ бўйида қолдириб, гўё уяси бузилган арилардай тўзғиб келиб Қоплонни ўртага олишди. Уларни бир-бир қучди ака. Аввал ҳаммадан олдинда турган етти ёшли болани бағрига босди ва сўради:

– Ким бўлди бу полвон?

– Кетмон, – жавоб қилди ота.

– Ҳимм... ўхшаб турибди, – дея гўлдираб қўйди ака боланинг дўнг пешонасига ишора қилиб, сўнг-ра тўққиз ёшли Фармонни қучоғига олди, ундан кейин сепкилдор Уммонга бағрини очди. Ёши каттароқ ўсмирчалар навбат кутиб турардилар: Олдинда уч эгизак: Алпон, Талпон ва Ғуфрон ёнма-ён, орқароқда эса хўппасемиз Каппон ва баҳор офтобида қорайиб кетган мускулдор Сиртлон. Бу иккаласини ҳам қучди ака ва ҳаммадан кейинда турган ўн беш ёшли Саксонни боши узра даст кўтариб, тегирмон паррагидай айлантирди. Онаси билан қўл бериб кўришди. Синглиси Гулфон билан Нолоннинг бошини силаб қўйди.

– Қани, қаерлардан сўраймиз? – деди ота кўнглидаги хавотирни тезроқ бартараф этиш мақсадида. – Кўп изладик сени...

– Ҳунарли бўлиб қайтдим, – жавоб қилди Қоплон.

– Ҳунарли кас хор бўлмас, бу ишинг яхши. Мактабда ўқитувчилар “Ўғлингиз одам бўлмайди”, деб дашном беришарди менга, мана энди юзим ёруғ бўладигандай, – деди ота ўғлининг норғул гавдасига завқ билан қараркан.

– Қайси ҳунарни эгалладинг?

– Ғаввослик.

Қошлари чимирилди отанинг. Тамом ҳайратда қолишди укалар бу сирли сўздан. Она бу сўзни ичида такрорлаб кўриб маъносига етмадими, эрига кўз тикди. Гулфон бўлса ҳеч нарсани эшитмас, дугонала-

римдан қайси бири акамга мос келаркин, деган хаёлга маҳлиё бўлиб турарди.

– Шундай мактаб бораканми? – сўради ота бир неча сония давом этган жимликдан сўнг.

– Хусусий мактаб, – жавоб қилди Қоплон пинжигга тиқилиб ўтирган Кетмончанинг бошини силай туриб. Кейин чап ёнида ўтирган Алпоннинг елка суякларини ғижимлаб кўриб, норози бош чайқади ва Ғуфроннинг қоқсуяк билагидан икки бармоғи билан тутиб юқорига кўтарди, юзидаги аянчли ифода билан отасига қаради, Уммон билан Саксонга қараб юзи буришиб кетди. Ва ниҳоят отасининг орқасидан эгилиб қараб, акасини кузатаётган Сиртлонда тўхтади унинг назари. Ва хулоса қилди:

– Аталаполвонлар!

Иzza бўлиб ерга қарашди укалар. Фақат каратэ мусобақаларига қатнашиб юрган Чўпонгина кўксини кериб қад ростлаб ўтирарди. Унга кўзи тушган ака дастурхон оша қўл чўзиб, уканинг кўкрагига қаттиқ чертди. Чертки зарбидан ортига қулаётиб оёғи билан дастурхон устида турган чойнакни тепиб юборди Чўпон.

– Каратэни яхши ўрганибсан, – дея истехзо қилди Қоплон бегемотникидай кенг ияги билан чойнакка ишора қилиб. Ҳамжиҳатлик билан кулди оила. Умумий хурсандчиликдан фойдаланиб, масалага ойдинлик киритишни ўйлади ота ва сўради:

– Сен таълим олган мактаб қаерда ўзи?

Бир дам жим қолди ўғил, ҳарбий сирни очгиси келмасди. Шу боис, гапни одатдагидай қисқа қилди:

– Бизнинг юртимизда эмас.

Отанинг шубҳаси ортди, шу менинг ўғлиммикан ўзи, деган таҳлика оралади кўнглига. Кун кечга томон оға бошлаганди бу пайтда. Ёлғиз ўзи боғ айланиб олмазорни кўздан кечирди Қоплон. Дарахтлар панасига ўтиб телефонда ким биландир гаплашаётгани отанинг

шубҳасини янада кучайтирди. Авжи баҳор эди. Олма-лар гуллаган, арилар ғувиллайди. Оиланинг бирорта аъзоси унга ҳамроҳлик қилишга ботинмади. Боғда сайр қилиб юрган инсоннинг келбати ҳар қандай кишини ҳайиқтирарди зотан. Қоплон дарахтларнинг гуллаганини пайқамади десак, ёки ариларнинг ғувиллашини эшитмади, десак ҳақиқатни бузиб кўрсатган бўлардик, кўрди ҳаммасини, эшитди, гуллар ҳидини ҳам туйди, аммо бутун фикри-ёди бошқа нарсада бўлганлиги сабабли, буларга эътибор бериб ўтирмади.

2

Тонг саҳарда “Оёққа қалқ!” деган садодан ларзага келди хонадон. Бирин-кетин уйғонди оила. Ёстикдан бош кўтариб уйқули кўзлари билан атрофга аланглашарди укалар.

– Ҳа, Қоплонжон, нима гап? – шошиб ва ҳовлиқиб сўради ота.

– Оёққа қалқ!

Белигача яланғоч ҳолатда остонада туриб, мазмунини дафъатан англаш қийин бўлган сўзларни куч билан ҳайқираётган ўғлига ағрайиб қаради ота. Ва ўғилнинг норғул гавдаси, кучга тўлиб турган мушаклари, ўктам овози отанинг қалбини шунчалар ифтихор туйғусига тўлдирдики, бу туйғу алангаси бошқа барча ҳиссиётларнинг ожиз шамини хиралаштириб қўйди.

– Оёққа қалқ!!

Ҳамма ўрнидан турди. Икки сингил билан она тунда ғижим бўлиб қолган кўйлақларини тортқилашарди.

– Сафлан!

Бу буйруқни биринчи бўлиб тушунган Сиртлон югуриб келиб акасининг чап ёнида турди.

– Алпон! Талпон! Ботмон!

– Ботмонни рўйхатингдан ўчир, – деди ота бошини қуйи эгиб.

Ботмондан бошқа номи айтилган укалар сафга турдилар. Ўтган йил қишда ўтин кесиб келиш учун тоққа чиқиб қайтиб келмаганди Ботмон. Онанинг кўзи ёшланди. Сингиллар ҳам қимтиниброқ бўлса-да сафга турдилар. Бироз саросимадан сўнг ота ҳам хотинини етаклаб келиб, сафнинг бошидан жой олди. Бўлаётган бу ишлар ҳазилга ўхшар ва болалар қиқирлаб кулишарди. Аммо тез орада ишнинг жиддийлиги маълум бўлди. Кенг ҳовли бўйлаб сафни югуртира кетди ғаввослар мактаби ўқитувчиси. Ерга ётиб эмак-лаш машқи бошлангандан кейин норозилик эълон қилди она. “Ҳамсоялар нима дейди”, деган андиша билан сафдан чиқди.

– Тўхталсин!

Буюрди Қоплон. Турган жойида қотди саф.

– Нега тартибга бўйсунмайсиз, ўртоқ... – гапнинг давомини ичига ютиб жим қолди Қоплон, онасига нима деб мурожаат қилишни билмаётганди. – Ўртоқ... Она!? – деди ниҳоят ер тепиниб. Зеро, ҳарбий интизомга кўра қўмондон ўз туғишганларига ота, она ёки ука деб мурожаат этиши қоидага хилоф. Шундай бўлса ҳам, “она” дейишдан бошқа илож йўқлигини англади, жаҳли чиқди бундан ва дағдаға билан мурожаат қилди:

– Ўртоқ она, сиздан сўраяпман!

– Э, менга индамасанг бўларди, ўғлим...

– “Ўғлим!?” бу қандай муомала?! – ҳайқириб юборди Қоплон. – Қариндош-уруғчилик кетмайди бизнинг хизматда. Ўртоқ қўмондон, деб мурожаат қилинсин.

Ёрдам сўрагандай эрига илтижо билан қаради аёл. Ерга қаради эр. Ҳушёр қўмондоннинг назаридан четда қолмади бу ҳолат. Саф бўшашиб турарди. Шунда қўмондоннинг бўғзидан отилган ҳайқирик атрофни ларзага келтирди:

– Ҳер-рр-а-а-а!

Буйруқнинг таъсирини кучайтириш мақсадида русча “смирно” сўзини шундай талаффуз қилди. Бир пайтлар Афғон урушида бўлганлиги сабабли, бунини тушунди ота ва қаддини ғоз тутди. Бошқалар ҳам шундай қилишди.

– Шалпай!

Буйруқ бажарилди.

– Тарқал!

Ёш ғаввосларнинг қийқириқларига тўлди ҳовли. Аммо ота билан она оғир уф тортиб, дарахт соясига олишди ўзларини.

3

Эртаси кун тонг саҳардан ун элаб, хамирга уннади Она. Бу пайтда ҳали тинчгина ухларди оила. Нон ёпишни атайлаб эрталабки машқлар бошланадиган пайтга тўғрилаганди. Тандир қизиб, нон ёпишга эндигина киришган пайтида қўмондоннинг овози янгради. Одатдагидай “шахсий составни” оёққа турғизди ва сафлади. Бу сафар одатдан ташқари нарса шу эдики, унинг қўлида курсантлар рўйхати ёзилган қалин муқовали дафтар бор эди. Дафтарни очиб ўқий бошлади қўмондон:

– Курсант Ахтамбоев!

– Мен!

– Курсантка Шафоатова?

Жавоб бўлмади. Онасининг тандирда нон ёпаётганини билса-да яна такрорлади қўмондон:

– Курсантка Шафоатова?!

– Ойим нон ёпаяптила, – жавоб қилди Гулфон.

– Курсант Сиртлон, икки дақиқа муддат. Онани топиб кел!

– Ҳўп бўлади!

Югуриш, сакраш ва ўрмалаш машқлари икки соат давом этди. Шундан сўнг бир соат ғаввослик илми бўйича назарий машғулоти олиб борилди. Қўмондоннинг ўзи бошига шиша ойнакли чарм қалпоқ кийиб, ерга дустаман ётганча сув остида сузиш машқларини кўрсатди. Бу машқларни барча курсантлар бирма-бир бажарганларидан кейин “тарқалинг”, деган буйруқ бўлди. Тандирхонага томон чопдилар она ва икки қиз. Аммо улар қанчалик тез ҳаракат қилишмасин, нонлар кўмирга айланиб бўлган эди. Курсантлар яна сафландилар. Ночор қолган Шафоатова енгса-рапидасини ечишни ҳам унутиб, эрининг ёнига сафга келиб турди. Қўмондоннинг қаттиқ эътирозига сабаб бўлди бу ҳолат. Ва у салобат билан буйруқ берди:

– Курсант Шафоатова, икки қадам олға!

Буйруқ маъносига тушунмади Шафоатова ва эрига қаради. Тирсаги билан туртиб олға юриш зарурлигини англатди эр.

– Курсант Оловхон Ахтамбоев, сафдан чиқиб, Шафоатовани қуролсизлантиринг!

Буйруққа бўйсунди ота ва хотинининг қўлларидан тандир оловида чуркаб қорайиб кетган “Қуролларни” ечиб олди-да, уват четига қўйиб сафга қайтди. Шафоатова ҳам унинг ёнидан жой олди. Шундан сўнг яна югуриш, сакраш ва ўрмалаш машқлари бошланиб кетди. Икки соат давом этган машғулотлардан кейин ўн дақиқа танаффус берилди. Курсантлар бу муддатда кийим-бошларини қоқиб тозалашлари ва тартибга келтиришлари зарур эди. Шундан сўнг яна бир соат ғаввослик таълимоти юзасидан назарий машғулоти олиб борилди. Қўмондоннинг ўзи худди аввалгидай бошига шиша ойнакли чарм қалпоқ кийиб ерга ётганча, сув остида сузиш машқларини обдан тушунтирди. Машқни барча курсантлар энди анча уқув билан бирма-бир бажариб кўрсатганларидан кейин “тарқалинг” деган буйруқ бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, ҳарбий машқлар икки ҳисса кучайди. Сабри тугаган курсант Шафоатова билан икки қиз шанбадан якшанбага ўтар кечаси бедарак ғойиб бўлдилар. Отанинг норозилиги ва тўнғиллашларига қарамасдан, ўз фикридан қайтишни ўйламасди қайсар қўмондон. Оиладаги ҳар бир кишининг соғлом бўлиши, кучли, чаққон ва ёвқур бўлиб тарбияланиши орзу қиларди ғаввослар мактаби ўқитувчиси. Беда-рак йўқолган курсантлар учун бир кун оч ва сувсиз туриш жазосини олди ўша оқшом навбатчиликда турган Ботмон билан Ғуфрон.

Назарияни амалиёт билан боғлаш зарур эди. Шу боис, навбатдаги машғулот тугаши билан саф тортиб турган курсантларни боғ томон бошлади. Дастлаб эндигина ҳосилга кира бошлаган етти туп хурмо ниҳолини томири билан суғуриб олди. Барқ уриб гуллаб ётган олма дарахтларини кесиш ва томиригача кавлаб ташлаш учун роса олти кун сарфлашди курсантлар. Оиланинг соғлиғи олдида дарахт дегани ҳеч нарса эмаслигини писанда қилиб, отасига далда берарди Қоплон. Яна уч кун ичида узунлиги йигирма беш метр, эни ўн икки метрли чуқурлик ҳосил бўлди дарахтзор ўрнида. Кун кечга томон оғди, Қоплон пешонасидан оқаётган терни кафти билан сидириб ташлади-да, сакраб чуқурга тушди. “Мих!” деди тепада хомуш турган курсантларга қараб бош бармоғини ўйнатганча. Ўтган икки ҳафта давомида отанинг қовоғи очилмади. Курсант Шафоатова билан икки қизнинг бедарак йўқолиши дастлаб қўмондоннинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлса-да, кейинги кунларда уларни йўқламай қўйди. Афтидан темир интизом аёл зоти учун яратилмагани тўғрисида устозлари берган таълимотнинг нечоғли тўғрилигига амин бўлган ва уларнинг йўқолиши ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилишини

ўйлаб ўзига таскин берди. Бу ишлардан қаттиқ норози бўлса-да, фарзандларининг бақувват бўлиб ўсиши, қийинчиликларга чидамли бўлиши йўлида қилинаётган бундай ишларга ён бера бошлаган ва Қоплон бу борада ҳақ деган фикрга келганди ота. Хотини билан икки қизининг қўшни қишлоқда холаси билан яшаётганларини биларди ва шу жойга бориб туришни ўзи маслаҳат берганди хотинига. Ҳа, оиланинг мустаҳкамлиги ва жипслиги, укаларнинг метин иродали бўлиши учун қайғурмоқда эди ака. Ҳақиқатан ҳам эрталабки машқларнинг таъсири анчагина сезилиб қолган, айниқса, Алпон билан Талпоннинг юзларига қон югуриб, мускуллари ҳам бўртиб қолгандай... Кўкракларини кериб, салмоқли қадам ташлаб юришарди улар. Курсант Шафоатовадан хат келди орадан бир ой ўтиб. “Болажонларим, сизларни соғиндим, лекин нима қилай, энди мендан саллот чиқмайди”, деб ёзганди она. Бу хатга жавобан “дезертир”, деган бир оғиз сўзни айтиш билан чекланди Қоплон.

– Курсант Ахтамбоев!

Бу чорловни эшитмас ва хаёл дарёсида шўнғиб ўтирарди ота.

– Курсант Ахтамбоев!!

Дарахтлари кесилиб, хувиллаб қолган боғига ғамгин термилиб ўтирган Ахтамбоев чорловни аранг илғаб ўрнидан оғир кўзғалди. Хомуш турди кўмондоннинг олдига келиб. Сув тўлдирилган бочка олдига олиб борди уни Қоплон. Шахсий таркибнинг тўққиз нафар аъзоси саф тортиб турардилар бу ерда. Ғаввослик таълимотининг биринчи амалий машғулоти эди бу. Кўмондон ҳали бассейн тайёр эмаслигини айтиб вақт кутиб турмаслигига бир қанча далиллар келтирди ва амалий машғулотга киришди. Курсант Ахтамбоев унинг талаби билан белигача ечинди. Энди у бо-

шини сувга тиқиши ва шу алфозда тўрт ярим дақиқа туриши керак. Бу машғулотни ўта қизиқиш билан кузатиб туришарди ёш ғаввосчалар. Ахтамбоев бочкага яқинлашаркан, бошини сувга тиқишдан аввал мунғайиб қаради ўғлига. Афғон урушидан яқиндагина қайтган ва ҳали батамом битмаган эди ўпкасини тешиб ўтган ўқ жароҳати. Аммо отанинг нигоҳидаги ўтинч ва илтижони пайқамади қўмондон. Пайқаганда ҳам шахсий таркиб олдида сўзидан қайтиш, қўмондоннинг шаънига тўғри келмасди.

– Сиз собиқ солдатсиз, ёшларга ўрناق бўлишингиз керак, – таъкидлади курсант Ахтамбоевнинг бошини сувга тиқаркан. Дастлабки ўн машғулотда тўрт ва тўрт ярим дақиқадан, ундан кейин яна ўн машғулотда беш ва беш ярим дақиқадан ва сўнгги машғулотларда беш ярим-олти дақиқадан сув ичида нафас олмай туриш зарурлигини яна бир бор таъкидлади саф тортиб турган курсантларга томон ўгирилиб қараб. Бурқираб пуфаклар чиқа бошлади сув юзасига. Шунда қўмондоннинг секундомери чўнтагида йўқлиги эсига тушди ва буйруқ берди:

– Курсант Алпон Ахтамбоев, югур, менинг хонамдан секундомерни олиб чиқ!

Бироздан сўнг хонадан Алпоннинг овози келди:

– Тополмаяпман!

– Сафархалтамнинг чўнтагини қара!

Бесаранжом типирчилай бошлади боши сув ичида турган Ахтамбоев. Яна бир муддатдан кейин югургилаб келиб секундомерни қўмондоннинг қўлига тутқазди курсант Алпон. Бошини сувдан чиқармоқчи бўлиб жонҳолатда типирчиларди кекса курсант. Аммо бўйнидан босиб турган бақувват панжалар таъқибидан қутула олмади. Булқ-булқ этган товушларни эшитиб қўмондоннинг жаҳли чиқди.

– Кулиш тўхтатилсин! – зуғум қилди Қўмондон, – Бундай хатти-ҳаракат бўлғуси ғаввосларга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Кулманг, ўртоқ Ахтамбоев!

Қоплоннинг ўктам овозидан хушёр тортган ёш курсантлар кўкракларини керганча қотиб қолишди. Аканинг ҳар қандай буйруғини бажаришга шай туришарди шу аснода улар. Секундомерга қаради Қоплон ва бочкага энгашиб қичқирди:

– Энди тўрт минут бўлди, ҳали ярим дақиқа вақтингиз бор!

Рақамлар устида йўрғалаб борарди секундомернинг узун қора тили...

– Бўлди! – деди ниҳоят қўмондон бочкадан узоқлашаркан. Машғулот тугади, аммо курсант Ахтамбоев бошини сувдан кўтармади...

КАЛИТ

Шоира Хосият Рустамовага

1

“Мен туғилиб тўғри қилдимми?”

Дафъатан шуурига урилган ва жавоб кутгандай бир неча сония муаллақ қолган бу савол оҳисталик билан яйралиб кўнғиртоб ғуборга айланди. Аслида, мавхумлик пардасига, яъниким, ғуборга бурканган бўлади ҳар қандай савол ортидаги манзара. Беҳад ва беадад талқинлар, фикрлар сояси бор эди руҳий олам сарҳадларида. Замин билан илк бор танишув жараёни зуҳур этиб, фикр моддаси тиниқ тортаркан, англадики, Ер деб номланган сайёрада ёлғиз ўзи эмас: “Бу чувалчанг, бу илон, кун-тун. Тепада осмон, пастда ер. Қабрлар бор ернинг бағрида. О, қабрлар бор ернинг бағрида! Туғилган илк дамларидан бошлаб қай то-

мон юрмасин, пировард натижада фақат бир томонга – қабристон томонга – боради инсон. Ортга йўл йўқ. Бундай муқаррарлик қаршисида хотиржам тортди ва деди:

*Ҳозирча кута тур
Берух, бетаъма
Жудаям ишим кўп
Боришим қийин.
Вақт топсам мен сенга
Кириб бораман,
Албатта бораман,
Ҳаётдан кейин.*

Боқий дунё кучларининг энсасини қотирди бу гаплар: “Ерда ҳаёт пойдор бўлганидан буён бизга бундай муомала қилишмаган эди. Шу пайтгача ҳеч бир инсон айтмаганди бундай хотиржам гапларни. “Вақт топсам бораман”, дегани нимаси? Гўёки ёш боланинг бошини силаб, унга насиҳат қилаётгандай. “Албатта бораман ҳаётдан кейин”, деб ваъда ҳам бермоқда. Биз шу қадар ожиз ва ғарибмизми унинг олдида? Унинг йўриғига юришимиз керакми? “Жудаям ишим кўп” дейди, гўёки ўз дугонасига гапиргандай...

Дарҳақиқат иши кўп эди унинг. Стол устида кутиб турарди дафтар, қалами. Гуноҳкор одамдай қадди эгилган симтор устида ёйиб қўйган кирлари қолган... Кунлар... тунлар... адоқсиз ўйлар ҳали тугамай ногоҳ шамол эсди. Шу қадар шиддатли эдики кўзга кўринмас бу куч, шуурида жойлашиб олган ва бош миянинг мулки бўлган хаёлларини учириб кета бошлади. “Балки ўтаётгандир дунё йўлимни кесиб”, деган андиша билан ўзини четга олишга уринди. Паналашга жой қидирди нигоҳи билан. Ҳеч нарса кўринмасди. “Ўзим-чи? Ўзим қани? Асли рўёманми, чин? Бормикан яна осмон,

Ё борми бошқа замин?” дея нидо қилди, рўёлар чекиниб борлик зуҳур этди, поёнсиз дала минтақасида турарди:

*Ҳали ҳам юрибман чўлу даштингда,
Бугунги кунимда нималар зоҳир?!
Ҳаёт, шу лаҳзада
Сенинг қаршингда
Ўзимни йўқотиб турибман ҳозир.*

2

Ўзгариб кетди манзаралар, дафъатан қаерда турганлигини англамади, боши эгилди, мавж уриб ўсиб ётарди майсалар. “Қаерда жойлашганман?” Мен истиқомат қилаётган меҳмонхона қай томонда? – деб сўради улардан. Чунки ҳар қандай гиёҳ бу дунёга инсондан аввал келган. Дунёнинг исмин айтиб чақирди, гоҳ йиғлади, гоҳида қаҳ-қаҳ отиб кулди. Қўлини кўкка чўзиб қоронғи осмонни ушлаб кўрди. “Осмон ўзимизга ўхшаган фақир”, деган хулосага келди. Дунёни, одамларни, ҳаётнинг нималигини англагиси келарди: “Ҳаёт, тушун, сенинг юртингга – Биринчи бор қадам кўйишим... Бўлмаганман бу ерда ҳеч ҳам, қаерда Ғарб, қаерда Шарқинг?! Илк бор келдим. Балки шу важдан, кўп нарасага етмайди ақлим”.

Боғларнинг жим туришидан, тоғларнинг соқовлигидан жаҳли чиқди. Ва умид билан турган манзилини англашга уришиб кўрди. Осмон билан ер ўраб олган бир баҳри муҳит, чор томонга кесишиб ўтган йўлда турарди. Бу жойга қандай тушиб қолгани улуғ бир тилсим. Эшик олдида пойлаб ётган шаклу шамоили мубҳам жонзот кўринди. Беркинишга жой йўқ, шунда ўз вужудининг ичига кириб яширинди. Энг ишончли жой. Фақат комил инсонларгина шундай қила оладилар. Аммо ҳаёт – бешафқат қузғун, кўриб қолган эдининг беркинган жойини. “Милтиғингга жойланган-

ми ўқ?” – сўради ва ҳаётни алдашга уриниб кўрди, ўзини аллақачон отганлигини пеш қилди. Мабодо пичоқ урадиган бўлса, вужудида бунга ҳам жой йўқлиги, бўғ-зигача қарзга ботганлигини англади.

Ногоҳ манзара ўзгариб кетди ва қандайдир мамлакат намоён бўлди. Қий-чув кўтарарди одамлар. Мушталашув, ким уряпти, ким калтак еяпти англаш мушкул. Шунда бу қандай гап, ёрдам бермайсизларми ахир дегандай, осмонга қаради. Юлдуз, осмон, ой бефарқ. Тунни бошига кўтариб шовқин соларди арзон шароб ичиб олган ва тўйдан маст-аласт қайтаётган халқ. Қарангики, бу ерда ҳам бўрига ўхшаш бир жонзот турар ва ўлжа пойларди.

Бошқа саҳифа очилиб, бир уй намоён бўлди. Ҳовли, жимжит боғ. Инсон вужудидан ташқаридаги бир ҳолат. Еру кўкни қоплаган ғубор. Ер оёғи остидан ажралиб пастга томон кета бошлади. Осмон ҳам баландлаб бормоқда. Нажот йўқ, шунда ўз вужудига қулоқ тутди ва тани ичра оқаётган улкан бир дарёнинг шовури-ни сизди. Вужудида оқаётган дарё гувранишидан хузурланди. Барибир қайсарлик билан қаерда жойлашганман, деб сўрайверди. Боғлар ҳам, тоғлар ҳам жим турарди. Майсалар ҳам жим. Аламли нидолар отилиб чиқди кўксидан ва сен айтмасанг, ўзим айтаман дегандек аччиқ билан нидо қилди:

*Ҳаёт бўлсанг қараб қўй, турибман бурилишда,
Мен номини билмаган юлдузга тўла осмон.*

Қийин эди ортга қайтиш, бошқа тарафга қочишга кучи етмасди, ўзи илк бор очган эшикни излади, киришга журъат қилолмади. Бундай мубҳам ҳолатдан қутқарувчи ягона йўл кўринди ўша ғуборли парда ортидан ва мустаҳкам қулф урилган эшик намоён бўлди. Инсон қалби эди бу Қулф! Фақат ҳақиқатни куйлаш билангина очиларди қулфнинг тилсими. Ана шу эшикни очсагина, инсон қалбига кириши мумкинли-

гини англади ва бор овози билан ҳақиқатни чорлади. Аммо бир гуруҳ махсус кишилар овозни тутиб олишга, парвозини чеклашга, унинг бор гўзаллигини яшириш учун “қўйлак кийдиришга” масъул эдилар:

*Кўйлагим яширар мени ҳар сафар,
Тоғларга чиқсаму боғларга кирсам,
Одамлар кўрмасдан ўтар тонг саҳар
Ўзимнинг ортимга беркиниб турсам.
Салга аччиқланиб кетади тилим,
Неча бор олдириб қўйганман юрак,
О, шундай бўлса ҳам,
Неча йилларким –
Менинг овозимга бичилар қўйлак..*

Кўпларни ҳайратга солди бу мисралар. Инсон ўзининг ортига ўзи беркина олишини тасаввур қилиш қийин. Овоз эса мавҳум тушунча, қўл билан ушлаб бўлмайди, қанчалар зеҳн солиб қарамасин, кўз ҳам кўрмайди уни. Аммо овозга қўйлак бичиш, жуда ғаройиб ижтимоий ҳодиса. Демакки, овознинг бўйибастии ўлчанади, ҳеч нарса ортиқча бўлмаслиги, ўлчовдан чиқиб кетмаслиги керак. Ёқаси, енги, эни ва узунлиги бичувчини қаноатлантирмоғи лозим. Шу қўйлак ичида яшайди овоз. Жамият ақидаларига мос бўлмаган овозни, қандайдир ғояларга ётмаган овозни бўға бошлайди бичилган қўйлак. Бундай чуқур фалсафа ва кўринишидан беозор туюлган мисралар ортида аждодлардан қолган неча минг йиллик тафаккур ҳақиқат ва адолат чўғини излаб, ёлқинланиб ётарди. Сўроқлай-сўроқлай ҳаётни баҳоли қудрат ўрганди, кўникди, аста-секинлик билан “қулфни” очди ва халқнинг юрагига кириб борди. Шунда дунё юзини кўрди унинг бир қатор китоблари. “Август” деб номлади улардан бирини. Номаълум сўқмоқлар ва йўллар пайдо қилди унинг саҳифаларида, фалсафа, маҳорат, ҳайрат водийлари бамисоли бир бекатдай турарди

мисралар қатида. Ана шу бекатлар орасида моҳият излаб кезиб юрарди Ўзга тафаккур. Ва овоз соҳибининг ички дунёсини англашни истарди. Ана шу мақсадда “Август” ни яна қайта варақлашга киришди.

3

“Август”.

Узатса қўли етадиган жойда туради бу китоб. Шундай бўлгани маъқул, шу қаторда Икром Искандарнинг “Висол қушлари” ҳам бор. Бензоарранинг нохуш ўкиригини эшитмаслик учун, хиёбондаги дарахтларнинг аёвсиз кесилаётганини кўрмаслик учун “Август” ни қўлига олди. Борлиқ, Вақт, Ҳаёт чекинди ва ёлғиз қолди ҳиссиётга тўла қалби ва ундан-да тўлароқ азоблари билан. Ва ногоҳ Икром Искандарнинг модернистик овозини эшитди:

“Азоб чекмай

Яшамоқ –

Азоб”.

Ўткинчи дунёнинг аслида қандай қурилганини, инсон ички дунёсининг ботиний қаватларини, яшашдан мақсад нималигини баҳоли қудрат англаторчи бу китобларни солиштирмоқчи эмасди Ўзга Тафаккур. Уларда жамланган шеърлар бутунлай бошқа-бошқа дунё. Арктика билан Антарктидага муқояса қилиш мумкин “Август” билан “Висол қушлари” орасидаги масофани. Бир-биридан беҳад узоқ бу икки кутбни туташтириш инсоннинг қўлидан келмаса-да, улардаги ўхшаш манзараларни кашф этиш имконсиз иш эмаслигини англади ва хулоса қилди: “Адабиётимизда бўй кўрсатган ана шундай китоблар туфайли шеъриятимиз юксак поғоналарга кўтарилди ва дунё адабиётидан муносиб ўрин олди. Ана шу тенглашув чизиқларида турган китоблардан бири, ҳеч шубҳасиз, “Август”.

Лекин нега август?

Япон ёзувчиси Кобо Абэнинг “Август жинлар базм қиладиган ой” деган таърифига муқоясами? Китобни бошдан-оёқ ўқиб чиқиб, фақат бир жойда “Тунлар кўрқитиб чиққан баҳайбат жинлардайин” деган мисрага дуч келди Ўзга Тафаккур. Жинлар ҳақида бошқа гап йўқ, аммо унинг ҳар бир варағидан топилган хазинани ҳатто шу мисрадаги жиндан ҳам яширишни истарди, чунки жинлар шеъриятга жуда ишқибоз. Минг йил аввал яшаб ижод қилган дунёнинг буюк ақл эгаларидан бири Абу Аъло ал-Маарийнинг “Афв салтанатидан мактублар” асарида тасвирланишича, жинлар мингдан ортиқ вазнда шеър ёзишни биларканлар: “Одамларга шеър ёзишни бизнинг шумтака набираларимиз ўргатган”, дейди жинлар сардори Абраш. Нима бўлишидан қатъи назар, Шарқда шеърнинг қадри баланд бўлган. Туя бир динор баҳоланиб турган замонда яхши шеърнинг бир мисрасига минг динор тўланганидан хабар беради ушбу китоб. Шу нуқтаи назардан туриб баҳолашга уриниб кўрди Ўзга Тафаккур ва “Август”да жамланган шеърларнинг қадру қиммати ни тошу тарозу билан ўлчаб бўлмаслигини англади. Шундан сўнг жиддий тадқиқотга киришди ва қуйидагича хулоса қилди:

Бадиий ижодда биз мавжуд ҳаётни, яъниким, атрофимизни ўраб турган борлиқни ва у билан боғлиқ ҳолатларни тасвирлаймиз. Ва “Ҳаёт” деб номланган дунё марказида ўзимиз турамыз. Яъни биз беҳисоб ташвишу тарадудларга тўла ҳаётнинг ичидамыз, ҳаёт эса дунёнинг ичида. Фақат ушбу китоб қаҳрамонигина мавжуд оламдан ва ёки ҳаётдан чиқиб кетади баъзан ва у билан мулоқотга киришади:

*Ҳаёт! Шу иссиқда қаердан келдинг,
Бунча ҳолинг забун –
Не гап оламда?*

*Дарахт бўлсам,
Бироз чўзилармидинг,
Қўрқиб кетмасмидинг
Менинг соямдан?!*

Икки дунё юзма-юз турибди. Ҳаёт чарчаган, ҳоли забун... Асар қаҳрамонининг кўнглида унга нисбатан сокин раҳм-шафқат бор. Шу боис, дарахт бўлишни, соя солишни ва ҳоли забун хилқатнинг шу сояда бироз чўзилиб, ором олишини истайди. “Август” саҳифалари борлиқдан, ҳаётдан, вақтдан, оламдан ва ҳатто коинотдан ташқарида туриб ёзилгандай таассурот уйғутувчи ана шундай шеърлар маскани.

Оддий гугурт чўпи ёки бир қучоқ ўтин воситасида ҳосил қилинган умумлашмалар руҳиятингизни саволларга кўмиб ташлайди. Ва “Худоданми – фалақдан” деб бошланувчи шеър манзилида, совуқ бир минтақа намоён бўлади. Муз қотган дунё, ҳатто юрак ҳам музлаган, йўл берк, аммо имконият ҳам бор: ўтин терилган, қўлингизда бир дона гугурт чўп. Беҳад авайлашсиз уни. Зеро, озгина эҳтиётсизлик ҳаммасини барбод қилади. Жуда қалтис вазият. Гугурт чўпи яшаш учун берилган имконият эмасмикин ё бўлмаса муҳаббатмикин деган хаёлга борди Ўзга Тафаккур. Нима эришишга қодир юракдаги музни? Ана шундай савол урилди шуурига ва бошқа саҳифани очди:

*Сенга ишонч қолмаганми ё,
Ёки бугун камроқми ишим?
Ўйламайман дейману аммо –
Бошда сўнгги куннинг ташвиши.
Қандай тарқалади бу хабар,
Ўлим тирилтирарми юртни?
Гўристонга ким олиб борар –
Менинг мурдам ётган тобутни?*

Турли мунозара ва мусохабаларга олиб борди бу мисралар талқини: қуруқ мақтовни ва оддий сўзлар йиғиндисини шеър деб қабул қилишга одатланган айрим китобхонларнинг энсаси қотди. Шунда ўз фикрини баён қилди Ўзга Тафаккур: “Ҳаммамиз ҳам ҳаёт йўлимизнинг сўнгида муқаррар тарзда юз берадиган манзарани ўйламасликка ҳаракат қиламиз. Лекин ба-рибир, ўйлаймиз. Ҳар бир одамнинг бошида бор сўнги кун таҳликаси... Аммо оптимистик руҳ тушқунликка тушишга йўл қўймайди. Аксинча, ўлим ҳақидаги фикрлар бу дунёда чала қолган ишларни битиришга, вақтдан унумли фойдаланишга, ҳаётни яхшилаш учун курашга ундайди.

“Август”да жамланган бир қатор шеърлар биз билган ва яшаб турган бу дунё ва тасаввуримиздаги на-риги дунёдан ташқарида, бутунлай ўзга оламда туриб ёзилгандай таассурот қолдиради. Қўйидаги мисра-ларни эса бир қолипга солиб, бир хил фикр сандиғига жойлаб бўлмайди:

*Шундан кейин сени бошқа кўрмадим,
Шифокорнинг халатига олгандинг кўниб,
Турмуш ўртоғимнинг илтижо тўла
Кипригида қолгандим кўриб.*

Мисралар мазмунидан англашиладики, бу гаплар қандайдир сирли хилқатга қараб айтилмоқда. “Сир-ли хилқат” эса бамисоли капалакдек шифокорнинг халатига кўниб олган ва шу жойдан туриб беморнинг аҳволини кузатмоқда, мана энди у ҳаёт-мамот кура-шига илтижо билан қараб турган меҳрибон инсон-нинг кипригида намоён...

Шифокорнинг халатига кўниб турган хилқат нима? Нега энди у илтижо тўла киприкларга учиб ўтди? Албатта, бу ҳаёт дейсиз, чунки ўлим бизнинг

эртакларимизда тасвирланишича, енгил қанот қоқиб учадиган капалак кўринишида эмас. “Шундан кейин сени бошқа кўрмадим” деган мисра бизни бутунлай йўлдан уради ва чилпарчин қилиб ташлайди бизнинг тасаввуримизга ина бошлаган аниқликни. Киприкка қўниб олган жонзот нима? Ҳаётми, ўлимми ёки муҳаббатми? Балки кўз ёшидир?

– Буларнинг барчаси ичкарида, – давом этди Ўзга Тафаккур, – ташқарида эса, қаҳрамонимиз яхши кўрган ўрик дарахти бор, чала қолган ишлар бор, шеърят бор, ҳали ифор таратиб ётган гуллар бор. Улар ҳам ифорини бекорга сочаётгани йўқ, “Учинчи август”-нинг ғашига тегиш учун шунга жазм қилишган. Чунки, қаҳрамонимизни ҳаётдан олиб кетмоқчи эди бу кун. Балки ана шу гуллар ифори қутқазиб қолгандир уни, ва ё суюкли кишисининг илтижо тўла кўзлари мададкор бўлгандир, балки қизалоғининг тунда кўрган туши кўмаклашгандир...

*Тун ўрмалаб ётган ўша кундан сўнг,
Мен сенга боғландим юрагим билан.*

Мана, энди бу мисраларда кучли оптимистик руҳни кўрамиз, – дея енгил тин олди Ўзга Тафаккур. – Қаҳрамонимиз Ўлим билан бўлган ҳаёт-мамот курашида ғалаба қилди. (Табриклаймиз уни!) Ва Ҳаётга юраги билан боғланди. Аммо жуда қалтис эди вазият, қил учида эди қаҳрамоннинг ҳаёти. Вазият шу даражада қалтис эдики, ҳатто тун ҳам қаддини кўтаролмай ўрмалаб борарди. Инсон ҳамиша ва ҳамма ҳолатларда ғалабага интилади, ўтмиш ва келажак орасида қислиб қолган “бугун”, яъни умр ва ҳаёт аслида, қил устида туришига қарамасдан бақувват руҳ билан, умид ва орзулар билан яшаймиз. Зеро, умрнинг ҳар лаҳзаси ҳамма нарсадан қимматли. Бу ҳолатни қўйидаги мисраларда ҳам кўрамиз:

*Мен ўзимни топширгим келмас
Қўлларига Сентябрьнинг.*

Бу икки сатр орасида кўплаб ёзилмаган мисралар бор, – давом этди Ўзга Тафаккур, – уларнинг мазмунини шарҳлаш учун Пушкиннинг икки мисрасини келтираман:

*Бас, етар, бас, жон дўстим, тинчлик сўрайди юрак,
Кун кетидан кун ўтар,
Соатлар узиб кетар умримиздан бир бўлак.*

Шеърнинг ёзилмаган мисралари қатида Пушкиннинг фикрига муқояса қилса бўладиган ана шундай мазмун бор. Август давом этмоқда. Августдан сентябрга ўтиш, демакки, кун кетидан куннинг ўтиши ва соатларнинг умримиздан бўлак-бўлак узиб кетиши билан баробар...

* * *

Ҳамон гувраниб эсарди шамол. Ва ҳамон адашиб юрарди “Август”нинг Қаҳрамони: кўп юрди, кўп юртларда бўлди, оёғи остида майса кўринди яна. Сўради ерга бош эгиб:

– Билмаяпман то ҳануз қайда мен очган эшик?

Жавоб бўлмади.

– Бу дунё борми ўзи?

Сукунат билан жавоб қилди борлиқ.

– Мен қаерда турибман, қайси меҳмонхонада жойлашганман?

Ана шу мангу савол устида учратдик биз ҳам “Август”нинг Қаҳрамонини. Қўлида калит. Англадикки, унинг қўлидаги оддий калит эмас.

... Инсон қалбининг калити!

КЎП ҚАВАТЛИ ҲИКОЯ

Соат ўн. Аслзодалар уйқудан туриб нонушта қиладиган маҳал. Қуроқ дастурхонга ўраб қўйилган бир бўлак қотган нон ва бир коса сув, баъзида эса, омад чопганда бир чойнак чой билан икки дона сомса. Ҳаётдан нолимайман. Чунки нолишга ҳаққим йўқ. Шу тўғрида узоқ ўйладим. Нега ҳаққим йўқ? Ўйлайман ва тишларим орасида эзилиб синиб садо бераётган нон увоқларининг хузурбахш говдирашига қулоқ тутаман. Ошқозонимда енгилгина оғриқ бор. Унинг ҳаётдан ҳамиша норозилиги ва гоҳида миямга ултиматум йўллаб ичакларни қўзғолон кўтаришга даъват этиши ўта нонкўрлик. Кеча ярим тунда уйғониб кетиб, ичимдан эшитилаётган ҳукмрон овозларга қулоқ тутдим. Нима қилишяпти ўзи булар? Чап ёнимда нимадир бот-бот қулдирад, ўнг томонимда оч бўрининг ушлашдай нолакор ва ваҳимали овоз, инграган-синграган товушлар мажмуаси. Бу мажмуа ҳаммасидан устивор. Эрталаб тўшақдан турганимда ҳам тинмаган эди қўзғолончилар алолоси. Билиб, билмасликка олдим. Ўзимни чалғитиш ниятида дераза олдига бордим. Бу ердан “Афсона” емакхонаси яққол кўриниб туради. Хўрандалар учта-тўртта бўлиб, столлар атрофида ўтиришибди. Оқ пешбандли хизматкорлар ҳаракатда. Ана, банд этишди беҳи дарахти остида тош деворга тақаб қўйилган столни ҳам. Ёшгина қиз билан юзма-юз ўтирибди қориндор бир кимса.

Деворга тақаб қўйилган бу стол менинг энг севган жойим. Гарчи бирор марта ҳам емакхонанинг эшигидан киришга журъат этмаган бўлсам-да, ҳеч кимга бергим келмайди стол устига олачалпоқ соя ташлаб турадиган беҳи дарахти остидаги бир бўлак жойни.

Шабадада силкинаётган япроқлар шивири. Қошиқ-товоқларнинг жарангидан кўра япроқларнинг майин садоси аниқроқ эшитилади менга. Оқ пешбандли гумашта... Дарвоқе, хўрандаларга хизмат кўрсатувчи официанткаларни гумашта десак тўғри бўлармикин, шу ҳақда ўйлаб қолдим. Бир ёзувчи бу касбдаги кишиларни “лаганбардорлар” деб ишлатибди. Қўшилмайман. “Лаганбардор” деган сўзни юз йил сувга ботириб қўйсангиз ҳам, хушомадгўйдан бўлак маънони бермайди. Балки лагандор деб ишлатилгани маъқулроқдир... Хуллас, лагандор қиз янги келган хўрандалар дастурхонига жимжимадор шиша ва икки дона узуноёқ финжон келтириб қўйди. Дастурхон ўртасидаги суйрисимон чинни товоқда кейинги йиллар таоми – Гриль! Мен бу таомни ғоят эъзозлаганим сабабли уни ҳамиша бош ҳарф билан ёзиб, охирида ундов белгиси қўяман. Ва қачон бўлмасин, мақсадимга эришсам, бир мартагина бўлса ҳам тўйиб Гриль(!) есам дейман. Гриль(!) газ печка ёки ультрақизил нур таратадиган электр генераторли шкафда айлантириб пишириладиган парранда ёки мол гўшти. Шубҳасиз, жуда лаззатли!

Қорним қаттиқ қулдираб, ичакларим чуриллай бошлаши билан деразадан узоқлашдим. Қорин жониворнинг ҳам кўзи бор. У кўради. Ахир қорин инсон вужудини ҳаётий куч билан таъминловчи тўртинчи чатра. Бу кўп улуғ чатра. Астойдил ҳаракат қилсам мақсадга эришаман. Яъни, қўзғолонни бостираман ва асабийлашаётган чатрани тинчитаман. Мақсадим эса умримда бир мартагина бўлса ҳам тўйиб Гриль(!) ейиш. Бунинг учун астойдил меҳнат қилишим керак. Новелламнинг охири кучли портлаш билан тугаши тўғрисида узоқ ўйладим. Шуни ўйлаб хонада бир муддат кезиндим.

Аммо хаёлимни қанчалик жиловлашга ҳаракат қилмай, беҳи дарахти остидаги дастурхон ва унинг устида турган Гриль(!) томон қочаверди хаёл қурмағур. Ва мен беихтиёр яна деразадан қарадим. Қориндор билан қиз оқ рангдаги машинага ўтиришди. Лагандор қиз стол устидаги овқат қолдиқларини йиғиштириб олмоқда. Товоқда чала чайналган гўшт бўлаклари...

Новелла устида қанча ўйламай, хаёлимга дурустроқ фикр келмади. Шунда рассомчиликни арзимас бир сабаб билан ташлаб қўйганимдан қаттиқ пушаймон едим. Ва “Аквариум” емакхонасида – иккинчи қаватга чиқаверишдаги зина устида – турган портрет кўз ўнгимда гавдаланди. Унинг тагида, яъни суврат бўёғи тугаган жойда, матоҳ ўртасида “Бу – сен”, деган ёзув бор. Ўнг томонда эса “Султ Ост” деган имзо. Султон Остон бу менинг номим. Бошимга катта ташвишлар солган шу сурат ҳамон ўша жойда илинган турибди. Сувратдаги қиз ҳамон ўша алфозда: кўз узмайди рўпарасидаги одамдан. Кўзларида эса туғён урган ишқ ёлқини. Бекорга эмас бу. Ўзи ёқтирмаган ёки севмаган эркакка бундай қарай олмайди аёл. Ҳар ҳолда, ўртамизда ҳали тамоман пишиб етилмаган, аммо беқиёс куч билан миғжалаётган ва ҳадемай қийғос гуллар очадиган нимадир бор. Энг бефаросат киши ҳам сувратдаги аёл кўзларига қараб туриб “да, амаки” деганча бош тебратиб қўйиши мумкин. Улфатлари билан емакхонага келган Тўлаган ҳам иккинчи қаватдаги хилват хонага кўтарила туриб, сувратга кўзи тушди. Қаради-ю, турган жойида қотди. Бу сувратни аввал ҳам кўп марта кўрган дўстлари бир неча зина юқорига кўтарилиб, ортда қолган улфатга қарашди. “Ҳа, севиб қолдингми сен ҳам”, дея кулгига олди улардан бири. Сир бой бермасликка ҳаракат қилди Тўлаган. Бу қизни танимайди улфатлари...

Қандайдир бир куч мени кўча томон судради. “Афсона”нинг олдидан ўтиб борарканман, катта қозонга кўзим тушди. Яримлаб қолган паловни ошпаз капгир билан титиб сабзига аралаштиряпти. Капгир устида ўйнатади гўшт бўлакларини. Паловнинг бетакрор ҳиди... Оғзимда ғалати бир таъм. Чуқур-чуқур нафас оламан. Шубҳаланиб қарайди ошпаз. Энди палов ҳидидан баҳраманд бўлиш имкони тугаган, бу ердан кетишим керак. Ахир мен, аслзода Тиркашкруннерман. Шундай бўлгач, қандайдир бир ифринди ошпазнинг шубҳали қарашини кўтара олмайман. Аммо кетмадим ва ошпазнинг кўзларига қаттиқ тикилиб туравердим. Заҳарханда кулги кўринди унинг ёғли мийиғида. “Ошхонани бу ердан кўчириш керак”, дедим шунда мен жиддий туриб. Оёғимдан тортиб бошимгача таҳқиромуз назар ташлади ошпаз. Ошнинг ва Гриль (!)нинг ҳиди димоғимга ёмон урилиб кўнглимни айнитаётганини айтдим. Ошпазнинг юзида таажжуб. Аччиқроқ бирор гап айтишни ўйларди афтидан. Қозон олдидан узоқлашдим. Қадамларим чалкашиб бораётганини сезиб, хиёбондаги скамейкага томон юрдим. Ерда, шундайгина оёғим остида ярим палла ёнғоқ тушиб ётарди. Уни олишдан олдин ичида мағзи бор-йўқлигини тахминладим. Агар мағзи бўлса, ўнгидан келади ишим, новелламни яхши баҳолайди ва қабул қилади журнал. Кейин камида юз минг сўм қаламҳақи беришади. Шунда мен беҳи остидаги столда ўтириб Гриль(!) буюраман... Ёнғоқ палласини ердан олиб қарадим. Тўнкарилиб ётгани сабабли мағзига ёпишган қум зарраларини кўриб, бироз ранжидим. Оғзимга яқин тутиб қаттиқ пуфладим. Пуф! Пуф! Ёнғоқ кўрак навли бўлгани сабабли, оппоқ мағзини маҳкам чангаллаб турарди пўчоғининг ички томонга қайрилган четлари. Ҳам тиғи, ҳам шохаси ва бигизча-

си бор чопқимни олдим чўнтагимдан. Мағиз ерга тушиб кетмасин деб, дастрўмолчамни тиззаларим устига ёйдим-да, бигиз учини ишга солиб, худди бемор миясини операция қилаётган хирургдай эҳтиёткорлик билан мағизни авайлаб чиқариб олдим.

3

Дунёдаги бор мевалар орасида фақат ёнғоқ мағзигина инсон миясига жуда ўхшайди. Мағизнинг тепа қисми бош мия пўстлоғидай; жарликлар, чуқурликлар, тоғ тизмаларидан иборат. Ва худди бош чаноғидай қаттиқ қобик ичига олинган буларнинг ҳаммаси. Гарчи уни тезроқ чайнаб ютгим келаётган бўлса-да, бармоғим учида тутиб обдан қарадим. Шу лаҳзада мен ўзимни инсониятга миянинг калитини тутқазган Гольджи ва ҳатто Кахал деб тасаввур қилмоқдаман. Мана, Сильвиев жўяги, мана, бош миянинг пешона қисмида стриатум маркази. Аниқ кўраётганимнинг сабаби шундаки, баъзан кун бўйи бош мия яримшарларини ёнғоқ мағзига муқояса қилиб, лупа орқали қараб ҳайратланарли даражада ўхшашликдан донг қотганман. Ёнғоқ мағзи ҳам иккита ярим шардан иборат. Ундаги таламус, гипоталамус, гиппокамп марказларини топиб, белгилаганман неча бор қизил ва кўк сиёҳ билан. Сабрим чидамади бу сафар. “Бош мия”ни оғзимга солиб, кўзларимни юмганча узоқ чайнадим. Оқмағиз ёнғоқнинг таъми нақадар мазали! Қаттиқ норозилик билан қабул қилди бу таомни ошқозоним.

Кўзимни очганимда бўйчангина бир киши турарди рўпарамда. Узун эди унинг қўл-оёқлари ҳам. Эътиборимни тортди унинг беқарор чақнаб турган кўзлари. Бу одам ўғри, деган фикр миямга урилди дафъатан. Ва унинг бармоқларига разм солдим. Ҳа, унинг енгил гавдасини зарур бўлганда бемалол кўтариб тура оларди бу чайир бармоқлар. Ҳар ҳолда шундай

тасаввур қолдирди манда. Рўпарамдаги скамейкага ўтирди-да, кўз қири билан менга қараб олди ўғри. Ҳа, назаримда, ҳамма нарсани бирйўла кўрарди унинг кўзлари. Қаердандир ўқигандим. Чивиннинг ҳар бир кўзи икки юзтадан майда кўзлардан иборат бўларкан. Ва шу боис чивин дастурхон устидан учиб ўта туриб, ундаги ҳамма нарсани биратўла илғай оларкан. Менимча, бундай хусусият ўғриларга ҳам хос.

Рўпарамда ўтирган киши дастлаб менга бир-икки қаради-ю, қиёфамдан диққатга сазовор бирор нарса топмай, зериккан алфозда рўпарадаги уй томон ўгирилиб олди. Шунда уни обдан кузатдим мен ҳам. Ва ишонч ҳосил қилдимки, унинг юзига ва умуман қиёфасига кун бўйи қараб ўтирсангиз ҳам зерикмайсиз: Чувак юзи қотма гавдасига жуда мос. Елкалари унча кенг бўлмаса-да, мушакларида куч гупириб турганлигини англаш қийин эмас. “Бу одам ўғри”, деган фикр янада мустаҳкамланди шууримда. Ва унинг томоғи остидаги яримта ёнғоқ палласидек кекирдагига кўзим тушаркан, овози арранинг дариллашига ўхшаса керак, деб ўйладим. Жуда эшитгим келди унинг овозини. Бунинг учун нимадир деб унга мурожаат этишим керак:

– Дўстим, сиз мабодо Эшевни танимайсизми?

– Таниганда қандоқ! Эшев Мустофни айтяпсизми? Менинг энг қалин улфатим бўлади Эшев Мустоф. Мустоф билан бир камерада уч йил ўтирганмиз. Ўзингиз ким бўласиз, братан? Ҳар бир ҳарфига, хусусан “б” ҳамда “р” товушларига бетакрор урғу жойлаб айтди сўнгги сўзни. Таҳдид ва менсимаслик бор эди унинг “братан”ида.

– Мен... Бенавоман.

Юқори лаби бурун остига томон жийирилиб, пастки тишлари кўринди унинг ва қулоқни тешгудек кучли, тиғиз ингичка хуштак овози янгради.

– Ўзингизни таништирадингиз?..

– Тиркашкруннер дейишади мени.

Дурустгина хуштак чалардим мен ҳам. Энг муҳими, бармоқларимни оғзимга тикмасдан чалишнинг раптани олгандим ва ҳамсухбатимнинг овози тиниши билан, санъатимни ишга солдим. Скамейка суянчиғига ястанганча иягимни юқорига кўтариб бор кучим билан ўшқирдим.

– Бессопан?! – дея ўрнидан туриб кетди Тиркашкруннер.

– Бессопан.

Қаттиқ ҳаяжонланиб кетди Тиркашкруннер ва ўртадаги масофани икки ҳақкалашда босиб ўтиб, менинг ёнимга келиб ўтирди-да, елкамга қўл ташлаб секин хиргойи қила бошлади:

Кладил кирпеч,

Поставил казан.

В казане сазан.

Бессопан, Бессопан.

Налей мне,

Налей мне, Братан,

Полний стакан.

Бессопан, Бессопан!

Нақаротига жўр бўлдим мен ҳам:

“Бессопан! Бессопан!”

– Оқшомлар ғишт уюми устида ўтириб, эҳ, қандай куйлардик бу қўшиқни! Қандай ҳаволанарди овозимиз. Ўзиям крутой эди-да бу қўшиқни ёзган йигит. Одамнинг жони эди... Куйлай туриб, озодликдаги эркин ва беғам ҳаётимизни кўз ўнгимизга келтирардик. Ўша ҳаётда ...

Мавзунни бирдан ўзгартирди Тиркашкруннер ва ички бир овоз билан қандайдир монологни ҳилқиниб айта бошлади:

“О, битганда эди менинг пешонамга ҳам пул деб номланган, одамлар бармоғига туфлаб санайдиган ифлос қоғоз. Атрофимни ўраб олишарди қавму қариндошларим, укаларим. Минг афсуски, қашшоқ, уйсиз-жойсиз бир кимсаман!” Ана шундай деб, чайир бармоқларини кенг ёйганча кўксига босди Тиркаш ва давом этди: “Дастурхондаги қоқнонга қарадим. Ҳозир есаммикин уни сувга ивитиб ёки асраб қўйсаммикин эрталабки нонуштага, деган хаёл билан пешонамни ишқалаганча бир муддат ўйга толдим. Қаттиқ ишқаладим яна шўрлик пешонамни, худди унда битилган тақдир ёзувини сидириб ва ўчириб ташламоқчидек. Тулки олиб қочиб бораётган хўрознинг ноласи чалинди қулоғимга. Ва гўдаклигимда момом айтиб берган эртақдаги мисраларни аввал ўз ҳолича айтиб кўрдим, сўнгра бироз ўзгартириб, бор овозим билан қичқирдим:

*Укагинам, Бахтижон,
Мени кутқазгин шу он.
Очлик мени элтмоқда
Ўлим диёри томон!*

Қийқиллаб хўрознинг қичқиришига монанд садо чиқарди менинг томоғимдан. Аччиқ кулгига қўшилиб кетди шеърнинг охири. Ва шу лаҳзада жаранглаб урилди шууримга ўктам бир садо: “Ўғирла!” Бу садо ортидан бостириб келди бир қатор мушоҳада. Ўғирласам, бой бўлсам, машина олсам ва миндириб юрсам гоҳ Ёқутни, гоҳ Назирани! Қўлга тушсам, қамалсам... Йўқ, йўқ, қўлимдан келмайди, қилолмайман мен бу ишни. Стол устида ётган газетани олиб қарадим ана шундай хаёллар билан...”

Э, воҳ! Булар менинг ҳаётим ва менинг фикрларим эди. Ва энди мен эшитмасдим ёнимда ўтирганча алжираётган Тиркашкруннернинг ҳикоясини. Бир маромда ғинғирларди унинг овози қулоғим остида. Гўё менинг ичимга кириб олган-у миямда содир бўлаёт-

ган воқеаларни ўқиб ўз номидан айтаётгандай. Шундай бўлиши мумкинми? Ёки бу одам изма-из юриб, менинг ҳаётимни ўрганганмикин? Балки кўринмас қиёфага кириб мен билан бирга яшагандир... Ё бўлмаса, хонам тепасидан яширин туйнук очиб кузатиб турганмикин? Кўз узолмай қолдим ундан. Кўрқиб бутун вужудим музлай бошлади. Ҳаётингизни икир-чикиригача биладиган одам... Ёлғизликда нималар қилмайсиз ахир... Буларнинг барчасини кўриб турган одам кўрқинчли эмасми?

Кейин уят ҳисси қамраб олди борлиғимни. Сўзлашдан тўхтамасди у. Ҳамон шивирларди унинг лаблари. Ёкутойнинг сувратини ёстиғим устига қўйиб ётганим ва бошқа воқеалар ёдимга тушди. Кичик бир новеллам босилган газетани қўлимга олиб, қанча қалам ҳақи чиқаркин дея балки юзинчи бор...

“...Балки юзинчи бор кўз югуртирди ўзи ёзган ҳикояга” деб, менинг ҳаётим тўғрисидаги воқеаларни энди учинчи шахс номидан сўзлашга киришди Тиркашкруннер: “...Биринчи уриниш, биринчи муваффақият ва биринчи қалам ҳақи... Аммо қуруқ эди айни дамда унинг чўнтаги. Қалам ҳақи наридан-бери уч кун тамадди қилишга етди холос. Беихтиёр ёзув столига ўтирди ва узоқ ўйлаб ўтирмасдан сарлавҳа қўйди-да, мана бундай деб ёза бошлади: “Тун қоронғи эди. Тиркаш нафасини ичига ютиб девор тагида биқиниб турди. Деразада сўнди чироқ нурлари...” Аммо ёқмади унга азалдан мерос бўлиб келаётган бу услуб. Бутун бошли асарда ҳамма гап “ди, ди” ва “эди, эди” билан тугаши жуда хунук, жуда қашшоқ, жуда ночор... Сўнгра “Қоронғу эди тун...” тарзида тескарисига айлантириб ёзишга киришди барча гапларни. Жуда қийин эди бу усул. Дастурхонга қаради ортига ўгирилиб бир неча бор. Дастурхон четига ўраб қўйилган яримта нон бамисоли оҳанрабодек тортарди уни ўзига. “Ейман!”

Қатъият билан айтилди бу сўз. Ва Тиркаш оч бўридек ташланди нонга. Аммо очликдан ҳам даҳшатли бир куч – эртанги кундан қўрқув сақлаб қолди ноннинг жонини. Кун давомида учинчи бор такрорланмоқда эди бу ҳолат. Тиркаш кўзларини юмганча нонни ҳидлади хузур қилиб ва дастурхонга ўраб қўйди яна... Ҳикоя қаҳрамони эса ҳамон девор тагида турар ва хонада чироқ ўчишини, хонадон аҳли уйкуга кетишини кутарди. Ойсиз қоронғи тун. Соат икки. Хонада чироқ ўчганига ярим соатдан ошди. Ва ниҳоят, чайир қўллари билан деворга тирмашди Тиркаш. Шу лаҳзада гавдасининг бор оғирлигини ғиштлар оралиғидаги чизиққа ёпишган бармоқлари тутиб турар, яланг оёғи билан таянч излар ва шарпасиз ҳаракатлар билан бамисоли калтакесакдек юқорига томон интиларди. Уйнинг ташқи кўринишидаги улуғворлик ва темир дарвозадан ҳар кун “Каптива” маркали машинанинг кириб чиқишига қараб хонадон жуда бой бўлса керак, деган қарорга келганди ўғри. Шунга қарамай, хонадон эгаларининг ит сақлашмагани ва бошқа пулдор кишиларникидек қоровулларнинг йўқлиги бироз ажабланарли. Девордан ошиб ўтаркан, бинонинг шарқ томонидаги деразалардан бири ҳамиша очиқ туришини назарда тутиб, шу томон ҳаракатланди...”

Шу жойда узилиб қолди Тиркашкруннернинг ҳикояси. Энди менга шубҳа ва ўкинч билан тикилиб турарди унинг кўзлари. “Нима гап?” деб сўрамоқчи бўлдим. Аммо суҳбатдошим мендан олдин мақсадини англади.

- Бу хавфли ўйин, – деди бошини сарак-сарак қилиб. Ва қовоқ уйиб босим тикилди менинг юзимга:
- Мени бундай ишга йўллашинг инсофдан эмас.
- Ўғирликни айтяпсанми? – сўрадим мен ҳам сенсираб.
- Бошқа нимани бўларди...
- Иккалангиз икки дунёдаги одам...

– Ёки яна қамалишимни ва яна Бессопанда ўтириб чиқишимни хоҳлайсанми? – ўкинч билан сўради Тиркашкруннер гапимга қулоқ солишни ҳам истамай.

– Тиркашкруннер, дўстим, айтяпман-ку ахир, сен реал ҳаётдаги одамсан. Борсан, тириксан. Мана мен билан суҳбатлашиб, дардлашиб ўтирибсан. У эса ҳикоямининг қаҳрамони, холос. Сен ҳаётда ҳаракатланасан, у эса қоғозда. Ораларингда ер билан осмонча фарқ бор.

– Аммо ўғирлиқ учун яхши шароит яратилган, – деди у хаёлчан бир тарзда. – Бундай шароитда ўғирликка кирмаган ҳам номард. Ҳовлида ит йўқ, хона деразаси очиқ... бой-бадавлат хонадон.

– Нима қил дейсан унда?

– Давом эттирамиз, майли, мен розиман. Фақат ўғирлиқ ҳаддан ташқари осон бўлмаслиги керак. Баъзи бир ноқулайликлар ярат. Қалтисликлар ярат, қўлга тушиб қолиш хавфи дегандай. Акс ҳолда ўғирлиқ татимайди. Худди ўз уйингдан олгандай... Дўстларга сўзлаб беришга ҳам арзимайди бу воқеа...

Уйга қайтиб, ёзувларимга кўз югуртирдим. Ҳаммаси тўғри, худди Тиркашкруннер айтиб берганидай. Ўғри (унинг оти Тиркаш) очиқ турган дераза томон ҳаракатланмоқда...

4

... Ажиб бир нозанин билан танишгандим бир неча ҳафта аввал. Аммо чўнтагимда ҳеч вақо йўқлиги сабабли, уни на сайрга, на бирон-бир кўнгил очиш масканига, на емакхонага таклиф этолдим. Агар бу новеллам муваффақиятли чиқиб, журналда босилса... Йўқ, қалам ҳақи арзимас пул, бунинг устига асар босилгандан кейин, орадан бир ой ўтиб берилади қалам ҳақи. Уни ҳам қўлга эмас, пластикка ўтказишади. Қиз болани бирон-бир жойга таклиф этиш учун чўнтак қаппайиб туриши керак. Аммо Ёкутхон кўринишидан соддадилгина ва камсукумгина қиздай тасаввур қол-

дирди менда. Аслида, қандай инсонлигини айтолмайман. Касб-хунар коллежида дарс бераркан. Эвоҳ, нариги хиёбондан жадаллаб келаётган унинг ўзи эмасми! Йўлни кесиб ўтяпти. Шу ерга келиши аниқ. Бирон-бир тадбир ўйлаб топишга улгурмадим. Бошимни ҳам қилиб, нигоҳимни ердан олмай туравердим. Ҳадемай рўпарамга келиб тўхтади унинг оппоққина туфличаси. Бошимни кўтармасам, иложим йўқ энди. Овозимга ҳам ҳаяжон, ҳам савол урғуларини жойлаганча, ўрнимдан отилиб турдим ва нидо қилдим:

– Ёқутхон?!

– Ёнингизда ўтирган киши ким эди, Бенаво ака?

– Бир танишим... нимаиди?

– Наҳотки?

– Ажабланманг, у яхши одам.

– Дўстингизми?

– Биз жуда қадрдонмиз.

– Шубҳаланиб қолдим сиздан.

– Бунга ўрин йўқ.

– Ўша дўстингиз ё ўғри, ёки маньяк.

– Нималар деяпсиз, Ёқутхон, унинг исми хунукроқ холос, ўзи...

– Яхши бўларди, унинг исмини билиб қўйсам.

– Танишмоқчимисиз, майли, айтаман. Унинг исми Тиркашкруннер. Айтинг-чи, нега бунча қизиқиб қолдингиз унга?

– Вой, ану кишини қаранг, рашк қиляпсизми дарровдан?

Индамай бошимни четга бурдим. Аслида кўнглимда рашк ҳам, бошқа бирор аризигулик туйғу ҳам йўқ. Шу қақажон билан шунчаки вақт ўтказиш учун валақлашиб ўтирмоқчиман, холос. Ҳаммаси очлик азобини унутиш учун.

– Қайси ошхонада ишлайсиз? – дедим ундан қандайдир егулик ҳиди келаётганини сезиб. (Оч одамнинг ҳид билиш қобилияти беҳад кучайиб кетишини

кўп марта синаб кўрганман). Қиз индамади. Скамейкага ўтириб сумкачасини тиззаси устига қўйди ва менга бир қараб олди-да, “ўтиринг” деб имо қилди. Ўтирдим. Сумкачасидан аввал кичкина дастурхонга ўхшаш тўртбурчак сочиқча олиб иккимизнинг ўрта-мизга ёйди, сўнгра иккита Хот-дог олиб, дастурхонга қўйди.

– Олинг!

Мен бурнимни жийирдим.

– Агар емасангиз...

– Бунақа таомларни жиним суймайди.

– Жинингиз суймаса суймас, сиз жиннинг раъйига қараманг.

Қизнинг нуктадонлиги ва сўз ўйинига усталигидан мамнун бўлдим. Ёзувчи қавмига асқатади бундай гаплар. Шунга қарамай, “Нега менга овқат олиб келди. Очлигимни пайқаб қолганмикин. Кеча суҳбатлашганимизда нималар тўғрисида гаплашгандик ўзи...” деган андишалар кўнглимдан ўтаркан, “емайман”, дедим қатъий қилиб.

– Емайсизми? Унда сиз билан умуман гаплашмайман ва ҳозироқ кетаман!

Ўрнидан турмоқчидек ҳаракат қилди у ва сумкачасини қўлига олиб яна менга қаради.

– Оббо, қўймадингизда, начора...

Юмшоқ нон ҳиди ва унинг ичига жойлаштирилган колбаса бўлаги, қизил сабзи тўғрамаси! Воҳ, қанчалар жозиб куч бор бу таомда. Кўз қирим билан дастурхончага қараб олдим. Ва беихтиёр қўл чўздим. Мана, хот-дог менинг қўлимда, мана, ҳиди гупиллаб урилмоқда бурнимга ва мана, лабларим, тишларим, тилим унинг таъмидан жунбишга келяпти. Дастлабки луқмани ютдим ютақиб. “Ваҳ, бунча лаззатли” деган нидони ҳам хот-дог билан қўшиб ичга ютдим. Сумкачасидан атир-

га бўктирилган рўмолча олиб, лабларимни артиб қўйди. Бу қиздан қандай қилиб қутулсам, деган ташвиш бор кўнглимнинг бир четида. Ҳаддан ташқари тўпори. Мен эса ёзувчиман. Диди нозикроқ аёл керак менга.

– Нега бундай сўлжайиб қолдингиз? – дея тирсаги билан туртди биқинимга. Ночор илжайиб қарадим унинг юзига. Шиддат билан бостириб келмоқда эди бир туп қора булут. Бошим билан осмонга имо қилиб, булутни кўрсатдим.

– Ёғади, – деди у бошини ҳинд киноартистларидай чайқаб.

– Хайр, мен кетдим.

– Мен ҳам.

Биз йўлга тушдик. Халоскоримдан тезроқ қутулишни истардим. Аммо қадамимни қанча тезлатмай, ортда қолдиролмадим уни.

– Келдим.

– Кираверинг, мен ҳозир... – деганча, йўлнинг нариги бетигаги емакхона томон юрди Ёқутхон. Энди мени топиб бўпсан дедим-у, ўзимни ичкарига урдим. Югургилаганча кўтарилдим тўққизинчи қаватга. Мана менинг уйим. Бир хонали квартира. Сен қайси қаватда туришимни сўрамадинг ҳам ҳатто. Худди аввалдан келиб-кетиб юргандай, “сиз кираверинг”, эмиш. Мана, деразанинг ўнг томонида ёзув столим. Тиркашкруннер ҳозир қаерда бўлса, деган хаёл билан каравотимга узандим. Мана энди Ёқутхон 185 квартирали бу уйнинг у бошидан бу бошига изғийди... Фикримни тугатишга улгурмай, эшик очилди: .

– Ушланг! Ушланг! Ҳадемай тушиб кетади кўлимдан! – деганча қутини қўйишга жой излаб, атрофга аланглади Ёқутхон. Қутини олдим кўлидан. Қўлёмаларимни бир зарб билан стол устидан сидириб ташлаб дастурхон тузади. Мен учун шоҳона базм эди бу. Эрта-

лаб ўрнимдан туриб қоғозларимни тополмадим. Ёқутхоннинг ўзи ҳам ҳеч қаерда кўринмасди. Бир хонали уйда ҳам яширинса бўладиган жойлар бор-да ахир. Столнинг таги, шифоньернинг ичи, ювиниш хонаси, нимқоронғи даҳлизча... Йўқ, уни қидириб бу жойлардан топа олмадим. Энди зиёлилар олами янги ҳикоядан маҳрум. Қораламаларимнинг унга нима кераги борлигини қанча ўйламай, хаёлимга дурустроқ фикр келмади. Наҳотки қоғозларимни ҳалигидай... мақсадда ишлатиш учун олган бўлса? Ёзув столига ўтириб ҳикояни қайта тиклашга уриниб кўрдим. Аввалгидек чиқмади дастлабки сатрлар. Диққинафаслигим ортиб борарди вақт ўтган сайин. Носкадисини йўқотган носкашдан бадтар аҳволдаман. Ниҳоят соат ўн бирларда эшик очилиб, кўлида бир даста қоғоз билан кириб келди менинг шилқим “энагам”. Ҳа, уни айни пайтда бошқача атай олмайман. Мен боғча боласи-ю, у энага.

– Тиркашнинг тақдири нима билан тугайди, сиз шуни айтинг аввало менга! – қичқирди ер тепиниб, ҳали мен оғиз очишга улгурмасдан.

– Кўлга тушадими ёки қутулиб кетадими?

– Барибир эмасми сиз учун? – мен ҳам қичқирдим жаҳл билан.

– Барибир эмас. Тиркаш менинг эрим!

– Бу одамларга нима бўлган ўзи, – деганча унинг кўлидаги қоғозларга чанг солдим.

– Бермайман. Тиркаш ё ўлиши, ёки... ҳеч бўлмаганда қамалиши керак.

– Нега?

– Чунки менга хиёнат қилган у номард. Энди унинг бошқа ойимтилласи бор. Мен қасос олишим керак. Қасос!

– Кимни назарда тутяпсиз? Тиркашними ёки Тиркашкруннерними?

– Круннерга бало борми? Менга Тиркашни ўлдириб ёки қаматиб берсангиз бас.

– Майли, ҳаракат қилиб кўраман, – дедим унинг кўлидан қоғозларимни олиш учун атайлаб муросага келиб.

– Қачон ўлдирасиз? Қанча вақт керак сизга?

– Бир ҳафта. – Оғзимга келгани шу бўлди. – Бир ҳафтада дунёни ўзгартириш мумкин. Фақат келаси жумагача мени безовта қилмасангиз бас.

– Мен рози!

Болаларча қувонч барқ уриб турарди унинг юзида. Лабларини кенг ёйиб табассум қилди ва “чечетка” рақсига тушаётган испан раққосасидай этагини силкитиб ер тепинди. Шу ҳолатда жуда дилбар бўлиб кўринди кўзимга. Новеллани тезроқ ёзиб тугатиш энди мен учун ҳаётий зарур масала. Сўнгги саҳифага кўз югуртирдим: “..Тиркаш хона ўртасида. Чап томонда, хона тўрида баланд каравот. Кимдир кўрпага бурканиб ётгандай. Каравот ёнидаги жавонча устида нималардир ярқираб кўринади. Шарпасиз қадамлар била каравотга яқинлашди Тиркаш ва жавонча устидаги тақинчоқларга бирзум тикилиб қолди”.

– Ол! – дедим ва икки ҳарфдан иборат шу қисқа сўзни қоғозга туширдим. Бирзумда ғойиб бўлди биллакузук, сирғалар ва маржонлар. Энди тарк этса ҳам бўларди бу жойни, аммо қўлга киритилган тилла тақинчоқлар қониқтирмади уни ва каравот адоғидаги темир эшикка тикилиб қолди.

– Қайт!

Бу сафар менинг буйруғимга бўйсунитганини истамади ўғри. Тўғрисини айтсам, менинг ўзим ҳам темир эшик ортида нималар борлигига қизиқаётган эдим. Ногоҳ Ёқутхоннинг қўйган талаби ёдимга тушиб иккилашиб қолдим. Тиркашни “ё ўлдиришим, ёки қамайтишим” шарт. Шу лаҳзанинг ўзида каравотда ётган қиз уйғониб дод солса, Тиркаш унинг овозини ўчириш учун қандай тадбир қўллайди? Деразадан сак-

раб тушиб қочадими ёки қизни бир ёқли қиладими? Мантиқан олиб қараганда, Тиркаш қизни ўлдириши керак. Чунки ўғрини кўрди қиз, уни таниб қолди. Бу хавфли. Бу полиция маҳкамаси, қийноқлару сўроқлар ва қамоқ. Гувоҳни ўлдирса ва ими-жимиди чиқиб кетса... Йўқ, бундай қилолмайди Тиркаш. Шу билан бирга, яна қамоққа тушишни ҳам истамайди. Шундай экан, қизнинг уйғониб кетмагани ва дод солмагани маъқул.

– Нима қил дейсан? – сўради Тиркаш.

– Темир эшикни оч! – буюрдим ҳеч иккиланмай. Каравотда ётган қиздан кўз узмаган кўйи темир эшик томон юрди ўғри. “Эшикда сирена ёки сигнализация ўрнатилган бўлса-чи?” деган ўйдан эгим жунжикиб кетди. Нима бўлса бўлди. Тақдирда борини кўрамиз. Индамай кутаман. Қани нима бўларкин? Тиркаш тажрибали ўғри. Қалтис ишга қўл урмайди. Кузатиб турдим. Кўнглимнинг бир четиди Ёкутойнинг талаби айланади. Мен Тиркашни ўлдиришим, ҳеч бўлмаганда уни қаматишим керак. Унинг овози қулоғимга чалинади: “Бессопан, Бессопан!..” Ўғри жамиятимиз учун хавфли. Шунча йил қамоқда ўтириб тўғри йўлга кирмади ва мана энди яна менга нотаниш қандайдир бойваччанинг уйига ўғирликка тушди. Бойвачча ҳалол одамми? Ойлик маош билан шундай ҳашаматли бинони қуриш мумкинми? Йўқ, юз йил емай-ичмай йиғинса ҳам бундай данғиллама саройни қура олмайди. Демак, бойвачча ҳам ўғри. Халқнинг, давлатнинг мулкани ўмарган. Аввало, унинг ўзини жазолаш керак! Мен токи шундай фикрлар оғушида турарканман, эшикка қўл чўзди Тиркаш. Сукунат. Оҳиста ва бир маромда нафас оляпти уйқудаги қиз. Чўнтагидан бир даста асбоб-ускуналарини олди ўғри ва улардан бирини, кейин унинг ўрнига иккинчисини қулф тирқишига тиқиб, фақат қулфбузарларгагина таниш бўлган қан-

дайдир ҳаракат билан эшикни очди. Ана, унинг рўпарасида сейф! Темир сандиқ! Атрофни кузатди Тиркаш. Хонада ҳеч ким йўқ. Сейф кодланган. “Овора бўласан, дўстим, қайт ортингга!” деган нидо шууридан отилиб чиқиб, сейф олдида турган кимсанинг шуурига урилди ва у бир дам иккилангандай бўлди. Аммо сейф олдидан кетишга куч топмади ўзида. Сейф томон юрди шарпасиз қадамлар билан... Худди шу лаҳзада димоғимга гриль (!) ҳиди урилди ва мен беихтиёр ортимга ўгирилиб қарадим. Ёқутхон турарди остонада. Қўлида зарқоғозга ўралган гриль(!). Ё тавба! Наҳотки бир ҳафта шунча тез ўтиб кетган бўлса?

– Нима бўлди Тиркаш?! – шанғиллади у эшикдан кирар-кирмас бор овози билан. “Овозингни ўчир” деган ишорани қилдим мен ҳам қўлимни бор кучим билан силтаб.

– Ҳа, намуноча?.. – шивирлашга яқин бир овозда гинахонлик қилди жувон.

– Тиркашнинг ҳаёти қил устида. Ичида катта хазина бор сейф олдида турибди.

– Вой, шундайми? Очсин! Очсин! Сейфда олтин ва бриллиант тақинчоқлар бор! Ишончим комил... Очсин тезроқ! Очсин!

– Қўлга тушса-чи?

– Тушмасин! Тушмасин! Худойим, ўзинг мадад бер унга! Паноҳингда асра уни!.. Тап этиб ерга тушди ёқутнинг қўлидаги гриль (!)иккала қўлини осмонга чўзиб илтижо қилишда давом этди аёл.

– Аллоҳим, Тиркаш бегуноҳ банданг. Болалигимдан бери биламан уни. Бир партада ўтирардик биз. Мактабни олтин медаль билан битирган. Олий маълумотли филолог Тиркаш... Оҳ, унинг шеърларини ўқиганингда эди!..

– Нималар деб жавраяпсиз?! Бас қилинг! Худо шеър ўқийдими! Динимизга шак келтирманг! Ахир сиз уни ўлимга буюрмаганмидингиз!

– Иссиқроқ қилинг нафасингизни, – деди энди Ёқутхон хотиржам оҳангда, – нима бўлганда ҳам у менинг эрим...

– Унда билганингизни қилинг. – Шундай деб пальтомни йўл-йўлакай кийганча кўчага отилдим. Ва қай томон боришини суриштириб ўтирмай, бекатга келиб тўхтаган автобусга чиқдим. Гўё ортимдан Ёқутхон қувиб келадигандай бетоқат эдим ва шошилардим. Нима бўлса ҳам, уйдан узоқроққа кетсам бўлди. Хоҳламайман бу аёл билан бир ҳаводан нафас олишни. Ана шундай ғазабнок ўйлар оғушида ўзим билан ўзим гаплашиб борарканман, ногоҳ осмон билан бўйлашиб турган бир минорага кўзим тушди. Кўк гумбаз! Наҳотки Шаҳрисабзга келиб қолган бўлсам?! Ҳа, ана, қадимий обида ортида Гумбази Саидоннинг ҳаворанг пештоқи. Ундан нарида дарвешлар кулоҳидай бўлиб улуғвор Ҳазрати Имом масжидининг ғиштин гумбази кўриниб турибди. Шошилганча турдим ўрнимдан ва овоз бердим:

– Шу ерда тўхтатинг!

– Пулини тўламайсизми? – Заҳарханда қилди ҳайдовчи эшиқдан чиқаётганимда. Гарчи чўнтагимда ҳемири ҳам йўқлигини билсам-да, пальтомнинг барча чўнтақларига бир-бир қўл суқиб, елка қисдим ва айбдорларча минғирладим:

– Пулим бор эди... Ҳозир... Мана, ҳозир...

– Савлатидан туя хуркади-ю... – тўнғиллади ҳайдовчи. Эшиклар шақир-шуқир ёпилди, оғир инграганча ўрнимдан жилди автобус. Раҳмим келди бечора автобусга. Аммо начора, пулим бўлмаса нима қилай. Бир дам йўл четида гарангсиб турдим. Кейин оғир қадамлар билан ортга қайтдим-да, Гумбази Саидон томон юрдим. Ер билан гаплашаётгандай ё осмонга ўз дардини айтаётгандай шивирлаб, шитирлаб учиб тушарди ҳовли ўртасидаги кекса тут дарахти новдаларидан

заъфарон япроқлар. Гумбаз эшигидан кирарканман, оғир сукунат ва оғир босим остида қолгандай сездим ўзимни. Рўпарамда узунлиги икки метрлар келадиган қабртош. Сағананинг ўзи қаердалигини билиб бўлмайти. Одам жасади гўё шу тош ичида ётгандай туюлди бир дам ва тезда чекинди бу алдамчи тасаввур. Аввал ҳам бир неча марта зиёрат қилгандим бу жойни. Ўнг тарафда яна бир хона бор. Унда ҳам сағана йўқ, фақат қабр тоши ва сукут. Умуман, қабристон ва сукунат мангу бирга. Қабртошлар олдида бош эгиб турарканман, одам одамга ғанимат деган фикрдан кўнглим ўксиди ва ғамгин тортганча, зиёратгоҳни тарк этиб, Мираки мавзеси томон йўл олдим. Автобусга чиқишга юрагим бетламади. Бу мавзе Шаҳрисабздан ўттиз километр узоқда. Агар соатига ўртача беш километр йўл боссам, олти соатда етиб бораман, деган ўй билан Эски почта бекатигача бордим. “Хўш, туфлинг-чи!” дея ҳайқирди ичимдан бир овоз. Оёғимга қарадим ва ички овознинг танбеҳи тўғрилигига тан бердим. Ҳақиқатан ҳам туфлимнинг аҳволи ночор. Миракигача мени олиб боролмаслиги аниқ. Ўнг оёғимнинг жимжилоғи кўриниб турибди туфли зеҳидан. Чап оёқ туфлисининг таглиги ёрилган... Дарҳол бўйинбоғимни ечиб, чўнтагимга солдим. Оёқда йиртиқ ва рангсизланиб қолган туфли, бўйинда шоҳи бўйинбоғ! Мана сизга контраст тасвир. Қўлимни чўнтақдан чиқаришга улгурмай, миямга урилган фикрдан қувониб кетдим. Бугун жума. Нефтиразведка мавзесидаги барахолка бозори ишлайди бугун. Бўйинбоғни билагимга ташлаганча бозор ораладим. Ёши етмишлардан ошган бир қария харидор бўлди. Кўринишидан пенсияга чиққан компартия ходими. Кўкрагининг ўнг томонида узунлиги олти-етти сантиметр келадиган қизил, сариқ ва кўк шишачалар тизими. Агар янглишмасам “колодка” дейишарди бунини. Ва бу орден медаллари бор, деган маъ-

нони ифодаларди. “Чампул?” деди қария масхараомуз оҳангда. “Сколько дадите?” дедим унинг тожикча саволига жавобан. Кейин биз ўзбекча савдолашишга ўтдик.

- Ҳали яп-янги, бир-икки марта таққанман, холос.
- Қанча дейсиз?
- Э, бир нима берингу олинг-да, амак. Сиздай кишиларга пул қаҳатми?

Бу хушомад нишонга урди. Мақтовга ўрганган унинг кўнгли ийиб кетди шекилли, кутганимдан анча зиёд рақамни тилга олди. Бу пул Миракига бориб-келишимга кифоя қилар ва бир нав қорин тўйдиришга ҳам етарди. Кайфиятим кўтарилиб кетиб хиргойи қилганча йўлга тушдим:

*Йўл бўлсин-а, йўл бўлсин,
Эккан пахтанг Кремлга гул бўлсин!*

Деярли ҳар кун радио орқали эшитадиган қўшиғимиз эди бу. Яна бир қўшиғимиз бор эди ёшлиқда. Мактабдан қайтишда баъзан комсомоллар йиғилишидан чиққанда тунда уйга қайтаётганимизда баралла овоз билан айтардик:

*Ташлади қадам Коммуна сари,
Шонли комсомол яна илгари...*

Ой нурида ялтирарди кўксимиздаги ВЛКСМ деган ёзуви бор қизил шиша қопламали нишонларимиз ва биз бундан чексиз даражада фахрланардик. Қўлма-қўл бўлиб ўқиларди Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди?” деган романи. Мана, ортда қолди ҳаммаси кераксиз бир нарсайди. Энди Брежневнинг “Омборда ғалланг бўлса, қўшиқ ҳам оғзингдан тушмайди” деб номланган китобини ўқиймиз. Эртага-чи? Эртага нима бўлади? Ўшанда ва ундан кейинги даврларда миямизга сингдирилган ғоялар нима берди?

Ногоҳ оёғимдаги йиртиқ туфлим ёдимга тушиб йўлдан четга чиқдим. Қандайдир корхона эшиги остидаги зинага ўтирдим ва навбат билан туфлим-

нинг ҳар иккала пойини қўлга олиб кўздан кечирдим. Ва “ташлади қадам...” деганча яна йўлга тушдим. Ҳа, чўнтагингда пулинг бўлса, қўшиқ ҳам оғзингдан тушмасакан. Бекатгача чамаси беш юз метр. Жадаллаб борарканман, район ва область миқёсида бўладиган катта йиғилишларда пионерларнинг барабан чалиб ва барабандан таралаётган ритм оҳангига мос қадам ташлаб залга кириб келишлари кўз ўнгимдан ўтди. Пионерлар ҳам партия ишига кенг жалб этилганди. Бирорта нуфузли мажлис ўтмасди уларсиз. Етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг бўйинларида қип-қизил галстук. Ҳа, “галстук”, дейиларда учбурчак шаклидаги қизил латта. Унинг бир учи калтароқ, иккинчи учи узунроқ қилиб боғланар ва катта маъно юкланарди бунга. Галстукнинг калта учи – пионер, узун учи – комсомол ва бу иккаласининг бирлашган жойидаги тугун партия деб тушунтириларди. “Октябрь” деган ном билан аталарди пионердан кичиклар. Хуллас, биз болалар ана шу қизил латта мазмунидан ва унинг рангидан ранг олиб, барабан ва горн садолари остида тўлиб-тошиб яшардикки, ҳатто қорин очлиги ҳам унчалик билинмасди. Нон тақчил эди ваҳоланки ўша эллагинчи йилларда. Мана энди ёшим йигирма еттида. Нимага эришдим? Ота-боболаримиз ношукрчилик қилмасликка ўргатишган. Олдинда эса коммунизм! О, қани энди тезроқ етсак унга. Коммунизм инсоният яшаши мумкин бўлган формацияларнинг энг қизиғи. Нимаси биландир жаннатни эслатади. Коммунизмда давлат ўз функциясини йўқотади. Озод, эркин, тўқ ва фаровон ҳаёт ато этади коммунизм. Унда инсоннинг фикрлаши ва онги шу даражада ривожланадики... Масалан, пойабзаллар магазинига кирасиз. Туфли олмоқчисиз. Ҳамма нарса текин. Туфлилар ҳам. Магазинда, айтайлик, минг хил туфли бор. Сиз энг арзон ва энг оддийгинасини тан-

лайсиз, чунки яхшисини ва қимматбаҳосини олишга виждонингиз йўл қўймайди. Овқатланиш ҳам худди шундай. Палов ёки шашлик гуркираб ҳид таратиб турибди. Иштаҳангизни қитиқлайди қозонкабобнинг ҳиди. Аммо сиз суюққина ва арзонгина карамшўрва буюрасиз... Кийим-кечаклар ҳам, машиналар ҳам худди шундай. “Арзон” деган сўзни янглишиб ишлатаётганим йўқ. Ҳамма нарсанинг нархи ёзиб қўйилган бўлади, албатта, фақат нарх пулни талаб қилмайди, чунки пул деган нарса бўлмайди коммунизмда. Нарх дегани менимча, маҳсулотнинг қийматини кўрсатиб туради, холос. Шундай қилинмаса, сиз оддий тиринка костюм ўрнига коверкот костюмни олишингиз ва виждонингиз бундан беҳабар қолиши мумкин-да. Ана шундай. Биз болалар коммунизмга етиш орзуси билан яшардик. Албатта, сароб эди бу орзулар. Аммо ишонардик унга. Хаёлим бўлинди. Бекатга келиб тўхтаган автобус қаттиқ сигнал бериб, жўнашга тайёрлигини билдирди. Бир гуруҳ хотинларга қўшилиб мен ҳам автобус томон югурдим. Худди шу пайт “Бэимкон ака!” деган чақирқиқни эшитиб тўхтадим ва атрофга аланглаб, мен томон югуриб келаётган йигитни кўрдим. “Сизни хўжайин чақиряптилар”, деди йигит ва нарироқда турган “Волга” томон бошлади. Токи манзилга етгунча машинанинг орқа ўриндиғида ўтириб “Ҳисорак” сув омбори бошлиғи Турсун Муродов билан гап-занам бўлиб кетдик. Бу одамнинг илтифотидан бироз ўнғайсизланардим мен. Камгаплик яхши фазилат. Пифагор мактаби тарафдорлари “Гапирма, тингла” деган ақидага амал қилганлар. Аммо Турсун ҳаддан ташқари камгап одам. Индамай кетавериш ноқулай туюлди менга ва “Тетис” деган роман ёзаётганлигимни билдириб, айрим ўринларини гапириб бердим. Имом Али деган шоир дўстимнинг шеърини ўқидим:

| *Тетис, Тетис!*

Эй, қадим момо,

Уммонларнинг онаси Тетис.

Беш юз миллион йил ўтиб, илло,

Хилхонангда турибман ёлғиз.

Руҳим қақшаб нени сўроқлар,

Қочиб борар жилғалар қаён...

“Беш юз миллион йил...” деди Турсун ва гапнинг давомини оғир бир хўрсиниш билан яқунлади. Кейин Полмон қишлоғигача ҳар ким ўз хаёли билан бўлди. Қаънига етганимизда Турсуннинг ўзи билан ўзи гап-лашгандай хаёлчан овози қулоғимга чалиниб, унга томон ўгирилдим:

– Шу, Абдурашид тоғангиз ҳам кўп нарса биладилар-да.

– Тоғам доно одам.

– “Буғдойзорда” деган ҳикоянғизда тоға-жияннинг суҳбати бор...

– Ҳа, ҳикоя қаҳрамони...прототип... йигитча эса ўзим.

Осмон тоқига тутшиб узоқдан сув омбор тўғони кўринди. Халач қишлоғига етганимизда кўзга ташланади тўғон тепасидаги “Тиссарак” деган ёзув ҳам. Биз Оқдарё бўйигача бордик шу машинада. Қўшқаватли бир иморат турарди соҳил бўйида. “Шу ерда яшаб ижод қилаверинг”, деди коттеж томонга ишора қилиб Турсун. Пастки қаватда катта зал ва иккита хона. Тепада учта мансарда. Каравот, диван, кўрпа ястиғу қозон-товоққача ҳаммаси бор. Атроф қалин дарахтзор. Баҳайбат ёнғоқ дарахтлари супа ва чорпояларга қуюқ соя солган. Атрофда ариқ, чашма, бассейн... Аммо қораламаларим Қарши шаҳридаги уйда қолиб кетганди. Эртаси куни ёзишга шу қадар иштиёқ сездимки, қоғозларимни олиб келиш мақсадида дарҳол Қарши томон йўл олдим.

Мана мен яшаб турган уй. Эшигим олдида кутиб ўтирган аёлга кўзим тушиб нима қиларимни билмай

туриб қолдим. Заҳар солишга чоғланган чаёндек эшик олдида бетоқат юриб турибди Ёқутой. Аста ўзимни зина панасига олдим. “Уялманг, кираверинг!” деган овоз келди ичкаридан. Пайқаб қолган экан қурмағур.

– Нима ишингиз бор менда. Тезроқ айтинг, вақтим йўқ. Қоғозларимни оламан-у кетаман, – дедим соатимга қараб олиб.

– Қоғозларингиз менда.

– Қанақасига сизда бўлади? Нима ҳаққингиз бор менинг...

– Мен ёзувни давом эттирдим.

– Ким сизга рухсат берди қоғозларимга тегиниш-га!? – ҳайқирдим ер тепиниб. Ҳақиқатан ҳам жаҳлим чиқиб кетганди. Бадиий асар оддий бир мақола эмаски, уни қайта тикласанг... Йўқ, ҳатто мақолани ҳам айнан аввалгисидай қилиб қайта ёзиш қийин.

– Кутиб туришга вақтим йўқ. Сиз жуда имиллаб ёзаркансиз.

– Қани новеллам?

Сумкасини кавлаб, букланган, ғижимланиб кетган бир даста қоғоз чиқарди Ёқутхон.

– Мана. Фақат мен ёзганларни ўзгартирманг.

Биз хонага кирдик. Қоғозларни стол устига қўйиб кафтим билан текисладим. Ёпишиб қолган овқат қолдиқларидан тозаладим қоғозларни ва шоша-пиша охирги саҳифага кўз югуртирдим. Унда қизил сиёҳ билан ажи-бужи қилиб ёзилган шундай сўзлар турарди: *“Туркаш сейфни очди. Қимматбаҳо тақинчоқлар ва тўрт килодан зиёд олтин тангалар тўла сандиқчани олди. Каравотида ҳамон ухларди прокурорнинг қизи. Деразадан пастга сакради Туркаш. Ҳеч ким пайқамади. Сандиқча ичида бриллиант кўзли ўн дона узук, зумрад тош қадалган олтин ҳалқалар, гавҳар ва садаф тошли билагузуклар, ҳар бирининг нархи етти миллион сўм турадиган йигирма дона тилла занжир, олмос кўзли*

брошкалар бор. Тиркаш буларни эсон-омон уйига олиб келди ва ҳеч ким топа олмайдиган жойга яшириб қўйди”.

Кулдим: – Олтин танга оз-ку. Нега йигирма кило ёзмадингиз?

– Оғир бўлиб кетади дедим. Қўлга тушиб қолиши мумкин. Йигирма кило олтин танга, яна тақинчоқларни кўтариб қочиш осонми?

– Йигирма-ўттиз кило бўлганда бир нималик бўлиб қолармидик...

– Тўрт кило тилло ҳам кам эмас. Бир нечта иномарка олиш мумкин. Данғиллама уйлар қурса бўлади. Шаҳар марказидаги “Биё-биё” ресторанини сотиб олсам дейман. Айтгандай ҳозир қайси иномарка модада? “Каделлак”ми, Шевролет... ёки...

Машиналар номини билмай жим қолди Ёқутхон. Бу соҳада билими етарли эмасди унинг.

– “Кенагасбегим либослари” супермаркети даромаднинг уяси. Шунини ҳам сотиб олсам... Ундан кейин... Сиз Одилани танийсизми?

– Билмадим. Одилалар қўп бўлса...

– Йўқ, мен айтганим шаҳарда, балки республикада битта. Одила Пурмановна. Танийсиз, ҳамма танийди уни, жуда зўр кийинади-да. Товуснинг ўзи дейсиз...

Рўпарамда ўтирган аёлнинг юзига қараб, шу лаҳзада дунёни унутгани ва олтинларни нималарга сарфлашни ўйлаётгани, Одила Пурмановнани йўлда қолдириб кетаётган ҳолатдалигини пайқаб, ич-ичимдан тошиб келаётган кулгини босиш учун лабимни маҳкам тишлаб турардим. Ниҳоят ўзимни қўлга олиб сўрадим.

– Ҳазина тўла сандиқчани ўзингиз айтган “Ойим-тилла” сига бергандир-да, Тиркаш?

– Вой, худо асрасин!

Чўчиб ўзига келди Ёқутхон. Пушаймонлик акс этди юзида. Оғир хўрсинди. Ва хайрлашишни ҳам унутиб, бошини қуйи солганча жимгина чиқиб кетди.

Мен ҳам шу жойда ҳикояга нуқта қўйдим. Бундай ҳикояни яна давом эттириш бошимга бир дунё гавго орттириш билан баробарлигини тушуниб етган эдим.

ҚАДР

1

Хилват бир гўша топиб Тиркашнинг тақдирини қай йўсинда ҳал қилиш йўлларини ўйлаб олишим керак. Тиркаш янги бошлаган ҳикоямнинг қаҳрамони. Раъйимга бўйсунмай тихирлик қилади, шу сабабли қоғозга туширган барча тасвирларим ёқмайди ўзимга. Аввал ўқитувчи сифатида гавдаланди ҳикояда ва пахта масаласида мактабдан ҳайдалди. Кейин дўкандор бўлди ва текширувда камомад чиқиб, қамалиб кетишига сал қолди. Россияга мардикорчиликка кетиб оёғини совуққа олдириб қайтди ва ҳоказо... Уни бахтли қилишга уринишларим беҳуда. Мен аслида ёзувчи эмас, омади чопмаган рассомман. Балки ёзувчиликдан ёруғ тонглари кўрарман, деган мақсад билан мўйқаламни оддий қаламга алмаштирганман. Яъни рассомчиликни ташлаб, бўёқ билан эмас, сўз билан тасвирлашга ўтганман. Нима бўлганда ҳам бой-бадавлат одамга айлантиришим керак Тиркашни. Менга умид кўзини тиккан бечора Тиркаш. Инсон тақдири билан ўйнашиб бўлмайди, демак жиддийроқ ўйлаб олишим керак. Ана шу мақсадда ҳамишаги жойимга бормай, хиёбоннинг тескари томонига юрдим. Бу томонларда одам кам. Хилватсара гўшалар кўп. Хиёбоннинг ўнг тарафидаги улкан чинор остида кимнингдир қораси кўринди. Аммо дурустроқ қарамадим. Майли, менга халақит бермайди. Ўтириб хаёл суриш учун каштан дарахтининг тагидаги скамейкани танладим. Хаёлга келган баъзи бир фикрларни ёзиб қўйиш мақсадида

чўнтагимдан ёндафтарни оларканман, қурбақанинг қуриллашига ўхшаш аллақандай товуш қулоғимга чалинди. Гарчи рассом бўлсам-да, сўзлар билан ўйин қилишни яхши кўраман. “Қурбақа қуриллади, ичагим чуриллади”, деб ёздим-у, йилнинг бу фаслида бақалар сайрамасди шекилли, деган ўй билан атрофга бирров қараб олдим. Рўпарадаги скамейкада антиқа бир жонзот ўтирарди. Кваземода. Аргус... У бошини кўтарди. Шунда англадимки рўпарамда пайдо бўлиб қолган бу одам Кваземода ҳам, Аргус ҳам эмас. Бу одам Веласкес қалами остидан чиқиб қочгану мана шу жойга келиб қарор топган Калабасас ҳам эмас. Бу одам ўзимизнинг Тиркаш, яъни Нор алкаш. Унинг бутун жозибаси изтиробли кулгисида ва кўзларида. Лабида кулги, кўзларида асрий мунг.

Чўнтагимдан қалин муқовали ёндафтаримни олганимда Сарик тумшуқ майнани нон увоқлари билан сийламоқда эди Нор. Гарчи унинг чўнтагидан бир бўлак ноннинг учи чиқиб турганини кўриб турган бўлсам-да, шу лаҳзада очлик азобини унутган ва бутун вужудим билан унинг юзига қараб қолгандим. Хунукликнинг ҳам ўзига хос жозибаси бор. Ёзувчиларни билмадим-у лекин рассомларни гўзал малакнинг чехрасидан кўра, кўпроқ ўзига тортади бу ҳолат. Шаҳар майдонида, кўчада ёки хиёбонда ногоҳ рўпарангиздан чиқиб қолган таъвияга бир марта қарасангиз бас, бир умр ёдингиздан кўтарилмайди унинг юз ифодаси. Бу овлоқ шаҳарда яшай бошлаганимдан буён дам-бадам уни учратсам-да, сира хаёлимга келмаганди сувратини чизиш. Нима жин урди бугун ёки бу қорним очлигининг ва унинг чўнтагида яримта ноннинг учи кўриниб турганининг касримикин? Нима бўлса ҳам шиддат билан ишга киришдим. Дастлаб белдан юқори қисмини чизишга чоғландим. Аммо унинг эгриланиб кетган баҳайбат ботинкаси эътиборимни тортди

ва беўхшов оёқ кийими ҳамда унинг ёнида донлаётган майна аввалроқ пайдо бўлди менинг дафтаримда. Бу ҳам ўзига хос бир тажриба. Қаламим Норнинг маймоқ туфлиси устида ҳаракатланаётганда вазият ўзгарди. Чўчиб ҳавога кўтарилди қуш. Ўрнидан қўзғалган эди қушнинг раҳнамоси. Ва бир томонга сал оғанча, бироз чўлоқланиб деҳқон бозори томон кетиб борарди.

Чала қолди чизгилар. Ишни “объект”нинг юзидан бошламаганимга афсусландим ва унинг ортидан юрдим. Якшанба бўлганлиги сабабли, ҳар кунгидан ҳам гавжум эди бозор. Бодринг ва помидор сотиб турган аёл қаршисида тўхтади Нор. Бошини бир ёнга эгиб бир неча бор лабларини чапиллатди, ютинди ва сотувчи опанинг юзига қараб бош бармоғини кўрсатиб, “зўр” деган ифодани англатди. “Сен ўлмадинг, мен қутулмадим”, деди опа ёнидаги ҳамроҳларини кулдириш мақсадида ва бир дона бодринг олиб Норга ҳавола қилди. Кўринишидан ландавурдек тасаввур қолдирса-да, худди цирк жонглёридек чаққон ва эпчил эди менинг “объектим”. Ҳавода чирпирак уриб учиб келаётган бодрингни ерга туширмай илиб олганини кўриб кулиб юборди шу атрофдаги бозор аҳли.

2

Йўлда давом этди Нор. Биров олма отди, биров бир бош узумни унинг қўлига тутқазди. Бир бойлам кўк пиёзидан кечди яна биров. Ҳадыя этилган нарсаларни қўйнига солиб, бозор расталари ортига ўтди. Измаиз бордим ортидан. Унинг сувратини чизсам, ажойиб асар чиқишига ишонардим ва шу ният билан уни қузатишда давом этдим. Нор алкаш келяпти қўшиқ айтираминиз, деди дўкондорлардан бири шеригига кўз қисиб. Анов барматухадан бир стакан қуй. Шериги бир стаканни тўлдириб, “Портвейн” қуйди. Дўконга яқинлашди Нор. Пештахта устидаги винони кўрди, аммо

атайлаб тескари қараганча ўтиб кетаверди. Дўкондорлар чақиритини ва вино ичиришини биларди. Улар ҳай-ҳайлаганча ортга қайтардилар уни. Ютақиб стаканга қўл чўзди Нор. Аввал қўшиқ, кейин вино деб стаканни нарироқ сурди дўкондор. Бугун овози панд бериб турганлигини билдирди Нор, стакандаги қирмизи суюқликдан кўз узмай. Дўкондор винони олиб токчага қўйди.

– Аввал қўшиқ, кейин вино!

Томоқ қириб олди Нор ва ҳирқироқ оҳанг билан ажабтовур қўшиқ таралди унинг дўрдоқ лабларидан:

Абжал деган бойвачча

Аёғида нўғайча

Юринг, ўртоқ, борайлик,

Аёғидан ичайлик...

Аёғидан беммаса,

Қизини олиб қочайлик.

Аслида, “р” товушини туппа-тузук талаффуз қила оларди у, аммо қўшиқнинг таъсир кучини ошириш учун атайлаб “ароқ” сўзини бузиб айтарди. Ва шу сўзни айтаётганда дастлабки бўғинларни икки-уч ҳисса чўзар ва баланд пардаларда тугалларди. Мириқиб ва қийқириб кулишди дўкондорлар. Олдига суриб қўйилган винони қўлига олди Нор ва Сахрои Кабирда сувсиз қолган йўловчидек икки юз эллик граммли стаканни бир кўтаришда бўшатди. Сомонранг чакмонининг дағал енги билан лабларини артди. Қорни оч эди шекилли, “Портвейн” яхшигина таъсир кўрсатди, каловланиб дўкон олдида бироз турди-да, алкаш-чалкаш қадам ташлаб, нари кетди. Орадан ўн дақиқалар ўтганда дўкон ортидаги хилват оралиқда донг қоғитиб ухлаб ётганини кўрдим. Яримта бодринг қўлида, қўйнидаги “захираси” ерга сочилган. Бир гала майна учиб келиб ҳеч нарсадан тап тортмай узумни чўқилай-чўқилай чиқиндилар қутиси томон олиб кетиш-

ди. Афтидан, Норни яхши танир эди бу қанотли жониворлар ва унинг маст бўлишидан манфаатдор эдилар.

Мана, энди унинг юзини ва юзидаги чизиқлару белгиларни бемалол тадқиқ этиш мумкин. Аммо мақсадга мувофиқ чиқмайди алкашнинг бу ҳолатдаги суврати: Кўзлари юмуқ, сўлжайган лаблари орасидан оқаётган сўлаги ва умуман, унинг уйқудаги ҳолати... Норнинг бутун қиёфаси бир тараф, кўзининг ўзи бир тараф. Унинг қаҳраборанг кўзлари ва жуда чуқурликдан, балки миянинг нақ гипоталамус марказидан порлаб чиқадиган қаҳрабо нур шу даражада тиниқ ва айни пайтда мияда юз бераётган жараёнлар ифодасини шунчалик ёрқин акс эттирадики, ундан кўз узолмай қоласиз. Бир карати минг тиллога тенг бўлган, ўзидан нур сочувчи ноёб маъдан ҳам эътиборингизни бу даражада тортмайди. Йўқ, бу мутлақо ножоиз қиёс. Сўз билан таърифлаёлмас эканман, унинг қиёфасини ва хусусан, кўзларини сизга чизиб кўрсатишим керак.

...Бу шаҳарга келган дастлабки кунларимдаёқ унга эътибор бергандим. Ўшанда биз “Хулё” хиёбонида, бир скамейкада ёнма-ён ўтириб қолганмиз. Унга эътибор қилмадим дастлаб, жуда толиққан эдим, бунинг устига қорним ҳам оч. Чўнтагимдаги танга-чақа тамадди қилиб олишга етармикин деган ўй билан скамейкага оғир чўқдим ва ёнимда ўтирган киши карсиллатиб бодринг еётгани, бодринг ҳиди димоғимга урилиб турганидан нима учундир жаҳлим кўзиб унга, яъни ёнимда ўтириб бодринг еётган кишига ғазабнок назар ташларканман, унинг кўзларига тўқнаш келди нигоҳим ва мен... ҳамма нарсани, очликни ва ҳатто ўзимни ҳам унутдим. Бундай бадбашара десам хато қилган бўламан, бундай беўхшов инсонга шу даражада ифодаларга бой, шундай тиниқ ва айни пайтда шу қадар маҳзун кўз ато этган табиатга ич-ичимдан тасаннолар айтганча унга тикилиб, кўз узолмай қолдим.

Юқорида мен баён қилган воқеалар бўлиб ўтди шундан кейин. Бир ҳафтада тайёр бўлди унинг суврати. Илҳом билан ишладим. Худди шу кунларда маҳаллий рассомлар асарларининг кўрғазмаси бўлаётган эди. Ва мен беш-тўрт сўм ишлаб олиш мақсадида “Нор алкаш”ни даст кўтариб, шаҳар маданият саройи томон йўл олдим. Шартли равишда бу бинони ҳашаматли “Ра” деб атаيمان. Қуёш – табиий, бино пештоқидаги тасвир сунъий, Одамлар қуёшга эмас, унинг сувратига қараб ҳайратландилар.

3

... Ва мана, ниҳоят, Сиз ҳашаматли “Ра” олдида турибсиз. Ҳовлида тумонат одам. Бино пештоқида Галактикамизнинг улуғ ёритгичи порлаб нур сочади. Олтинданми ёки шунга ўхшаш ярқироқ бошқа металлданми ясалган қуёш рамзи бу. Осмонда ҳақиқий қуёш чарақлаб тургани ҳолда одамлар сунъий қуёшга ҳайрат ила қарашаётгани сира ҳам таажжубланарли эмас. Инсон зотининг табиати ўзи шунақароқ...

Ичкарида эса “Нор алкаш”. Унинг қиёфасида дафъатан бирон-бир ғайритабиий белгини кўрмайсиз. Аммо одамлар сувратдан айнан ана шу нарсани излайдилар. Кимдир уни топгандай бўлади. Балки бор сеҳру жозиба Норнинг баҳайбат ва беўхшов бошмоқлари орасида сочилиб ётган нон увоқларини териб ейишдан умидвор бўлиб турган қушдадир. Чўчинқираб турибди жонивор. Бирор кори-ҳол юз бергудек бўлса, учиб қочиш тараддудида. Иккала оёғини ёнма-ён қўйиб тиззасини бирозгина букканча, қилт этмай қотиб туриши шунинг англатади. “Унинг кафтидан ва панжалари орасидан тўкилаётган увоқлар кимга аталган? Нега ўзи емай увоқларни ерга сочяпти? Мени тутиб олиш учун эмасмикин унинг бу саховатпешалиги?” Қушнинг кўзларида ана шу савол. Увоқларни териб есам майлими,

индамайсанми? Уларни ўзинг емайсан-ку, деган ўтинч ҳам бор қушнинг кўзларида. Бу қуш, айтайлик, ҳайвонот оламига бой Австралия қитъасида яшайдиган чайлачи қушдай, ё бўлмаса, мухташам калибридай, ҳеч бўлмаганда кивидай ҳайратомуз ҳам эмас. Ўзимизнинг оддийгина, кўримсизгина майна. Патлари кўнғиртоб, ҳар иккала қанотининг учгинасида жимжилоқдай оқи бор. Гавдаси ҳам мусича ва ёки қумриникидан катта эмас. Аслида, унинг қанотида яна бир нечта оқ патлар бор, аммо бу патларни фақат парвоз қилганидагина намойиш этади майна. Қанотини икки ёнига йиғиштириб турган ҳолатида жигарранг патлар орасида яширинган бўлади улар.

Норнинг нигоҳида беқиёс завқу шавқ. Ҳа, завқла нишни ҳам биларди бу одам. Дунё бўм-бўш. Дондан умидвор бўлиб турган шу қушдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳатто ўзини ҳам, тупроққа беланиб ётган чакмонини ҳам унутгандай кўринади Нор. Зеро, бунинг ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқ. Кейинги даврда кечган ҳаёти давомида ҳеч қачон кийимнинг ғамини емаган ва ўн йиллар давомида биронта пайпоқ сотиб олмаган. Устидаги чакмонга ўхшаш дағал кийими аскарлар киядиган сомонранг шинель. Қарийб ўн йилдирки, унинг танини совуқлардан ва ҳатто ёзнинг жазирамасидан ҳам ҳимоя қилади, кўрпа ва кўрпача вазифасини ҳам ўтайди ана шу чидамли оғир ва дағал "чакмон".

Одамлар Норнинг юзидан кўз узиб майнага қарайдилар. Авваллари бу қуш ҳаммадан қаттиқ чўчир ва одамни хавfli дарранда деб биларди. Аммо кейинчалик, дунёда Норга ўхшаш кишилар ҳам борлиги туфайли, одамларга шу қадар ўрганиб қолдики, бу қушлар, ҳатто оёқ остида ўралашиб юрадиган бўлди. Мана, у Нор алкашни диққат билан кузатиб турибди. Тумшуғи ним очик. Боши бир ёнга эгилган. Тумшуғи билан оёғи сариқ рангда. Нега шундайлигини худо билсин. Нима

бўлганда ҳам табиат майнага қолганда рангни бироз аяган. Норнинг чўнтагида анчагина нон увоғи бор. Эtagи ерда тўшалиб ётган чакмонининг киссасидаги бир бўлак ноннинг учи аниқ кўриниб турибди суратда. Албатта, майна буни эътибордан соқит қилмаган ҳолда ва қум зарраларига аралашиб кетган увоқларни, Норнинг қўл ҳаракатини, баҳайбат ва беўхшов жигаррангдаги бошмоғини назардан қочирмаган ҳолда бутун эътиборини Норнинг кўзларидаги ифодага қаратган”. “Бу одамнинг мақсади нима?” Кушнинг данак катталигидаги миясида энди ана шу савол. Ҳушёр турибди куш. Нима бўлганда ҳам одам – одам-да. Ундан ҳар балони кутиш мумкин, гарчи у Нор алкаш бўлса ҳам.

Одамлар майнадан кўз узиб, яна Норга қарашади. Бошидаги қора телпакнинг бир қулоғи осилиб елкасига тушган. Иккинчи қулоғининг қатида бир дона сиварет. Ва телпакнинг пешона қисмида қаламнинг учи кўринади. Энг қизиғи, бўйнида аёлларнинг зарбоп қўйлагидан қирқиб тайёрланган қўлбола бўйинбоғ. Ҳа, бўйинбоғ жуда антиқа. Ҳатто менда ҳам бунақаси йўқ. Бу жиҳатдан Нор мутлақо танҳо. Телпак остидан жўхори попугидек сариқ қизғиш соч толалари қулоғи устини қоплаб олган. Сувратга ботиний нигоҳ билан қараган зиёли кишилардан бири ёнидаги ҳамроҳининг қулоғига шивирлади:

– Сиз унинг кўзларига қаранг! Ундаги мунгнинг улуғлигини кўряпсизми?

– Назаримда, нимадир бордай.

– Бор. Унинг ҳаёти билан таниш бўлмаган киши фожианинг нақадар улуғлигини пайқамаслиги мумкин.

– Сиз танирмидингиз бу одамни?

– Биз университетда бир гуруҳда таҳсил олганмиз.

Бир минг тўққиз юз тўқсонинчи йиллар...

– Олий маълумотли одам нега бу ҳолатга тушган?

– Гапни бироз ўйламай тик гапирадиган одати бор эди... Кейин у катта лавозимдаги раҳбарлар билан ўчакишадиган бўлди ва тузумга қарши чиқди... Қамалди...

4

Ҳовлида тўпланиб турган кишилар эшик очилиши билан маданий мулозамат ва муомалани ҳам бир қадар унутиб, бир-бирларини туртиб-суриб ичкарига ошиқдилар. “Нор алкаш”ни бу ерга олиб келарканман, сувратнинг жозибали чиққанига ишонгандим ва нимадандир умид қилгандим, аммо бу даражада талатўп бўлишини кутмаганлигим аниқ. Мана, уч кундирки, “зиёратчи”ларнинг кети узилмайди. Навбат кутаётган кишилар балки бекорчиликдан пештоқдаги қуёшга қараб туришгандир. Аслида, улар тезроқ навбат келишини кутишмоқда. Уларнинг хаёлида Нор алкашнинг сиймоси. Худди шу лаҳзаларда Норни деҳқон бозори дарвозаси олдида ёки бирон-бир раста қаршисида кўриш мумкин. Балки кўргазмага келган кишиларнинг айримлари ҳозиргина Нор алкашнинг ўзини учратиб ва балки унинг садақага чўзилган кафтига бир неча чақа танга ташлаб келаётгандирлар. Аммо нима сабабдандир кўчада тирик Норни кўришдан кўра унинг жонсиз сувратини томоша қилиш... Мана энди “Ра” билан суврат ўртасидаги рамзни англадингизми? Хуллас, Нор алкашни зиёрат қилиш учун ҳар кун юзлаб кишилар “Ра” сувратлар кўргазмаси томон келишарди.

Ногоҳ ғала-ғовур тиниб, сукунат чўкди. Ҳамманинг нигоҳи бир гуруҳ аъёнлар қуршовида залга кириб келаётган басавлат кишида. Ҳеч қаёққа қармасдан тўғри “Нор алкаш” томон юрди гуруҳ пешқадами. Қўлларини чўнтагига чуқур суққанча, кўксини кериб бироз орқага чалқайган ҳолатда Норга қаради. Узоқ қаради. Норнинг қиёфасида нималарни кўргани ва унга айнан нималар таъсир кўрсатганини ҳеч ким

билмади. Узоқ давом этган сукунатдан сўнг чап қўлини тирсақдан букиб елкаси барабар кўтарди. Энди унинг кўрсаткич ва ўрта бармоғи нон ҳидини олган суваракнинг шохидек бир маромда қимирлай бошланди. Бу ишорани ёнидаги гумашталаридан бошқа ҳеч ким тушунмади. Гумашталаридан бири менинг олдимга келди:

– Ўн минг. Бўладими?

Бу рақамнинг мазмунига тушунмадим. Ва савол назари билан қарадим.

– Доллар... – деди гумашта.

Одамлар орасида енгилгина шовир-шувир бошланди. Ҳамон жим турардим мен.

– Йигирма минг!..

Сукунат. Басавлат харидор яна қўлини елка баробари кўтариб бармоқларини ўйната бошлади. Гумашталардан бири ихчамгина чамадонча кўтариб, тўғри мен турган жойга келди-да, олдимга бир даста доллар ташлади. Бошқа савдолашиб ўтиришмади улар, менинг розилигимни сўрашмади ҳам. Басавлат харидор бармоқлари яна аввалгидек елка устида ҳаракатланаркан, гумашталар “Нор алкаш”ни авайлаганча кўтариб, унинг ортидан юришди. Бирдан ғала-ғовур бошланди залда. Қулоғимга чалинган узуқ-юлуқ сўзлардан англаганим шу бўлдики...

... Нор алкашнинг туғишган акаси эди, бадавлат ва басавлат бу харидор.

МАТЕМАТИК ҲИКОЯ

1

... Ярим тунда мудроқ аралаш қулоғига чалинган шивир-шивирлар инсон овозига ўхшамасди, шундай бўлса-да, узоқ мозий қаъридан келаётган айтишув мазмунига тушуниб турарди Ражаб Али:

– Жонгинам, Биссектриса! Қайсарлик қилма. Эшит. Икковидан бирини танла.

– Менга ёққани сизга маъкул бўлмаса, нима қилай?!

– Дилингдагини айт.

– Катет Тик.

– Катет Тик?.. – дея савол назари билан қаради Гипотенуза хоним.

– Албатта, у менга яқин. Энг муҳими, у ҳамиша тик!

– Қизим, Катет Ётиқнинг садоқатини ҳам ўйла. Оёқларинг остида ётибди бечора.

– Шу ётганича турмайди, ойи, – истехзо аралаш кулди мадимуазель Биссектриса.

Ойна олдига бориб қизи ва куёв бўлмишларнинг ҳолатига назар солди мадам Гипотенуза. “Пифагор иштони” ичида туришарди улар ва шу сабабли ойнадангина аниқ кўринарди уларнинг сарвдек бежирим қоматлари. Тик ва ётиқ Катетларнинг умумий жиҳатларига эътибор қилди Гипотенуза-она. Ҳаёти узвий туташ эди бу жанобларнинг, 90 градусли бурчак боғлаб турарди уларни. Ўзи эса тўғрибурчак, яъни 90 градусли бурчак қаршида... ҳар иккала Катетнинг бошини боғлаган ҳолатда...

Қизга оғиз солаётган, яъни Биссектрисанинг қўлини сўраётган, совчи юбораётган бадавлат оилалар кўп, жумладан: Синуслар оиласи, Катангенслар хонадони, Секонслар сулоласи... кўп бадавлат оилалар... Қизи тушмагур эса Катет Тикни деб турибди. Бу мураккаб теоремани фақат “доира”лар сулоласидан етишиб чиққан фолбин, мадам Конхоида ечиши мумкин деган фикр устида тўхталди Гипотенуза хоним...

Тонгда уйғониб стол устида турган қоғозни қўлга олди Ражаб Али. Уйқу аралаш ёзилган беўхшов ҳарфлар айқаш-уйқаш бўлиб, рақс тушаётгандай. Қулоғига такрор-такрор чалинди яна Гепотенуза хонимнинг жарангдор овози ва қизи тушмагурнинг шаддодлик

билан қайтарган жавоб сўзлари. Хотинининг уйқу-сини бузмаслик учун қоронғида тусмоллаб ёзганди уларнинг айтишувларини. Бехуда хаёллардан соқит бўлиш учун магнитофон тугмасини босди одатдагидек ва унинг товушини ҳам ҳар доимги меъёрга келтирди. Ҳамиша мадад берарди унга “Тошкент ушшоғи”: ёмон фикрлар чекинарди уни тинглаганида ва маҳзунлик либосига ўранган тетиклик, ижодга ва яратишга бўлган иштиёқ қоларди фақат.

2

“Эй сарвинози гулшани...”

Жуда тиниқ эди “Санйо”дан таралаётган бу овоз, тонгдай мусаффо. Сокин эди куй ҳам. Шу қадар сокин эдики, бамисоли улкан бир дарё оҳиста чайқалиб ётгандай ва беозоргина сингиб борарди миянинг чуқур қаватларига. Тай-тай қилиб юрарди хонада: гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб бир ёшли бола. Қийқириб-қийқириб кўярди ўзича нималардандир қувониб. Бир ёшли гўдак учун қувонч манбаи нима? Балки ерда ётган ялтироқ тугмачадир, гугурт чўпидир, ёки қизил тасмачага боғланган сўрғич. (Бу алоҳида тадқиқот талаб қиладиган масала). Ҳар замон бош кўтариб болага қараб кўярди ота. Ва яна китоб варақлашга тушар, хаёлини банд этган асосий мақсаддан чалғимаган ҳолда бажарарди буларнинг барчасини.

Қозон билан капгирнинг ҳамоҳанг алолоси келарди ошхона томондан. Рўзғор юмушларига кўмаклашиб юрадиган қизгина нонушта тайёрламоқда. Чалғимасликка ҳаракат қилди Ражаб Али. Аслида, бўлинмас диққатга эга олим қавми. Машина ҳайдовчисининг диққати эса тамом ўзгача, бўлинувчан. Рулда ўтирган ҳайдовчи ҳам агар олимдай ўйласа... диққати фақатгина манзилга етиш ёки масофани қисқартириш билан бўлиб қолса, нималар юз бериши ҳаммага маълум.

“Ал жабр в-ал муқобала” теоремасининг моҳияти ва унинг қай йўсинда пайдо бўлгани, яъни Муҳаммад ибн Мусанинг шууридан қандай ҳолатда қоғозга тушгани устида ўйларкан, тамоман чекинди тунда қулоғига ўрнашиб қолган овозлар. Хоразмийнинг шу теоремани ёзаётган ҳолатига кириш заруратини ҳис этди. Оддий ҳиссиёт эмасди бу. Мия қаватларини ва энг аввало, бош чаноғининг пешона қисмида жойлашган стреатум марказини бошқаришга уриниб кўрди унинг толиққан вужуди. Аммо шуниси аниқки, гарчи мия ҳам вужуднинг бир қисми бўлса-да, ҳеч маҳал мияни бошқара олмайди вужуд. Шунга қарамай, вужуднинг фақатгина ҳорғинлик ҳолатини рад этмади бош мия. Чунки чарчоқ ҳам аслида миянинг маҳсули. Ҳолатга киришга тайёр эмасди ҳали ёш олим. Энг аввало, ҳолатга кириш бу айнан Хоразмий бўлиш эмас, имконсиз иш бу. Йўқ, бу мутлақо имконсиз. Унинг имконсизлиги теорема эмас, балки аксиома. Аммо ҳолатга кириш учун бўлган узоқ машқлар ва уринишлардан кейин инсон атрофдаги борлиқни ҳис этмай қўйиши... Ва ким биландир, тўғрироғи, ўз-ўзи билан танҳо қолиши ва ҳаттоки нирвана ҳолатига кириши ҳам мумкин. Шу мақолани ёзаётганда қандай ҳолатда эди Хоразмий. Қаерда ва қай тарзда ўтирганди. Давот, қалам-қоғоз, паргар ва жазбар бор эди албатта унинг олдида. Аммо қандай эди унинг юзидаги ифода? Вақт-чи? Соат неча эди ўшанда? Қаерда турган эди осмоннинг улуғвор ёритгичи – қуёш? Ёки парпираб турганмиди Хоразм диёри устида тўлин ой. Дарвоқе, ўшанда, яъни “Ал жабр ва-л муқобала” яратилганда балки Дамашқда эди улуғ олим. Ва ё бу жараёнда ер куррасининг бирор нуқтасида бўлмаган, балки коинотнинг мубҳам кенгликларида учиб юрган эди Курраи заминнинг Ибн Муса деб ном олган фарзанди. Йўқ, бу асар тўлин ой кечаси яратилмаган. Балки тонг

саҳар палласи, кундузи ёки янги ой чиққан оқшомда ёзилган. Чунки тўлин ой ер сатҳидаги ҳамма нарсани тортади. Ва инсон руҳиятида нотинч тўлқинларни жўштиради. Инчунун, инсоннинг бош чаноғи ичидаги мия ҳам ойга томон тортилади. Қандай бўлади бундай лаҳзаларда фикрлаш? Неча қават эди фикрлаётганида олимнинг улуғвор пешонасидаги чизиқлар... Тепчиб турганмиди пешона чизиқлари орасида реза-реза тер. Аслида ҳолатга кириш эмас, ҳолатни тасаввур этиш эди ёш олимнинг бошланғич мақсади.

3

Яна бир неча бор алмашинди вақт тарозусига қўйилган посангилар. Бир ҳовуч фарзандини бағрига босганча миллион-миллион фарсаҳ масофани айла-ниб ўтди 12 соат орасида Ер. Субҳи козиб ўз ўрнини субҳи содиққа бўшатиб бергунга қадар кўз юммади Ражаб Али. Ва тун охирлаб тонг оқара бошлаганда қандайдир шарпа шовуридан ҳушёр тортди толиққан шуур. Стол устида турли муқовада жамланган Лобачевский, Эйлер, Киплер, Ньютон ва бошқа буюк ақл эгалари. Леонардо Пизанскийнинг (ўн учинчи асрда ёзган) китобини, яъни “Ал жабр в-ал муқобала”нинг лотинчага қилинган таржимасини бир неча кундирки, қайта-қайта варақлайди, Пизанский тўғрисида фикрлайди Ражаб Али. Жуда ҳаяжонда эди “Ал жабр”-ни лотин тилига таржима қилаётганда Европанинг бу улуғ олими. Тепаси гумбазсимон деразанинг шишалари орқали сизиб ўтаётган ой нури, шаъм, стол устида давот, қалам ва “Ал жабр...”

Олимнинг хаёлини ўғирлаган нарса мубҳам бир тасаввур. Пизанский ўзи таниган ва танимаган, эшитган, сувратини кўрган буюкларнинг қиёфасини хаёлига келтирар ва Хоразмийнинг юз тузилишини тасаввур этишга интиларди. Бир неча эскиз-чизгилар турарди

стол устида. Ҳаммасида одам бош қисми турли кўри-нишда тасвирланган. Шарқ олимнинг қиёфасини, кўз қарашини, юз тузилишини, хусусан, пешонасини кўз олдига келтирмагунча “Ал жабр”нинг моҳияти билан боғлиқ ҳолатни ва ё шу асарнинг яратилиш жа-раёнини тушуниш, тубига етиш қийин. Гўдак нафаси-дай нафис мусиқа эшитиларди кўшни хонанинг қалин деворлари ортидан. Ой нурига қоришиб, майин оҳанг таратиб Леонардо Пизанскийнинг ёзувлари устига ёғиларди шам алангаси.

Инсоннинг бу қадар кенг тафаккурга эга бўлиши нимадан? Магарамки мусиқадан бўлмаса ёки... Ҳаёт аравасини тортиб бораётган тўрт тулпор: олов, сув, ҳаво, тупроққа боғлиқмикин? Балки тонгга боғлиқдир. Шарқ одами одатда тонг саҳарда туриб таҳорат оли-ши ва намоз ўқиши маълум эди унга. “Салла!” Овозсиз бир ҳайқириқ вужудини ларзага солди: Салла!! Бошни кўпқаватли мато билан ўраб юради шарқ одами. Мато тагидан учи гумбазсимон кийим кияди. Пизанский ўтирган ўрнида атрофга босиқ назар ташлади. Дера-занинг шифтдан ергача узаниб турган пардасига қа-далди нигоҳи ва ўрнидан шарт туриб пардани юлқиб олди. Аммо силлиқ ипак матони бошга ўраш қийин кечди. Кўнғироқсимон, тўлқинсимон ва ё бошқа кўри-нишдаги улуғвор парикларни бошга кийиш нисба-тан ўнғай, аммо европа одами учун қийин эди салла ўраш, икки қўллаб узоқ уриниб бир амаллаб бошига қўндирди. Жуда беўхшов ва омонат чиқди унинг сал-ласи. Бошни сал қаттиқроқ қимирлатса салла ечилиб тушиб кетадигандай. Тиззаларини бироз буккан кўйи оҳиста қадамлар билан иш жойига яқинлашди...

Ёш олим шуурида зухур этган Пизанскийнинг бу ҳолати анчайин кулгули эди, бу табиий ҳол, (олимлар баъзан хаёлпарастлик таъсирида кулгили ҳолатлар-га тушадилар) ва ёш олим хаёлидан кечган шу ҳолат

таъсирида лабларидаги табассум билан ўрнидан туриб кийим жавонини титкилай кетди. Отасидан қолган, балки бобосидан қолган салла узоқ йиллардан бери реликвия сифатида сақлаб келинаётгани ёдига тушди. Ниҳоят, тугунча ичидан узунлиги икки қулоч келадиган мато қўлига илинди. Узунасига оқ йўл билан “сув” берилган кўкимтир мато. Матонинг дағаллиги қандайдир хуш ёқди қўлига. Болалигида, эсини таниган дамларда ва йигитлигида бобосининг салла ўрашига эътибор берганлиги туфайли иш осон кўчди. Матонинг бир учини, бир қулочга яқин қисмини кўкраги устига осилтириб қўйиб чап қўли билан иккинчи учини ўнг чеккасига маҳкам босиб турганча ўнг қўли билан матонинг қолган қисмини боши атрофида сириб айлантира бошлади ва ниҳоят бир қаричча қолган учини салла остига қистирди-да, столга ўтириб қоғоз, қаламини қўлга олди. Балки бошқалар саллани ўзгачароқ тарзда ўрашар, аммо бобосининг усулида боғлашни маъқул кўрди Ражаб Али. Энди у тамоман ўзгача қиёфада ўтирарди иш столи ортида. Қўлида Лейбницнинг “Монадология” деб номланган асари ва математикага доир илмий ишлари.

4

Теорема... юнончадан ўгирганда “қараб чиқаман, ўйлаб кўраман” деган мазмунни беради. Теорема устида фикр юрита туриб Хоразмийнинг ҳолатига қандай қилиб кирди экан Европа. Албатта бу Пизанскийнинг таржимасидан кейин бошланди. Мисрда ўқигани ва бошқа араб мамлакатларида бўлгани, араб тилини пухта ўзлаштиргани сабабли “Ал жабр в-ал муқобала”-ни лотин тилига ўгирди Пизанский ва уни Европага тақдим этди. Бошидаги тўлқинсимон ва кунгираддор парикни ечиб ташлаб, ўзининг энг асосий асари “Монадология”ни ҳам четга суриб қўйиб, гардишсиз ойна-

ги орқали араб ёзувига тикиларди немис олими Готфрид Вильгельм Лейбниц, қоғозга тўкиларди унинг миясидан сизғириб чиқаётган шарҳлар. Ва иккита сўз остида тўпланарди улар. “Алгорисмус” ва “Алгоритмус” эди бу сўзлар. Кейин ҳам “Ал жабр”ни шу тарзда ёзишди Европа олимлари. Янги фан дунёга келди. Хоразмийнинг “Ал жабри”дан туғилган янги фанга “Алгебра” деб ном берилди.

... Манзара ва ҳолат бирдан ўзгариб сон-саноксиз олимлар издиҳоми кўринди Ражаб Алининг кўзига. Англия, Италия, Германия, Франция ... Токи Хоразмийга етиб боргунича, токи Хоразмийнинг ҳолатига киргунича кўп сувлар оқиб ўтди. “Ал жабр в-ал муқобала”нинг Европа тилларига таржимасидан кейин фикрлар қуюни кучайиб, хаёлида жозиб бир куч билан, оининг тортиш кучидай айланди немис олимнинг теграсида. “Алгорисмус”, “Алгоритмус” дунёда биринчи марта Лейбницнинг столи устидаги кулранг қоғоз ҳошиясида пайдо бўлди бу сўз. “Алгоритм” дея Хоразм сўзини биров бузиб талаффуз қилди аввал, бир неча бор қилинган такрордан кейин фан тарихида илк марта “Алгоритм” кўринишида ёзди уни Лейбниц.

Тўлқинлар кучаяди. Жуда катта ва улғвор кашфиётлар юзага келади Европада ва Америкада. Ал Хоразмий номидан биров ўзгаришларга учраб пайдо бўлган алгоритм жаҳонга доврўғ солади ўзининг муаммоларию ечимлари билан. Ана шундай хаёллар таъсирида тонгда туриб Ичан қалъа томон юрди ёш олим. Дарвоқе, бир неча ҳафтадирки, Хоразмда, деҳқон савдогарлар учун мўлжалланган харобгина меҳмонхонада яшаётганди. Хаёлида Омон Матчоннинг “Бири Ичон қалъа, бириси Дишон” деган мисраси. Математик туншунчалар қуюни ичра ва ё уларнинг теграсида зухур этмоқда эди бу мисралар шовури. Шоир қай мазмун-

да ёзганидан қатъи назар, унга бир қўшилиб, бир қўшилмай Ичон қалъа ва Дишон қалъани ўзича талқин қилиб борди. Оддий гап эмас бу, бу – рамз. Инсоннинг ички ва ташқи дунёси. Ичон ва Дишон. Дишоннинг ичида Ичон. Бири пўст бири мағз. Худди шундай фикр-ни қайси китобдан ўқигани аниқ ёдига келди. Мирзо Бедил! Тўрт қаторда: дин, фалсафа, мантиқ, табиат ва Худо ва бошқа яна кўп тушунчалар мужассам этилган. Шивирлаб ярим овоз билан ўқиди:

Яке куфрро ғайри ислом дид

Яке ҳар дуру нақши авҳом дид

Яке хонд мағз, яке хонд пўст

Яке гуфт олам, яке гуфт Ўст.

“Яъни...” – деди ёш олим энди баралла овоз чиқариб, йўл-йўлакай форсийдаги мисраларни таржима қила борди:

Бири кўрди исломга зиддир бошқа дин,

Бири ҳаммасида кўрди ақл маҳсулин,

Бири мағзини ўқиди, бири пўстини,

Бири деди: табиат, бири деди: Ўзи!

Қофиялардан мамнун бўлмади олим. Ва “ахир мен шоир ё адиб эмасман, мен математикман” деб таскин берди ўзига. Шундай бўлса ҳам мисралардаги оҳангни бузгани учун хаёлан узр сўради Мирзо Бедилдан.

5

Мана, Ичон қалъа. Осмон билан ер ўртасида бир антиқа қурилма. Қўлдан-қўлга ўтган унинг ҳар бир ғишти. Унда Инсон нигоҳи ва бармоқларининг изи ва кафтининг тафти... Бетиним алмашинарди хаёлий манзаралар. Ўрганч. Баланд минора остида ёшгина, олти ёшлардаги қизалоқ. Сочи жўхори попугидай малларанг. Қадимий обида нақшлари бўйлаб кезади унинг нигоҳи.

- Исминг нима, қизалоқ?
- Анна.
- Отангни исми-чи?
- Ҳерман.
- Қандай келиб қолдинг бу ерга?

Ёқмади қизгинага бу савол ва қовоқ уйиб иддаҳа билан қаради:

- Мен шу ерда туғилганман. Менинг ватаним Ўрганч.
- Минорага қараб нималарни ўйлаяпсан?
- Отамни.
- Тушунмадим, отанг билан минора орасида қандай боғланиш бор?

Хўрсинди қиз ва лабларини қимтиганча индамай тураверди.

- Нима иш қилади отанг?
- Тегирмончи – ҳисобчи... – бошини эгди қизгина, ўриб қўйилган ва учига лоларанг тасма боғланган сочининг бир ўрими елкасидан кўксига томон оғиб ўтди ва муаллақ туриб қолди ҳавода. Оёғидаги оддий осие калиши устига икки томчи қайноқ ёш тўкилди...

Хаёлот олами учун вақт баъзан ўз ҳукмронлигини унутади. Масофалар қисқаради, Хивадаги минора Урганчда зухур этади. Ўтмиш ва келажак орасида қисилиб, кичрайиб қолади ташвиш тараддудларга қоришиб ётган “бугун”. Йиллар ўтди орадан. Бир гуруҳ шумтака болаларга қўшилиб тупроқ чангитиб юрарди Анна. Тенгдошларининг бўйидан баланд эди унинг қадди-басти. Ражаб Али диққат билан ботиний назар солди қизга. Қизгина эса бу сафар ҳам баланд минорага қараб турарди. Аямай қиздирарди Хоразм қуёши. Хаёлга ботди олим. Ва хаёл ичра қандайдир жонзотнинг майингина ғинғиллашини илғади унинг қулоқлари. Аммо хаёлдан ажралолмади. Минорадан кўз узмаган ҳолда ҳавода, балки осмон сатҳида тортилган чизикларни кўрди. Ерда ҳам чизиклар, доиралар, бур-

чаклар... Борлиқ фақат геометриядан иборат. Ерда ётган оддий чўпни “тўғри чизиқ” деб тушунтиради бу фан. Тўғри тўртбурчаклар, квадратлар, кублар орасида яшайди инсон. Нечта катет ва нечта гипотенуза бор Наполеоннинг шляпасида? Доира ичида кўплаб доирачалар ҳосил қилиб, уларни қўл ва кафтлар, бармоқлар зарби билан ҳаракатлантиради ва ритм яратади одамлар. Бу ҳам геометрия. Қатор тизилиб туради Синус ва унинг укалари; Косинус, Тангенс, Котангенс, Секонус, Косеконус... Ҳамма томонда учбурчаклар, тўртбурчаклар, оғмалар, перпендикулярлар, катетлару гипотенузалар, биссектрисалар. Катет ва яна катет, 90 градусли бурчак. Тенг бурчаклар қаршисида тенг томонлар ётади деб тушунтирарди мактабда ўқиб юганида ўқитувчиси Ажитаров. Ўртада Биссектриса ва унинг рўпарасида... олдида, атрофида яъниким ўзида “пифагор иштони...” Пифагор учбурчаги ўхшатиш қилиб шундай аталган. Инглиз олими Д. Пидоунинг бу ўхшатиши ёдига тушди. Биссектриса учбурчакдан ташқарига тортилган хаёлий чизиқларни бирлаштиради ва ҳосил бўлган лахтаклар туташувида “пифагор иштони”ни кўради инглиз математиги Пидоу. Биссектрисанинг “онаси” – Гипотенуза унга, яъни ўз қизига раҳнамо. Иккала Катет қаршисида хушёр турибди Гипотенуза. Катетларнинг иккаласи ҳам ёш йигит қиёфасида...

6

Аммо бутунлай бўлак нарса тўғрисида ўйлаётганди олим. Гарчи кўз олдида минора ва сариқсоч қизалоқ бир-бирига қараганча қотиб турган бўлса-да, Европа бўйлаб кезарди унинг хаёли. Фан оламида катта шов-шув: Шарқ. Харезм. Алгоритм. “Ал жабр вал муқобала” Ал жабр! Бу ибора европа талаффузига мосланди ва олимлар Алгебра деган фан устида тер тўкиб

ижодга ва ишга киришиб кетдилар. Бутун Шарқ Ал Хоразмийнинг улкан қиёфасига айланди. Математиклар Шарққа қарашар ва бутун борлиқни қоплаб турган улуғвор қиёфани кўрардилар.

Ражаб Алининг фикри шу жойга етганда ўша овоз, яъни қандайдир жонзотнинг ғинғиллаган, балки инграган майин ва ёқимли овози қулоғига чалинди яна. Қизалоқ минорага қарар, унинг атрофидан айланар ва қўшиқ айтарди. Сўзсиз эди унинг қўшиғи, аммо кўп нарсани англатарди. Жуда сокин, тиниқ ва майин эди унинг товуши. Баҳор тонгидай мусаффо эди қизалоқнинг овози. Бутун вужуди билан тинглади олим бу сўзсиз қўшиқни ва ихтиёрсиз бир тарзда унга жўр бўлди:

Эй сарвинози гулшани боғи малоҳати...

Эртага ёки яна бир неча кундан кейин диссертация ёқлаши керак. Докторлик иши... Олим дегани қадимда барча фанларни билиши ва ҳатто бирорта мусиқа асбобида куй чалиб бериши шарт бўлган. Мусикадан етарли билимга эга бўлмаган, созандаликнинг кўчасидан ўтмаган киши бошқа фанлардан қай даражада мукамалликка эришган бўлмасин, олимликка қабул қилинмаган. Шу боис ёш олим бир неча ойдирки, шахрисабзлик бастакор Абдурахмонбекнинг “Савти Сарвиноз” шуъбасидаги куйларни машқ қиларди. Мавлуда Аъзамова чертиб куйлаган дутор унга ҳамроҳ. Бу мусиқа асбобини шахрисабзлик Тўйчи исмли бир машшоқдан сотиб олган ва укасига совға қилганди олимнинг шоиртабиат ва дарвишнамо акаси. Бирозгина эгриланган эди бу қадимий дутор. Эгрилангани сабабли бошқа дуторларникига нисбатан баландроқ харрак қўйишга тўғри келарди. Косаси билан дастаси туташган жойдан салгина орқага эгриланиб турса-да, овози тиниқ ва ёқимли.

Орадан икки кун ўтиб Олий Аттестация комиссияси – ОАК (ВАК) навбатдаги анжуманга ҳозир бўлди.

Яъни ҳимоя куни етиб келди. Ражаб Али ҳаммадан аввал олимлар йиғиладиган хонага кириб, деворга тақаб қўйилган пано ортига яшириб қўйишга улгурди дуторини. Минбар эса панодан узоқ эмас, ортга бир қадам ташлаб қўл узатса етади. “Алгебра ва геометриянинг янги туташ нуқтаси ва “Шашмақом” мавзусида ёзган илмий ишини баён этишга киришди Ражаб Али. Ҳамма жим. Олим қавми азалдан шундай: Кафтани иягига тираб, пешонасини тириштирганча, бир нуқтадан кўз узмай қулоқ тутуди мавзуга. Унинг диққати бўлиниши қийинроқ. Ньютон деган олим йўлда турган рикшани қора доска деб ўйлаб қандайдир янги бир формулани ўша доскага ёза бошлаган. Рикша ўрнидан жилганини ва югуриб кетаётганини пайқамаган, қора доска ортидан чопганча масаласини ечаверган. Ва бутунлай бошқа бир шаҳарга бориб қолгандан кейингина масала ечган доскаси фойтун эканлигини англаб қолган. Хаёлпаршонлик борасида француз олимлари донг таратганлар. Уларнинг хаёлпаршонлиги – реал ҳаётни унутиб гўёки тамоман фан қасри ичига кириб кетганлари туфайли содир бўлади. Ражаб Али алгебра билан геометрия ўртасидаги тамоман янги бир боғланиш нуқтаси тўғрисида гапираркан, бу нуқтанинг ички қаватларида мусиқа оҳанглирига хос шакллар ва кўзга чалинмас нақшлар ва шу нақшлар қатида Абдурахмонбекнинг “Савти Сарвиноз”и яшириниб ётганлигини ва яширинган хилқат айлана шаклидалигини, айлана ичида эса “пифагор иштони” борлигини ва иштоннинг оғи ўрнида Биссектриса намоёнлигини, унга Гипотенуза раҳнамолик қилиши, шу боис Катетлар Биссектрисага яқинлаша олмаслиги тўғрисида гапираркан, залда бирдан ғавфо бошланди. Олимларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўзаро тортишуви ўша кун кечгача давом этди. Эртаси куни янги раддиялар баён этилди.

Жуда ҳориб қайтди Ражаб Али ўша кунги анжумандан ва ечинишга ҳам ҳафсаласи бўлмай ухлаб қолди.

Ўша кунги йиғинда олимлар илмий иш юзасидан аниқ хулоса бермагандилар. Бугун докторлик диссертациясининг тақдири ҳал бўлади. Шоша-пиша чой ичди, кийинди Ражаб Али, узун қора палтоси тиззадан пастга тушиб турарди. Бўйнида қизғиш шарф. Бошида ондатра телпак. Балки нутриядир, ҳар ҳолда, бу либосларда анча савлатли кўринарди ёш олим. Бўйинбоғи ўзига ёқмади, ечиб ташлаб, бошқасини, йўл-йўл чизикли қора бўйинбоғини боғлади. Бўйчан одамларга бўйинбоғнинг шунақаси ботишади. Бундай тантанали маросимларда ишлатиладиган хушбўй атири бор эди унинг. Пизиллатиб атир пуркади юзига ва бўйнига. Сўнгра, эшикдан чиқаркан, бир дона “но-шпа” олиб тилининг тагига ташлади. Тил остидан ҳар қандай дори керакли манзилга тез етиб боради...

Минбарга кўтарилди Ражаб Али. Мунозаранинг қолган жойидан давом эттирди аҳли анжуман. Ногоҳ ана шу ғала-ғовур орасидан улуғ ҳофиз Мулла Тўйчининг овози қулоғига чалинди-ю, пано ортида яшириниб ётган дутор ёдига тушди. Дуторни қўлига олди, бармоқлар зарбидан титраб кетди торлар. “Савти Сарвиноз” шуъбасидан иккита куй чалди Ражаб Али. Оғир ва жуда оғир сукунат пировардида ВАК раис хулоса қилди:

“Олимнинг докторлик иши муваффақиятсиз чиққан деб ҳисоблансин!”

Уйига бош эгиб қайтди Ражаб Али. “Нега улар “Ал Жабр в-ал муқобала” аслида “Шашмақом” таъсирида яратилганини пайқашмади...” деган ўй билан ўз уйининг деворларига қаради, деворга илинган тақвимга кўзи тушди. 2000 рақамига тикилиб хаёлга берилди бир муддат. Ва гўё барча бахтсизликларга шу сана айбдордек, илашимли хаёл таъсирида қўлига қизил

сиёҳли қалам олиб “2” рақамини дарҳол ўзгартирди ва уни илдиз остига олди. Энди тақвимда “0000” рақами турарди.

... Бехуда ўтган йиллар эквиваленти эди бу рақамлар.

МУАЛЛАҚ ФАЛСАФА

“Хасактут” бекатида одам кам бўлади. Айниқса, саратон палласи қуёш ловуллаб қиздираётган қоқ туш маҳали бу ерда камдан-кам киши машина кутади. Шунинг учунми баъзан автобуслар тўхтамай ўтиб кетаверади. Ҳар хил ҳайдовчи бор-да, баъзилари ёнилғини тежайман деб шундай қилса, бошқа бири вақтни қизғанади. Бугун ҳам шундай бўлди. Бекатда тўхтамай ўтиб кетди узоқ кутилган автобус. Бетон деворнинг торгина соясида паналаб турган икки йўловчи югуриб чиқиб “ҳай-ҳай” лаганча қолишди. Менимча, бу сафар ҳайдовчи ёнилғини ёки вақтни тежашдан кўра шу иссиқда машинани тўхтатишдан эринди. Балки сояда девор ортида турган йўловчиларни пайқамагандир, ёки бўлмаса, манзилга тезроқ етиб бориб салқинлаб олишни кўмсаб шундай қилгандир. Одатда бундай пайтда ҳайдовчи ҳали бекатга яқинлашмасдан “Тушадиган борми?” деб сўрайди, ҳеч кимдан садо чиқмаса, бунинг устига бекатда одам қораси кўринмаса машинани тўхтатиб ўтирмайди. Хусусан, одамни лоҳас қиладиган бугунгидек дим ҳавода ортиқча ҳаракат қилиш кимга ҳам ёқарди.

Ҳа, ҳаво ҳеч қачон бунчалик исиб кетмаганди. Ҳарорат гўё қуёшдан эмас, балки қорайиб чўзилиб ётган асфальтдан, йўл четида чатнаб ётган тошлардан, ва қовжираб қолган оловранг хас-хашаклардан ва бекатнинг бетон деворларидан кўтарилаётгандай. Агар эътибор қилган бўлсангиз, одамнинг жаҳли жуда тез чиқади бундай пайтда, арзимас нарсага ҳам ловул-

лаб кетиши ҳеч гап эмас. Ахир асаб деган нарса борда одамда. Ваҳоланки бундай жазирамада асаб нима-лигини билмайдиган бензин ёки хас-хашақлар ҳам бўлар-бўлмасга жаҳли чиқадиган одамдай лоп этиб олов олади-ку.

Автобусдан қолиб кетган икки йўловчи ҳам ана шундай ҳолатга тушди.

– Худонинг қаҳрига йўлиқ! – деди улардан бири.

– Аблаҳ, – деб қўйди иккинчиси. Сўнгра бараварига соатларига қарашди улар. Йўловчиларнинг неча муддат автобус кутишганини айтолмайман, аммо қуйидаги сўзлашувдан кейин улар бир-бирига шу пайтгача дурустроқ қарамагани ва гап қотишмагани маълум бўлди. Айтгандай, улар бир-бирига худди икки томчи сувдай ўхшаш: иккаласи ҳам бақалоққина, дўмбоққина, миқти гавдали, бироз қорин қўйган кишилар.

– Мана, худонгиз ҳам ҳеч нарса қилолмади, – деди улардан бири.

– Худо меники эмас, ҳамманики, – деди иккинчиси.

– Сиз диндормисиз?

– Қайдан олдингиз бу гапни?

– Ҳадеб худони тилга оляпсиз-ку.

– Кечирадилар, шу ерда турганимдан бери фақат икки марта худони тилга олдим.

– Ўзи икки оғиз гапирдингиз, ҳар икки гапда ҳам худони қўшдингизми, демак...

– Хўш, нима бўпти худони қўшсам! – астойдил жаҳлланди биринчи йўловчи.

– Ҳеч нарса. Сиз диндормисиз деб сўрадим, холос.

– Диндорман, хўш яна нима дейдилар!? Менинг ўз диним, ўзим кашф қилган худоим бор.

Аччиқ билан айтилган бу гап иккинчи йўловчини бироз шаштидан туширди. Шундай бўлса-да ўзича тўнғиллаб қўйди:

– Йўқ худодан нима наф?

- Худо бор!
- Қани? Хўш, қани? Кўрсатсинлар, исбот керак.
- Исботлайман ҳам.

Биринчи йўловчи худди шу атрофдан худони топиб бермоқчи бўлган кишидек ён-верига аланглади. Дарвоқе, бу одам аслида ташқи кўринишидан диндорга унчалик ўхшамасди. Тўғри, сочини устарада тоза қирдириб, озодагина ола дўппи кийиб олганлиги, қироат билан гапириши, ундан ташқари юз-кўзидаги аллақандай ифодалар, гарчи салла чопони бўлмаса ҳам бир қарашда диндан хабардор кишидай тасаввур қолдирса-да, оёғидаги баланд пошналли тумшуғи ингичка туфлиси ва пойчаси торроқ, чет эл фирмасининг тамғаси босилган ва бронза занжирчалари осилиб турган жинси шими, қўлидаги ихчамгина “дипломат”ига қараган киши бундай деб ўйламасди. Аниқроғи, унинг белдан юқориси диндор, белидан пасти эса динсиз деган тасаввур қолдирарди кишида. Хуллас, юқорида айтганимиздек, худонинг мавжудлигини исботлаш учун атрофга аланглади у ва нарироққа бориб йўл четидаги хас-хашакларга тикилиб турди. Сўнгра яна тўрт-беш қадам юриб ерга энгашди. Қўллари билан тиззасига таянганча бир зум қотиб қолди. Бу пайтда масхараомуз бош лиқиллатиб турарди унинг ҳамроҳи. Бу одамнинг орқага силлиқ таралган ўсиқ сочи ҳам бош ҳаракатига монанд силкинарди. Ички бир кулгидан зўриқиб асабий қийшайиб кетганди лаблари. Худди шу пайт биринчи йўловчи ўша эгилган кўйи туриб “бу ёққа” деб имлади қўллари билан. Бироз иккиланди иккинчи йўловчи. Бу одам соғми ёки бироз тўқсон тўққизроқми деган хаёл билан тараддудланди, ҳатто бундан кейин қандай йўл тутиши кераклигини ўйлаб эҳтиёт чораларини кўришга шайланди. Биринчи йўловчи энди ортига ўгрилиб қараб, бу ёққа келинг деди. Иккинчи йўловчи бошини қаттиқ бир силкиб ис-

техзо билан “хих” деган овоз чиқардию тўпидан ажралиб қулоғи устига тушган сочини тўғрилаб қўйганча тураверди. Офтоб тиккага келиб аёвсиз қиздира бошлади. Уларнинг ўрнида ҳар қандай бошқа киши бўлганда тортишувни бас қилган ва ўзини девор соясига олиб автобус келишини жимгина кутаверган бўларди. Аммо тасодифни қарангки, бу йўловчиларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил дардга мубтало бўлиб, тортишув деса томдан ташлайдиган, енгиб чиқмагунча қўймайдиган кишилар тоифасидан эди.

Биринчи йўловчи ўз маҳалласида, жамоасида ёки бўлмаса тўй маъракаларда бўладиган тортишув баҳсларда ҳамиша устун келиб юрган киши эди. Энг муҳими, у ёлибликка кўникиб қолганди. Буни қарангки, иккинчи йўловчи ҳам худди шу тоифадаги кишилар жумласидан экан. Хуллас, тақдир бугун уларни ана шу хилват гўшада учраштириб қўйган ва ажримини кутаётгандек эди.

– Бу ёққа келсинлар! – иккинчи марта чақирди биринчи йўловчи. Ҳамон тараддуланиб турган ҳамроҳига ўгрилиб. Шиддат билан унинг устига бостириб борди иккинчи йўловчи. Афтидан у бир қарорга келганди.

– Ҳўш!

– Мана.

– Нима “мана?”

– Кўрмаяпсизми?

Ажабланиб елка қисди иккинчи йўловчи. Ғужғон ўйнаётган чумолилардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди ҳаслар орасида. Унинг ғазабини қўзғатди бу ҳол.

– Калака қилманг, ўртоқ, – деди ғазаб билан.

– Калака эмас, исбот қилмоқчиман.

Азбаройи жаҳли чиққанидан кўкариб кетди иккинчи йўловчи. Жазирама офтоб тиғида тургани ҳолда қаҳратонда қолгандай қалтирай бошлади. Шунча катта давраларда ҳеч кимга гап бермаган, айниқса,

худонинг йўқлигини кучли далиллар билан исботлаб ташлаган кишини қандайдир тайинсиз бир йўловчи масхаралаб ўтирса-я!

– Исбот?! Чумолини худо деб-а!

Бу гап пировардида заҳарханда кулги янгради.

– Нега чумоли бўлсин?

Ажабланди янги дин кашфиётчиси ҳамроҳининг жаҳли чиққани сари хотиржам тортиб. Унинг энг севимли усули эди бу. Тажрибадан шу нарса маълумки, тортишувда кимнинг кўпроқ жаҳли чиқса, ўша киши енгилади. Жаҳл келса ақл кетар деганларидек, пой-ма-пой гапириб мантиқни йўқотади. Афтидан, буни яхши биларди янги дин кашфиётчиси.

– Чумоли худо эмас, – давом этди у, – худо мен.

– Инсон коинотда кичкина худо!

Ҳайқириб юборди иккинчи йўловчи.

– Тўғри, сиз “Фауст”ни ўқиган экансиз, лекин Гёте-нинг фикрига тўғридан-тўғри, кўр-кўрона ёпишиб олиш билан худо борлигини исботлаёлмайсиз. Гёте, маълумотингизга кўра, инсонни худо дейиш билан унинг қудратига нисбат берган, инсон кучли, яратувчи, бошқа махлуқларни бошқариш имкониятига қодир дегани бу. Қолаверса, инсонни улуғлашдай шунчаки бир гап бу. Аммо булар ҳаммаси нисбий, инсоннинг кучи ҳам, қудрати ҳам нисбий.

– Жуда соз, билдик, сиз Эйнштейнни ўқиган экансиз.

Рақибига тақлид приёмига ўтди биринчи йўловчи. – Нисбийлик назариясини ёдлаб олибсиз. Майли, сиз сари ҳам борайлик, мен худо борлигини ана шу сиз айтган назария бўйича исботласам тан берасизми!?

Шундай деб қаддини ростлади биринчи йўловчи. Унинг рақибни эса сал эгилганча зарбани кутар, унинг афти эса худди чучкириб юбормоқчи бўлаётгандек бир алпозда.

– Исботласинлар аввал.

– Мана сизга исбот!

Локланган туфли ердан даст кўтарилди-да, ҳавода муаллақ туриб қолди, сўнгра нақ чумолилар ғужғон уриб ётган жойга босилди. Янги дин кашфиётчиси энди иккинчи оёғини кўтариб турган жойида бир айланди ва бир қадам орқага олди ўзини. Жинси шимнинг бронза занжирлари шилдираб кетди. Юзлаб чумоли эзилиб қолди уя оғзида.

– Кўрдингизми?

Ҳеч нарса тушунмади иккинчи йўловчи. Ва сўради:

– Шуми худо ва нисбийлик назарияси? – Ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. Бундай бўлишини сира кутмаганди. Ва ҳали енгилмаганини ҳам шу сўз билан англади.

– Бунда жуда катта мантиқ бор. Сиз айтган нисбийлик ҳам, мен айтган худо ҳам бор. Агар мана шу жониворларда мабодо худо деган тушунча бўлса, улар ҳам худонинг борлигига ишонса, ҳозир мен қилган ишни, ҳеч шубҳасиз, худодан кўришди. Чунки мен чумолиларга нисбатан шунчалик каттаманки, минглаб жониворнинг нима билан машғуллигини тепадан туриб бемалол кузата оламан, улар эса аксинча мени пайқамайдилар. Ва бу ногаҳоний фалокатни худо томонидан юборилганига шубҳа ҳам қилишмайди. Яна такрор айтаманки, агар шу жониворларда ҳам худо деган тушунча бўлса...

– Маъзур тутадилар ундай бўлса...

Аммо янги дин кашфиётчиси рақибининг сўзини бўлди.

– Ундай бўлса, шундай деб янги куч билан ҳужумга ўтди. – Шуни унутмангки, ўртоқ, ўзингиз айтганингиздек, дунёда ҳамма нарса нисбий. Мана шу ҳозир ўлган чумолиларнинг баданида, ҳатто оёқлари ва мўйлабларида алоҳида бир дунё, алоҳида бир мавжудотлар олами ҳаёт кечиради. Улар чумолиларга нисбатан бир неча минг ва ҳатто миллион марта кичикдир ва

улар ўзлари ҳаёт кечираётган чумолиларнинг бошини ер курраси деб билса ҳам ажаб эмас. Ўз навбатида ана шу микробларнинг вужудида ҳам яна бошқа оламлар ва “одамлар” мавжуд бўлиши мумкин. Мана сизга нисбийлик назарияси.

– Бундан чиқди одам худо эканда, сизнингча.

– Нисбатан.

– Яхши, одам чумолига ва унинг мўйлабида яшаётган мавжудотларга нисбатан худо экан, унда қани одамга нисбатан худо ролини ўйновчи куч? Мана сизу мен турибмиз, ҳамма нарсани кўряпмиз, мушоҳада қиляпмиз, атрофимизда ҳеч қандай худодан дарак йўқ. Шахсан мен худонинг сизникига ўхшаш ялтироқ туфлисини кўрмаяпман.

– Кўрмайсиз ҳам!

– Демак, худо йўқ, турли предметлар бор ва улар бирламчи, худо эса инсон миясининг маҳсули.

– Кўрмайсиз ҳам!

Рақибининг гапини назар-писанд қилмай, товушини бир парда кўтариб, салмоқлаб давом этди биринчи йўловчи. Чунки микроблар чумолини, чумоли одамларни кўрмаганидек, одам ҳам ўз навбатида ўзидан миллион-миллион марта катта мавжудотни кўролмайти. Мана сизга нисбийлик назарияси, мана сизга худо ва исбот.

Бекатга автобус келиб тўхтади. Унда ўтирган йўловчилар деразадан қараб офтоб тиғида терлаб-пишиб кетган, юзлари иссиқдан бўғриққан икки кишини кўришди. Улар оёқлари билан худди тандир лойини тепаётган кишилардай ҳаракатланишар, қўллари эса, гоҳ осмонни, гоҳ ерни, гоҳида дунёнинг тўрт томони кўрсатар, асабий титраётган бармоқлари ҳавода қандайдир шакллар чизарди. Мана, улар бирданига хас-хашаклар орасини титкилаб қолишди ва иккаласи ёнма-ён турганча бараварига ўрмалаб кетишди. Тинимсиз лиқиллаб нималарнидир маъқуллаётган

ва нималарнидир рад этаётган бошларидан қоп-қора тер қуйилмоқда. Ўринларидан турганда бўйин ва елкаларининг буралиб-буралиб кетиши худди аэробика ўйинларидаги кишиларнинг ҳаракатига ўхшаса, кўзларининг олайиши, оғизларининг қийшайганча туриб қолиши нерв толалари шамоллаган кишининг башарасидан фарқ қилмасди. Босиб-босиб сигнал берди ҳайдовчи, аммо рақиблар ажралишмади. Автобус ўрнидан жиларкан, ногоҳ унинг деразасидан сўнгги марта қараган йўловчи аёл ҳангу манг бўлиб қолди, автобусни тўхтатмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Зеро, жуда фаройиб, қоғозда ёзиб бўлмайдиган ва шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган ҳолатнинг гувоҳи бўлганди аёл.

КУЛГУ ФАЛСАФАСИ

1

Қизилқум чўлининг бир минтақасида қатор тизилган тақир тепаликлар бор. Юмронқозиқлар мамлакати ва мамлакатнинг бош шаҳри Юмрония ана шу тепаликлар бағрида жойлашган. Неча минг йилдирки, одоб-ахлоқда ва тавозеда барча ҳайвонларга ўрناق бўлиб келаётган бу жониворлар оқшом палласи тепаликлар устига чиқадиладар-да, қатор тизилганча бепоян қумлик салтанатини томоша қиладилар. Чўли биёбоннинг юракларга ваҳима солувчи поёнсизлигидан, қаҳри қаттиқлигидан, унда яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслигидан таъсирланиб ва ғурурланиб гоҳида кўз ёши ҳам қиладилар кекса юмронқозиқлар. Қайдам, балки фарзандларига ватанпарварлик руҳини сингдириш учун шундай қилишар. Ҳамиша кўкраклари устида қовуштирилган бўлади бундай пайт уларнинг қўллари. Икки оёқда тик туриб, гўёки сопол ҳайкалчалардай қотиб қолган ҳолатда қум барханларини кузатишаркан, ҳеч нарса эътиборидан чет-

да қолмайди бу зийрак жониворларнинг. Тавозе билан қўл қовуштириб туриш ота мерос уларга.

Тепаликлар занжири остидаги шаҳарда эса кўча ва йўлаклар худди балиқчилар тўридай турли томонга кесишиб ўтган. Йўлларнинг ҳар иккала томонида уйлар, қатор ва қатор хонадонлар, бошқа маданий, маъмурий бинолар. Ҳа, айнан шундай, чўл жониворлари билим олишни яхши кўрадилар. Тулкининг айёрлигини билмай туриб яшаш мумкин эмас. Акс ҳолда ҳаёт тугайди. Бўри унданда хавфли. Аммо энг хавфлиси одам. Буларнинг ҳаммаси билимли бўлишни талаб этади. Шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида Юмо исмли бола юмронқозиқ яшайди. Ота юмронқозиқ Юмонинг шўхлиги ва қайсарлигидан ранжиган пайтида унинг қулоғини бураб тулкининг сувратини кўрсатади ва сўрайди:

– Бу нима?

– Тулки хола...– жавоб қилади оғриқдан юзи қийшайиб кетган Юмо.

– У нима қилади?

– Бизни ейди...

– Нафасингни иссиқроқ қил, Юмо, болагинам, – ялингансимон овоз беради бурчакда ўтириб юнг титаётган она юмронқозиқ.

– Бу нима? – Яна саволга тутуди ота.

– Одам...

– У нима қилади?

– Бизни тутиб олиб қафасга солади...

Яна бир қатор савол-жавоблардан кейин дарсни яқунлайди ота. Кейин ҳаммалари ўтириб момо юмронқозиқдан эртақ тинглайдилар. Ана шундай ўтади узун қиш кечалари. Табиатан шўх ва ўйинқароқ Юмо оиланинг эркаси ва арзандаси. Чўл манзарасини ва хусусан, уфқни томоша қилиш унинг жони-дили. Баъзан кун бўйи давом этади унинг бундай машғулоти. Ва гоҳи-

да ўзи билмаган ҳолда шаҳардан узоқлашиб кетади. Ана шундай кунларнинг бирида, яъни Юмо табиатни кузатиб унинг сирлари билан ошно бўлиб турган бир паллада алланарсанинг шап этган товуши эшитилди ва ёш Юмо тўр ичида кўрди ўзини. Кўрқиб кетиб ўзини ҳар томонга урди Юмо, тўр ипларини тишлари билан ғажишга ва қутилиб кетишга беҳуда уринди, чийиллаган овоз билан отасини ёрдамга чорлади ва талвасага тушиб, ёмон бир фалокат рўй берганлигини англади.

– Ҳа-ҳа ҳа!.. – деган овоздан титраб кетди қум барханлари.

– Қўлга тушдинг-ку! Ҳа-ҳа-ҳа!

– Тишининг ўткирлигини қаранг! Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!..

Турли оҳангда эди қулгу овозлари.

– Қандай жонивор ўзи бу?

– Бўрсиқми?

– Сассиққўзан бўлса керак.

– Юмронқозиқ бу, – деди чаққон ҳаракатлар билан тўр оғзини боғлаётган киши ва яна бор овози билан қулди:

– Қаққ-қақ-қақ! Мана энди бунини ўғилчага совға қиламиз. Какраз шу ҳафта охирида туғилган кунини.

2

...Ва мана, неча кундирки, бегона шаҳарда, ўзга уйда, одамлар қароргоҳида тутқунликда, темир қафас ичида яшамоқда Юмо. Тишлари ўткир унинг аммо қафас сими қаттиқ. Кун бўйи ва албатта туни билан кемиради сим деворни, тиши ўтмайди. Ҳар кун қафас олдига келади бир бола. Кўзлари... қатта-катта бўлиб кўринади сим чивиклар ортидан Юмога унинг кўзлари. Бола кулади гоҳида ва кўрқинчли кўринади унинг тишлари. Юмо умрида кўрмаган турли егуликлар келтиради бола, сув беради, эркалаб нималарнидир ғўлдирайди. Аслида боланинг овози нозиккина, жарангдор ва ёқимли, аммо Юмо учун унинг оғзидан

чиқадиган ҳар қандай товуш дағал ва қўрқинчли. Гоҳида ўзидан бироз кичикроқ қизчани ҳам эргаштириб келади бола. Ва уни огоҳлантиради:

– Эҳтиёт бўл, Асила, қўлингни сим орасига суқма, бармоғингни узиб олади, қара, қандай ўткир унинг тишлари.

– Унинг оти нима? – сўрайди қизча ёқимли овоз билан.

– Юмо, – жавоб қилади бола.

– Нега Юмо?

– Чунки у юмронқозиқ, шунинг учун унга Юмо деб ном қўйганмиз. Мана сенинг отинг Асила, меники Ўтаган, уники эса Юмо.

Бир муддат жим қолишади болалар. Кейин қизча сўрайди.

– Онаси борми унинг?

– Бор, акс ҳолда туғилмаган бўларди.

– Синглиси-чи?

– Билмайман. Сўрайверма кераксиз нарсаларни. Менимча, уларда ака, сингил деган тушунчалар йўқ. Онгсиз жониворлар улар.

– Нега унда қафас симини тишлаб тортқилайди?

– Симни синдириб чиқиб кетмоқчи бўлади.

Ўйлаб қолади қизча ва хулоса қилади:

– Қафас сими синса қутилиб кетиши мумкинлигини биларкан, демак онги бор...

– Онг эмас, инстинкт. Ҳайвонларда онг бўлмайди, инстинкт билан ҳаракатланади улар деб ўргатган ўқитувчимиз.

– Ахир онасини танийди-ку улар, отасини ҳам танийди.

– Бу ҳам инстинкт.

Индамади қизча ва ғамгин нигоҳ билан қафас ичидаги жониворга тикилди. Эртаси куни ғала-ғовур бошланди уйда. Эшикдан кириб келаётган кишилар саломлашар ва совғаларини Ўтаганга топширардилар, шовқин-сурон билан стол атрофидан жой олардилар. Вужудига титроқ югурди бу овозлардан Юмонинг.

Айниқса кулгу чўчитарди уни. Кулгуни эшитиши билан тўрга тушган ҳолати ва ўлжадан қувонган одамларнинг қаҳ-қаҳ уриб кулишлари уриларди шуурига. Отанинг ҳукмрон овози эшитилади:

- Ўтаганжон, қани олиб чиқ энди Юмони!
- Юмо?.. Қанақа Юмо?– Ажабланишади меҳмонлар.
- Ҳозир кўрасизлар! – дейди қувончини яширолмамай ота.

Қафасни кенг ва ёруғ хонага олиб чиқади Ўтаган. Кулгуларга туташиб кетади. “Оҳо! Уҳу! Зўр-ку!” деган овозлар. Стол ўртасига қўйилади қафас. Жавдираган кўзлари билан атрофга аланглайди Юмо. Атроф-теваракда эса, катта-катта кўзлар, оппоқ тишлар ва баҳайбат юзлар, титраётган ияклар. Шунда кулаётган кишилар орасида басавлат бир одамни кўрди Юмо. Қизил эди ва ялтираб нур таратиб турарди бу одамнинг тишлари. Қафас ичида қалтираб титраб турган жониворга тикилиб қаради бу одам. Ва сўради:

– Эчкиэмар деганлари шуми?

Кулгудан ларзага келди хона деворлари. Ҳайвонот дунёсидан фақатгина эчкиэмарни биларди бу одам. Шунга қарамай катта бир жамоанинг бошлиғи эди. Ва “Сен эчкиэмарни ишдан ҳайдайман!” деб пўписа қиларди жаҳли чиққанда нўноқ ходимга қараб. Ниҳоят кулгулар босилди, қафас олиб кетилди, дастурхонга қўйилган ноз-неъматлардан тановул қилишга киришдилар меҳмонлар. Кейин қадаҳлар кўтарилди ва Ўтаганбойнинг ўн икки ёшга тўлгани муносабати билан табрик нутқи сўзлади бошлиқ. Ана шундагина бошлиқнинг ҳайвонот оламини нақадар яхши билиши аён бўлди.

– Бўридай баҳайбат, Туяқушдай учағон, Самандар қушдек сузағон, ва ... – гапдан тўхтаб атрофга қараб олди бошлиқ. Ва...

– Жайрадек...– дея луқма ташлади ходимлардан бири.

– Ва жайрадек чопагон йигит бўлсин!

Олқишлар ёғилди бошлиқ шарафига. Қаҳ-қаҳалар янграб, хона деразалари зириллаб турган бир паллада қафасдаги тутқун жониворга қараб ўтирарди Асила.

– Онангни соғиндингми, бечорагина Юмо? – шивирлади қизча қафасга эгилиб қараб ва унинг титраб-қалтираётганини кўриб яна сўради:

– Совқотяпсанми, Юмо? Ёки мендан кўрқяпсанми? Кўрқма, мен Асиламан. Совқотятган бўлсанг, мана сенга гуппичамни ечиб бераман.

Гуппичаси билан Юмони ўраб қўйиш учун қафас эшикчасини очди Асила. Ва... эшик очилгандан кейин нима бўлганини ҳозирча айтмай турамиз, акс ҳолда Юмони яна ушлаб олишлари мумкин.

3

... Уч ҳафта-ю, уч кун деганда уйига кириб келди Юмо. Кўп юрди, кўп юрса ҳам мўл юрди, чўл юрди ва ниҳоят ота-она бағрида кўрди ўзини. Акалари ва опалари силаб-сийпалашарди унинг қоқ суяк бўлиб қолган елкаларини. Хурсандчиликдан йиғларди муштипар она. Қалин хас-хашаклар устига ўтқазиди Юмони. Мисли кўрилмаган мўъжиза юз берди шунда. Қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади Юмо. Сингиллари йиғлаб юборишди кўрққанларидан. Акалари девор ортига беркинишди. Ота-она ҳам хона тўрига чекиниб ҳайрат ичра қараб қолишди. Юмо тўхтамай кулар, оғзидан пақ-пақлаган, қат-қатлаган, ваҳ-ваҳлаган овозлар отилиб чиқар, Юмонинг ўзи эса ўтирган ўрнида чўпчиларди, ҳа, бўғзидан отилиб чиқаётган овозлар зарбидан чўпчиларди...

Ташвишланиб қолган ота ўғлининг миясида юз берган ўзгаришдан қаттиқ ўйга толиб, кўп йиллик

қадрдон дўсти профессор Нормўйнинг олдида борди ва бўлган воқеани гапириб берди.

– Ўғлинг йўқолиб қолмаганмиди? – сўради дўстига синчков тикилиб профессор.

– Шундай бўлганди, уйдан чиқиб кетиб уч ҳафтадан кейин қайтганди.

– Одамлар орасида бўлибди бола, – хулоса қилди доктор.

– Энди нима бўлади? Нима учун беўхшов ва ёқимсиз овозлар чиқаради менинг болам? Нима учун ўтирган ўрнида ўзини ҳар томонга уриб “қат-қат”лайди, бўридай улийди?

– Кулгу касаллигининг аломатлари бу.

– Кулгу? Бу нима деганинг, қандай касаллик ҳақида гапиряпсан, дўстим?

– Кулгу жуда юқумли касаллик. Инсониятнинг қарийб саксон ёки тўқсон фоизи шу дардга чалинган. Мана, қара, – деб компьютернинг тугмачасини босди Нормўй. Экранда давра олиб ўтирган бир гуруҳ одам намоеён бўлди. Ва қаҳ-қаҳа овозлари янгради.

– Сен кулаётган кишиларнинг ҳолатларига эътибор қил.

Ота экранга қараб қўрқиб кетди. Ўтирган ўрнида қорақурт чаққандай бураланарди бир одам, қаттиқ қулдирарди унинг халқуми.

– Бу чиранма кулгу, – изоҳ берди профессор.

Оғзини катта очиб осмонга қараганча “ваҳ-ваҳ”лар ва гоҳ олдинга, гоҳ орқага ташларди ўзини бошқа бири.

– Буниси қандай кулгу?

– Жазави кулгусининг бир кўриниши.

Ерга эгилиб “қийқ-қийқ” қилаётган одам давра тўридаги кишига қарар ва астойдил кулаётганини ўша одамга англатишга уринарди.

– Давра тўрида ўтирган киши корхона бошлиғи, қийқиллаётган ва кулгусини унга пеш қилаётган киши унинг ходими.

– Нега кулгусини бошлиқ кўришини истайди?

– Чунки бу хушомад кулгуси. Кулаётган одам эса хушомадгўй.

Бошлиқнинг ўнг томонида ўтириб иккала кўли билан қорнини чангаллаганча ув тортаётган кишининг ҳолига ачиниб кетди Ота юмронқозиқ ва хулоса қилди:

– Ичбуруғга чалинган кўринади бу одам.

– Йўқ, “аския кулгуси” дейилади бу ҳолатнинг номи.

– Менинг ўғлим бу дардларнинг қай бирига чалинган?

– Кулгу вирус аслида бир хил бўлиб, шохлаб кетган дарахтга ўхшайди. Инсоннинг темпераменти. Соғлиги, характери, кулгу қўзғатган вазиятга қараб туриб турли кўринишда зуҳур этади.

– Бошқа барча ҳайвонлардан ақли билан ажралиб турадиган инсон наҳотки бу касалликка қарши даво тополмаса?

– Аксинча улар кулгуни соғлиққа фойдаси бор деб уни тарғиб этадилар. Аслида ҳам кулгу инсон соғлиғи учун фойдали.

– Зиёни нимада?

– Жуда мураккаб масала бу. Маънавияти юксак, халқнинг ғами билан яшайдиган кишиларнинг жиғига тегади бундай ҳолат. Инсон кулаётганда ўта хунук ва беўхшов ҳаракатлар қилади. Масалан ит, эшак ёки балиқ худди шундай ҳаракатлар қилса уларга қараб турган одам бу жонивор қутурибди деб дарҳол уни ўлдиради.

– Яна қандай кулгулар бор?

– Сонига шапати уриб кулиш, бир-бирининг елкасига туртиб кулиш, кула-кула йиқилиб қолиш ва ҳоказо.

– Бу жуда хунук ҳолат-ку ахир. Наҳотки...

– Худди шундай фикрни уларнинг кўпгина мутафаккирлари ўртага ташлаганлар. Ҳазрат Навоий деган улуғ шоир ва мутафаккир кулаётган кишининг ҳолатини қурбақанинг вақиллашига, унинг ҳарака-

тини эса шу жониворнинг сакраб-сакраб юришига менгзаганлар. Ёзлари эса умриларида овоз чиқариб кулмаганлар. Жилмайиш, табассум қилиш, мийиғида кулиш хос бўлган бундай кишиларга. Жуда қизиқ ҳолатга дуч келганларида ҳам овоз чиқармасдан ичдан кулганлар. Инсон зиммасига юкланган ғамнинг нақадар буюк ва нақадар залворли эканлигини, изтиробнинг ва мунгнинг беҳад оғир юкини англайди бу улуғ мутаффақкир яратган асарларни бошдан охиригача ўқиб чиққан киши. “Бу шодликлар бари ғамдан яралган” дейди инсон зотининг яна бир буюк вакили Мирзо Бедил.

– Шундай фикрда яна бошқа кишилар ҳам бўлганми?

– Албатта, бор ва бўлган. Маънавияти етук кишилар орасида кулгуни қаттиқ қоралаб, унинг механизмини, сабабларини ва четда турганларга таъсирини ва умуман кулгунинг ўзи нималигини тушунтириб беришга интилиб катта-катта трактатлар ёзган кишилардан бири Шарль Бодлер саналади. Кулгу ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқалар учун таҳқирлаш ва ҳақоратдан иборат бўлиб, ўта маданиятсиз кишиларнинг касаллиги эканлигини исботлашга уринган фарангларнинг бу мутаффақкир шоири. Хусусан менга Нобел мукофоти совриндори Кнут Гамсуннинг “Мистерия” романидаги мана бу гаплари жуда маъқул: “Халқумдан отилиб чиқадиган кулгу, шармандали товушлар бўлиб, бизга маймунлардан мерос қолган атавистик белгидир...” Дарҳақиқат, кулаётган кишига ҳар қандай бошқа бир жониворнинг нигоҳи билан қараган инсон, кулгунинг қанчалар беўхшов, аянчли ва ҳатто кўрқинчли ҳолат эканлигини, кулаётган одам бамисоли телбалардай ўзини тутолмай, ўз вужудини бошқаролмай қолишини яққол кўрган бўларди, - дея хулоса қилди профессор Нормўй. Чуқур хўрсинди Ота юмронқозиқ.

... Оғир дардга чалинган эди унинг кенжатойи.

НУР ВА СОЯЛАР

1

Қизчасини эргаштириб оғилга кирди ота. Қуёш аллақачон ботган. Оғил қоронғу. Қўл фонарни ёқиб қизига тутқазди. Мана бундай ушла деб, ўзи оғил кунжагида турган майриқ табуреткани олиб келиб текисроқ ерга ўрнатди. (Стулни уч кун аввал шу жойга берки-тиб қўйганди) Оғил тўрида боғлаб қўйилган эшак бу ташвиш тараддудни ўзича тушуниб қаттиқ ханграб орқасидан ел чиқариб юборди. (Табиий бу жараён, яъ-никим ҳаётий эҳтиёж жониворлар учун уят ҳисобланмайди). Эшакнинг бу қилиғидан завқланиб кулди қизча. Сўнгра қўлчасини қаттиқ силкитиб танбеҳ берди:

– Уялмайсанми ёки эшакмисан? Дадамнинг олдиларида-я?! Дада, адабини бериб қўйинг бу шармандани!

Унинг сўзларини эшитди ота, аммо хаёлини банд этган руҳий таназзулдан ташқарида рўй бераётган ҳолатларни пайқаш даражасида эмасди шу лаҳзада. Стул устида омонатгина турганча қўлларини шифтга чўзиб нималарнидир пайпасларди ва нималарнидир қидирарди унинг титроқ бармоқлари.

– Шифтга тут!

Бор вужуди билан юқорига томон интилиб, бўйнини чўзиб ноқулай ҳолатда турганлиги, бўйнини чўзганда кекирдаги ва товуш пайчалари таранглашгани сабабли овози қалтираб чиқди Тиркашнинг.

– Юқорига қарат!

Қизча эшакка танбеҳ бераётганда фонар нури шифтдан пастга сакраган ва қоронғуликда қолган эди ота.

– Бу томонга тут деяпман сенга!

– Мана, мана...

Фонар ёруғида отанинг ияги ва қўллари болорлар сатҳида ажабтовур шакл олиб эгриланиб кўринарди.

– Қўрқаяпман, ота...

Яна карнай чалди эшак ва яна бекаму кўст та-
крорланди аввалги ҳолат. Қийқириб кулди қизча,
эшакнинг “одобсизлиги” бир лаҳзада қувиб юборди
қўрқувни. Бир даста ёруғ нур оғил деворларида ўйнаб
қизча кулганда зухур этган титроқ ва силкинишлар
сувратини чизарди ёруғ нур.

– Садбар!

Қизчанинг кулгусига ва нурлар ўйинига барҳам
берди отанинг қичқириғи. Қорайиб турган ваҳимали
шифтни ёритди Садбар. Болорлар орасидан қидирган
нарсасини тополмади Тиркаш, оёқ учида туриб қан-
чалик интильмасин бармоқлари керакли нуқталарга
етмади ва пастга тушиб қизининг қўлидаги фонарни
шундай ушлаб тур деганча оғил тўрига томон юрди.
Узун, ориқ баҳайбат соя тобора катталаша бориб
янада баҳайбат кўриниш олиб борлиқни тўсиб қўй-
ди. Сўнгра кичрая бориб миттигина одамча шаклини
олди. Охур устига энгашди бу “одамча” ва сакрашга
ҳозирланаётган кенгуруга ўхшаб қолди.

– Дада?!

– Нима дейсан?

– Қўрқиб кетяпман.

Девор сиртидаги соянинг қўлларида доира шакли-
даги буюм пайдо бўлди. Бу антиқа манзаранинг би-
рорта белгиси ва ҳаракатини эътиборсиз қолдирмай,
ўзи ва отаси иштирок этаётган “кинога” қараганча қо-
тиб турарди қизгина. Тоғорани табуретка устига жой-
лаштирди Тиркаш. Икки четидан ушлаб мустаҳкамроқ
жойлаштириш учун турли томонга суриб кўрди. Сўн-
гра унинг устига чиқди ва яна шифтга томон интиль-
ди. “Энди мени икки дунёда ҳам тополмайсан, мен-
дай эрни тушингда кўрасан ва қилган ишларингдан
пушаймон бўлиб зор-зор йиғлайсан”. Бундай аламли
гаплар кўп эди унинг дилида. Шуури эса бўлиб ўтган
воқеаларни қайсарлик билан қайта жонлантирарди.

- Яна қаерга отландинг?
- Дугонамникига.
- Нега?
- Билмайсизми?
- Елка қисди эр.
- Жуда яхши биласиз.
- Билсам ҳам айт, ўз оғзингдан эшитай.
- Кўчага чиқсангиз ўзингиз кўрасиз.
- Дугонанг ким?
- Муҳтожлик.

Қошлари чимрилди эрнинг. Уйдан чиқиб кетди Зарнисор. Орқасидан пойлаб бормоқчи бўлди эр, аммо ҳали дарвоза олдига бормай фикридан қайтди. Бунга сабаблар кўп, шу боис дарвозани очмай унинг тирқишидан қаради. Ҳамсоянинг уйи. Қўшқаватли, тирқишдан юқори қават билан пастки қаватнинг жанубий чети “Акфа” русумидаги деразаси, девор устидан бир метрлар чиқариб ишланган “қош”, том бўғотининг ялтироқ тунука қопламаси, ёмғир суви учун ўрнатилган тарнов... Кўзлари ёшланди Тиркашнинг, аччиқ эди тирқишдан кираётган шамол. Девор сиртида аёл сояси пайдо бўлди. Бир сония юришдан тўхтади соя...

- Дада, кўзимга гард кирди. Нолиш қилди қизча.

Қизининг инграниб айтган гапи хаёллар олаmidан ажратиб олди Тиркашни.

- Фонарни тут, юқорига қарат!
- Кўзим ачишяпти...
- Майли, юқорига тут.

Аввал шифтни ёритди-да, лаҳза ўтмай деворга сакради нур. Қизча ерга чўнқайиб ўтирар, фонарни тиззалари орасига қисганча, қўллари билан кўзларини ишқаларди. Пастга тушди ота, устига тоғора тўнкарилган табуреткани жойидан кўчириб оғилнинг ўрта роғига олиб борди. Ўша ерда туриб қизини чақирди-да, унинг қўлидан фонарни олиб мана бундай ушла

деб яна унга тутқизди-да, тоғора устига чиқди. “Танк” этган овоз таралди тоғорадан, чўчиб тушди қизча. Яна болорлар орасидаги вассаларни пайпаслай кетди отанинг бармоқлари.

2

Оғил томга вассажуфт қилинмайди одатда, шунга қараганда бу бино одам яшашга мўлжаллаб қурилган-лигини англаш қийин эмас. Ҳовли томонга очилган оддий тўрт кўзли ёғоч кесакили дераза ҳам шундан далолат беради. Кейинчалик дераза роми кўчириб олинган ва ўрнига ғишт қалаб пори чиқариш учун кичикроқ тешик қолдирилган. Ўтган йилнинг ёзидан буён бу жойда етти ёшли кўк эшак яшайди. Боласи сотиб юборилганидан буён у ёлғиз. Аввал кўк қуррача эди, кейинчалик ўсиб тайхарга ва ундан кейин эшакка айланди. Ва хонадоннинг кору борига ярайдиган бўлди. Ҳар кун тонгда уни миниб ишга борарди хонадон бекаси. Эри мардикорчиликка кетган кунлар Садбарни ҳам миндириб ўзи билан олиб кетарди. Дастлабки пайтлар тўқим устида ўтиришдан қўрқарди Садбар, Ер сатҳи жуда пастда, ўзи эса худди жар тепасида тургандай. Қўрқма, ёлидан маҳкам ушла деб тушунтирарди онаси. Хулқи мураккаб жонивор тайхар. Уни тушуниш қийин. Мустаҳкам туёқлари билан тошлоқ йўлда шақир-шуқир қадам босиб кетаверади ва сира кутилмаганда таққа тўхтаб ерга эгилади. Тупроқни ҳидлайди, пишқиради. Бурнидан бурқираб чиққан кучли ҳаво оқимида чангиб кетади кўчанинг тупроғи. Бундай пайт унинг қайсар бўйнига халачўп билан аямай уради аёл. Аммо токи ўз ишини ниҳоясига етказмагунча ердан бош кўтармайди тайхар. Токи далага етиб боргунга қадар камида ўн-ўн беш марта такрорланади бу ҳолат, яъни неча жойда тезак бўлса ёки бо-

шқа эшак юриб ўтганидан бирор белги қолган бўлса шунча марта такрорланади бу ҳолат. Хусусан, ўздан олдин ўтиб кетган ва тупроқни ҳўл қилган моча эшаклар белгиси уни бефақ қолдирмайди. Узоқ ҳидлайди, тумшуғини осмонга кўтариб лабларини жийиради. Сарғиш ва бақувват тишлари билан худди осмонни тишламоқчидек қотиб қолади бир неча сония. Буларнинг ҳаммаси Садбар учун ҳам қизиқ, ҳам қўрқинчли. Тайхарни бараварига карнай чалиб қарши олишди дала четидаги тут дарахтларига боғлаб қўйилган хангилар. Бараварига ўгрилиб қарайдилар далада ишлаётганлар. Хуллас, ана шу каби нуқсонлари бўлишига қарамай Кўктайхар жуда бақувват ва чиройли жонивор. Тумшуғи атрофидаги майин оқиш юнглари юқорига томон борган сари қўнғир тус олади. Бўйнидан елкасигача кўкимтир, елкасидан бошланган қора ҳошия олдинги оёқларининг тиззасига томон ингичкалаша бориб, тиззага етганда оқиш юнглари орасида кўринмай кетади. Айниқса кенг пешонасидаги таралиб турадиган бир даста кокили унга эркалик бахш этган. Энг муҳими, унинг кўзлари. Катта-катта тим қора ва қандайдир маънодор унинг кўзлари. Киприклари узун-узун. Елкасида қора ҳошиянинг туташган жойи қонталаш, бу халачўп учига қоқилган бигизнинг касри. Ҳар сафар халачўп зарбасини менсимай саркашликни ошириб юборганда аёл аёлнинг жаҳди чиқиб кетар ва охирги чора сифатида халачўп учидан узунлиги уч сантиметрли бигизни унинг елкасига ботиришга мажбур бўларди эгаси.

– Қандай қилиб тўйга бораман эгнимдаги шу йиртик кўйлак билан?

– Борма.

– Элдан ажралиб қолайми сизга ўхшаб!? Шусиз ҳам ҳеч ким йўқламай қўйди бизни.

– Нима қил дейсан? Сенинг зуғуминг билан Якутияга бориб нима орттирдим. Орттирганим – оёғимни совуққа олдирганим.

– Бошқалар ишлаб топиб келяпти-ку. Бировга қўшилмайсиз, бирини ака, бирини ука деб “жон-жон”лаб жонига кириб кетолмайсиз.

– Бу гапинг рост, худо шундай яратган бўлса нима қилай.

Гап худога бориб тақалганидан кейин бошқа сўз айтолмади аёл, аммо йиғини кучайтирди.

– Бор ўша Шобердининг олдига.

Ялт этиб эрига қаради аёл. Нафрат акс этди нигоҳида. Ношуд эрга йўналтирилган бу кучли ҳиссиётни кўзларида қалқиб турган ёш пардаси тўсиб қололмади. Ва деди:

– Далла!

Бу сўзнинг мазмунини дафъатан тушунмади эр. Сувоғи тўкилган деворга тикилиб ўтирган хотинига савол назари билан қаради. Қачонлардир, қаердадир дуч келганди бу сўзга. Ёмон сўз, далла, далла, далла такрорлаб кўрди ичида ва бирдан ёниб кетди.

– Талоқ! Бор, талоқ қилдим сени! Талоқ! Талоқ! Талоқ! Уч талоқ!

Оғир жимлик чўкди хонага. Кейин ўрнидан турди аёл, тиззалари қалтираб кетди. Жаҳл оловида ёнган эр энди ўзига келиб тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини англади. Уч талоқ демаганда ҳам бир нав эди. Лекин бу сўз айтилди, унинг зарби хонани тўлдириб бошқа ҳамма нарсани кўчага улоқтириб юборди...

– Дада, кўрқиб кетяпман. Тайхар менга қараб кўзини ёндиряпти.

– Бор энди уйга кет.

– Сиз-чи?

– Мен бироздан кейин бораман.

Эшикка томон сакради фонар ёруғи. Керакли нуқтани топган ва қўлидаги арқонни вассага боғлаганча унинг сиртмоқли учини пайпасларди отанинг қўллари...

3

Йиллар ўтди орадан.

2003 йил 25 августда, яъни янги ўқув йили бошланиш арафасида қишлоққа янги ўқитувчи келибди деган хабар тарқалди. Олий ўқув юртини битириб қишлоққа қайтди Садбар. Кўп йиллардан бери очилмаган дарвоза олдида баркамол бир қиз турганини кўришди одамлар, аммо ҳеч ким унинг олдига бормади. Занглаган қулф очилди ниҳоят ва дарвозанинг турмлари ғажирлаб қангиллаб овоз берди. Инсон ноласига монанд эди бу овоз.

ОЙ ЖОДУСИ

1

Дераза тоқчасида ойнинг нимранг шуъласи. Нимранг: на кўкимтир, на сарғиш ва на оқ. Тўлишган ой нурига хос рангни тополмади Ойниса. “Сутдай ойдин” шивирлади унинг лаблари. Дарҳақиқат, ҳовли сутдай ойдин. Шу таърифга мойиллик бор қизнинг шуурида. Бошқа бирор таъриф ёки тавсиф мос эмас. Аслида бу момосидан қолган гап. Ой ойдин кечалар деразадан қараб “сутдай ойдин” деб қўярди ва оғир-оғир хўрсинарди кампир. Шундай дерди, хўрсинарди, хаёлчан тарзда ва гўё иситмоқчи бўлгандек ой шуъласига тугиб турарди қуришган бармоқларини. Шунда кампирнинг исмсиз бармоғидаги мис узукнинг кўзида парчаланиб кетиб хирагина милтирарди самовий шуъла. Дераза рапини силаётгандай ёки унинг ғуборини артаётгандай оҳиста ҳаракатланарди унинг узукли бармоқлари. Энди кампир йўқ, ой шуъласи эса ҳамон

ўша-ўша. Сокин, хаёлчан ва мунгли. Нимадандир ўксинаётгандай, нималарнидир сўзлаб бермоқчидай ва яна қандайдир сирдан – инсон зотига маълум бўлмаган, унинг тасаввурига сиғмайдиган сирдан – огоҳ этмоқчидай... Дераза токчасида, хонтахта четида ва хона деворидаги йўл-йўл чизиқлар ҳам худди аввалгидек. Ҳеч нарса ўзгармаган. Ойниса учун бу жуда антиқа манзара. Унда қандайдир сир-синоат бор. Момосининг култапўшогини бошига кийиб оларди-да, бу синоатнинг нималигини англашга ҳаракат қиларди қиз. Оддий нақшлар эмас улар. Йўқ, улар оддий нақшлар эмас. Бу нақшлар дераза шишасининг вужуди. Ҳар қандай вужудда эса сир-синоат яширин.

2

Ой тўлиша бошлаган кечалар чироқни ўчириб қўйиб хона деворидан кўз узмай ёлғиз ўтирган қизни тасаввур қилинг энди. Бошида ўша, йўл-йўл кандирдан тикилган ва мисқолгарди деган матоҳдан астар қўйиб қовилган култапўшок. Унда Ойларой момонинг оппоқ сочлари қолдирган ажабтовур, қўнғирсиқ ҳид бор. Қизнинг нигоҳида аллақандай ховотир, Ойнинг соҳир шуъласида эса кўз илғамас ҳаракат. Бу ҳаракатда енгиб бўлмас бир куч ва муқаррарлик, айни пайтда: сокинлик ва майинлик ва маҳзунлик ва яна аллақандай мунг бор. Аслида ҳам Ой мунгли сайёра. Бирон-бир жонзотга, ҳеч бўлмаганда бир тупгина гулга ҳам эга эмас. Қани энди, унинг кулранг тупроғида бир тўпгина ток ўсса, ток навдасида бир бош қора кишмиш ёки нимранг тоиби бўлса, ёки бир бутагина райхон ҳид таратиб турса! Балки шунинг орзусида соҳир нурлари билан ерни пайпаслар, гиёҳларни, денгиз ва дарё сувларини ўзига тортар... Модомики шундай экан, ер юзидаги одамларни ҳам, бинолар ва дарахтларни ҳам, ҳаттоки қабристонни ва улар қаторида Субҳоннинг қабри-

ни ҳам интиқ бир куч билан ўзига тортаётгани тайин.

Ҳовлида, супа тагида бир туп садарайҳон бор. Агар гул кўп бўлса, биридан бошқасига, ундан яна бошқасига сакрайди нигоҳинг. Нимадир йўқолади, нимадир сусаяда. Қай бирига меҳр қўйиш керак? Кўп гул бу – гулзор, гулзор эса бамисли оломон. Якка ўсган бир тўп гул ёлғизлиги билан ва яна танҳолиги билан, Субҳонга ўхшаши билан қизнинг дилига яқин, оломондан эса узоқ.

Тунда ой нурига чўмиб ухлаётган қабристонга қараш... Фақат бир мартагина бунга журъат этганди Ойниса. Кейин кўп нарсалар ўзгариб кетди. Ва ниҳоят, Субҳон айтиб берган воқеа такрорланди. Дарахт ёғласи устида ёнма-ён ўтиришди улар кунлардан бир кун. Ёз фасли. “Тирч-тирч” этиб сайрайди қорачигирткалар. Узун, қора дирижёрлик либосида улар. “Худди шундай ёз оқшоми эди, – дейди Субҳон. – Ой ойдин, сутдай. Етти...йўқ, тўрт-беш ёшларда эдим чамаси... (Субҳоннинг овозини эшитиши билан машғулотини таққа тўхтатади шу яқин ўртада мусиқа асбобини жўр қилаётган қорачигиртка. Инсон овозига қулоқ тутиб қолади, афтидан)... Ҳа, беш ёшларда. Хонанинг ўртасида ётардилар онам. Оқ кўйлақда. Мен қўрқмадим аввал. Онамни кучоқлаб йиғладим. Ўлим ҳақида унчалик тасаввурга эга эмасдим. Хона қоронғу. Ҳар доим бирор нарса устида хархаша қилганимда бошимни силайдиган қўллар беҳаракат. Нега бундай? Нега меҳрибон онам ҳамма нарсага бефарқ? Ҳеч нарага тушунмай, шу ҳолатда ухлаб қолибман...”

3

Энди Ойниса хонада ёлғиз. Оҳиста ҳаракатланаётган нур оқими гўё девор сиртидан ниманидир қидираётгандай. Девор сирти лимон рангида, ўртада дафтар катталигида қуроқ кашта. Кашта ўртаси-

да Субҳоннинг суврати. Сувратга томон оқади нур. Субҳон эса тобора яқинлашиб келаётган ой шуъласидан кўз узмай бундан уч йил аввал сўзлашни бошлаган кўрқинчли ҳикоясини ҳамон давом эттираётгандай. Онанинг ўлими, тунда беш ёшли боланинг жасад ёнида ёлғиз қолиши, ой оҳиста силжиб келиб оқ кўйлақда ётган жасадни ёритиши... Онанинг кўкрагидан бўйнига томон, ундан иягига, лабларига томон сирғалиб ўтаётган оқ илонга ўхшаш ингичка ва узун ой нури. Жасаднинг кўзлари ҳайратлангандай очиқ. “Ой сутдай ойдин кечалардан ҳозир ҳам кўрқаман. Ой нури кафанни эслатади”. Суврат томон тобора яқинлашиб бораётган ой нурига қараб тураркан, Субҳоннинг гапларини эслади ва бутун вужуди билан титраб кетди Ойниса. Ва ойга қаради, унинг сувратга томон бетиним ҳаракатланаётган шуъласидан кўз узиб. Қизиқ бир нарсани – ҳали дунёда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсани – кашф этди шунда. Ой юзидаги доғ осмон малаги Исрофил! Ё парвардигор, нега бир ожиз бандангни хаёлига бундай нарсаларни соласан?! Бир оёғини олдинга кўйиб, иккинчи оёғига таянганча бироз ортга чалқайган куйи турарди малоика Исрофил. Оғзида қиёмат куни чалинадиган карнай. Исрофил сур тортадиган карнайнинг беҳад катталигини ва бу карнай ҳамма нарсани, ҳатто ер қуррасини ҳам ютиб юбориши мумкинлигини эшитганди Ойниса момосидан. “Исрофил сур тортса қиёмат бўлади”. Шундай дер эди момо. Аммо ойнинг бетидagi доғнинг фаришта Исрофилга ўхшашини ҳеч ким айтмаган. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу кашфиёт.

Бора-бора жиддий машғулотга айланди Ойнисанинг ой билан мулоқоти. Балки бу ёлғизликнинг оддий эрмагидан бошқа нарса эмас дерсиз? Унда нима сабабдан ой нури чизган тасвирларга лупа орқали қарайди қизгина ва дафтарга нималарнидир ёзиб қўя-

ди? Қўлига паргар ва чизғич олиб само ёритгичидан тўкилаётган ёрқин ва хира нур йўлакчалар оралиғини ўлчайди... Рақамлар билан белгиланган дафтар ва рақларида улар. Бетартиб бир тарзда сочиб ташланган ҳарфлар, турли кўринишдаги белгилар бор.

Кейинчалик – орадан бир неча йил ўтиб, Ойниса бедарак йўқолгандан кейин унинг эгасиз қолган уйига кўчиб ўтдим. Ва Ойшунос қизнинг тадқиқотларини жиддий тадқиқ этишга киришдим. Айтиш мумкинки, сочиб ташланган ҳарфларда ҳамда шаклларда узвийлик борлигини аниқладим. Қадимги дунёнинг улуғ рассоми Леонардо да Винчи ҳеч ким ўқиёлмасин деб хатни тескарисига ёзар ва зарурат туғилганда уни ойнага тутиб ўқирди. Ойна барча ўнг нарсаларни чаппасига ва аксинча тескари нарсаларни ўнгариб кўрсатади. Ана шундай қайсар ва сирли “жонзот” ойна деганлари. Хуллас, шу воқеа ёдимга тушиб дераза жомларидан иккитасини ўрнидан кўчириб олдим, бор ҳунаримни ишга солиб шиша жом сиртига кумуш эритмаси суртдим ва аввал кулранг бўёқ билан, сўнгра қизил бўёқ билан бўядим. Шишанинг шаффоф вужуди ўзлигидан кечиб тиниқлашди ва ойнага айланди. Ойналарни бир-бирига қаратиб қўйдим. Шунда чексизлик ҳосил бўлди. Дафтарнинг биринчи варағини ўзимга тескари турган ойна сиртига ёпиштирдим, натижада ҳарфлар, белгилар ва шакллари чизгилар чексиз даражада тақрорий тасвир зухур этди. Аммо бу тажриба кутилган натижани бермади. Дафтар варағидаги барча белгилар ойна сиртида тескари бўлиб кўринарди, холос. Худди шу усулда ой тасвирини ойнага тушириб чексиз даражада ой ҳосил қилишдан ҳам қониқмадим. Алламаҳалгача кўзимга уйқу илинмади. Ухламоқчи ҳам эмасман. Ўйларим чувалашган, уларнинг ҳаммаси бир томонга қараб оқим ҳосил қилган. Бу оқимда ҳаттоки ўзим ҳам сузиб бораётгандайман. Оқим Ойнисага ва

унинг ой нури билан ўтказган тажрибаларига бориб урилади. Ва мен болалигимда юз берган бир воқеани эслайман ҳар сафар: Ташқарида, ҳовлининг ўртасида ётардик биз, яъни онам иккаламиз. Супасиз, деворсиз бир чети қишлоқ марказидаги подахонага тутшиб кетган ҳовли. Ёз оқшоми, ҳовли сутдай ойдин. Нақ пешонаминг устида парпираб турган ой гўё шу харобгина қишлоқни ва шу қишлоқнинг харобгина ҳовлисида ётган қўрқоқ бир вужудни, яъни мени қўрқитиш учун кўкка кўтарилгандай. Юрагим тўла ваҳм. Ваҳм вужудимни шу қадар исканжасига олганки, бошимни буришга ва ёнимда ухлаб ётган онамга қарашга, умуман, қилт этиб қимирлашга қўрқаман. Гўё бутун дунёни қўрқув ўз исканжасига олган. Онамга яқинроқ сурилишни ўйлайман, қўлим билан онамнинг қўллари ушласам озгина бўлса ҳам юрагимни тўлдирган ваҳмдан қутилардим балки. Афсуски, бундай қилолмайман, бирор туким қилт этса қўрқув мени кўриб қоладигандай. Ана шундай ҳолатда ётарканман, подахонанинг нариги четида, Ўтаган аканинг уйи ортида катта қора тўртбурчакка кўзим тушди. Шу қора тўртбурчакнинг ўртасида – балки унинг бир четроғидадир – ўша қоронғуликдан ҳам қорароқ бир нарса ҳаракатланарди. Антиқа бир тарзда – худди рақс тушаётгандай – ҳаракатланарди ўша қора нарса.

4

Ўшанда гарчи беш-олти ёшларда бўлсам-да, бу рақснинг беўхшовлигини ва шу беўхшовлиги билан ғайришуурийлигини англадим. Гоҳ ёйилар, гоҳида йиғилиб бир жойда қуюқ қора бўёқ ҳосил қилар ва гоҳида юқорига томон ўсиб бораётган каби ғайритабий шаклга кирарди ўша қора нарса. Ой тўлишган ва борлиқ сутдай ойдин бўлса ҳам ёрита олмасди ўша қоронғуликни. Том бўғоти остидан, девор соясидан

паноҳ топганди ўша қора раққоса. Рақс тушаётган қора туманлик – балки қора қурум десам тўғри келар – назаримда мендан кўзини узмаган ҳолда ҳаракат қилар, даҳшатдан бир бўлак кесакка, дарахтнинг кесиб ташланган ғўлачасига айланиб қолган менинг вужудимни ҳам рақсга чорларди, афтидан. Имларди мени... ушанда бу ўлим рақси эканлигини англамаганман. Аммо мубҳам бир ваҳима шарпаси оғир қанотлари билан ерга киргизиб юбормоқчидек ёки ётган жойимда маҳв этмоқчидек куч билан босиб турарди мени. Инсон танаси жон учун қамоқхона. Коинотнинг узоқ бир ҳудудидаги сайёрада яшайдиган жонлар ҳам гуноҳ қиладилар. Шунда гуноҳининг нечоғли оғирлигига қараб бир неча дақиқадан бир неча йил муддатга зиндон жазосига маҳкум этилади жон. Ва муддат тугаши билан вобаста қилинган занжирларни узиб инсон танасини тарк этади ва учиб кетади ўз сайёраси томон. Занжирларни узиб ташларкан, рақс кўринишида намоён бўлади бу жараён. Ана шу жараён эди мен кўриб турган ҳолат.

Ҳаммаси маълум бўлди эрталаб. Одамлар тўпланишиди саҳарданоқ. Тушириб олишди том бўғоти остида осилганча оҳиста тебраниб турган жасадни. Ўн етти ёшли бу қиз нима сабабдан осди ўзини? Турли фикрлар айтишарди одамлар, аммо мен ҳали уларнинг фикрини тушуниш даражасида эмасдим, ёш эдим. Тунда бўлган мудҳиш воқеани кўрганлигимни ҳам айтолмадим. Одамлардан, жасаддан ва бошқа ҳамма нарсадан кўрқиб турардим. Ойнисанинг дафтаридаги ёзувлар, шакллар ва белгилар кўпроқ ўзига тортарди мени шу воқеани эсласам. Дафтардаги тилсим сирини очишга уринишларим ҳеч қандай самара бермаётган бўлса-да, бу машғулоти ташлаб кетишга ўзимда куч тополмадим. Ва унинг хонасида ўтириб ойни кузатар, унинг ҳар бир фазасида рўй берадиган шаклий ўзгаришларни қоғозга туширардим.

Август ойининг сўнги ўн кунлиги. Ой аста-секин тўлишиб бормоқда. Кундузи ҳам кўрдим уни. Нурсиз, бир томони қурт егандай ёки уқувсизлик билан ушатиб олинган нондай. Тикилиб қарагандим шаффофланиб, гўё ортидан кўкимтир тусда кўрингандай бўлди осмон. Ой тўғрисида тадқиқотлар кўп фанда. Бир томони юз даражадан иссиқ, иккинчи бети бир юз ўн даража совуқ. Сирти кулсимон модда билан қопланган, сув ва ҳаво йўқ. Аниқроғи, мутлақо ҳаёт асари кўринмайди. Ерда юз кило тош босадиган одам ойда... аниғини билмайман, етмиш ва балки олтмиш кило чиқса керак. Бу сайёра айтишларича, ердан кўринганидай нурафшон эмас, балки қорамтир бир сиртга эга, нурни эса қуёшдан олади...Ана шундай тадқиқотлар бор. Америкаликларнинг ойга боргани ва унинг устида ўз оёқлари билан юргани ҳақида ҳам анчагина гаплар бўлгани эсимда, аммо кейинчалик мутлақо ҳаёт асари йўқ бу сайёрадан ерлик тадқиқотчиларнинг кўнгли совигандай. Энди бизни Марс сайёраси қизиқтирмоқда. Қизил сайёра деб ном олган бу осмон ёритгичига унчалик қизиқиш билдирмасди Ойниса. “Қани унинг ўзи? Қани унинг деразам рапини ёритиб турган қизил нури?” деди бир оқшом иккаламиз ёлғиз ўтирганимизда. Биз ташқарига чиқиб осмонга қарадик ва Қизил сайёрани қидирдик. Бизда на телескоп, на бошқа бирон кузатув асбоби бор. Ҳатто оддий дурбин ҳам йўқ. Ҳеч нарсага аниқлик кирита олмадик. Ой ҳали батамом тўлишган бўлмаса-да, парпираб нур сочар ва осмонни кузатишга монелик қиларди. Ўшанда билмасдим бу қизнинг ой нуридан кўрқисини ва айни пайтда унга қизиқишини. Ўша оқшом унинг ойшунослигига доир баъзи бир белгилар намоён бўлди. Улардан айримларини мен кейинчалик кузатув дафтаримга ёзиб қўйдим. Биз супа четида ёнма-ён ўтирардик. Осмон ёритгичлари

тўғрисида билганларимни унга сўзлаб берарканман, анчадан бери унинг сукут сақлаб тургани ва менинг гапларимни умуман эшитмаётганини пайқаб қолдим. Ойга қараганча қотиб турарди у. Ихтиёри ўзида эмас, хаёли ҳам. Бироз энгашиб унинг кўзларига қарадим. Кейин рўпарасига ўтиб ерда чўнқайдим. Унинг ҳолати ўзгармади. Мени унутганди, афтидан. Кўкси тез-тез кўтарилиб тушаётганига қараб нафас олиши тезлашгани ва юраги ҳам қафасдаги кабутардай патирлаётганини англадим. Ва яна кўзларига тикилдим. Унинг нигоҳида қотиб қолганди ой шуъласи. Кўзлари атрофида оппоқ ҳалқа. Кейин ҳаракатга келди ҳалқа ва унинг пастки чети томчи шаклини олди-да, қизнинг кўзларидан оқиб туша бошлади. Кўрқинчли эди бу ҳолат. Ногоҳ болалигимдаги ўша воқеа, том бўғотида ўзини осган қиз билан боғлиқ манзаралар, соялар ўйини ва ўлим рақси кўз ўнгимга келди-ю, қизнинг елкасидан тутиб: “Ойниса! Ойниса!” деганча силкилай бошладим. Албатта дарҳол ўзига келди қиз ва оғир хўрсинди. Биз хайрлашдик, аммо уни ташлаб кетгим келмасди. Мана шу супада ётишимни билдирдим. Қаршилиқ кўрсатмади ва супа устига жой солиб берди. Табиийки, уйқу келмайди бундай паллада. Осмонга тикилганча ётавердим. Ҳа, дарвоқе, кейин билсам, ўша ҳолатда у ой сиртидаги доғни яна такрор малоика Исрофилга ўхшатган ва ўзининг бу кашфиётидан кўрқиб кетган экан. Аммо айтмади буни менга орадан кўп йиллар ўтса ҳам. Қаттиқ сир тутди нима сабабдандир. Балки унинг кашфиёти муқаддас динимизга бориб тақалганини ўйлаб сир сақлашга қарор қилгандир. Унинг тадқиқотлар дафтари бўлмаганда билмаган бўлардим мен ҳам бу сирни.

Ойниса бедарак йўқолгандан кейин унинг тадқиқотларини ўрганишга киришиб эришган илк муваффақиятим – шу. Аммо осонликча эришмадим бунга.

Шартли белгилар воситасида ёзган эди қизгина бу сўзни. Ой ва кун саналаригина ўз ҳолича эди фақат. Худди ўша кунни топдим дафтардан. Мана, 27 август. Йили кўрсатилмаган. Бир йил кутдим. Ва ниҳоят, 27 август кечаси дераза рапига қулайроқ ўрнашиб ўтирганча ишга жиддий киришдим. Олдимда: паргар, жазбар, дафтар ва соат. Лупа ҳам бор, албатта. Ой осмонда муаллақ, батамом тўлишган, ярқираб, балқиб, тиниқ тортиб турибди. Деразадан тушиб турган чизиқлар ва улар орасидаги ҳошиялар, ҳошиялардаги оқликдан кўкимтир рангларга томон уйғунлашиб ўтаётган нур дасталари... Дасталар орасидаги қисқа чизиқлар ва нуқталар... Дераза вужудидан тушаётган нурли чизиқлар тагига дафтар варағини тўғрилаб қўйиб секинлик билан шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа томон ҳаракатлантира бошладим. Ва ногоҳ нур ҳошияси қатида, яъни дераза жомидан тушган узун-қисқа, параллел чизиқлар оралиғида “И” ҳарфи ҳосил бўлганини аниқ кўрдим! Деразанинг ғарб томондаги учинчи кўзида тариқ донаси катталигида нуқта борлигини аввал ҳам кўп марта кўрган ва шу нуқта орқали ҳовлига қараб қизиқ-қизиқ ўйинлар қилгандим. Баайни мўъжизанинг ўзи бу нуқтача. Дарахт танасида ҳаракатланиб турадиган улкан кавак ҳосил қила олади. Девор сиртида қават-қават чизиқлардан иборат доира чизади. Ерга тўғрилаб қарасам ер худди аталадай суюлиб менинг бош ҳаракатимга мос айланаверади ўша доиралар. Худди қуюқ аталани қошиқ билан аралаштираётгандай. Шиша қуйиш жараёнида унга томган тариқдек ва ё мош катталигидаги шу нуқтача иккинчи ҳарфни берди менга. Дафтарга нуқтанинг ярим ҳолатини туширгандим, “С” ҳарфи ҳосил бўлди. Энди менга Ойнисанинг узоқ йиллар давомида олиб борган кузатувлари ва кашфиётлари ўз сирини очмоқда! Ва мен қизнинг ички дунёсига томон кириб

бормоқдаман. “Исрофил” деган шу сўзни ёзиб қўйиш учун шунчалик машаққат чекиш зарурмиди дея ажабланишингиз табиий. Аввало, шуни айтишим керакки, шу биргина сўз эмас, бир дунё сўз ва жумлалар, яхлит тузилган гаплар, бутун бошли манба ва матлалар бор унинг дафтарларида. Инсон ҳиссиётларининг ранги, шакли ва оҳанглари туширилган сирли белгилар ҳар қандай одамни жозиб куч билан ўзига тортиши табиий. Уларни ўрганишни мен шу сўздан бошладим, холос. Чунки ўтган йили худди шу кечада – яъни 27 август тунда – супа четда ўтириб тўлин ойни кузатишимиз ва қизнинг ғайритабиий ҳолатга тушиб қолиши... Тўғриси айтсам мени бефарқ қолдиролмасди. Унга бўлган муҳаббатим бутун умримни ва ҳаётимни шу қизнинг бахти учун қурбон қилишга даъват этарди. Демакки, унинг ички дунёсини билиш ва шу йўл билан уни англаш мен учун ҳаётий зарур. Ойнисанинг бедарак йўқолиши-чи!? Эрталаб туриб қарасам Ойниса уйда йўқ. Ва ҳозиргача бедарак. Қидирув органлари кўп ҳаракатлар қилишди, эълонлар берилди, қизнинг суврати ва бор ташқи қиёфаси ёзилган қоғозлар тарқатилди. Натижа йўқ. Мен эса ҳамма гап унинг ташқи белгиларида эмас, балки ички дунёсида деган фикрдаман. Ҳаттоки Ойниса ўз ички дунёси ичига кириб яшириниб олган деган фикр ҳам миямга урилиб мени безовта қилади гоҳида. Мана, бир йилдирки, ўзи ёзган белгилар, шакллар, чизгилар қатидан излайман уни. Ўша август оқшомидаги ҳолат тилсим калитини қўлимга тутқазган эди. Тўғри, гоҳида узун тунлар уриниб бирор натижага эриша олмаганимда, кузатувларим натижа бермаганда Ойнисанинг дафтарларини бир неча кун давомида қўлга олмаганман ва ҳатто бу кераксиз машғулот деган хулосага келган пайтларим ҳам бўлган. Шундай пайтлар Миср эҳромлари, Тутмос, Тутанхамон, Нефертити саркофағларидаги ёзувларни

ўрганишга бутун умрини ва бор бойлигини сарфлаган олимларнинг машаққатли меҳнати тасаввуримга келган ва янада куч ва ғайрат билан ишга шўнғиганман.

6

Етти йил ўтди орадан. Энди менга кўп нарса маълум. Энг муҳими, Ойнисанинг қаердалигини биламан! Токи унинг дарагини топгунига қадар, аввал унинг мақсадини топдим, яъни нималарга интилганини аниқладим:

*Маҳшар гуни гўрам дерам ул сарви қомати,
Шул гуниям гўрунмаса гел гўр қиёмати...*

Дафтар муқовасидаги икки мисра шеърни бир неча бор ўқиган бўлсам-да, қилаётган тадқиқотларимга дахлдор эмас деб ўйлагандим. Бир кун оқшом каравотда чалқанча ётиб шу икки мисрани бот-бот такрорлардим. Ой шом еган, яъни у осмонга кеч кўтарилади. “Ой шом еган” дейишади бизнинг Мираки томонларда ойнинг бу фазасини. Салгина ғалатироқ, аммо ифода аниқ. Ой шомни емайди бундай қараганда, аммо бирор жиҳатини ҳисобга олгандирки, халқ шундай деган. Хуллас, ой ҳали кўтарилганича йўқ. Хона қоронғу. Мен одатда шам ёки чироқ ёқмай ётишни хуш кўраман. Қоронғуда яхши фикрлайман. Мана унинг яна бир натижаси. “Маҳшар куни...” дедиму нафасим ичимга тушиб кетди. Маҳшар куни нима бўлади? Ҳар бир муслим биладики, маҳшар, яъни қиёмат куни барча ўликлар тирилади. Шунда оға-инилар, ота-она-ю бола-чақалар, севишганлару бу дунёда учрашганлар ва хуллас ҳамма бир-бирини кўришга сазовор бўлади. Модомики шундай экан, Ойниса ҳам Субҳонни кўради! О, бу қизнинг зукколигини қаранг! Қаранг унинг кичкина косани катта коса тагига яширишини! Нега

мен бу мисраларни неча бор такрорлашим ва ҳатто хиргойи қилиб юришимга қарамай, “гўрам дерам” деган сўзлар моҳиятини англамадим. Қиёмат куни уни кўраман деб аниқ айтяпти-ку қизгина. Қувонч ва ўкинчлар аралашиб кетди дилимда. “Ул сарви қома-ти” деган сўзлар тизими айнан Субҳонга қаратилган. Сирихдай сипта, қадди-қома-ти ғоят хушбичим эди Субҳоннинг. Кўкраклари кенг. Ўмровли... шунга қарамай рангпар эди унинг юзи... хаёлчан эди кўзлари. Кулишга, ҳеч бўлмаганда жилмайишга мажбурларди ўзини гоҳида. Туғма шол эди бир қўли... Ва у ҳамиша ғамгин воқеаларни сўзлашга мойиллик билдирарди. Олди-қочди гаплар билан қизнинг кайфиятини кўтаришни ўйламасди, афтидан. Ва афтидан, у анчагина кучли психолог эдики, қизнинг қандай суҳбатларга мойиллигини ва бундай суҳбатлар унга нима учун кераклигини тушунарди.

7

Дарвоқе, чалғиб кетибман бироз. 27 август тунида юз берган ҳолат ҳам шу икки мисрада мужассам экан аслида. Малоика Исрофил сувратини ой сиртида кўрган Ойниса, балки ўша оқшом тезроқ сур тортишини ва қиёмат қойим бўлишини сўраган ундан. Қизнинг кўзларида ой нурига қоришган илтижо, кўксининг тўлқинланиши, юрак уришидаги кескин ўзгариш ва ёнида мен ўтирганимни ҳам унутиб қўйганлиги фақат елкаларидан тутиб силкилаганим, отини айтиб овоз берганимдан кейингина ўзига келиши... Субҳонни кўришга бўлган илинж иштиёқ, тийиқсиз куч... Малоика Исрофил сур тортса, қиёмат юз берса, ҳамма тирилса ва Субҳонни кўрса!.. Бирозгина малол чўкди менинг ярадор дилимга. Мен ҳам севардим бу қизни ахир! Ёнгинасида ўтирган эдим мен. Бирдан бошимни қаттиқ силкиб ўзимга келдим. Ойнисага нисбатан ҳат-

то хаёлимда ҳам барча туйғулар ойдин ва риёдан холи бўлиши керак. Шу ҳақда андаккина шама қилгандим бир куни унга.

Иккаламиз хиёбон бўйлаб борардик ўша антиқа лаҳзаларда. Бу қиз билан ёнма-ён юришдан бироз фахрланардим. Хиёбоннинг ҳар иккала томонида оқ танли баҳайбат чинорлар. Ҳамма ёқ оппоқ. Учрашиб қолганимизда соат ўн бирга яқинлашиб қолган эди. Мана энди ўн икки ярим. Қор ёғмоқда ҳамон. Чинорлардан сўрайман хаёлан: “Шундай қизни кўрганмисиз ҳеч”. Улар жим. Фақат оёқ остида майингина ғижирлайди қор. Унинг киприкларига кўнади қор парчалари... Туйғуларнинг оқлиги тўғрисида бошланган шамадан бошқа фикрлар устунлик қилди ва сўрадим.

– Ўзи мавжуд бўлмаган нарсани севиши мумкинми инсон?

– Мумкин. Бордан йўқ бўлмайди ҳеч нарса. Агар сен Субҳоннинг бедарак йўқолганига шама қилаётган бўлсанг, шуни айтаманки, у бор эди.

– Нотўғри тушундинг, Ойниса, кўзингни юм, оч, хаёллардан қоч, мавжуд борлиққа қайт. Инсон ниманингдир хаёли билан яшай олмайди. Биз тирик одамлармиз... – гапдан тўхтадим. Бироз нотўғри ва мантиққа зид гапирётганимни англаб тилимни тишлаб қолдим. Ёнимда бошқа бирор қиз бўлганда мумкин эди шундай давом эттиришим, аммо Ойниса... Суҳбатлашиш қийинроқ у билан. Умуман, қиз боланинг ва умуман аёл зотининг ўта ақлиси, бунинг устига ўта хаёлчани биз эркакларга унчалик ҳам маъқул кўринмайди. Шундай бўлишига қарамасдан Ойнисанинг хаёли билан яшардим мен. Қандайдир мубҳам ва кўзга кўринмас куч таъсирга тушиб қолгандим. Назаримда, ўзга сайёрадан, борингики, ойдан тушган эди бу қиз. Шу гаплардан кейин ишонч билан айтаманки, тадқиқотлар туфайли эришган энг катта натижам уни топганим бўлди. Ойниса ўз ички дунёсининг ичида!

Унинг ички дунёси эса узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари ичида! Тадқиқотлар эса мана шу хонада, дераза рапида ва дафтар ичида.

8

Ана шундай фикр билан ўзимни овутиб юрган кунларнинг бирида дераза тоқчасида бир туп ёронгул пайдо бўлди. Алвондай қизил. Эшик дераза берк эди, шу туфайли алғов-далғов бўлди кўнглим. Уйнинг калити чўнтагимдалигини ва мен шу калит билан қулфни очиб кирганлигимни аниқ билсам-да, дам қулфга, дам калитга қарар ва ҳатто чўнтагимни ҳам пайпаслаб қўярдим. Гулга қарайман, дераза тоқчасида, сопол гултувак ичида яшнаб турибди. Барглари худди қалдирғочкулчаникига ўхшаш. Четлари яшил ўртасида кўнғиртоб парраксимон ҳошия. Унга яқинроқ боришга журъатим етмай, хона ўртасида туриб қолдим.

– Чиройлими?..

Чўчиб ўзимни эшикка урдим. Ва остона ҳатлаётиб ортимга қарашга улгурдим. Хона бурчагида мутлақо бегона бир аёл! Нигоҳларимиз тўқнашди.

– Қўрқма, Султон Остон, сенга зиён еткизмайман.

– Кимсиз? – сўрадим овозим титраб унинг оппоқ сочларига қарарканман.

– Дўстингман.

– Исмингиз ким? Сизни танимаяпман.

– Ойшуносман.

– Ойшунос!?!..

Лабининг бир четгинаси билан жилмайди аёл ва гўё сочларининг оқлигига ишора қилгандек қўллари билан чеккасидаги толаларни силаб қўйди. Ўз ҳаракатимдан ўзим хижолат чекиб ичкарига кирдим.

– Олиб келдим ниҳоят шу гулни.

Нима сабадан “ниҳоят” деётганига ақлим етмади. Ҳамма жойда бор-ку ахир ёронгуллар. Ойдан олиб

тушмагандир уни. Менга қолса, ёронгулларга нисбатан цикламинлар жозибадор ва камёб... Савол назари билан қараб турарди аёл, шу боис ёндош фикрлардан чекиниб хотиржам тортдим ва сўрадим:

– Ойшунос... Бу исмингизми ёки касбингизми?

– Исмин ҳам, касбин ҳам.

Унинг овозидаги айрим товушлар танишдай туюлиб яна сўрадим:

– Сиз Ойниса деган қизни танимасмидингиз мабодо?

Ниманидир эслашга уринаётгандай бироз жим қолди аёл. Тикилиб турди кўзларимга бир муддат. Агар бу аёл Ойнисанинг ўзи бўлса, унинг ёши ҳозир йигирма тўққизда бўлиши керак. Шундай бўлгач сочлари... Аёл яна бармоқларини чеккасига қўйди. Кафти билан сочларининг оқини беркитмоқчидек туюлди менга. Ва шу ҳолатини ўзгартирмаган кўйи боши билан дераза томонга ишора қилди.

– Шу гулни олиб келдим...

– Миннатдорман. Жуда чиройли экан.

– Менга шу гулнинг суврати керак. Фақат қоғозга чизма, мана бунга чиз.

Аёлнинг қўлида дераза шишасига ўхшаш аллақандай нарса турарди. Сира кўрмагандим бундай антиқа матони.

– Қачонга керак? – сўрадим кўзимни унинг қўлидаги нарсадан узмай.

– Фурсатингга қара. Мен уч кундан кейин қайтаман.

– Дарвоқе, мен уйда бўлмасам-чи ўша куни?

Бу саволни беришдан мақсадим унинг уйга қандай кирганини аниқлаш эди.

– Менда уйнинг калити бор, – деди аёл хотиржам тарзда.

– Ойниса берганмиди сизга?

Ҳамон унинг шахсини аниқлашга уринаётганимни тушунди аёл.

– Ўша қиз сени севарди, – деди бироз маҳзун тортиб. Ва яна гулга ишора қилди. Аммо ҳеч нарса демасдан хона деворларига кўз югуртириб чиқди-да, токчада турган култапўшокни кўлига олди.

– Баъзан сиз буни кийиб ўтирардингиз, – дедим таваккал қилиб.

Оғир хўрсинди аёл. Култапушокнинг сиртини силади бармоқлари билан. Юзига яқин олиб борди. Менимча, ҳидлаб кўрмоқчи бўлди. Балки ҳидлагандир ҳам... Кейин у шарпасиз қадамлар билан эшик томон юрди. Кўлида култапўшок. Журъатим етмади бирор нарса дейишга. Эшик ёпилди.

9

Агар эътибор қилган бўлсангиз, мамлакатнинг энг номдор ресторанлари ва бообрў корхоналарининг фойелари ва залларини безаб турибди мен чизган портретлар ва натюрмортлар. Ёронгулни чизишга ҳам ишонч ва иштиёқ билан киришдим. Ван Гог услубида танладим рангларни. Фикр ва туйғуларимни эркин қўйдим, эркин қўйдим кўл ва оёқларимни. Кўлимга мўйқаламни оларканман, инсон ва коинотнинг, микро ва макро оламнинг бир бутунлиги тўғрисида улуф Винсент синглизига ёзган хатини эсладим. Ва айни пайтда бу улуф рассомнинг “Дунёга келаркансан, сен биргасан осмон билан, кувёш билан, ой билан ва учаётган булутлар билан” дея хиргойи қилганча ўзининг машҳур асари “Ток навдаси”ни чизаётган ҳолатига киришга ҳаракат қилдим. Ўзига хос бундай имутация жуда зарур эди менинг айни дамдаги руҳиятимга. Неча йилдирки, сурат чизишни ташлаб қўйган бўлсам-да, (тадқиқотлар туфайли) ёронгул кўнгилдагидек чиқди. Қийин бўлди албатта нималиги номаълум холстда суврат чизиш. Аслида уни холст деб ҳам бўлмасди, мен шартли равишда шундай номляяпман.

Матоҳ сирти худди кўкимтир кукун сепилгандай бироз дағал, аммо зеҳн солиб қарасангиз, шу дағаллик остида бошқа бир қават борлигини ва бу қават нурга, аниқроғи ой шуъласига ўхшашини пайқайсиз. Худди сувдай килкиб турганга ўхшайди бу нур деганим. Унинг остида яна бир қават бўлиб, бу қават осмон рангини эслатади. Хуллас, “Ёронгул” тайёр. Мўйқаламни латта билан артиб шиша идишдаги суюқликка солиб қўяётиб остонада Ойшунос турганини кўрдим. Бу пайтда қорамтир қанотларини секинлик билан ёймоқда эди куз оқшоми ва деразамда уфқ шафағининг ёқтиси титраб турарди ҳали. Титроқ шафақ ёронгул япроқларини сиртдан ёритар ва назаримда гулбарглар чўғдек яшнамоқда ва кўзга кўринмас нур эпкинни таъсирида титраб ҳам турарди бирозгина. Чироқни ёқишга шошилдим. “Ёқманг”. Энди аёл мени сизлар ва аввалгидан майинроқ муомала қиларди.

– Ёқманг, бу лаҳза узоққа чўзилмайди, мен ёронгулнинг шу ҳолатини кўриб қолмоқчиман.

– Хоҳишингиз...

– Кейин уни эгасига топширамыз.

Унинг сирли гаплари бироз меъдамга теккани сабабли эътироз билдирмадим ва гулнинг эгаси кимлигини ҳам сўрамадим. Унинг имоси билан дераза тагига тўшаб қўйилган кўрпачага ёнма-ён ўтирдик. Худди бундан етти йил муқаддам ўша август оқшоми тўлин ойга қараб ўтирганимиздай. Кейин у катта лаганда намакопли сув келтиришимни сўради. Лаганни дераза токчасига жойлаштирди-да, сувратни сув устига қўйди. “Жоду қилишга ҳозирлик кўраётган сеҳргарнинг ҳаракатлари...” Шундай фикр ўтди хаёлимдан. Кейин биз ташқарига чиқиб эшикни қулфладик ва тунги чироқлари парпираб турган шаҳар томон йўл олдик. Унинг истаги билан бўлди буларнинг ҳаммаси. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига етганимиз-

да емакхонага таклиф этдим уни. Бу таклифга ҳеч қандай муносабат билдирмади. Индамай кетаверди. Мен ҳам эргашдим ортидан. Ҳадемай ой нурига чўлғаниб ётган кенг адир намоён бўлди рўпарамизда.

– Шу ерда хайрлашамиз...

Оғир, жуда оғир бир мунг ва ҳорғинлик бор эди унинг овозида. Узоқ уфқдан узмасди нигоҳини.

– Суврат-чи? – дедим ранжиган қиёфада.

– Суврат эгасига топширилди...

Хайрлашув олдидан менга қарар ва яна бирор сўз айтар деб ўйлаган эдим. Йўқ, нигоҳини уфқдан узмаган кўйи Ерга тўшалиб ётган ой нури устига оҳиста қадам қўйди. Биз юриб келган йўллар ҳам ой нурлари билан чароғон эди аслида, аммо бу ерда унинг ҳаракатлари қандайдир бошқачароқ тус олди. Худди автобус зинасидан чиқаётгандай ёки платформадан метро поездига ўтаётгандай кескин бир интилиш билан адир четига қадам қўйди. Нимагадир қоқиниб кетди деган хаёлга бориб, уни йиқилишдан сақлаб қолмоқчи бўлгандек беихтиёр қўлларимни чўздим. Ҳавода муаллақ осилиб қолди менинг қўлларим. Шунда ажабтовур бир ҳолат рўй берди менинг кўз ўнгимда. Аёлнинг эгнидаги оқ шоҳи қўйлаги оппоқ сочлари устига беҳисоб нур толалари ёғилаётганини, бошқа бир бўлак ингичка ва нозик нурлар оқими эса унинг атрофидан айланиб ва гоҳида юқоридан пастга, пастдан юқорига томон ҳаракатланиб тобора қалинлашиб ва қуюқлашиб бораётганини, нурларнинг бу антиқа ҳаракатидан қандайдир сутранг матоҳ тўқиладиганини кўриб турардим. Кўзга кўринмас моҳир тўқувчи ишга солмоқда эди бор санъатини. Гўёки Арахнанинг ўзи тўқимокда эди бу матоҳни. Ниҳоят, энги, этаги ва ёқаси йўқ бир либос ичида қолди Ойшунос. Кўзларимга ишонмас ва наҳотки шу кўриб турганларим ҳақиқат бўлса дея сирли манзара кашф этган бепоён адирдан ва Ойшунос атро-

фида тобора қуюқлашиб, уни ўраб-чирмаб олганча, борган сари узоқлашиб кетаётган нурлар оқимидан кўз узолмай турардим. Ой нурларига қўшилиб, унинг соҳир қаватларига сингиб тобора узоқлашиб борарди бу шаффоф издиҳом.

Гира-шира тонг ота бошлаганди уйга қайтдим ва хонага киришим билан деразага қарадим. Эвоҳ, йўқ эди ёронгул! Кучли бир ҳорғинлик бутун вужудимни тўшакка томон тортаётган бўлса-да, дераза олдига бориб ерга чўккаладим ва сув килкиб турган лаганга қарадим. Эвоҳ, ҳалиги холст ҳам, мен чизган суврат ҳам йўқ эди унинг ичида! Фақат бироз қуюқлашибди сув. Унинг сиртида эса турли рангдаги бўёқларнинг билинар-билинимас изи...

Ерга мўк тушганча Ойнисанинг дафтарларини титкилай кетдим. Мана, муқовасига макрокосм белгиси чизилган дафтар. Мана, дафтарнинг энг сўнгги саҳифаси ва мана ўша мен излаган ёзув:

“Ой мунгли сайёра. Туни билан ерни ёритади ой, силаб-сийпалайди уни нурлари билан, ниманидир излайди ва нималарнидир сўрайди. Ўзига тортади ҳамма нарсани: дарахтларни, гулларни, одамларни, денгизу дарёларни ва ҳаттоки қабрларни ҳам... Қани энди шу мунгли сайёрага бир тўпгина ёронгул совға қилсам!..”.

ОСМОННИНГ БЎЁФИ

Хиёбондан майда қадамлар билан пилдираб кетаётган киши умрида биричи марта мутлақо одатдан ташқари ҳолга дуч келди. Ҳамма нарсанинг рисоладагидек бўлишига кўникиб қолгани учун ҳам қаттиқ ҳаяжонга тушиб “Ё парвардигор, бу нимаси” деб хитоб қилди-ю, шу хитоб ҳам ҳаётнинг ҳамма учун умумий бўлган тарзидан ташқарилиги ва ғайриихтиёрийлигини ўйлаб саросимага тушди.

Саросимага тушганда пешонасидаги ажинлар йиғилиш ўрнига ёйилиб текислашар, қоши қовоғи устига, қовоғи эса киприклари устига босиб тушарди. Қаншарида, буруннинг пешона билан туташган нуқтасида узунчоқ тугун ҳосил бўларди.

Киприклари пирпираб учиб кетишга чоғланган капалакдек титрарди.

Қўшқаватли бинонинг томида ҳилпираётган бир бўлак латтага ҳайратланганча қараб тураркан, узоқдан кимдир чақираётгандек бўлди. Ортига ўгирилиб қараб ҳеч кимни кўрмади ва яна қулоқ тутди. Шунда “Чаппаев! Ўртоқ Чаппаев!” деган чорловни аниқ эшитди. Атрофга аланглаб товуш эгасини тополмади.

– Ўртоқ Чаппаев!

Бу сафар Чаппаев дарахт тепасига қараб шох учида ўтирган кишини пайқади.

Қўлида узун дастали чўтка, дарахтнинг тўмтоқ новдасига челак илиб қўйилган. Таниди: бу одам Латтаев. Қўшни корхонада ишлайди. Жуда ишчан одам. Ҳар кун икки-учта дарахт бўййди, бунинг устига корхонасидаги юмушларини ҳам чала қолдирмайди. Дарахт бўйаш жамоатчилик топшириғи, иш ҳақи тўланмайди, азбаройи ватанпарварлик туйғуси билан қилинади.

Чаппаев орқароққа тисарилиб новдалар сийракроқ ўсган жойдан юқорига қаради. Ложувард осмон шохшаббалар орасидан бамисоли денгиздек кўринди. Ҳа, ҳали осмон зангор рангда. Лекин вақти келади, бу поёнсиз кенглик, улкан шамсия одамлар бошига алвон ёғдулар таратиб туради. Аввалроқ радиодан бир хабар эшитганди. Гўёки одамларимиз осмонни қизилга бўйаш устида ишлаётганмиш.

Кашфиёт! Жуда узун нарвон ясалиши керак. Ўша хабардан нарвон энди етмиш уч метрга етгани тўғрисида айтилганди. Қурилманинг етмиш уч пиллапоyesi бор эмиш. Албатта, Чаппаев бундан анча ранжиди. Ҳар

метрда битта зина бўлса, менга ўхшаган калтабақайлар сира чиқолмас экан-да, деб ўйлади ва балки янглишаётгандирман деган хаёл билан жумхурият радиосига хабар ёзиб юборди. Жумхурият радиосидагилар юқоридан сўрашди, юқоридагилар яна юқорироқдан жавоб кутишди. Ниҳоят, нарвоннинг фақат бўйи узун кишиларга мўлжаллангани маълум қилинди. Аммо Чаппаев оптимист киши эди, руҳан тушмади. Аксинча, ҳаракатга келди. Ўзимнинг бўйим етмаса, ўғлимники етар деган мақсадда Зардакчанинг тарбиясига эътиборни кучайтирди. Кейинги уч-тўрт ой мобайнида уйига биринчи марта гўшт олиб келди. Гўшт яхши таом, бўйни ўстиради. Оқсил, ҳаёт учун бошқа зарур моддалар кўп унда. Ҳисоблаб кўрса, бир ойлик маошга беш кило картошка олиш мумкин экан. Ўзининг пакана бўлиб қолиш сабабини гўштни кам истеъмол қилишдан деб билгани сабабли олиб келган гўштини фақат ўғлига едиришга қарор қилди. Зардакча бўйчан бўлиши, нарвонга чиқиши ва осмонимизниқизил рангга бўяши шарт. Ота ғайрат билан ишга киришиб кетди. Бир кило гўштни майда бўлакларга бўлди. Ҳар бир бўлакни тарозуда ўлчаб алоҳида-алоҳида қоғозларга ўради. Қоғозлар устига рақамлар ва кунларни ёзиб қўйди. Хотини жимгина ўтириб эрининг антиқа машғулотини кузатарди. Нафас олишга, қимирлашга, бирор товуш чиқаришга кўрқарди аёл. “Илоё, ҳисобдан адашмасинлар-да”, деган илтижо бор эди унинг дилида. Назарида, эри улғайиб борар, унинг олимлардек хаёлга чўмиб қолиши, бўлакларни қайта-қайта ҳисоблаши ва рақамларни гажакдор қилиб битиши, ҳатто ҳисоблаётганда лабларини чапиллатиб қўйишида олимларга хос нимадир бор эдики, бу аёл юрагини ифтихор туйғуларига тўлдириб юборди. Энг сўнгги бўлакни тарозуда тортиб, қоғозга ўраб, устига

“31” рақамини ёзаркан, бош кўтариб хотинига қаради. Аёл муштдайгина бўлиб тиззаларини қорнига тортганча этаги билан оёғининг учигача ёпиб ўтирарди. Дарвоқе, фақат аёлларгина ана шундай алпозда узоқ муддат ўтира оладилар.

Эркаклар учун бу жуда ўнғайсиз ва қийин. Чаппаевнинг ўзи худди номоз ўқиётгандай қилиб оёқлари устига ўнғай жойлашиб олганди.

– Буларни нима қиласиз? – сўради аёл ниҳоят тавоқчага ботартиб териבקўйилган бўлакларга имо қилиб.

– Кучук ҳап деса, оғзига урамиз.

– Вой, епқўяди-ку!

– Есин! Ахир итларимиз ҳам фаровон яшамоғи керак.

Эрига илтижо билан термулди аёл. Унинг мўлтираган кўзлари, рангпар юзи, чит кўйлак остидан яққол билиниб турган қоқсуяк елкаси, ана шу суяклар орасида ҳандалакдеккина бўлиб турган ва аёл ҳолатни салгина ўзгартирадиган бўлса, юмалаб пастга тушиб кетадигандай тасаввур қолдирадиган боши шу қадар ғариб эдики, эр афв сўрагандай бир оҳангда “ҳазиллашдим”, деди.

– Буларнинг ҳаммаси Зардакча учун, – давом этди қизғинлик билан, – унинг бўйи ўсиши керак. Акс ҳолда нарвонга чиқолмайди, зиналар ораси бир метрдан.

– Қанақа нарвон?

– Мамлакатимизда буюк кашфиётлар қилиняпти. Биз осмонни қизил рангга бўйямиз! Тузумимизнинг афзаллигини ҳамма душманларимизга кўрсатамиз! Бу ишни менинг ўғлим бажаради. Ҳали кўрасан, кўкси орденларга тўла Зардакчанинг расми рўзномаларда босилади. Мана, бундай!..

Чаппаев ўрнидан туриб қақдини ростлаганча бошини кескин кўтариб қотиб қолди. Ҳамон ўша алпозда чўнқайиб ўтирган аёлга энди унинг юзи кўринмасди.

– Бундай тушмасин, – эътироз билдирди аёл, – қошу кўзи кўринмасакан, бу туришда ўғлимизни ҳеч ким танимайди.

– Ундай бўлса, мана бундай!

Чаппаев қўлларини белига қўйиб, бошини аввал ўнг томонга, сўнгра чап томонга ўгирди, ияги бақбақасига қўшилиб кўкрагига тақалди. Ноқулай ҳолатда тургани сабабли зўриққанидан кўзлари ёшланди. Аёл хурсанд бўлиб ўрнидан турди. Кўзлари чарақлар, қонсиз лаблари табассумдан кенг ёйилган, юзида ҳудогами ёки умиду орзуларини рўёбга чиқарувчи бошқа бир кучгами илтижо ифодалари.

Рўпарасида ер шохламоқчи бўлган бузоқчадек бошини эгиб, кўзларини олайтирганча қараб турган эри. Шу дамда уни қучоғига олгиси, эркалагиси, тўзғибётган сочларини силагиси келди.

Ўша кунги ҳолат, уйга гўшт келиши, хотинининг хайрати, Зардакчанинг ватан хизматига бориб осмонни қизилга бўяши тўғрисидаги ўйлар Чаппаевга ҳам қаттиқ таъсир этганди. Фақат эрталаб ишга бораётиб том бўғотида ҳилпираб турган латтага ногоҳ кўзи тушганда нима қиларини билмай гангиб қолди, бунинг устига кимсасиз хиёбонда кимдир уни чорлади. Дарахт тепасига қараб таниши Латтаевни кўрди ва осмонга, бепоён кўкликка кўзи тушаркан, беихтиёр ўша гўштни бўлаклаш, тортиш ва рақамлаш жараёни, хотинининг ҳолати, Зардакчанинг газетада босиладиган расми билан боғлиқ манзаралар яна бир бор кўз ўнгидан ўтаркан, ҳаяжон ичида сўзсиз қотиб қолди.

Бошига юқоридан чак-чак этиб бир неча томчи тушганда Чаппаев ана шу воқеаларни мушоҳада этаётганди. Кўли билан бошини пайпаслаб кўрди. Сочлари орасидан қўлига илашган хўл ва ёпишқоқ нарсанинг мойбўёқлигини билди, рангини кўз олдига келтирди,

бармоқлари билан соч толаларини қаттиқ ишқалади ва қон рангига бўялган панжасига қаради. Қизил! Қип-қизил! Мамлакатни лозазордек қамраб олган байроқлар, шиорлар, транспарантларнинг ранги! Чаппаевнинг юраги ҳар бир зарбида “Яшасин, дальтонизм! Мен қон рангини тан оламан, йўқолсин бўлак ранглар” деб урар, аммо юрак соҳиби бу зарбларни ва нидоларни сўз биланифода этолмай кўкка қараганича қотиб турарди. Шу аснода мойбўёқ челак ағдарилиб кетиб бор кийимбоши қизил рангга бўялишини истар ва айни пайтда, бундан виждонан қийналарди. Ахир дарахт бўялмай қолади-ку. Улуғвор режалар амалга ошмайди, энг ёмони Зардакча қахрамонлик кўрсатолмайди. Хаёлига ана шу эътироз келиши билан ўзини қўлга олди ва дўстига танбеҳ берди:

– Ҳой, Латтаев, бу нима қилиқ?!

– Узр, ўртоқ Чаппаев. – Шошиб жавоб қилди Латтаев, кейин тагдор қилиб қўшиб қўйди, – сиз бу ердан ўтмаганингизда бўёқ томмаган бўлармиди...

Чаппаев гапнинг сиёсий тус олишидан чўчиди. Айбнинг бир учи ўзига келиб тақалишини ўйлаб оғриқнинг олдини олган бўлди. Бармоқларидаги бўёқни пойабзалига суртаркан, деди:

– Ташвишланманг, мана, исроф қилмадик.

– Сиз ҳақиқий ватанпарварсиз! – деган мақтов эшитилди тепадан.

– Дарвоқе, нима учун ишга бормай дарахт бўяяпсиз?

– Бу нима деганингиз? – ажабланди Латтаев. – Мен ҳар кун ишдан кейин дарахт ранглайман.

– Ишдан кейин?..

– Ҳа, шундай.

– Унда ҳозир кечқурунми?

– Албатта.

– Ундай бўлса мен ишга бормабман-да?

– Билолмадим.

Чаппаев бармоқлари билан нималарнидир ҳисоблай кетди ва ўз хулосасини баён этди:

– Сиз янглишибсиз, дўстим. Ҳозир эрталаб. Соат йигирма бешта кам саккиз.

– Йўқ, кечкурун.

– Эрталаб! Аниқ биламан. Аниқ билганимнинг сабаби шуки, бозор куни етти кило гўшт олгандим. Қўй гўшти... Ҳар кун бир килодан соламиз қозонга, бунинг орасида беш-ўн кило колбаса билан қази ҳам кетади, албатта. Товуқ, қуён сўйганимиз ҳисоб эмас. Бугун хотиним гўштан икки кило қолганини айтаётгани эсимда. Демак, бугун жума куни эрталаб. Мен ишга бораёпман, хайр!

– Биз эса ҳар куни икки килодан гўшт еймиз! – Алам билан қичқирди унинг ортидан Латтаев.

Чаппаев ишга бир неча дақиқа кечикиб борди. Директор зина олдида одатдагидек кутиб турарди.

– Ҳа, қани?.. – деди ходимини кўриши билан.

– Йўлда сал англашилмовчилик бўлди. Бўёқ масаласида. Айрим ўртоқлар исрофгарчилик қилишяпти. Бироз тушунтиришга тўғри келди, – деди Чаппаев юзига суркалган рангга ишора қилиб.

– Яхши, – маъқуллади директор, – ҳозир битта шогирдингизни олиб чиқинг-да, идора пештоқидаги шиорни алмаштиринг, қаранг, ранги униқиб кетибди. Биров кўрса нима дейди. Ранги...

Директор оқ демоқчи бўлдию тилини тишлади. Оқ шиор, оқ байроқ деган сўзлар бомбадек туюларди. “Кейин бино ортидаги шиорлар билан том тепасидаги байроқларга ҳам қаранг, ранги учган бўлса, алмаштиринг”, дея кўрсатма берилди.

– Майли-ку, лекин омборда қизил матоҳ тугаганди-да...

– Топинг.

Ҳеч бир ҳиссиётсиз ва тўмтоқ эди бу сўнгги буйруқ. Чаппаев омборга кириб ҳаммаёқни тит-пит қилди. Йўқ, омбор ранги оқариб қолган латталар билан тўла. Ҳаммаси эски шиорлар. Начора, ҳеч бўлмаганда томнинг орқа тарафидаги байроқни алмаштириш керак. Биров кўриб юқорига хабар қилса тамом! Чаппаев хонасига кириб ўзи олди-берди қилиб юрадиган корхоналарнинг ҳаммасига қўнғироқ қилиб кўрди, дўконлардан суриштирди, нажот бўлмагач, уйига телефон қоқди.

– Алвондан қолганми?! – сўради аёлнинг товуши эшитилиши билан.

– Йўқ, дадаси, ўтган сафар охиргисини бергандим.

– Топ!

– Вой ўлай, энди нима қиламан!

– Ҳалиги қизил кўрпачанг бор эди-ку...

– Ўшани сўтиб бергандим-да ўтган ҳафта.

– Аҳ, каллаварам-а!

Чаппаев ялинишга тушди. Ишдан ҳайдалиши, қамалиб кетиши, агар судланса, Зардакчанинг бахти ҳам қаро бўлишини айтиб оҳ-воҳ қилаверди.

– Қўйинг, куйинаверманг, бир гап бўлар, – деди ниҳоят аёл.

– Топсанг, тезда етказ, – буйруқ қилди эр ва бошқа мавзуга ўтди:

– Тушликка нима пиширасан?

– Билмасам...

– Озгина шўрва қил.

– Гўшт солайми?

– Сол. Менга қара, нечанчи рақамда тўхтагансан?

– Тўртинчи.

– Яхши, бешинчи рақамли бўлакни сол.

– Вой, худога шукур!

– Ҳовлиқаверма. Картошканинг... Сабр қил, дафтарни қарай... Ҳа, мана, картошканинг қирқ еттинчи, қирқ саккизинчи...

– Қирқ тўққизинчисини... – Эрининг сўзини бўлиб билағонлик қилмоқчи, шу билан бирга рўзғорда ўзининг ҳам маълум даражада ўрни борлигини англаймоқчи бўлди аёл.

– Қирқ тўққиз дедингми? Бекор айтибсан! Қирқ тўққизинчи картошка қарийб товуқнинг тухумича келади-ку! Ахир келим-кетим бор... Эллик тўққиз билан бир юз учни сол. Ҳу бир томони чириган эгригинаси бору ўшани айтяпман. Икки дона сабзи ташла.

– Тўқсон саккиз билан...

– Йўқ! Йўқ! – қичқирди эр, – у айтганларинг қизил сабзи. Тўғрими? Ҳа, балли! Шўрвага оқи ҳам бўлаверади. Қизилни асраш керак... Ногоҳ меҳмон-пеҳмон келиб қолар. Саксон бир, саксон еттини сол.

– Нон бўлақларини рақамламай кетганакансиз... Қайси бўлақларини ейишни билмай ўтирибмиз. Ўғлингиз нон деб, хархаша қиляпти.

Чаппаевнинг нафаси ичига тушиб кетди. Наҳотки, шундай катта хатога йўл қўйган бўлсам деб ўйлади. Бир муддат жим қолди ва деди:

– Кут. Ҳозир етиб бораман.

Чаппаев уйига ҳансираганча кириб келди. Зардакча нон деб йиғларди. Ота дастурхон очиб бўлақларга кўз ташлади. Аёл ўғлининг бошини силаганча ерга чўнқайди. Ҳаяжонли дамларда ҳамиша шу алпозда ўтирарди. Чаппаев икки бармоқ энидаги бўлакни олиб ўртасидан бўлди-да, бирини ўғлига, иккинчисини хотинига узатди. Аёлнинг қоп-қора, ҳамиша намланиб турадиган кўзларида миннатдорчилик ифодаси балқиди. Зардакча бўлса нонни олиши билан қўшиқ куйлаб юборди:

Туймусимиз фаявон, Пайтиям бўйгин омон...

Эр хотинига мамнун боқди. Кейин ўзича қофия қилди: “Қизил яхши, оқ ёмон, алвон бўлсин осимон “. Зардакча қиқирлаб кулди. Аёл ҳам ота-боланинг бах-

тига шерик бўлиб бошини қуйи солганча жилмайди. Ўғлининг бошини силади. Боланинг чучук тил билан айтган ҳар сўзи кичкина оилага ҳамиша қувонч бағишларди.

Аслида нима мақсадда келганини ҳам унутиб ширин хаёллар оғушида турарди ота. Деворнинг қизил бўёғи кўчган жойидан тангадек оқлик кўриниб турганига кўзи тушмаса, балки ҳали-бери ўрнидан қўзғалмасди. Оқликни кўрдию ташвиш билан хотинидан сўради:

– Қани латта?

Аёл нариги хонадан бир бўлак алвон олиб чиқди. Эр шошиларди. Латтани қўлтиғига қисди-ю йўлга раво-на бўлди. Икки ёш йигит билан бино олдидаги шиорни алмаштиришга тутинди, учинчи йигитни чақириб том ортидаги байроқ ўрнига илиб қўйиш учун қўлига ҳалиги латтани тутқазди. Терлаб-пишиб ишлади, директор айтган топшириқлар бажарилди, аммо кўнглининг бир четида турган хиралик сира кетмасди.

Шанба куни ташвишу таҳлика билан бошланди. Шовқин-суронни эшитиб эндигина ишга келганларнинг ҳаммаси бино ортига ўтди. Ҳатто кўчадаги дарахт бўёвчилар ҳам келишди. Бошлиқнинг бесаранжом нигоҳи Чаппаевни қидирарди. Аксига олиб Чаппаев худди шу лаҳзада уйи билан гаплашмоқда эди. Хотинига “Олтинчи тугундаги нўхатни ишлатма”, деб кўрсатма бераётган бир паллада уни бошлиқ чорлаётганини айтишди. Чаппаев далага чиқиб ҳовли одам билан лиқ тўлганини кўрди. Ҳамманинг нигоҳи осмонда. Ногоҳ юраги ҳаприқиб кетди. “Наҳотки осмонни бўяш бошланган бўлса!” деган ҳам қувончли, ҳам аламли ўй билан кўкка қаради. Осмон сатҳида илон тилидек айри бир нарса ҳилпирарди.

Осмон тиниқ, ложувард рангда, байроқ эса қипқизил. Жуда юксакда ҳилпирамоқда. Одамлардан садо чиқмасди. Шунда Чаппаев бирдан сесканиб кетди. Юк-

сакликда, хода учида ҳилпираётган нарсани таниди. Хотинининг иштони! Ҳа, ана икки пойчаси қизил алвондан, оғи ҳам қизил, фақат пойчадан юқори қисми, иштоннинг оғи ва бошини, яъни липпа томонини қандай матоҳданлигини фарқлаб бўлмайди.

Балки шоҳи ёки атлас, ё бўлмаса бахмалдир деган хаёлга борди. Нима сабабдандир шу оддий нарсага қолганда тескари фикрлади. Аёллар иштонининг пойчаси алвондан бўлса, юқориси ҳеч қачон бахмал ёки шоҳидан бўлмаслиги хаёлига келмасди.

Хотинининг нега бундай қилганига ҳам ақли етмади. Хиёнатми ёки адашдимикин бечора. Балки бошқа ҳеч нарса топилмаганидан қилгандир бу ишни. Лекин бу яхшими ёки ёмонми?..

Чаппаев ана шу фикрга аниқлик киритиш учун бошлиғининг юзига қарарди. Ҳеч нарса англаб бўлмасди унинг кўзларидан. Нигоҳида аралаш фикрлар тумани. Орадан бир фурсат ўтиб яна қараганида туманлик тарқалган, кўзларининг тиниқ соққасида аёл иштонидан таралаётган қизил шуъла жилваланарди. “Бу яхшими ёки ёмонми?” – ўз-ўзидан сўради Чаппаев. Аммо жавоб тополмади. Шунда хотинининг бисотида шу битта иштони борлиги ёдига тушди. Аёл энди иштонсиз юради.

Назарида бу яхшига ўхшаб туюлди. Ҳар ҳолда маданиятли аёллар шундай қилишини биларди. Ичкаридан бир қиз югуриб чиқиб, катталар келишганини айтди. Ҳамма ичкарига томон юрди. Жамоани басавлат икки киши кутиб турарди.

– Том тепасидаги нима?

Басавлат кишининг биринчи саволи шундай бўлди.

– Байроқ, – жавоб қилди директор.

– Қандай байроқ?

– Қизил.

– Буни ўзим ҳам биламан. Бизда оқ ёки кўк бўлиши мумкин эмас. Мен байроқнинг шаклини назарда тутаяман.

– Шакли айрисимон.

– Нега?

– Чунки у иштон.

– Лозима, – деб директорнинг хатосини тўғрилади бир аёл.

– Ҳа, лозима.

– Тунбон, – деди мулланамо бир ходим.

– Кимники?

– Чаппаевники! – Шошилинич жавоб берди директор. Басавлат раҳбар атрофдагиларга аланглаб қаради ва сўради:

– Чаппаев деганингиз аёлми?

– Эркак.

– Унда аёлча иштон кимники? Шунда Чаппаев ўртага чиқди.

– Хотинимники, – деди у гуноҳкорона бош эгиб.

Жамоа нафасини ичига ютиб ҳозир нимадир портлаб кетишини кутарди.

– Раҳмат сизга! – деди басавлат раҳбар сира кутилмаганда ва ёнидаги ёрдамчисига имо қилди. Ёрдамчи чўнтагини кавлади, қутича олди. Чаппаевнинг олдига келиб унинг кўкрагига бир бўлак ялтироқ темирчани тақиб қўйди. Ҳамма қарсак чалди. Чаппаевнинг қилган иши ватанпарварлик деб баҳоланди. Биринчидан, ватанпарварлик, иккинчидан, аёлларни маданиятга ўргатиш йўлидаги жонбозлик эканлиги айтилди.

...Чаппаев пилдираганча уйи томон кетиб бораркан, ўғли тирноқчаси билан кўчириб олган жойни бўяб қўйишни ва хотинига медалини мақташни ўйларди. Аёлнинг қувонишини кўз ўнгига келтириб қадамни тезлатди. Ногоҳ биров чақиргандай бўлди. Атрофига қараркан, кўзи ўтган уни эрталаб ўзини

хайратга солган нарсага тушди. Кўп қаватли уй томида бир бўлак яшил тусдаги латта осилиб турарди. “Ё парвардигор, бу нимаси!” – хитоб қилди Чаппаев ва лаҳза ўтмай деворга ёпишди. Гиштларга панжа уриб, оёқлари билан таянч нуқталарини пайпаслаганча юқорига кўтарилаверди. Ит хурди, мушук миёвлади, қандайдир қуш патирлаб учди. Аммо Чаппаев йўлидан қайтмади. Ниҳоят, панжалари бино бўғотига етди. Латтанинг учи бўғот четига тегиб турарди. Ватанпарвар бир зарб билан уни юлқиб оларкан, матоҳ келиб бўйнига ўралди. Чаппаев иккала қўлини ҳам қўйвориб бутун кучи билан латтани парчалашга тушди. Кўксидаги медали силкиниб жаранглади. У пастга томон қулаб тушаётганини аниқ билди, аммо бирор нарсага осилиб қолишини ўйламади. Қулаб тушаётиб силкинганда тескари бўлиб қолган медалини тўғрилаб қўймоқчи ёки уни ерга қаттиқ урилишдан асрамоқчи бўлдим, қўлини кўксига қўйди ва қайтиб кўксидан узолмади. Ерга келиб қаттиқ урилди ва бетонланган йўл устида кўксини маҳкам чангаллаганча чўзилиб қолди.

Осмон алвон рангда эди. Бамисоли хотинининг иштони борлиқни қоплаб олгандай. Чаппаевнинг лаблари шивирлади.

– Зардакча, ўғлим, осмонни бўябсан-а!

РАЗ ҚИЗИ

Кўлбола мусаллас тайёрлашнинг янгича усулини ўргатган эди бир танишим. Гарчи бу соҳада уқувим ҳам, қизиқишим ҳам бўлмаса-да, танишим ўргатган усулни синаб кўриш учун эмас ёки бир неча шиша текин мусалласга эга бўлиш учун ҳам эмас, азбаройи ток наваларида чанг босиб ётган узумларга ачинганимдан худонинг неъматини исроф бўлмасин деган хаёл билан уч-тўрт челак узум уздим. Эшик ва унинг ёнидаги

деразам олдида қатор ўсган ва менинг бўйрадеккина ҳовличамни бутунлай ўз тасарруфига олган ток на-вдаларида беҳисоб узум. Афсуски, истеъмолга деярли яроқсиз улар. Афсуски, хўраки нав эмас. Қора жанжал, хусайни деб сотишган эди менга бу ток кўчатларини ниҳол бозорида. Олиб келиб экдим, бир йил, икки йил кутдим, учинчи йил нишона берди. Ток гуллади. Ва кўп ўтмай мош ва нўхат катталигида ғўралар пайдо бўлди ток навдаларида. Уларга ҳар кун ўн марталаб ва балки юз марталаб қарайман, сабрим косаси лим-мо-лим тўлган. Ва мана, ниҳоят июлнинг ўрталаридан бошлаб август ойининг биринчи декадасида ғўралар тўлишиб рангга кира бошлади. Сабрсизлик билан бир ғужаласини узиб чангини артдим-да, оғзимга солдим. Нордонгина сувдан, уч дона данакдан ва уларни ўраб турган пўстдан иборат эди узум доналарининг бор-лиғи. Балки яхши пишса бошқача бўлар деган умид билан ой охиригача кутдим ва шу давр оралиғида дам-ба-дам бир-икки шингил узиб таъмини татиб кўрар-дим. Узум ширага энди, аммо егулиги йўқ. Мана энди чумчуқлар, майналар ва ариларнинг қовоқхонасига ва балки майкадасига айланди менинг токзорим. Ана шундай кунларнинг бирида ўша танишим келиб қол-ди-да, бу узумнинг “Винний сорт” лигини айтиб қўлбо-ла мусаллас тайёрлашни маслаҳат берди. Унинг айт-ганини қилиб узумнинг чангини ювмасдан, думчала-ридан тозаламасдан идишларга бостирдим, яхшилаб эздим ва чуваралари билан тўппасини токи шарбати тугагунча сиқиб, шарбатини сиздирмасдан машра-паларга солиб оғзига шланг тикдим-да, хамир билан ҳаво кирмайдиган қилиб беркитдим. Унинг айтганла-рига оғишмай амал қилиб шлангнинг иккинчи учини сув тўлдирилган бошқа бир идишга солиб қўйдим. Машрапада ачиш жараёни бошланди, шланг иккинчи идишдаги сувга онда-сонда бир-икки ҳаво пуфакчала-ри пуркаб қўярди. Кунлар ўтди. Бир кеча тун ярмидан

оғиб, тонг оқара бошлаганда ниманингдир шарпасидан уйғониб кетдим ва сув ичиш учун ошхонага ўтдим. Одатдагидай шу ердаги стол устида турган қурилмага қарадим-у, сув тўлдирилган идиш ичида пайдо бўлиб қолган ажабтовур қурилмага кўзим тушди. Унинг нималигига ақлим етмади дафъатан. Минглаб ва балки юз минглаб қўнғир тусдаги ва бир хил катталиқдаги, шаклу шамоили ҳам бир хил “ғиштчалар”. Афсонавий меъмор уларни ўзи чизган тарҳ бўйича терган ва қандайдир антиқа шакл берган.

Шиша тагида ҳосил қилинган сатҳ бепоён саҳрога монанд. Худди моҳир рассом мўйқалами билан чизилгандай. Олдинги қисмида нисбатан йирикроқ жисмлар кўзга ташланади, уфққа борган сари бу жисмлар майдалашиб қўнғир тусдаги текислик ҳосил қилган. Бутун вужудидан хаёл ва мунг ёғилиб турган ҳалиги антиқа қурилма... Қурилма десам тўғри бўлармикин? Унинг мўйлаби ҳам бор. Таг қисми саҳронинг қўнғир рангли қумлоқ сатҳига қўшилиб кетган, гўёки шу сатҳдан ўсиб чиққандай. Атрофи гир айлана учи ўткир ва осмонга томон тик юксалган ўнлаб кичикроқ тоқлардан иборат. Алоҳида қаср кўринишида улар. Ҳар бир кичик қаср орқа ва ён томони билан ўртадаги асосий иншоотга туташ. Ари инидай минглаб шинаклар, тирқишлар, деразаларда қоронғулик ва сукунат. Эътибор билан қараб иншоот қурилиши ҳали ниҳоясига етмаганини англадим. Дарҳақат, эртаси кун бино деворлари бир қадар юксалганини ва такомиллашганини кўрдим. Қаср атрофидаги майдонда ҳам янгиланиш бор. Кўзга кўринмас меъморлар туни билан ишлаган ва афсонавий иншоотнинг олд томонидан сув йўли ўтказиб, унинг устига кўтарма кўприк қурган. Сув йўли тошқин тоғ дарёси кўринишида. Шу кунларда мени ҳайратга соляпти бу антиқа қурилма. Дамба-дам унга қарайман. Баъзан кун бўйи кетолмай қо-

ламан унинг олдидан. Худди шундай иншоотни ҳали кўрмасдан туриб “Эшнинг ғаройиб кашфиёти” деган новелламда тасвирлагандим. Бугун ана шу кашфиёт ўта фантастик кўринишда кўз ўнгимда намоён. Дунёда рўй берадиган ҳодисалар баъзан инсон шуурида аввалроқ зуҳур этиб, кейин реал борлиққа тушадигандай. Сиғими уч литрли шиша банканинг ичида унинг макони. Шакли конуссимон, яъни қаландарлар кулоҳи кўринишида. Туси – қорамтир қўнғир. Учига томон борган сари ранги бироз рангсизланиб оч қўнғир тус олади. Энг тепасида оқимтир қалпоқчаси бор. Вулқон кратерига ҳам ўхшайди ўша қалпоқча. Учи ингичка юқорига томон қайириб қўйилган. Бу жиҳатдан ўрмонда яшайдиган гномларнинг худди ўзи. Бошқа томондан қараганда шундай кўринади. Айрим пайтлар, тўғрироғи, сутканинг маълум бир қисмида (балки бу хона ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқдир) ердан, яъни шиша банка тагидан уч сантиметрлар юқорига кўтарилганча муаллақ ҳолатда туриб қолади. Кундузи, куннинг иккинчи ярмида рўй беради бу ҳолат. Кейин пастлайди у ва ерга қўнади. Иншоотнинг ҳайратланарли яна бир томони пастдан юқорига тик кўтарилган бурмаларидир. Бир ҳафтадирки уни кузатаман. Бугун Танзилани чақириб унга ҳам кўрсатдим. Сўнгра банкани, яъни у яшаб турган оламини секин ярим доира айлантиргандим, буни пайқади иншоот. Иншоот дейиш тўғри бўлармикин, ҳаракатланиб, ҳамма нарсани: ҳаво ҳароратини ҳам, банкани оҳиста қимирлатганимни ҳам ва ҳаттоки менинг кўз қарашимни ҳам пайқаб ва мен билан муносабатга киришиб, яъниким менинг хатти-ҳаракатларимга жавоб айтиб турган жонзотни.

Бугун 27 август. Банкани қафтларим орасига олиб чамаси икки дақиқалар турганимдан сўнг менинг бундай ҳаракатимга қарши норозилик билдириб мўй-

лабларини йиғиштириб олди. Афтидан унинг мўйлаби бир қатор тушунчаларни ва иддаоларни, кези келганда, қандайдир ҳиссиётларни ҳам ифодалар ва мўйлабининг бундай ҳожатбарорлигидан сўз ўрнида фойдаланарди Жонзот. Бамисоли Пуаронинг мўйлабидай. Қўлимни олмай туравердим. Баландроқ кўтарилди, бурмалари орасидаги чизиқлар чуқурлашди, ҳозир шу ҳолатда қотиб турибди.

Соат 3. Тадқиқотни давом эттирмақдаман. Диққат билан узоқ муддат ундан кўз узмай қараб, иншоотнинг билинар-билинемас силкинаётганини аниқладим. Кўзойнагим устидан яна бир кўзойнак тақиб қарагандим, (лупа йўқ эди менда) унинг вужуди майин чанг зарраларидан ташкил топгани маълум бўлди. Қанотларини ўша йиғиштириб олган кўйи ҳали ёйгани йўқ. Банкага тегиниб унинг тинчини бузганимдан пушаймонман.

Соат 3/15. Назаримда, иншоот шимол томонга бироз оғгандай. Бурмалари аниқ кўриняпти. Бошидаги қалпоқчаси ҳам бироз оқарган. Юзасини чанг босган қор қопламасига ўхшайди. Банка тубида чексиз текислик. Ундаги суюқлик эса, нимранг ва кучсиз олма шарбатини эслатади ва кўнғир туманликдай тасаввур қолдиради.

Соат 4/15. Иншоот пастлаяпти. Аммо мен уни сира ҳам иншоот дегим келмайди. Ерга қўнишига 2 сантиметр бор. Ўнг томондаги ғилдиракчаси ерга тегай деб турибди. Чап ёнида учи юқорига томон қайрилган ихчамгина этикча. Унинг устида учи ўткир учбурчак шаклидаги аллақандай мўғиз. Худди каркидоннинг шохидай. Этикча ўша мўғизни юқорига томон тепиб юборадигандай ҳолатда. Умуман, иншоот жанубга томон қадам ташлаб бораётган улкан инсонни эслатади. Бошига ташлаб олган матоҳ оёқларигача тушиб турибди. Монах. Нариги хонадан мусиқа овози эшитила

бошлади. Танбур навоси. Аммо мен мусиқани дастлаб эшитмадим. Иншоотнинг ҳолатида рўй бераётган ўзгаришни кўрдим дастлаб, бунинг сабаби нима? Иншоот титраётгандай ва унинг ичида қандайдир куч ташқарига ёриб чиқишга интилиб, хона деворларига босим ўтказаетгандай. Ана шунда ҳақиқий мўъжиза рўй берди. Қаср ичи ёришди. Тепада улкан қандиллар нур сочиб турибди. Ерда ўртаси яшил, икки четида қизил хошияли пояндоз. Адоғи кўринмайди унинг. Пояндознинг нариги чети туманликка қўшилиб кетган. Шундай бўлса ҳам атрофга аланлаганча битта-битта босиб боравердим. Ҳамон эшитилиб турарди жозиб куй. Англадимки, мени шу куй тортиб бормоқда. Уни ким чалаётгани, қайси хонадан эшитилаётгани қизиқтирарди мени. Қаср деразаларидаги шишалар турли рангда. Шу боис поёндоз устига яшил, бинафша ранг, қизил ранглар, яъни нурлар тушиб турибди. Кўзим қамашади бу рангларнинг тиниқлигидан. Уларда ҳам чалинаётган куйнинг таъсири бор. Айниқса, яшил нурнинг четлари титраб куйнинг амплитудаси ва частотасини акс эттираётгандай. Дилимни маҳзунлик қамраб олган. Менинг дилим ҳам куйга монанд титраётганини ҳис этиб турибман. Рўпарада олтин суви югуртириб нақшланган қўш табақали эшик намён бўлди. Тутқич балдоқлари тиллодан. Эшикнинг кесакисига узум доналари катталигида қимматбаҳо тошлар қадалган. Остонада ўз аксимни кўрдим. Биллур ойна пойимда тиниқ сувдай кўринса-да, унинг сув эмас, ойналигини билиб турардим. Лекин нима сабабдан остона биллур ойнадан ясалганига ақлим етмай туриб қолдим. Гўзал Билқис ёдимга келди. Аёллар мамлакатининг маликаси Билқис! Не-не машаққатлар билан эришганди бу гўзал ва қайсар маликага ҳазрати Сулаймон. Билқис ғоят гўзал эди, аммо мутаносиблик бирозгина бузилган эди бу қизда, мен унинг оёқлари-

ни назарда тутмоқдаман. Ривоят қилишларича, ҳар тўқисда бир қусур деганларидай, Билқиснинг оёқлари товусникига ўхшарди. Шу боис узун кўйлак кийиб юрарди. Аниқ ёдимда йўқ, Ҳазрат Сулаймон бўлсалар керак, қизнинг оёқларини кўриш учун мрамар пол устини сувга бостириб қўядилар. Агар кузатган бўлсангиз, аёлларда қизиқ бир одат бор, улар тўпиққа ҳам чиқмайдиган сувдан ўтиш учун шоша-пиша кўйлаклари этагини тизза баробар кўтариб оладилар. Биллур остона ҳам шу мақсадда, яъниким ундан ўтаётган аёлларнинг оёқларини кўриш мақсадида қилинмаганмикин. Бир лаҳзалик ўйлар сўнгида чўчиб тепага қарадим. Бир бош узум. Офтобда қизара бошлаган ток новдасида осилиб турибди. Шаклан “аёл жимжилоғи” деб ном берилган узумга ўхшайди. Хусайни узумнинг шундай тури бор. Ва ерга қараб биллур остонада унинг аксини кўрдим. “Хуш келибсан, Неъмат Арслон!” деган майин ва маст қилувчи овоз қулоғимга чалинаркан, Бошим гангиб чор атрофга алангладим. Ва ниҳоят, овоз эгасини кўрдим. Аммо кўзларимга ишонмадим. Овоз эгаси тепада, нақ осмон буржида осилиб турган ўша бир бош узум.

– Раз қизимисан, эй соҳибжамол? – дедим овозим титраб.

– Билиб туриб нега сўрайсан?

– Исминг ғоят ёқимли, такрор ва такрор айтгим келади, шу боис сўрадим.

– Билмадим, мени ҳазрат Навоий шундай атаганлар.

– Ўқиганман, нега сени пардадар ва маккора дея таърифлаганлар? Мана эшит:

*Қилма раз фарзандидин кў ҳамдаму дамсозким,
Пардадардур асру бу шоҳидвашу маккора қиз.*

Қиз кўксини тўлдириб нафас олди. Яъниким хўрсинди. Бу хўрсиниқда мен маккора эмасман, аслида пардадар ҳам эмасман, мени эзиб мижиғлаб кўзага жойлаганлар шу ҳолга солганлар, деган афсус бор эди.

– Кўнглингда шубҳа қолмаслиги учун буни ўз кўзинг билан кўришинг керак.

Шундай дея йўл бошлади қиз. Хумлар қатор тизилган хона, кўзачалар ва қадаҳлар... ҳаммаси биллурдан. Ҳаммаси узум боши ва доналари, шинчалари кўринишида. “Бир ғўша узум...” Навоий бир бош узумни бир ғўша узум деб атаганлар. Яхши аниқ ва тиниқ сўз. Лекин нега Раз қизи?.. Узум билан қиз ўртасида боғлиқлик борми? Аввало ана шу фикр таъсирида, ундан кейин, қизнинг дилидаги хижилликни тарқатиш учун Ҳазрат Навоийнинг мана бу мисраларини ўқидим:

*Боғбонга чун ғино айлаб насиб ихсонинг илги,
Хўша-хўша гаҳ зумуррад, гоҳ лаъли ноб осиб раз.*

Табассум жилваланди унинг лабларида ва бир лаҳза кут дегандай ишора қилиб, зумрад япроқлар ортига паналади-да, зум ўтмай қаршимда намоён бўлди. Энди лаъл рангидаги шаффоф кўйлақда турарди. Ерга тиз чўкиб унинг шабадада ҳилпираб турган этакларини ўпмоқчи бўлдим, аммо улгурмадим. Раз қизи яна ток навдалари ортига ўтди ва бу сафар қора либосда чиқиб келди. Мен эса ҳамон тиз чўккан ҳолатда турар ва беихтиёр шивирлардим: “Гўзал Қора!”, “О, Гўзал Қора!..”

– Менинг бундан ҳам чиройли кўйлақларим бор, кийиб чиқайми?..

Бу савол менга эмас, унинг ўзига берилганини англаб сукутга бордим. Раз қизи бироз ҳаяллади бу сафар ва ниҳоят, ўзидан аввал унинг этагига кўзим тушиб юрагим ҳаприқиб кетди. Таъриф тавсифга ҳам, қоғозга ҳам сиғмасди унинг эгнидаги хилъатнинг ранги: қизғиш ва қорамтир ранглар қоришмаси! Қишлоғимизда бир қиз худди шундай кийинарди. Қизил бахмал нимчаси бор эди ва бир ўрим қоп-қора сочи ана шу қизил “сайхонлик” устида тўлғаниб ётарди. Менинг назаримда катта бир мамлакат эди унинг елкаси... Ва дунёда бошқа бундай уйғунликни, рангларнинг бун-

чалик мутаносиб алоқасини ўйлаб топиб бўлмайди. Тағоби қорага табиат нафақат ана шундай бетакрор ранг берган, балки бетакрор таъм билан ҳам таъминлаган. Қора кишмишдай ўта ширин эмас бу узум, қанди ўртача, серсув ва хушбўй... Бу бизнинг Шаҳрисабз ва Китоб томонларда етиштириладиган, хусусан, Тағоб қишлоғида яхши ўсадиган “Тағоби Қора” эди. Бобо Занги ҳазратларининг номларига қасам ичиб айтаманки, кезиб чиқинг бутун дунёни, Вассарғами, Саперавими, Баян ширейми, мен номини билган-билмаган узумлардан татиб кўринг, лекин пировардида Тағоби Қорани кўмсаб Ўзбекистонга қайтасиз.

Абу Аъло ал-Маарий “Жаннат ҳақида мактублар” асарида май ҳақида ғазал битган ўнлаб шоирларнинг исмларини келтириб, май тўғрисида ҳаммадан ўткариб шеър ёзган шоирларнинг номларини тилга оладилар. Хаёлимга келган шу фикрлар таъсирида хумлар оралаб борардим. Кейин биз осмонга парвоз этдик. Йиқилиб тушмаслигим учун қўлимдан маҳкам ушлаб борарди Қиз. Қайтиб ерга тушганимизда тонг оқара бошлаганди. Кўзимни очиб ўзимни сиғими уч литрли машрапа олдида кўрдим. Ердан уч сера чамаси (уч сантиметр) кўтарилган кўйи муаллақ турарди қаср... Узоқ вақт таъсирланиб юрдим. Шиша ичида рўй берган жараён ҳушу фикримни қамраб олганди. Бу сирнинг тагига етиш мақсадида ўша мусаллас тайёрлашни ўргатган танишимникига бордим. Ва бўлган воқеани гапириб бердим. Бунинг ҳеч қандай мўъжизалик жойи йўқ, ачиш жараёнида ҳамиша шундай бўлади, деди бепарволик билан танишим ва мусалласнинг қандай чиққанига қизиқди. Зўр дедим гарчи татиб кўрмаган бўлсам-да мен ҳам бепарволик билан.

– Бориб олиб келишинг мумкин.

– Ўзинг-чи?

– Мен... Раз қизи билан қоламан.

– Юрагингдан урганга ўхшайди бирортаси.

Уйга қайтиб эшик тепасини ўраб олган вайишга қарадим. Ток новдаларида ғўша-ғўша узум...

...Кўп ўтмай ҳаёт тарзим ўзгариб кетди. Оилавий муаммолар сабаб бўлиб, яшаб турган уйимизни сотишга тўғри келиб қолди. Олди-сотди шартномасидан кейин бир ой рухсат беришди бизга, ана шу бир ой ичида уйни янги эгаларига бўшатиб беришимиз керак. Орадан йигирма тўққиз кун ўтганда янги хўжайин эшик олдида ҳозир бўлди. Ва эртага кўчиб келишини билдирди. Март ойининг охирлари эди ўшанда. Мен яна ўн кун муҳлат сўрадим. “Ҳали уй ололганингиз йўқми?” деди уйнинг янги соҳиби энсаси қотганини яширмай.

– Олганман.

– Унда нега ўн кун муҳлат сўраяпсиз?

– Апрельнинг биринчи декадасида ток гуллаши керак.

– Токнинг нима алоқаси бор, яъни айтмоқчиманки...

Ток гуллайди деганингизгатушунмай қолдим. Ток ҳам гуллайдими?

– Гуллайди.

– Атиргул гуллайди, ўрик гуллайди, лекин ток?..

Елка қисди суҳбатдошим.

– Ток жуда чиройли гуллайди.

– Боғимиз тўла вайиш, тонналаб узум оламиз, аммо токнинг гуллашини умримда кўрмаганман.

– Буғдойни-чи?

– Буғдой?..

– Анжирни-чи?

– Анжир гулламайди. Бу аниқ.

– Анжир жуда чиройли гуллайди.

Ақлу ҳушим жойидалигига шубҳа қилгандай бироз ўзини орқага олди суҳбатдошим. Анжирнинг митти-

митти қизил гул очишини, фақат унинг гуллари инсон қалбида яширин сақланадиган энг тоза севгидай, мевасининг ичида пинҳон сақланишини бу одамга туншунтириб ўтирмадим. Биз эшик олдида туриб гаплашардик. Ҳали қуруқ чўпга ўхшаб турган, аммо вужуди ер қаъридан сўриб олаётган шарбатга тўла ток танасига ва новдаларига қараб қўйди суҳбатдошим.

...Баҳорда яна гуллади менинг тоқларим. Кўзга деярли чалинмайдиган чанг зарраларидай майда ва кўримсиз гуллар ҳеч кимнинг эътиборини тортмас, ва тоқнинг ҳам гуллаши ҳақидаги гап ҳатто эриш туюларди одамларга. Мен эса ана шу гуллар ичида... Раз қизининг ана шу гуллар ичида туғилишидан хабардор эдим. Гуллаётган ток навдаларига қарадим, вайиш тагида ўтириб Раз қизига бўлган муҳаббатимни нима биландир ифодалагим келди ва француз шоири Андре Терьенинг икки мисра шеърини таржима қилдим:

*Ток навдаси гуллар бардавом
Тўламан йигирма ёшга бу оқшом.*

МАҲБУСНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

1

Ҳар доим аввал ўзини ясайди Шодия. “Аёл олдин пайдо бўлган, чунки у эркакни туғади” дейди. Ишонман. Ҳақиқатан ҳам аёл бўлмаса эркак туғилмайди-да... Мана, Шодия ёнимда ётибди. Эғнида кўк бахмалдан нимча, сариқ шоҳидан этаги узун кўйлак, унинг остида мисқолгарди деган матоҳдан терлик. Докадек юпқа, чорхона гулли бу матоҳни ўша пайтларда мисқолгарди деб аташарди, балки ҳозир ҳам аёллар лафзида бордир бу сўз, аммо болалигим ва ўсмирлигим ўтгандан кейин бундай матоҳни қайтиб кўрмадим.

Икки дона супурги чўпи, бир дона тугма ва бир уюм олақуроқ латтадан иборат менинг вужудим. Ҳавас ва завқу шавқ билан қарайман унга. Қора тиринкадан тикилган шимим ҳам, йўл-йўл кандир кўйлагим ҳам ўзимга қуйиб қўйгандай. Фақат юзимдаги сирлик мени бироз чўчитади. Оппоқ, жуда оқ, қордай менинг юзим. Оқ сурп устида “Х” белгиси. Бу белги икки қатор қизил, уч қатор яшил ва тўрт қатор қора ипак қатимидан иборат. Мавҳумлик ва таъқиқ аломати бор бу белгида. Агар тугма топилмаса, Шодия менинг юзимни гулхайри мунчоғидан ясайди. Биз қалдирғочкулча буталари остидаги соя-салқин уйда яшаймиз. Бу уйни ўзим қурганман. Эшик-деразаси йўқ, том тепаси очиқ, фақат уй атрофи лой девор билан ўраб олинган. Уй тўрида олақуроқ кўрпа-ёстиқлар икки қатор қилиб тахтлаб қўйилган. Бизни оҳанрабодек ўзига тортади фақат бармоқларимизгина сиғадиган бу уй.

Шодия одатдагидай бугун ҳам уйни супуриб-сидирди, нонушта ҳозирлади ва дастурхонга омин ўқилгандан кейин мени ишга кузатиб қўйди. Ишхонам икки қадам наридаги дарахт тагида. Мен сотувчиман, магазинда ишлайман. Вазифам нималигини аниқ билмаганим сабабли дарахт ортида бироз ўтираман-да уйга қайтаман. Биз «келин-куёв»миз. Тик турган ҳолда овқатланганимиздан сўнг хона ўртасида осмонга қараганча қўлларимизни кенг ёйиб ётамиз ёки хона тўридаги тахмонга суянгача тик турамыз. Шодия тугма билан супурги чўпидан эркак ва аёлни, сўнгра бир гала бола-чақаларни халқ қилган, яъни вужудга келтирган. Инсонни бунёд этиш унчалик қийин эмас: супурги чўпининг бир учига тугмани қўяди-да, бармоқлари билан қисиб ушлаганча бир парча оқ сурп билан тортиб ўрайди, одамнинг юзи шундай ясалади. Қўлни яшаш бироз қийинроқ. Юзни ва қўлни ўз ўрни-

га ўрнаштиргунча мен ўзимнинг “оёғимдан” тутиб тик ҳолатда ушлаб тураман. Кандир, тиринка ва сатин қийқимларидан кўйлак-иштон кийдирилганидан кейингина мен одам суровига келаман. Ва шундан кейингина эркакка айланаман.

Шодия дунёда энг латофатли «аёл». Айниқса бошга киядиган заррин қасаваси жуда маҳобатли. Унинг қўғирчоқлик ҳаётини кўзда тутяпман. (Ҳаётда эса бечорага аёл бўлиш насиб этмади). Хуллас, ўзи яратган аёлни атлас қийқимларидан тикилган кўрпачага ётқизиб қўярди-да, сўнгра мени «бунёд этарди». «Бу сен бўласан», дерди ҳали кийим киймаган ва демакки одам қиёфасига кирмаган чўпнинг учидан ушлаб туриб. Ва лабларини қимтиганча ишга киришарди. Нозиккина бармоқларининг чаққон ҳаракатига қараб турарканман, ўз шаклу шамойилимнинг чиройли чиқишини истардим. Менга «тиринка» деган дағал матоҳдан иштон кийгизарди. Оёқларимни ушлаб кўрар, этагимни кўтариб шимимни ип билан маҳкам боғлар ва ётқизиб қўярди. Сўнгра ёнимдан ўзи жой оларди. Унинг либослари майин ва чиройли, сочлари қўнғир ва мафтункор. Бошида нафармон рўмол, унинг тагида сербар қасава. Шодия бундай нарсаларни ясашга уста. Бир бўлак латтани икки қатларди-да, ўртасига қаттиқроқ қоғоз парчасини қўйиб, қўғирчоқнинг пешонасига тортиб боғлар ва устидан рўмол ташлаб қўярди. Меҳр билан безанган келиннинг қиёфаси менга Шодиянинг ўзидан ҳам жозибалироқ кўринар ва унинг ёнига жон-жон деб ётардим.

Бугун мен ҳар қачонгидан ҳам савлатлироқ ва кўркамроқман. Эгнимда ола тўн, белимда сариқ рангдаги шоҳидан белқарс, бошимда кўк матоҳдан салла, иштоним ҳам бинойидек. Биз юмшоқ тўшаклар устида қўлларимизни икки ёнга ёзганча чалқанча тушиб ётибмиз. Энди Шодия ҳам, мен ҳам йўқмиз. Фақат

қўғирчоқлар бор. Биз уларни ҳаракатга солиб турувчи кучмиз, холос. Қўғирчоқларнинг ҳаёти – ҳақиқий ҳаёт. Агар биз инсонга айлансак, бизни ҳаракатга солиб турувчи қўғирчоқлар таъсирига тушиб қоламиз.

2

Ё парвардигор! Қаердаман ўзи?! Бир умр қўғирчоқ бўлиб қолсам бўлмасмиди? Ахир, менинг бошқа тилагим йўқ-ку. Битта чўп, бир дона тугма ва бир уюм латта. Ҳеч кимнинг ҳақини емайман, ҳеч кимга ҳасад қилмайман, мансаб деб елиб-югурмайман. Шунда мени ушлаб кетиша олмасди. Қўғирчоқлар учун на суд, на милиция бор. Улар ҳатто солиқ ҳам тўламайдилар.

Турманинг зах ва совуқ хонасида бурчакка тиқилганча чўнқайиб ўтирарканман, ҳаётимнинг энг бахтли лаҳзаларини эшлашга уриндим. Сон-саноқсиз юзлар, башаралар, чехралар, афту ангорлар орасидан бир нарса ойдек балқиб кўринди. Танидим уни ва ҳаяжонланиб кетдим. Бутун вужудим “Шодия” деган сўз таъсирида яйраб, яйралиб ҳаво каби енгил тортиб, қўшилиб кетди коинот зарраларига. Мен бор овозим билан қичқирганча унга талпиндим: Шодия!.. Шодия!.. Турма деворлари шаффоф тортиб мен ҳибсдан озод бўлдим ва ўзимни гуркираб ўсиб ётган ва жўшқин гуллаган қалдирғочкулча буталари орасида кўрдим. Мен яна қўғирчоққа айландим.

... Ўша ҳолатда – гўёки осмонни бағримга босмоқчи бўлгандек – қўлларимни кенг ёйиб чалқанча ётибман. Осмон эса узоқ, тубсиз ва беғубор. Беғубор... ҳақиқатан ҳам беғуборми болаликнинг осмони?! Ёки қачонлардир кимдир айтгану ҳамон ўзгаришсиз келаётган таърифми? Шодия ҳам ёнимда худди менга ўхшаб осмонга тикилганча ётибди.

– Эртага ишга борасизми? – дейди Шодия.

Индамай бош силкийман. Инсон табиатан ялқовликка мойил. Гоҳида бирор саволга “ҳа” деб жавоб беришга ҳам эрингандай бош силкиб қўя қолади. Яна Шодиянинг овозини эшитаман:

– Қайтишда нон олиб келинг...

Хўрсиниб қўяман. Рўзғорни таъминлаш учун эр сифатида темтиниб юрганимнинг ифодаси бу. Зеро, биз нондан бошқа егуликлар ҳам бўлиши мумкинлигини ғира-шира тасаввур қилсакда, рўзғорнинг боши нон деб тушунамиз. Бироз жимликдан сўнг Шодиянинг хавотирга тўла овози эшитилади:

– Кеча... “Муаззамжоннинг пили сурати” хола келувдила...

Томоқ қириб қўяман. Бунда норозилик оҳанглари борлигини пайқайди Шодия ва индамай кутади.

– Янами?

Кўкрагим узра ёйилиб ётган сочларининг силкинишидан унинг “ҳа” маъносида бош силкиётганини англайман. Бу хола кунора келиб туради. Унинг Муаззам деган қизи бор. Картон қоғозга чизилган филнинг сувратидан бошқа бирорта жонзот уларга ҳамроҳ эмас. Бу ғариб оиланинг бор мулки ана шу фил суврати. Хола шу сувратни кўксига маҳкам босганча останада пайдо бўлади. Боши ўнг елкасига томон эгик, вужуди қаҳратонда қолгандек қунишган, лаби титраб турибди. Шу сабабли лабларидан учаётган нимжон сўзлар ҳам титроқ:

– Холанг айлансин, Шодияжон...

Токи кўзлари намлангунча, баъзида икки томчи ёш милдираб тукилмагунча сукут қилади хола, сўнгра давом этади:

– Муаззамжоннинг пили сувратини олиб бир кафтгина ун берсанг...

Шодия ярим пиёла унни холага туттади. Хола сувратни узатади. Шодия уни олмайди. Хола ерга

эгилганча йўлга тушади. Кейинги кунларда хола келмай қўйди. Охирги марта “пили суврат”ни олиб келиб бир бўлаккина нон олиб кетганди. “Муаззамжоннинг пили сувратига нима бўлдийкин” сўрадим нимадандир хавотир олаётганимни яширмай. Фили қочиб кетмадимикин? Шодия елка қисди. Бир муддат бир-биримизга тикилганча жим қолдик. Сўнгра “хабар олиб келай қани”, деганча шоша-пиша йўлга тушди ва кўп ўтмай қайтиб келди. Кўзлари жиққа ёш. Хола оламдан ўтганини англадим.

3

Кулф ва калитининг шақир-шуқиридан ўзимга келдим. Темир эшик даранглаб очилди. Икки нафар миршаб мени суриб-сургалаб коридорга олиб чиқди. Ҳар иккала томони темир эшиклар ва панжаралардан иборат нимқоронғу даҳлиз бўйлаб бордик. Елкасида погони бор икки киши ўтирарди хонада. Пешоналарида қизил юлдуз. Саволга тутишди.

- Отинг нима?
- Остон.
- Фамилиянг?..
- Султонов.
- Неча йилга қамалгансан?
- Етти йилга.
- Нима гуноҳ қилгансан?
- Магазиндан, давлат магазинидан нон ўғирлаган,
- жавоб берди менинг ўрнимга турма бошлиғи.
- Ўзим учун эмас, очдан ўлаётган бир бечора аёл учун... Эри фронтда эди.
- Кимнинг магазинидан?
- Ўзим ишлардим ўша магазинда.
- Ҳимм... растрата!
- Шундай, – жавоб қилди яна менинг ўрнимдан турма бошлиғи. – Етти тийин камомади бор...

Кейин мени ҳовлига олиб чиқишди. Бу ерда юзга яқин, балки ундан-да кўп одам саф тортиб турарди. Темирйўл вокзалида ҳам тумонат одам. Ҳаммаси қамоқхона кийимида. Биз узоқ йўл босдик. Қаерга олиб боришаётганини ҳеч ким билмасди. Поезддан тушиб солдатлар қуршовида пиёда кетдик. Ҳамма ёқ оппоқ қор. Бутун вужудим титрарди совуқ қаҳридан. Ниҳоят бир тепалик олдида тўхташга буйруқ берилди. Шу ерда тепаликни айлантириб окоп ва траншеялар кавлашга киришдик. Тун тинч ўтди, аммо тонг отиши билан уфқда қорайиб душман аскарлари кўринди. Ва ҳадемай тепаликка томон бостириб келаверишди улар. Шунда бизни окоплардан қувиб чиқаришди ўзимизникилар. “Олға” деган буйруқ бўлди. Қўлларимиздаги бел ва пишангларни ўқталганча югура кетдик... Бамисоли қўрқинчли туш. Визиллаб учарди ўқлар, ингранганча йиқиларди одамлар. Мен ҳам йиқилдим... Юзтубан ётибман. Жароҳатим у қадар оғир эмас шекилли. Шундай бўлса ҳам индамай ётавердим. Ажнабий бақирӣқ-чақирӣқлар. “Халт” деган биргина сўз ёдимда қолди. Кимдир этиги билан қаттиқ туртди ва қичқирди “Ауфштейн! Ауфштейн!” Хавф-хатар туғилганда ҳатто тулки ҳам ўзини ўлганга солади. Индамай ётавердим. Ўлган деб ўйлади шекилли устимдан босиб-янчиб ўтиб кетди бир гуруҳ солдат. Секин бошимни кўтаргандим йигирма қадамча нарида турган офицерга кўзим тушди. Қўлида тўппонча. Ҳеч шубҳасиз, мени пайқади ва тирикликимни ҳам билди. “Швайн!” дея дарғазаб бўлди немис офицери ва тўппончасини ўқталганча мен томон кела бошлади. Ажойиб бир фикр миямга келди шу лаҳзада. Барибир ўламан. Орадаги масофа тўрт-беш метрлар қолганда ўрнимдан сакраб турдим. Ва қўлимни олдинга чўзиб, бор ғазабимни овозимга жойлаб баланд овоз билан қичқирдим:

– Хай Итлиғ-ғғ!

Бир дам довдираб қолди офицер. Гитлерга соғлиқ тилаб турган кишини отиб ташлаш керакми - йўқми, шу ҳақда ўйларди афтидан. Ва ниҳоят, пошналарини қарсиллатиб бир-бирига урганча шошиб жавоб қилди:

– Хайл!..

Ўнг қўлида қурол борлиги сабабли шошилинчда чап қўлини кўтаргани ва бундай ҳаракат билан қонунни бузгани ёдига тушиб ғазаб билан вишиллади.

– Швайн!

– Ахтунг, панцер фрфлотк! – дея ҳайқирдим бор овозим билан. Аммо бу сўзлардан бирортасининг ҳам маъносини билмасдим. Чўчиб атрофга аланглади офицер. Ҳақиқатан ҳам бақириқ-чақириқлар авжига чиқиб, чанг-тўзон ва қора тутун борлиқни қоплаб, тепалик ортидан қаторлашиб келаётган танклар кўринди. Ўзбекона таъриф билан айтганда ит эгасини танимасди. Олиб кетишди мени автомат қўндоғи билан турткилаганча. Аввал машинада, сўнгра поездда бегона юрт томон кетиб борардим. Тили, қиёфаси, дунёқараши, борингки, туриш-турмуши бутунлай бошқача одамлар. Мускуллари ўйнаб турган баҳайбат бир немис қабул қилиб олди мени. Бу ер дала ҳовли эди афтидан. Дарахтзор, баланд девор, бир томони ўрмон.

... Мана, уч ойдирки, шу ерда чўчқа боқаман. Бу бадхўр жониворлар учун бирорта тилнинг қадри ҳам, аҳамияти ҳам йўқ. Шундай бўлса-да “швайн, швайн, халт!” дейман уларга қараб. Немис кулади. Ва “гут-гут” лаганча сигарета тутатади. Ишимдан мамнун. “Якши” деб қўяди ҳар замон. Биламанки, ҳаётим шунинг қўлида. Ишлаб турган одам ҳамманинг кўзига яхши кўринади. Ана шу ақидага амал қиламан. Тинмайман. Ҳамма жой саранжом-саришта. Орадан яна бир ой ўтиб Ханс мени уйига олиб кетди.

Ўзим ҳам, меҳнатим ҳам унга маъқул бўлганини тушундим. Дарвозадан киришимиз билан бир гуруҳ ёш аёлларга кўзим тушди. Унча ёмон эмасди кўринишим. Ханс меҳнат ҳақимга пойафзал ва костюм олиб берган. Шу боис аёллар олдида унчалик хижолат чекмадим. Улар зўр қизиқиш билан кузатарди мени. Афтидан Ханс уйига хабар қилган, уйдагилар ва қўни-қўшнилар асир тушган “қизил солдат” ни кўриш иштиёқида тўпланган эдилар. Ханс аёллар олдидан мени намоёйишкорона олиб ўтаркан, қармоғига энг катта лаққа балиқ илинган овчи қиёфасига киргани назаримдан четда қолмади. Бадавлат одам эди афтидан, менинг соҳибим. Иккаламиз боғни айланиб томоша қилдик. Олмалар ширага кира бошлаган. Аммо узумлар ҳали хом. Молхонани ҳам кўрсатди менга. Қарийб ўн беш-йигирма қорамол жойлашадиган оғилда фақат битта хўкиз боғлаб қўйилган. Вазни ҳам чамамда бирор тонна бор. “Ҳаммаси сеники, ҳатто Астерий ҳам”, деди Ханс бақувват қўли билан хўкизга ишора қилиб. Назаримда немислар ҳазилга у қадар уста эмас. Хансинг ҳазили ҳам жиддийроқ туюлди менга. Бу тилда сўзлар шиддатли, товушлар кескин, талаффуз аниқ. Душман билан немис тилида гаплашмоқ керак деб бекорга айтилмаган. Шунга қарамай, Гёте ва Шиллернинг шеърларидаги нафосат ва нозикликни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Яна бир жиҳати борки, немисларда буюк олим ҳам, буюк шоир ҳам ҳамиша муштини ишга солишга тайёр. Шарқона тавозе ва яна нимадир йўқдай бу халқда. Тилининг кескинлиги ҳам шунданми деб ўйлайман. Хуллас, энди менинг катта боғим ва катта хўкизим бор. Ва лафзимда фикримни тушунтиришга етгулик немисча сўзим бор. Хансинг юзига қараб уруш тарозуси қай томон оғаётганини англашга уринаман. Ёнига яқинлаштирмайди мени

Астерий (хўкизнинг оти шундай). “Шар” дейишади бизнинг Мираки томонларда бунақа жониворларни. Билмадим, қандай ўйинлар кўрсатаркин мабодо ечи-либ кетгудек бўлса бу шохдор жонивор.

Бир ойдан кўпроқ вақт ўтди орадан. 21 июль. Бе-камиз Аглаида хонимнинг таваллуд куни. Боғ ўрта-сидаги ўтлоқда зиёфат дастурхони ҳозирланди. Меҳ-монлар қарийб йигирма киши бор. Ханс ва бир мун-кайган чолдан бошқа ҳаммаси аёллар. Оқшом палласи жой талашаётган майналардек чуғурлашарди улар дастурхон атрофида ўтириб. Бу пайтда мен дарахт устида туриб олма терардим. Ногоҳ оғил эшиги қар-силлаганча очилиб кетди ва Астерийнинг баҳайбат шохли боши кўринди. Ўтлоқ саҳнида ўтирган одам-ларни кўрди жонивор ва ўйноқлаганча шиддат билан югуриб кела бошлади. Чор тарафга қочди саросимага тушиб қолган меҳмонлар. Шу келишда базм столини тагидан шохи билан илиб осмонга кўтарди хўкиз. Ва идиш-товоқларнинг жаранг-журинги садоси остида олға югурди. Қий-чув кўтарганча паноҳ истаб уй то-мон қочиб боришарди аёллар ва болалар. Шохи атро-фини ва пешонасини охир бурчагига, занжир боғлан-ган қозиққа ёки бошқа бирор учли нарсага ишқалаш одати бор бу жониворларнинг. Астерий ҳам занжир сиқувидан озурда бўлган ва қичиётган шохларининг тубини ана шундай ишқалайвериб занжир ҳалқаси-ни узиб юборган ёки бўшатган эди афтидан. Хуллас, Астерий қочиб бораётган издиҳом орасидан Ханс-нинг ўн уч ёшли қизини танлаган ва қизнинг лоларанг юбкасидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди унинг кўзига. Қиз қаттиқ чинқирганча мен олма тераётган дарахт тагидан жонҳолатда югуриб ўтди. Кўзи қон-га тўлган Астерий уни таъқиб этиб келарди ҳамон. Қиз қочиб бораётган томонда эса нажот эшиги берк. Қўшни уйнинг баланд деворидан ошиб ўтиш илож-

сиз. Астерий ҳадемай унга етади ва қудратли шохлари билан... Ногоҳ унинг рўпарасида ҳайҳайлаганча Ханс пайдо бўлди. Аммо шу лаҳзада нафақат филдай Ханс, балки африка фили бўлса ҳам шохига илиб отишдан қайтмасди Астерий. Шундай бўлди ҳам. Бир ҳамла билан йўлидаги тўсиқни итқитиб ташлаб, қизил юбка томон йўлини давом эттирди. Оний лаҳзаларда рўй берди бу воқеа. Ва мен нима қилаётганимни ўзим ҳам англамаган ҳолда дарахт шохидан ерга сакрадим, балки йиқилиб тушгандирман. Мана, ҳўкиз Астерий ва одам Остон юзма-юз. Оёқларини ерга тиради шиддат билан югуриб келаётган Астерий ва рўпарасида турган жонзотнинг кимлигини, нималигини, кучини ва бошқа жиҳатларини аниқлаб олиш учун таққа тўхтаб, ногоҳ осмондан тушган жонзотга қараганча бир зум қотиб қолди. Албатта унинг ўйлаб олиши учун бир дақиқа эмас, балки бир сония етарли. Шундан кейин шохи билан илиб осмонга отади мени ва яна йўлида давом этади. Албатта бундай паллада энг машхур испан матадори ҳам ҳеч нарса қилолмас ва унинг қўлидаги пичоғию қизил латтаси ўзининг қонига беланган бўларди. Оёғини ерга тираганча бошини баланд кўтарди Астерий, қаттиқ пишқирди. Ва мени мўлжалга олди. Бу лаҳза Астерий учун ҳеч нарса, аммо мен учун жуда қимматли. Қочишга улгурмайман. Ўзимни бир ёнга ташлаб йиқилиб қолишга улгурган тақдиримда ҳам Сафина омон қолмайди. Сафинанинг ўлими – менинг ўлимим. Шундай ҳолат юз берса, мен ҳам тирик қолмайман. Ханс мени омон қўймайди. Чунки Астерийга қараш менинг ихтиёримга топширилган. Унинг занжирини мендан бошқа яна ким ечиб қўйиши ва бу қизиқ томошани ҳўкизбоқардан бошқа ким ҳам уюштириши мумкин!? Ана шу фикрлар миямда яшин тезлигида чарх ураркан, қўлим ҳам яшин тезлигида ҳаракатга келди ва мен икки бармоғим билан

Астерийнинг бурун каррагидан тутдим. Ва қаттиқ қисдим. Агар билсангиз, хўкизларнинг Ахиллес тово-ни, яъни энг заиф жойи бурун карраги. Мен ҳеч қачон бундай қилиб кўрмагандим, аммо қассоб амакимнинг шу йўл билан ҳар қандай хўкизни бўйсундиришини кўп марта кўргандим. Бошини илкис кўтарганча тек қотди Астерий. Биринчи бўлиб Ханс ўзига келди ва қандай мўъжиза рўй берганини билиш учун ўрnidан туриб кўрқа-писа биз томонга бир неча қадам қўйди. Англадимки, кўлимнинг ҳар қандай нозик ҳаракати-га ҳам бўйсунди энди бу баҳайбат махлуқ. Ва мен тантанавор бир алпозда хўкиз бошини Ханс томон бурдим. Ранги оқариб кетди унинг ва беихтиёр ортга тисарилди. Энди уй деворининг ташқи бурчаги билан зинапоя ортида тўпланишган ва беркинган жойларидан мўралашарди аёллар. Мен Астерийни оғил томон етакладим ва майса билан қопланган ҳовли бўйлаб тантанавор қиёфада аёллар ёнидан олиб ўтдим. Оғилдан чиқишим билан меҳмонлар ва хонадон соҳиблари даврасига тушиб қолдим. Ханс ҳамон титраб-қақшаётган қизини кучоқлаб турар ва унга тинчлантирувчи қандайдир суюқлик ичирарди.

– Сиз испанмисиз? – сўради ўттиз ёшлардаги лато-фатли бир хоним табассум билан. Кўрқувдан ўтакаси ёрилаёзган оломоннинг биринчи саволи шу бўлди.

– Найн, их бин узбекиш, – жавоб қилдим нафақат қутирган хўкиз устидан, балки бу оломон устидан ҳам тўла ғалабага эришганимни ҳис этиб немис тилида.

– Ўзбекларда сеҳргарлар кўпми?

– Матадорлар-чи?

– Балки сиз бирон-бир дуо ўқигандирсиз?

– Қандай дуо ўқидингиз?

– Астерий сизни тушундимми?

– Агар Астерий яна чиқиб келса, шундай қила ола-сизми?

Бу саволдан кейин гўё Астерий яна чиқиб келади-гандай қўрқув билан ҳамма оғил томонга қаради.

– Я, я, – деб оғил томон юра бошлагандим, “найн, найн” деганча бир аёл мени маҳкам қучоқлаб олди. Кейин бирдан хурсандчилик бошланиб кетди. Ханс столларни яна жойига ўрнатди ва қайтадан дастурхон ҳозирланди. Энди мен давра тўрида Аглаида хонимнинг ёнида ўтирдим...

5

Уч йил ўтди орадан. Сафина энди ўн етти ёшда. Уруш тугаган. Сафинанинг амакиси, яъни мени асирга олган офицер жангдан қайтмади. Унинг русларга асир тушганлиги ҳақидаги хабар Хансни ва унинг оиласини чуқур қайғуга солди. “Бўлар иш бўлди, энди сен укам ўрнида укамсан ва Ҳерманнинг хонасида яшайсан”, деди кунлардан бир кун Ханс. Жуда ноқулай сездим ўзимни ва бу таклифга рози бўлмадим. Ҳерман яшаган хонани унинг уй музейига айлантиришди. Кейин билсам, Ҳерман дурустгина шоир экан, унинг ёзган шеърларини ўқиб таъсирландим ва баъзиларини ўзбек тилига таржима қилиб Сафинага ўқиб бердим. Бизнинг тилимиздаги “ҳаё” деган сўз қизга жуда ёқиб қолди. Бунча майин, бунча оҳангдор дея қайта-қайта такрорлар ва бу сўз маъносини сўрарди. Афсуски, немис тилида бу сўз мазмунини меъёрига етказиб тушунтира олмадим. Шундай бўлса-да, мени кўрдими, худди саломлашгандай “ҳаё-ё-ё” деб қўядиган бўлди қизгина. Немисларда ҳам худди бизникидай “х” товуши бор. Шу сабабли бу сўзни жуда чиройли қилиб айтарди Сафина. Бўлиққина, сербуриим ва серчизик ҳамда ҳиссиётга тўла ва жуда сезгир лаблари худди ҳуштак чалаётгандай йиғрилар, қошлари ҳам муҳаббат мавсумида рақс тушаётган қора илончалардай бир-бирига яқинлашиб бош кўтарганча титраб турарди. Одатда биз боғдаги

бахайбат дуб соясида ўтирар ва турли мавзуларда суҳбатлашардик. Ана шундай суҳбатларнинг бирида яна ўзбеклар тўғрисида сўраб қолди. Бизнинг қизларимиз кўпроқ қизиқтирарди уни:

– Ўзбек қизлари қандай бўлади, кимга ўхшайди?

– Сенга. “Ҳаё” деганда худди бизнинг қизларга ўхшаб кетасан.

– Ибо десам-чи?

– Ўхшайсан.

– Ноз десам-чи?

– Ўхшайсан.

– Таманно десам-чи?

– Бўлиб айтма. “Таманно” де...

Аммо қулоқ солмасди у ва аёллар аффектига, ода-тига юз ифодасига хос сўзларни сўрайверарди. “Иф-фат”, “фироқ”, “карашма” каби сўзларни қийналиб бўлса ҳам талаффуз қилар ва аёллар руҳий ҳолатини ифодаловчи сўзларнинг бу қадар кўплигидан ҳайратланарди ҳам. Кўп ақлли ва билимли эди қизгина. Боғ адоғида сайр қилиб юриб ногоҳ қалдирғочкулча бутасига дуч келиб қолдим бир куни. “Қалдирғочкулча! Қалдирғочкулча!!” деган нидо отилиб чиқди бўғзимдан ва мен ёввойи гиёҳ пойига тиз чўкдим. Ёнимда Сафина борлигини тамом унутгандим шу лаҳзада. Тамом ёлғиз эдим. Қалдирғочкулчани бағримга босдим, унинг бинафшарангга мойил гулларини беқарор бир тарзда ҳидлай бошладим. Вужудимдан сирқиб келаётган ҳиссиётлар қайноқ ёшга айланиб кўзларимдан оқаётганини сезмасдим.

– Нима бўлди сенга, Остон?! – ҳаяжонини босолмай қичқириб юборди Сафина.

Гул бутасини яна ҳам маҳкамроқ кучоқладим мен.

– Остон !.. Остон!.. Остон!.. – дея елкамдан кучар ва вужудимни гул бутасидан ажратиб олмоқчидек силкиларди қизгина. Индамай ўрнимдан турдим. Қизга

қарашга юзим чидамади. Ўнғайсизландим. Ва тескари қараганча муштларим билан кўзларимни ишқалаб туравердим. Кейин анча жойгача индамай бордик.

– Нима бўлди? Нега йиғладинг? – дея яна сўроққа тутди Сафина.

– Сенга тушунтира олмайман, – дедим чуқур хўрсиниб.

6

Қандай қилиб унга тушунтирсам деб ўйлаб юрдим. Бизда ҳам шунақа гиёҳ ўсади, болаликда унинг тагида ўтириб ўйнардик, қўғирчоқлар ясардик, қалдирғочкулча уруғидан мунчоқлар қилиб, қўғирчоқларимиз бўйнига тақи б қўярдик десам, ўша кунги ҳолатимни оқламайди ва қизнинг кўнглида ғубор қолади. Ана шундай хаёллар билан бир куни офилхона бурчагида ўтириб қўғирчоқ яшашга киришдим. Латта-путта қийқимлари кўп эди бу ерда. Жуда чиройли чиқди қўғирчоқ. Аёл кўринишида, кийимлари пўрим, бошида би-нафшаранг қасава, унинг устидан сариқ шоҳи рўмол. Этаги узун парпари кўйлаги ва қора ҳошия тутилган кенг энги айниқса жозибали. Белида заррин камар... Эртага қўғирчоқни унга совға қиламан. Дарвоқе, эрта унинг сўнги имтиҳони. Ўлкашуносликми ёки музейшуносликми бўйича университетга имтиҳон топширяпти. Туни билан хонасида чироқ ўчмади. Нурафшон деразага қарай-қарай ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонганимда Сафина шаҳарга жўнаб кетганди. Орадан уч кун ўтиб қайтди. Бутун оила уни табрикладик, шунда мен бошқалар олдида совғамни топширишга журъат этмадим ва қулай фурсат кутдим. Боғ адоғида хилват гўша бор. Чирмовиқ гуллар билан ўралган яшил томча. Сафинанинг севимли гўшаси. Хонадон аҳлига шубҳа туғдирмаслик учун ҳадеганда у ерга боравермасдим. Астерийга ўт олиб келиш баҳонасида ёлғизоёқ йўлак

бўйлаб яшил томча томон юрдим. Ёғоч скамейкада ўтирарди у. Кўзлари юмиқ, киприклари ёйилган куш қанотидай бўлиб юзига соя солиб турибди. Қизил чорхона матохдан тикилган кўйлагини скамейкага ёйиб ташлаган... Шарпамни пайқаб кўзларини очди ва ил-кис ўрнидан турди. Нимадандир қаттиқ ҳаяжонланарди. Худди кўзларини юмиб хаёлига келтирган ҳолат энди рўпарасида тургандай. Қиз худди мени бағрига босмоқчи бўлгандек қучоғини кенг ёйди-ю, бунга журъати етмагандай яна жойига ўтириб олди.

– Сафина, сенга совғам бор...

Киприклари пирпираб кетди унинг ва савол назари билан кўзларимга тикилди.

– Мана!

– Вой. Ажинача! Ажиначагинам!

Қўлимдан олди қўғирчоқни ва бағрига босди. Кейин ўзидан узоқроқ тутиб қаради.

– Қаердан олдинг, – деди таажжубланганини яширмай.

– Ясадим.

– Ростданми? Ўзинг ясадингми?

– Ҳа,

– Мен учунми?

Бош силкиб тасдиқладим.

– Оти нима бу ажиначанинг?

Қўғирчоққа ном қўйиш ҳақида ўйлаб кўрмагандим. Нима деяримни билмай тараддудландим. Турли-туман исмлар келди хаёлимга, аммо улардан мосини танлашим қийин кечди. Ва бироз давом этган сукутдан кейин қўғирчоқнинг номини айтдим.

– Шодия.

– Шодия?.. – Йўқ, Ажинача бўлақолсин... – деди Сафина ўтингансимон.

– Хоҳишинг...

Майса устига чўзала тушиб парпираб нур таратаётган деразага қараб ётдим. Шу сонияда унинг нима қилаётгани, нималарни ўйлаётгани ва қандай ҳолатда

турганини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилар ва жўшқин хаёлларга берилардим. Ниҳоят дераза парда-сида навниҳол қомати акс этди унинг. Қўлида нима-нидир тутиб турибди. Юрагим ҳаприқиб ўрнимдан туриб кетдим. Қўғирчоқ! Ўша мен совға қилган қўғир-чоқ! Сафина қўғирчоқни дам бағрига босар, дам унинг либосларини силаб-сийпалар, дам кўкси устига қўйиб боласини овутаётган онадек у ён-бу ёнга тебранар-ди. Лабларининг ҳаракатига қараганда алла ҳам айт-моқда эди афтидан...

7

... Шундан кейин орадан кўп йиллар ўтди. Германиядан қайтганимдан кейин яна қамашди мени. Яна қийноқлар ва сўроқлар... Гапнинг қисқаси, 1955 йили озодликка чиқдим. Қишлоқлар қиёфаси ҳам, ҳаёт ҳам тамом ўзгариб кетибди. Ҳеч ким танимади мени. Қиш-лоқ қабристонни атрофида айланиб юрган бир қария-дан Шодиянинг қабрини сўрадим. Биз майсалар гурки-раб ўсиб ётган кичкина тупроқ тепача олдида тўхтадик

– Мана шу.

– Янглишмаяпсизми?

– Аниқ биладан. Уни қабрга қўйишаётганда отам-нинг орқасидан эргашиб келгандим. Қўлимдаги тол чўпни олиб белги бўлсин деб қабр бошига қадаб қўй-гандилар отам. Мана ўша чўп кап-катта дарахт бўлибди.

– Нега “бўлибди” дейсиз, ўзингиз бу ерлик эмасмисиз?

– Аслида шу қишлоқликман. Урушдан олдинроқ қамалиб кетгандим.

– Қандай айб билан?

– Ёмон вақтлар эди, очарчилик... Дўконда ишлар-дим. Бир аёлга бир кафт ун билан бир бўлак нон берга-ним учун растрата қилиб қамаб юборишган...

– “Муаззамжоннинг фили суврати” дейишмасмиди ўша аёлни?

– Ҳа, шундай дейишарди.

– Балки сиз Султон Остондирсиз?

Чол менга қизиқсиниб қаради. Ва индамай кўйнидан бир уюм латта олиб қабр тепасидаги тошга суяб кўйди. Қарасам, чиройлигина қилиб ясалган кўғирчоқ. Мен Сафинага ясаб берган кўғирчоқнинг айнан ўзи! Мен ҳам шундай қилдим. Кўғирчоқлар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшарди. Бўйи-басти ҳам, қийимлари ҳам...

Ногоҳ қулф-калитнинг шақир-шуқиридан ўзимга келдим. Темир эшик даранглаб очилди ва назоратчининг погонли елкаси кўринди.

... Неча йиллардан бери турманинг зах камерасида ётган маҳбуснинг хаёлига нималар келмайди дейсиз...

ЎЗГА ЎЛЧАМДАГИ ИШҚ

1

Биз тирикликнинг бошқа-бошқа ўлчамли оламида яшаётганимиз сабабли бир ёстикқа бош кўйиш имконидан маҳруммиз. Шундай бўлса ҳам етти йил бирга бўлдик. Никоҳсиз яшаш ножоиз. Буни сен тушунмайсан. Балки билмайсан ўз исмингни ҳам. Одамларга хос урфу одатлар сенга бегона. Шунга қарамай, бир йўлни қилиб никоҳ ўқитиш пайида бўлдим. Ким бажаради бу ишни, ким бўйнига олади? Дунё тарихида бундай бўлмаган. Маломат тошлари ёғилишидан қўрқаман. Аммо ҳамма нарсанинг йўли бор.

“Тонг сўфиси” деб атаганлар куёшни ҳазрат Навоий. Айни муддао эди биз учун бу гап. Сўфи бўлсангиз бизни никоҳлаб кўйинг дедим куёшга қараб илтижо оҳангида. Кейин ёнма-ён турдик биз бир неча муддат. Ўраб-чирмаб олганди куёш нурлари бизни. Аслида, илк бор учрашганимиздаёқ тақдиримиз кўшилгани-

лигини ва бизни ҳеч ким аҳдимиздан қайтаролмаслигини пайқаганман.

Одам қиёфасида эдинг ўшанда сен. Яъни никоҳ ўқитишимиздан олдин. Кейин бошқа ўлчамга ўтдинг. Бундай дейишим балки нотўғридир. Биз ер устида бир ҳаводан нафас олиб, шу ернинг сувини ичиб яшардик, қуёш нурларидан баҳраманд бўлиб яшардик. Фақат энди сен жамиятни, сиёсатни ва одамзот наслига тааллуқли бўлган тартиб-қоидаларни тан олмас, уларни тушунмас ва уларга нисбатан бефарқ эдинг. Аммо мени инсон наслидан эканлигимни билардинг, ҳузурингга борсам бутун вужудинг билан менга томон талпинаётганингни, майин-майин шивирлаб ўз тилингда алёр айтаётганингни билардим. Эшитиб турардим сенинг овозингни. Бундай эврилишдан аввал одам қиёфасида эдинг сен. Барча одамлардай росмана одам эдинг. Шу билан бирга ҳеч кимга ўхшамасдинг.

2

... Қуёш ботар маҳал пахтазор этагидаги зовур бўйида учрашдик. Эгнингда енгилгина яккақат “ветровка”. Қора рангда. Оппоқ ва бақувват бўйнинг билан ветровканинг парпариланган ёқаси бир-бирининг рангини янада тиниқлаштириб кўрсатади. Шамолда силкиниб, соат кафгиридай тебраниб ҳилпираб турарди шоҳи бўйинбоғинг. Юзингга кўчаётгандай бўйинбоғнинг алвон ранги. Гўё бу манзара завқу шавқидан сармастдай шамолда силкиниб пичоқ қайрашар ва шиғирлашарди қамишлар, оғир-оғир тебраниб қўйишарди маллабош лухлар. Ва “Бригадирист”, “бригадирист” деб сайрарди қаергадир яшириниб олган, исми ҳам, жисми ҳам менга номаълум бир қуш.

Оқшом палласи сўнгги этак пахтамини шийпонга кўтариб чиқиб тарозига қўйишим керак, аммо унгача қоронғи тушиб қолишини ўйладим ва касалманд ду-

гонаминг ўтинчи ёдимга тушиб, пахта тўла этакни эгат охирида қолдирдим-да, лух ва бўйчан қамишлар ўсиб ётган, шўроб сувли зовур томон юрдим. Бир ҳовуч қорадўлана териб кетмоқчи бўлиб шошилиб борарканман, зовур бўйидаги тупроқ тепачада ўтирган кишини кўриб иккиланиб турдим бир дам. Ортга қайтмадим. Ботиб бормоқда эди куз қуёши. Шошилганча қорадўлана дарахти томон бордим. Шунда сен тепача устида туриб қад ростладинг ва мен томон юрдинг. Мен эса дўлана шохига интилардим. Бехудага сакрардим. Нимчам кистасида бир кафтгина дўлана. Бу оз. Яна бироз термоқчиман. Шунга интиқ дала шийпонида ётган бечорагина касалманд дугонам. Қора дўлана юрак хасталигига даво деган ақида билан яшайди бечора.

Шунда сен рўпарамда тўхтадинг, бўйим етмаган шохни эгиб тутқаздинг қўлимга, мен эса шоша-пиша маржондай тизилган қизғиш-қорамтир доналарни сидириб олар ва бир-биримизга бақамти турганимизни биров кўриб қолмаятимикин деган хавотир билан атрофга аланглардим ва шошилардим. Дугоналарим пахта тўла этакларни кўтарганча тизилишиб торгина ёлғизоёқ йўлдан шийпон томон кетиб боришар, узоқдан қараганда оппоқ гуручсимон уруғини ташиб кетаётган чумолилар карвонини эслатарди уларнинг қатор бўлиб тизилиб бориши. Сен эса яна ҳам баландроқдаги новдага интилдинг ва бир кафт дўлана териб менга тутдинг. Қўлингдан қай тарзда олишни билмай саросималандим. Ҳа, жуда-жуда шошилардим. Қоронғу тушмоқда эди пахтазор узра. Шунда сен қўлимдан тутдинг ва терган дўланангни ҳовучимга жойларкансан, сўрадинг:

- Нима қиласиз буни?
- Бир дугонам айтганди... – дедим товушим титраб.
- Дугонангиз нима қилади?

– Ейди.

Иккаламиз ҳам кулиб юбордик. “Ейди” деган сўз шу дамда кулгули туюлди менга ҳам. Ва мен эгат адоғида қолган этагим томон шошилдим. Ортимдан келдинг. Бўю бастинг “Алпомиш” достонидаги алплардай узун, бақувват. Индамай этакни олдинг елкамдан. Ва худди Алпомишдай катта-катта қадамлар билан кетавердинг индамай, ортингга ҳам қарамай. Шийпонгача бордим ортингдан. Билмасдим ўшанда ҳали сен университет талабаларининг раҳбари эканлигингни. Атрофингни ўспирин йигит-қизлар ўраб олгандан кейин ва улар “домла” деб мурожаат қила бошлаганларидан кейин англадим буни.

Кўп марта учрашдик кейин биз. Ҳаётимиз қанчалар қийин бўлмасин, терим мавсумининг тугаб қолишини истамасдим. Кун бўйи икки букилиб пахта териш, пахта тўлдирилган зил-замбил этакларни даладан шийпонгача кўтариб бориш оғир туюлмасди. Вужудимдаги кучлардан бошқа яна қандайдир ташқи куч бор эдики, тоғдек юкни ҳам кўтаришга мойил сезардим ўзимни. Аслида ташқарида эмас, юрагимнинг ичида эди ўша куч...

3

Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин энтикиб; шошилиб, борлиқни унутиб бордим ўша дарахт олдига яна. Ҳамон ўша қиёфада, шохларини кенг ёйиб, новдаларини кўкка чўзиб, шабадада енгилгина шовуллаб турарди бизни дўстлаштирган Қорадўлана. Қадрдоним, дугонагинам! Бормисан? Омонмисан?! Тиканларингни баданларимга санч, санч! Санчавер, чидайман. Ва... мана бундай қиламан, мана бундай! Кўксимга... дарахт танасининг ғадир-будир пўстлоғи, қачонлардир кесиб ташланган новданинг теграси ғурра бўлиб қолган кўзи ва ғуддалари қаттиқ ботди кўксимга. Бор

кучим билан кучдим унинг серчизиқ ва серажин, реша-реша танасини. Кўксимга чуқурроқ ботди унинг тиканлари. О, нақадар ҳузурбахш эди бу азоблар.

Оқшом қоронғусида қайтдим хонамга, ғамхонамга. Нимчам чўнтагида бир кафт дўлана. Гулдор чинни ликобчага солиб қўйдим уларни. Нўхат катталигида қорамтир-қўнғир дўланалар. Электр чироқнинг нури ликобчани ва унинг ичидаги дўлана доналарини кўраётгандай, нур толаларини улар томон йўллаётгандай, ва улар устидан, майин, сарғиш ипак қатимларини тортаётгандай. Бир донасини қўлимга олиб ёруғликка тутиб қарадим: Сирти силлиқ, бир томонида игнанинг учидай ингичка думчаси, иккинчи учида дўлана этига чуқур ботган парпари шаклдаги бурунчаси бор. Оғзимга солдим. Ширинлиги ҳам, нордонлиги ҳам нимтатир. “Қорадўланани кўп ема, оғзингдан қорасув келади” дердилар онам раҳматли.

Кейин яна бир неча марта бордим унинг ҳузурига.

... Кеч куз эди сўнги марта борганимда. Қуриган хашақлар устида қиров. Арғувон либосин ташлаган алволилору зардолулар ҳам. Қишлоғга ҳозирлик кўрмоқда эди менинг “дугонам”. Биз, одамлар қиш келаверса қалин кийимларимизни кийиб оламиз, эшик туйнукларни совуқ кирмайдиган қилиб беркитамиз. Дарахтлар эса аксинча, яланғоч ҳолда кутиб оладилар аёзларнинг қаҳру захрини. Қорадўлана ҳам атрофдаги барча дарахтлар каби япроқ ташлаган бўлса-да, новдаларда шиғилдай дўланалар қизариб турибди. Болаликда худди шундай маржоним бўларди, ҳавас билан қарашарди дугоналарим...

4

... Она дўлана пойида бўйи уч-тўрт қаричлар чамаси ёш ниҳол. Аввал “дугонам”га қарадим, сўнгра ёш ниҳол пойига тиз чўкдим. Бармоқларим билан нозик

танасини силадим. Сертикангина. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан тиканлари мустаҳкам, қаттиқ, ўзини ҳимоя қилишга ярайди. Уйга қайтиб сенга айтиб бердим буларнинг ҳаммасини. Албатта ёдингга келди ўша илк учрашув. Эриш туюлмади сенга гапларим. Қучоқлаб бағримга босгим келди сени, аммо атрофга кўз югуртирарканман, бундай қилмасликка, токи тун чўккунча сабр қилишга кўндирдим ўзимни. Чунки чор атрофда кўзлар, кўзлар... Бизни кузатиб турган кўзлар, кўрганларига юз чандон кўшиб сўз отадиган тиллар, турли ғийбатларни ўйлаб топадиган миялар бор. Буларнинг ҳаммаси ҳар жиҳатдан соғлом, ақлли, тартиб-интизомли одамлар вужудида мавжуд. Ҳар бир ишни ўйлаб, ўз мақсадларига бўйсундириб қиладилар улар. Шунинг учун ҳам менинг юриш-туришимдан куладилар улар. Фақат сен тушунасан менинг қалбимни. Мана, ниҳоят жийдалар гуллаб, далада тунайдиган вақт ҳам келди. Баҳорнинг ана шундай жонбахш илиққина оқшомларидан бирида супага жой қилдим. Иккита янги кўрпачани ёнма-ён тўшаб, иккита ёстиқ қўйдим. Кўрпачалар устига оқ чойшаб ташлаб, кўрпача қатига, ўзим ётишни мўлжаллаган тарафга бир бўлаккина оқ сурпни қистириб қўйиб сенга қарадим. Жойга киришдан аввал олдингга бордим. Йигирма бир ёшда эдим ўшанда. Оқ сурп қўйлақдаман, бизнинг суҳбатимиз унчалик қовушмасди гоҳида. Шундай бўлса ҳам олдингга борардим ҳар оқшом.

Бир кеча Санобар исмли дугонам ёнимда тунаб қолди. Ярим тунда унинг безовталанаётгани ва нимадандир норози бўлиб, уйқусирагандай тушуниксиз сўзларни айтаётганини эшитдим ва қулоқ тутдим. Ҳеч нарса англамадим. Тинимсиз шовулларди ҳовлидаги бир туп терак. Пайқадим албатта, унинг нимадандир норози бўлаётганини. “Бир кеча минг кеча эмас” дедим шивирлаган овозда. Барибир кўнмади ва шовуллаверди. Илк

бор аразладим шунда ундан. Ва тескари томонга, дугонам ётган тарафга ўгрилиб олдим “мана бўлмаса” деб.

– Бу терагинг уйку бермади менга, – деди эрта билан дугонам ёстикдан бош кўтараркан. Ва нима учундир оҳиста шовуллаб ва тебраниб турган дарахтга қараб қолди. Мен ҳам қарадим унга, яъни сенга.

– Етти йилдан бери аҳвол шу, – дедим нолигансимон.

Ахир эридан шикоят қилишни яхши кўришади-ку аёллар. Хаёлимга келган бу фикр ёқмади ўзимга. Мен бундай қилолмаслигимни, эримдан ҳеч қачон нолий олмаслигимни айтмадим дугонамга.

– Ҳовлинг атрофини девор билан ўраб олсанг бўлармиди... – деди дугонам хайрлашиб йўлга тушаркан. Шундай қилиш зарурлигини кўпдан бери ўйлардим ўзим ҳам. Аммо бу ердан катта йўл ўтиши тўғрисидаги гаплардан иккиланиб қўлим бормасди ишга. Қора чодирини борлиқ узра ёйди қора тун. Юлдузлар чарақлай бошлади кўкда ва ҳадемай тун маликаси ой ҳам кўринди. Аммо мен ойсиз зим-зиё тунларни хуш кўраман. Шундай бўлса ҳам бордим ҳузурингга энтикиб, тўлиқиб ва бағрим ёниб. Ойга қарадим ва секингина сенинг соянгга яшириндим. Енгилгина, ёқаси очик кўйлақдаман.

5

... Бундан етти йил аввал ҳам худди шундай кўйлақ кийиб чиққандим учрашувга. Кўча муюлишидаги кўприкча устида турардинг ёлғиз ўзинг. Нигоҳинг сувда, балки сув сатҳида олтин заврақчадай қалқиб турган ойга қараётгандирсан. Хаёлингни бўлишга журъат этмай бир дам қараб турдим. Пайқадинг мени ва ердан бош кўтариб мен томон юрдинг. Кўришмадинг, ҳеч нарса демадинг, икки қўллаб иккала билагимдан тутдинг ва беозоргина сиқиб қўйдинг. Гарчи беозоргина, ва енгилгина, қисқа муддатли бўлса-да, суягимгача

ўтди бармоқларингдаги куч. Кўзларим юмилиб кетди ҳузурдан. Қани энди бир умр шу ҳолатда ушлаб, шу ҳолатда қисиб турсанг билакларимни.

Биринчи марта учрашувимиз эмасди бу. Шунга қарамай, гарча ҳар оқшом учрашиб турган бўлсак-да, сен сокин ва хотиржам эдинг, босиқ ва балки совуққон эдинг сен. Кўприк устига томон кўтарилдик. Романлардан ўқиганларимга ўхшамасди бизнинг учрашувларимиз. Келажакдаги ҳаётимиз, қурадиган янги уйимиз, туғилажак фарзандларимиз тўғрисида суҳбатлашмасдик биз. “Сувни яратгани учун Худога шукур” дединг босиқ, паст ва хаёлчан бир овоз билан кўприк устида тўхтаб. Қандайдир шубҳа оралагандай бўлди кўнглим ичра. “Нега севги тўғрисида гапирмайди бу одам?” Бошқа яна кўплаб саволлар бор эди бу саволнинг қатида. Худди юзлаб хивичлардан тўқилгандай эди бу шубҳа саватчаси. “Мени тушунишингни истайман”, дединг яна бироздан кейин. Нима деб жавоб қилишни билмай сукут қилдим ва юзингга қараганча индамай туравердим. Бу гап ортида тоғдек залворли бошқа гаплар ҳам борлигини сезиб қолдим дафъатан. Ва шундай бўлди ҳам, юрагим товонимгача тушиб кетгандай бўлди кейинги гапингдан. “Менга хотин керак эмас” деганингни... Ҳа, аниқ эшитдим бу гапни. Тиззаларим қалтираётгани ва бундан эгнимдаги шоҳи кўйлакнинг этакларида титроқ тураётганини билдирмаслик учун кўприк панжарасига тирадим тиззаларимни. Яна такрорладинг шу даҳшатли сўзларни:

- Менга хотин керак эмас...
- Ихтиёрингиз ...
- Чунки сени севаман.
- Бунча сирли гапларингиз, – дедим бироз ўзимга келиб.
- Сенга уйланишимга йўл қўймайди бу севги.

– Ундай бўлса... никоҳсиз яшаймиз дейсизми?

– Нималар деяпсан!

– Мен бечора бир етим қизман. Эпим ҳам, сепим ҳам йўқ. Шундай бўлгач...

Кулдинг. Ҳеч қачон овоз чиқариб кулмасдинг. Шунинг учун ҳам “Ғамзунук” дерди сени дугоналарим. Бу умумхалқ тилида меланхоликка тўғри келади.

– Шу ғамзунукка тегсанг, зерикиб ўлиб кетасан, дерди Шодия.

– Телевизор бор-ку, – ҳазил қилган бўларди Олмосой.

6

Мен шуларни эслардим, сен эса ҳамон кулардинг. Овозсиз эди сенинг кулгинг. Кекса чоллардай булкиллаб кулардинг. Хайрият дедим ва шунга ҳам қувониб кетдим. Ва шу қувонч кутқусида дедим:

– Менга дўлана териб берганингизда бошқача эдингиз.

– Юрагимда бу ҳиссиёт йўқ эди ҳали у пайтда.

– Қайси ҳиссиёт?– сўрадим, “севги” деган сўзни яна бир марта эшитиш учун умидвор бўлиб. Аммо такрор эшитмадим бу сўзни. Оҳиста шивирлади сенинг лабларинг:

– Ишқ...

Камдан-кам ишлатиларди бу сўз. Ва эришроқ туюларди бироз. “Деди қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст” дегим келди, аммо ўрни эмасди. Сўрадим:

– Энди-чи?

– Энди бор.

– Қачондан бери?

– Қора дўлана терганимиз, ўша оқшом, қўлларингни кўтариб юқорига интилишинг, нимчангдаги уч бармоқ аранг сиғадиган кистачанг... Бўйнингни ўраб турган бир шода мунчоқ... Қизил эди, гуруч шаклида эди ўша қизил мунчоқлар... Кўксинг кўринмаслиги

учун кўйлак ёқасига оддий сим тўғнагич қадалган эди. Кейин рўмолинг.. уни томоқбоши қилиб ўрагандинг. Қулоғи оғриган бўлса керак деб ўйлагандим. Хаёлда... Ҳар томон кетади хаёл дегани.

– Ё товба! Буларнинг севгига нима алоқаси бор?

– Айтолмайман, аммо сени эслаганда айнан шу ҳолатлар кўз ўнгимдан ўтаверади ва яна... мана, университетдаги ишимни ҳам ташлаб келдим. Илмий ишимдан кўра сен қимматлироқ туюлдинг.

– “Қимматлироқ” денг-а...

7

Индамадинг. Айтган гапингни таҳрир қилишга йўқ эди ҳушинг, афтидан. Кейин биз хайрлашдик. Кузатиб кўйдинг мени уйгача. Терак тагида турдик бир неча муддат. Кафтингни тирадинг дарахт танасига. “Бу мен”, дединг терак танасига шапатинг билан беозоргина уриб кўйиб. Бу гапингга эътибор бермаганимни пайқадинг. Дарҳақиқат, шунчаки айтилган, омади гап деб қараганим ёдимда. “Ҳа, бу мен!” дединг яна ва бу сафар ҳар бир сўзни таъкид билан, урғу бериб, оғир ва хаёлчан тарзда ифода этдинг. Нақ терак тепасида турарди энди тўлин ой. Мен ойга қарар ва “Менга хотин керак эмас” деган гапингни ўзимча муҳокама қилардим. Сира кутилмаганда жаҳлим кўзиди ва хаёлимда айланиб турган саволни шартга юзингга солдим:

– Хотин керак бўлмаса, нега бошимни айлантириб юрибсиз?

– Чунки сени севаман.

– Аммо уйланишдан кўрқасиз.

– Кўрқаман.

– Фф-у!

– Бунинг сабаблари кўп.

Гапнинг давомини кутиб нафасимни ичимга ютганча юзингга тикилдим ва аламзада овоз билан дедим:

– Энг гўзал севги ҳижрондаги севгидир.

Хулоса ҳам, эътироф ҳам эмасди менинг гапим. Оддий кесатиқ эди. Ўша оқшом уйга қайтиб стол устида турган сувратингга қарадим. Юзингдаги ифода кўприк устида айтган гапларинг билан ҳамоҳанг, гўё ҳар бир сўз ҳиссиётга айланиб юзингга ўз тасвирини қолдирган. Алланарсанинг ҳидидан кўнглинг айниб нафас ололмай турганга ўхшайсан. Йўл бўйида ўлиб ётган жонивор олдидан шундай қиёфада ўтади одатда одам. Бошингни бироз ўнг томонга буриб ва ўша томонга эгилиброқ турибсан, иккала қўлинг билан белингдаги қайишни маҳкам ушлаган ҳолда. Сенинг азалий одатинг ва энг яхши кўрган туришинг – шу.

8

Эртаси куни бир қучоқ гул кўтариб келдинг. Номсиз ва хокисор дала гуллари. Бурнинг учида гул оталигидан тўзғиган сариқ гулчанг. Гулбарг ичидаги оналик шу чанг туфайли авлод қолдиради. Инсон ҳаётининг давомийлиги ҳам худди шу тарзда кечади. Бу рамзийликни сенга айтмадим. “Гулга булбул кўнибди”, деб қўяқолдим. Тушундинг ва бармоқларинг билан юзингни, оғиз-бурнинг атрофини артган бўлдинг. Иккала миз овқатланган пайтларимизда мабодо лабимда ёки иягимда бирор зарра овқат қолдиғини кўрсанг шу гапни айтардинг.

Гулдонга солиб қўйдим гулларни. “Яхши қол, мен қайтаман” дедим. Шу пайт қаттиқ шамол қўзғалиб терак шохлари силкина бошлади, япроқлар чапак чалар, новдалар бир-бирини савалар, ҳатто теракнинг танаси ҳам шамол зарбига қарши туролмай тебранаётганга ўхшарди. Биз бир бўлак рангдор матонинг тобора юқорилаб учиб бораётганига қараб турардик. Дайди шамол уни ҳавода силкилаганча теракнинг нақ тепа-

даги шохига олиб бориб ўради. Мен эса тўзғиб кетган сочларимни кафтларим билан қулоқларим устига маҳкам босиб терак шохига илинган рўмолимга қарардим ва бу ажойиб ҳодисадан завқланганча қий-қириб кулардим. Ҳаёти бир зайлда кечаётган киши учун шундай оддийгина воқеалар ҳам баъзан завқли туюлади. Ногоҳ таққа тўхтади шамол. Ўз ишини ба-жариб хотиржам тортган одамдай. Рўмолим эса терак учида қип-қизил байроқдай кўринарди.

– Бу рашк,– дединг хаёлчан бир тарзда. – Мен ўз-ўзимдан рашк қиляпман.

– Шундай бўлиши ҳам мумкинми?

– Тушунмаяпсан фикримни. Мен рўмолингга эга бўлгани учун теракдан рашк қиляпман. Терак эса менинг ўзим. Диққат билан қара унга. Танасидан шохларига томон шиддат билан оқаяётган дарёни кўрасан. Агар бутун вужудинг билан қулоқ тутсанг унинг гувранишини ҳам эшитасан. Ернинг чуқур қаватларидан оқиб келяпти бу дарё. Муздек роҳатбахш унинг суви. Жазирама иссиқда ҳам терак танасига юзингни ёки пешонангни боссанг унинг салқинидан ором оласан. Бошинг оғриётган бўлса, таққа қолади унинг оғриғи. Вужудингда тўпланиб қолиб, танингни қиздираётган, зириллатаётган ва руҳингга малол етказаяётган қандайдир номсиз хилдан халос бўласан.

9

Ҳеч қандай эътирозсиз тинглаб турдим гапларингни ва яна ўша, қачонлардир ўзинг айтган сўз шууримга урилди: “Шизофреник”. Шизофрениклар, тутқаноқлар, ақли ноқислар, тентаклару овдалар ва бошқалар бор бу ҳаётда. Бир домламиз кўп гапирарди бу ҳақда ва ҳар томонлама тартиб-интизомли одамлар инсониятга ҳеч нарса бергани йўқ. Ҳамма буюк

асарларни ақли ноқислар яратган деб туриб олар ва кўплаб буюк ақл эгаларининг номларини бармоқ букиб санаб кўрсатарди. “Модомики шундай экан, дярди пировардида, инсон маънавияти учун ҳеч нарса бермайдиган интизомли, тартиб-қоида рамкасидан чиқмайдиган кишилар аслида шезофреник, шизофрениклар эса соғ”. Кулардик бу домламизнинг гапларидан. Ва мана, ҳаётимда сенга дуч келдим. Сен эса шизофрениксан. Кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмайман. Сен ёзпсан ва ҳар бир асарингда ўзингга ўхшаган кишилар ҳаётини тасвирляяпсан. Назаримда ҳақиқий ҳаётдан кўра асарларингда тасвирланган ҳаёт сен учун қадрли ва завқли. Сен яратган Қурбоно ҳам, Товашаров ҳам сенинг ўзинг. Бешим, Тиркашкруннер, Фурузон, Беимкон... барчасида сенга хос нималардир бор. Қани энди мен ҳам ҳақиқий ҳаётда эмас, балки рўёда мавжуд бўлсам. Биз хаёлот оламида учрашсак...

10

Мана, етти йилдан бери биргамиз. Шу вақт орасида фақат икки ёки уч марта енгимга қўл теккиздинг ва бир мартагина билагимдан ушладинг. Бутун вужудинг билан менга талпиниб турганингни сезардим, аммо сен оғир-оғир ҳансирашдан, офтобда эриётган мумдай юмшашдан ва маҳзун тортишдан нарисига ўтмадинг, бунчалар журъатсиз бўлмаса бу одам деб ўйлардим. Бир марта яна ўша кўприк устида турганимизда елкам билан секингина сенга суяндим. Ой ойдин эди. Жийда гулларининг ҳидини уфириб турарди баҳор эпкини. Қизларнинг майингина ва беозоргина, ҳаё пардасига ўранган кулгусидай эшитиларди ариқдан оқаётган сувнинг шовури. Менга ўзгача таъсир этди бу ҳолат ва вужудимдан сирқиб чиқаётган шўртоб сув томчи-томчи бўлиб ариқ сувига тома бошлади.

Оёқларимдан мадор кетиб елкангга қаттиқроқ суяндим. Кўзларимни юмдим, ҳавода парвоз этиб бораётгандай сездим ўзимни. Қўлларингда кўтариб борардинг менинг беҳол вужудимни. Маҳкам қучдим қўлларим билан бўйнингдан. Терак тагига келиб тўхтадинг ва мени ерга туширдинг. “Бу мен”, деддинг кафтингни теракнинг оппоқ танасига қўйиб. – Бу мен... Бу мен...

11

Бу бизнинг сўнгги учрашувимиз бўлди. Шундан кейин қайтиб сени кўрмадим. Фақт бир кеча ёмғир шивалаб ёғаётган тунда ниманингдир шарпасини пайқаб дераза олдига бордим. Терак тагида кимдир турарди. Очиб юбордим деразани ва бор овозим билан қичқирдим:

– Маҳ-ка-а-а-м!!!

Шовуллаб ёмғир тизимлари қуйилди дераза рапиға. “Маҳкам!..” дедим энди оғир йўл юриб толиққан одамдай ҳорғинлик билан. Аслида ички нидо эди менинг чорловларим. Дарахт танасига қапишиб турган вужуд аста-секин тана ичига кириб кетганини аниқ кўрдим. Кириб кетмади, дарахт танасига сингиб кетди. Ҳа, рўё эмасди бу. Эрталаб турганимда ёмғир тинган, осмон ложувард рангда, бутун борлиқ ювилган ва тоза эди. Шошиб терак тагига бордим. Кафтимни унинг танасига босганча атрофини айландим. Изларинг қолмадимикин деб ерга қарадим. Ҳеч қандай нишона қолдирмабсан. Теракка қарадим бирон-бир белги топиш мақсадида. Қора чизиқлар, тилим-тилим шакллар, нуқталар бор эди унинг оппоқ сиртида. Аммо сенинг дарахт танасига сингиб кетганингдан нишона эмасди булар.

Орадан бир ҳафта ўтиб автобус бекатининг бетон деворида сувратингни кўрдим. Тагида бедарак йўқолганинг тўғрисида эълон бор эди. Жадал юриб мили-

ция идорасига бордим. Аввал навбатчига учрашдим, кейин қандайдир лейтенантга, ундан кейин милиция майорига фикримни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бедарак йўқолмаганлигини билардим ва сенинг қаердалигинг ҳам фақатгина менга маълум эди. Шубҳаланиб қаради менга майор ва бораверинг текшириб кўрамиз деди. Орадан икки кун ўтиб икки нафар милиция ходими терак тагида турганини кўрдим. Дарахт тепасида илиниб турган рўмолимни кўрсатиб бу иш жамият тартиб-қоидаларига мос эмаслигини ва уни дарҳол олиб ташлаш зарурлигини уқдириб чиқиб кетишди. Кейин кўп шамоллар, қор, ёмғирлар бўлди, аммо сен рўмолимни табиат кучларига ҳам, жамиятга ҳам, раиятга ҳам бергинг келмасди.

12

... Тунда биз яна учрашдик. Энди қараб турмадим ва қўлларимни кенг ёйиб сени бағримга олдим. О, нақадар ширин эди висол онлари. Энди сени бемалол кучар ва эркалардим. Бир кеча оппоқ ички кўйлақда бордим олдинга. Ички кўйлақ, ёқаси кенг ва очик. Тўлиқиб ва таъсирланиб, энтикиб турган кўксимни кўкрагингга маҳкам босдим. Шу қадар маҳкам босдимки, эрталаб қарасам танангдаги ғуддалар кўксимга ботиб кетибди. Анор доналаридай дона-дона қон доғларини кўрдим кўксимда. Шилиниб, тилиниб кетган эди менинг кўкрагим. Аммо ҳузурдан ва самовий бир лаззатдан бошқа ҳеч нарсани сезганим йўқ. Кунлар ўтаверди шу тақлид. Ва ниҳоят, етиб келди айрилиқ онлари ҳам. Шоир Амир Худойберди айтганидай:

*Дарахтларга қарайман,
Дарахтларга қийин.
Қушларга қарайман
Қушларга қийин.*

*Ва чўчиб ўзимга қарайман
Одамларга ҳам қийин.*

13

Сенга ҳам, менга ҳам, баланд шохда илиниб ётган рўмолга ҳам қийин. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам кўни-киб яшардик, зотан кўникиш инсонга хос иш. Аммо бир поэмада айтилганидек, “Қора куним келди беомон”, Трактор моторининг кучли гулдуросидан уйғониб кетдим. Уч-тўрт киши ҳай-ҳайлашиб терак танасига тўқима сим арқон боғлаб, теракни... яъни... сени... трактор билан тортмоқда эдилар. Эшикдан чиқишга ҳам қаноат қилмай деразадан ўзимни ташладим. Кутқазиб қолишим керак эди сени. Ва мен парпарон уриб; сочларим тўзғиб, ўз жўжаларини қийғирдан ҳимоя қилишга отланган она товукдек кўксим билан сени тўсдим. Аммо бу ҳолни кўрмади тракторчи ва чираниб олға интилди девдай кучли темир нақлиёт. Узоқлашиб борардилар сенинг белингга занжир боғлаган кишилар. Сени маҳкам кучоқлаганча бутун вужудим кучга тўлиб қаршилиқ кўрсатдим. Сен ҳам бўш келмаётгандинг. Аммо шу пайт “Чувв!” этган товуш эшитилди ва кейин нима бўлганини билолмадим. Кўзимни очганимда бегона бир киши каравотим ёнида бош эгиб ўтирганини кўрдим. Эртаси кун яна келди ўша одам. Ва гинахонлик қилди: “Ўзингиздан ўтди. Ким айтди сизга терак тагида турсин деб. Занжирнинг узилиб кетишини мен каердан билай. Трактор силкиниб кетди, бориб қарасам қонга беланиб ётибсиз...Жонингиздан ҳам азизмиди ўша дарахт?”

Индамадим.

Терак менинг эрим эканлигини қаердан билишсин, менинг сир-синоатимдан беҳабар одамлар.

ЎЧ

I

Ит бошини кўтариб қараб рўпарасида бегона одам турганини кўрди. Эшлашга ҳаракат қилди: ҳовлидан кун бўйи одам узилмас, ҳар хил қиёфадаги кишилар келиб-кетишар, вужудидан тер ҳиди ёки ароқ билан атиринг қоришиқ бўйи анқиб турган зотларни кўравериб қари кўппакда хонадонни ёт одамлардан кўриқлаш ҳисси сусайиб кетганди. Қарилик, ҳар доим тўйиб овқат ейиш ва емак қидириш ташвишидан озод бўлиш жониворни итликдан чиқарган ва тўрт оёқли беозор бир махлуққа айлантиргандики, энди у ҳеч нарсанинг қайғусини қилмас, нафақат одам, балки ҳовлига бўри ёки бошқа бир дарранда кирса, унинг музофотида кезиб юрса, ҳатто олдига қўйилган овқатга шерик бўлса ҳам индамасди. Хуллас, қари кўппак тасарруфидаги “итона салтанат” ҳаммага баробар, ҳамма учун очиқ эди. Шу боисдан эринибгина бош кўтарди-да, қарши-сида турган кишига “хўш, хизмат” дегандек қаради. Одам деб ном олган ва вужудини ҳаммиша латтага ўраб юрадиган икки оёқли хилқат индамай тураверди.

Ит ороми бузилганидан норози бўлди.

Ҳаво иссиқ, қуёш беаёв қздирар, томнинг сояси девор тубига томон тобора қисқариб борар ва нафас олиш қийинлашарди. Бундай пайт оғизни очиш, тилни осилтириш, ҳалихлаш зарур. Бу нафас олишни енгиллаштиради, нимаси биландир иссиқни енгиллаштиради.

Одам ҳам итга қаради. Сергакланди. Ҳар эҳтимолга қарши хужумни даф этишга чоғланди. Жонивор жуда баҳайбат ва баджаҳл кўринарди. Оғзи катта, лабларининг чети қопағон итларникидек қорайиб турибди. Оёқлари бақувват, бўйни йўғон, танаси юнгдор, кў-

краги кенг, қулоқлари кесилган. Ҳатто думининг калта қирқилгани, чўммоқлиги ҳам назаридан четда қолмади.

Орадаги масофа ўн қадамлар бор.

Ит ҳалихлади. Оғзидан оққан сўлак оёғига томди. Йўқ, қутуриш белгиси эмасди бу.

Итлар иссиқда ҳамиша шундай қилишади. Одам буни билиши керак.

– Яқинроқ!

Одам яна бир-икки қадам босди. Нигоҳи итнинг кўзига тушаркан кўрқуви ортди.

Кўнглидан кўп гаплар ўтди: “Агар ит ташланиб қолса нима қиламан? Қайси тарафга қочиш маъқул? Барибир етиб олади. Етиб олса қаеримдан тишлайди? Болдиримдан, сонимдан, думбамдан олади. Йиқиламан. Шунда унинг тишлари кекирдагимга ботади.

Кўлим билан ҳимоялана оламанми? Албатта, кўл билан-да. Кўл ва оёқни қаттиқ сермаш, тепиш ва дод солиш билан. Аммо бу уят, мени кузатиб туришибди. Қани ҳалиги тош?

Ерга эгилиб ўшани олиш керакмиди... Балки қаршилиқ кўрсатмай мардлик билан унга ўзимни топширишим, бутунлай ғажиб ташламагунча ғинг деб овоз чиқармаслигим керакдир. Унда қизим нима бўлади? Уни уйга олиб кетишим керак-ку. Ахир катта қувонч-ку бу!”

Одам учун кўп нарса номаълум эди. Кўз қири билан бир неча қадам нарида қолган тошга қарамоқчи бўлди, аммо нигоҳини итнинг кўзларидан узолмади. Бундай пайтда ҳатто бемаврид киприк қоқиш ҳам масалани ҳал қилади. Кўлни қимирлатиш, орқага чекиниш, овоз чиқариш ҳалокат билан баробар.

– Яна ҳам яқинроқ!

Одам буйруқни бажаришдан чўчир, бажармаса қизидан ажралиб қолишдан кўрқарди. Ана шу бир-биридан устун икки ҳис ўртасида муаллақ туриб қолди.

Итнинг ҳаловати бузилди. Ўрнидан туриб соянинг куюқроғига бориб ётгиси келди.

Лекин қаршисида сўзсиз қотиб турган “бегона”-нинг ниятини англамасдан туриб бундай қилолмасди. Бу одам ҳар кун келиб-кетадиган басавлат, беғам ва беэътибор кишиларга ўхшамаслиги: шовқин-суронли, ҳазилкаш ва шўх йигитлардан, оёқлари нозик бўлса-да, эркакларга қараганда ерни қаттиқ-қаттиқ тепкилаб, қарсиллатиб қадам ташлайдиган назокатли қиёфалардан фарқ қилиши билан эмас, балки нигоҳидаги мақсаднинг ноаниқлиги билан жониворни иккилантириб қўйганди.

Ит ҳалихлашдан тўхтади. Тилини тортиб олди, оғзини юмди. Қаршисида турган кишининг нигоҳида одатдан ташқари нимадир бор. Аниқлаш керак. Бунинг учун ит энг ўткир, энг ишончли, ҳеч маҳал доғда қолдирмайдиган қуролини, яъни бурнини ишга солади, ҳид олади. Оғзини очиб, тилни осилтириб турган ҳолда оламни тутиб кетган минглаб ҳидлар орасидан зарурини ажратиш олиш мумкин эмас.

Одам итнинг авзойи ўзгарганини пайқади.

Жонивор бурун карраklarини кериб қоп-қора тумшуғини одамга тўғрилади. Унинг ўта сезгир, энг заиф ҳидни ҳам илғаб олишга қодир минглаб доначалардан ташкил топган ҳўл тумшуғи титраб кетди. “Ҳа, бу одам нотаниш, аввал сира келмаган, бегона”.

Ҳаво дим, қилт этган шамол йўқ ва шу қадар иссиқ эдики, ит ҳид олишдан тўхтаб яна оғзини очди, тилини осилтириб ҳалихлади. Боши, танаси, қорни силкиниб турар, нафас олганида “лах-лах, лах-лах” деган овоз эшитиларди. Ҳидлаб кўриш билан кишининг кимлигини аниқлаш мумкин, аммо унинг ниятини билиш учун кўзига қараш керак.

Ит одамнинг кўзларига тикилиб тураверди.

– Яқинроқ!

Буйруқни бажариш шартлигини тушунди одам. Қизи кўзига кўринди. Даҳшатли туюлган махлуқ туфайли вужудини қамраган кўрқув ҳисси орасида қолиб хиралашган қиёфа тиниқ тортди. Қиз йиғлар, отасини чорлаб ёрдам сўрар ва илтижо қиларди:

– Ота! Отажон! Қутқаринг!

– Қизим! Қизгинам!

Одамда содир бўлаётган ўзгаришнинг моҳиятини тушунмаса-да, унинг юзи ва кўзларидаги ифодада душманлик нияти йўқлигини англади ит.

Қиз йиғларди.

Бир ҳафтадан буён йиғлар, нола қилар, отасини чорлар ва ундан ёрдам сўрарди. Бир ҳафтадирки, отанинг ичига чироқ ёқса ёримайди, хонадон қайғуда. Ака-укалар, қариндош-уруғлар ҳар тарафга чопишди, сўраб-суриштирамаган жойлари қолмади. Дарёдан кўрдилар, кўлга бордилар, ички ишлар бўлимига хабар бердилар, қизгинанинг сувратини рўзномада бос-тириб, дарагини етказганга катта пул ваъда қилиб кутдилар. Ота яккаю ягона фарзандидан жонини ҳам аямасди.

Бир ҳафта ичида она тоза соб бўлди. Ҳар кун фолга югуравериш ҳолдан тойди. Эрига мўлтираб қарар, йиғлар, қарғар ва даъват этарди. Бутунлай ётиб қолишидан олдин таваккал деб лўли аёлнинг олдига борди. Фолчи косадаги сувга бир чигит пахтани бураб ташлади-да, ром очишга киришди: “Иқболингдан кўрайми, аҳволингдан кўрайми? О, кўзимга кўринди, кўнглимга аён бўлди”.

Онанинг кўнглида умид учкунлари милтираб кетди. Йўқолган қизини кўзи билан кўриб турган ва ҳадемай топиб берадиган фолбинга халақит қилмаслик учун нафасини ичига ютиб қулоқ тутди.

– Ана дарвозаси, мана эшиги...

Она фолбин айтган “эшик ва деразани” кўриш учун косага энгашди. Коса ичидан қизи кўриниб қолади-

гандек ёки сув париси каби сузиб чиқадигандек сувга тикилди.

Эр-хотин тунларни мижжа қоқмай ўтказишди. Хаёлга минг хил ўй, минг хил ҳолат келади: Кимдир қизни ечинтирар, кимдир қўрқитар, кимдир ифлос ниятини амалга оширмоқчи бўларди. Она оҳ урар, ота кўз ёшларини ичига ютганча зўр бериб ўйлар, дўсту душманларини кўз ўнгига келтирар, таниш-нотаниш ўйлар, ҳовлилар ёнидан ўтаётганида қизининг йиғлаётган, дод солаётган овози эшитилгандай бўларди.

Бир ҳафта давомида телефоннинг қулоғи тинмади. Ота дўстларига, она дугоналарига сим қоқишди. Бундай пайт ҳар лаҳзада эшик тақиллаётгандай, телефондан “Суюнчи беринг, қизингиз топилди!” деган овоз эшитилиб қоладигандек ёки эшик ланг очилиб останада Адлиянинг ўзи пайдо бўладигандай туюлаверди. Кутавериш она касал бўлиб қолди, “Тез ёрдам” чақирди. Дўхтирлар юрагида кескин ўзгариш борлигини айтиб шифохонага олиб кетишди. Уйда отанинг ёлғиз ўзи. Энди бемалол йиғлаши, ўзини уриши, сочини юлиши, оҳ тортиши мумкин. Дастлаб шундай қилди, кейин хонада у ёқдан-бу ёққа юрганча ўйлай бошлади. Қизининг суврати берилган рўзномани қўлига олди, ўқиди:

“Адлия Чўянова, ёши ўн учда. Оқ-сарикдан келган, кулча юзли, сочи қўнғир, бурни пучуқроқ, бўйи бир метру эллик етти сантиметр. Эгнида атлас қўйлак, оёғида тумшуғи оқ, боғичи қора ёзги бошмоқ...” Ота қизининг сувратига тикилди, жилмайиб турибди, кўзларида майингина табассум аралаш илтижо бор.

Суврат устига икки томчи ёш томди.

II

Худди шу пайтда, шаҳар марказидан унча узоқ бўлмаган хонадонларнинг бирида қизиқ суҳбат борарди.

Юз минглаб киши яшайдиган шаҳарда шундай бўлиши табиий ҳол, албатта. Аммо мазкур хонадон соҳиби худди ўша йўқолган қиз тўғрисида гапирарди.

Аниқроғи, жумҳуриятда машҳур бўлиб кетган бир хонанда, қандайдир тўй ва қизнинг ўғирланиши тўғрисида эди суҳбат мавзуси.

– Энди гап бундай, – давом этди хонадон соҳиби ним табассум билан. Афтидан у жуда антиқа бир нарсан ўйлаган, аммо режасини ошкор қилишдан ўзини тийиб турарди. – Бир ҳафта ўтди, топишолмади, етар. Уйига қўнғироқ қилиб қизининг шу ердалигини айтамыз.

– Келади-ю, олиб кетаверадими? – норози қиёфада сўради хонадон соҳибининг жияни.

– Сабр қил! – давом этди соҳиб, – мен қизиқ бир ўйин ўйлаб қўйганман. Инсоният тарихида бўлмаган томоша! Лекин ҳозир айтмайман. Унда қизиқчилиги қолмайди.

Шундай қиламанки, хонанда... Йўқ, сабр қилинглар. Эрта тўрт-бешта дўстларимни чақираман. Шу ерда тушлик қиламиз. Ўшанда меҳмонлар ҳам, сиз ҳам томошанинг зўрини кўрасиз.

III

Хонанда айтилган пайтда етиб келди. Ҳаяжондан дағ-дағ титраганча дарвозадан кирди. Ёшгина бир йигит уни меҳмонлар ўтирган супа олдига бошлаб борди. Шовуллаб осмонга тиниқ зарралар отиб ўйнаётган фаввора олдида ўтириб суҳбатлашаётган басавлат кишиларни кўриб қўл қовуштирганча кутиб турди. Меҳмонлар гапдан тўхтаб, қадаҳларни дастурхон устига қўйишди-да, мезбонга қарашди. Хонанда аввал айтганимиздек, жумҳуриятда машҳур эди. Бу ҳол меҳмонлардан баъзиларини ўйғайсизлантирди, рубобини кўксига маҳкам босганча пойгакда музтар турган кишига ачиниб безовталана бошладилар.

Ногоҳ хонанданинг лаблари ҳаракатга келди:

– Қизим қаерда?! Соғми ўзи, тирикми? – деди титраб-қақшаб.

– Қизинг соғ, – жавоб қилди хонадон соҳиби, – ўзинг қандайсан? Гуноҳинг нималигини биласанми?

– Биладан.

– Тўғри иш қилганмидинг?

– Иложим бўлмади. Бир бечора сиздан аввалроқ хизматга айтиб қўйганди.

– Гапирма ортиқча гапни. Сен сўйган товукни мен пат қилганман. Иложинг жуда бор эди. Сен ўзингни камбағалпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлдинг. Тўйда қилмаган хизматингни мана энди қиласан.

– Қизимни бир кўрсатинг аввал, кейин ўлим ишга буюрсангиз ҳам розиман. – Илтижо қилди хонанда. Титроқ бармоқлари билан кўзларидан оқаётган ёшларни артаркан, томоқ қириб қўшиқ айтишга ҳозирлик кўрди.

– Мени тошбағир деб ўйлама, – писанда қилди хонадон соҳиби, – қизинг уйингдагидан зиёд яшаяпти. Биров қўл тегизган эмас. Кўнглимда ёмонлик йўқ билсанг, аммо ўша куни жуда алам қилди...

– Қизим қаерда ўзи, олиб кетаверайми?

– Олиб кетасан. Аммо мен меҳмонларга ваъда бериб қўйганман. Сўзининг устидан чиқмаслик эр кишининг иши эмас. Ҳаммани ўзингга ўхшаган деб ўйлама.

– Қўшиқчиларимни юбордим-ку.

Мезбонлар томошанинг қандай бошланиши ва нима билан тугашини билишмас, ишқилиб охири бахайр бўлсин деб кутиб туришар, бошлиқларининг раъйига қараб бирор нарса дейишмасди.

Хонанда фурсатдан фойдаланиб қизимни кўриб қолармиканман деган умид билан атрофга аланглаб олди, ҳовлини қуршаб турган уйларнинг деразаларига

кўз тикди. Оғир шоҳи пардалар қимирламас, эшиклар очилмас, ичкаридан тиқ этган товуш эшитилмасди.

– Олиб бор!

Хонадон соҳибининг товушини эшитиб хонанда қалтираб кетди. Буйруқнинг мазмунини тушунмади. Кўнглида умид ва умидсизлик бир-бирига қарши курашарди.

Нарироқда хизматга шай турган йигит хонанданинг кўлидан тутиб супадан пастга бошлади.

– Ўзинг ортингга қайт!

– Яқинроқ бораверинг, мен ҳозир курси олиб келаман, – деди йигит.

IV

Хонанда ит билан юзма-юз қолди. Жониворнинг ҳайбатидан чўчиди, аммо қизи учун ўлимга ҳам рози эди. “Майли, шу ваҳший жонивор мени ғажиб ташласин, суякларимни тилка-пора қилсин, уларнинг нияти мени итга талатиш эвазига қизимни озод қилиш бўлса ҳамма талабларини бажараман”.

Ит боғланмаганди. Шунинг учун ҳам хонанда унинг яқинига бормай анча берида тўхтади.

– Яқинроқ! – деган буйруқ бўлди супа томондан.

“Барибир эмасми, хаёлидан ўтказди хонанда, ит боғланмаган-ку, талайдиган бўлса ҳовлини айлантриб кувиб талайвермайдими?”

Буйруқ яна такрорланди.

Ит бошини кўтариб қаршисида турган кишини кўрди. Ҳид олди ва нотаниш одамнинг кўзларига тикилиб қолди.

– Бошла!

Хонанда дафъатан ўзидан нима талаб қилинаётганини тушунмади. Хаёли бошқа фикрлар билан банд эди. Супа томонга ўгирилиб қарашга юраги дов бер-

мади. Рўпарасида турган баҳайбат махлуқнинг ташла-нишини кутарди.

– Чал рубобингни!

Хонанда “тирноқ”ни олиш учун секин чўнтагига қўл суқди.

Ит ҳушёр тортди.

Рубобнинг таранг тортилган тори титраб кетди, бошқа торлар жўр бўлишди, садолар бир-бирига қўшилди. Хизматкор йигит курси олиб келиб берди. Хонанда жонивордан кўз узмаган қўйи астагина ўтирди. Тиззалари қалтираб борарди.

– Шўх-шўхидан оларкансиз.

Ит безовталанди.

Инсон қўлидаги қуролдан таралаётган садолар қулоғига ёқмади. Шусиз ҳам кун иссиқ, нафас олиш қийин эди. Жонивор бу одамга қандай муносабат билдиришга билмас ва ана шу ноаниқлик туфайли қийналарди. Ортига ўгирилиб девор остидаги салқинроқ жойга қаради. “Лекин буни бегона одам чекиниш деб тушунмасмикин”. Ит хониш қилаётган одамдан кўз узмаган ҳолда нималар бўлаётганини тушунишга ҳаракат қилар, “бегона”нинг турқидан, оғзини очганча бетиним бақираётганидан ва қўлидаги қуролидан таралаётган товушлардан заррача қўрқмаётганини англамоқчи бўлиб хўмрайиб қўйди.

Қовоқ уйди десак ҳам хато бўлмайди, чунки итлар қовоқ остидан қараб, зарур бўлганда савлат тўкиб туришни ва бу билан ким эканликларини кўрсатиб қўйишни яхши эплашади.

Умуман, кўз қарашининг ифодаларига бойлиги, таъсирчанлиги жиҳатидан итлар барча жониворлардан устун туради. Айрим ички туйғуларни кўзлар ёрдамида англатишда ҳатто одам ҳам итга тенглашолмайди, ночор қолиб сўзга мурожаат қилади. Итнинг нигоҳидаги садоқат туйғуси ана шундай – инсон учун кўз қараши орқали ифодалаб бўлмайдиган ҳиссиётдир.

Рубоб жаранглар, инсон куйларди.

Супа тарафдан хушнуд қийқириқлар эшитилди.

Ит ўрнидан қўзғалиб салгина нарига, девор тагига бориб ётди. Ўша ердан туриб бегонани кузатди. Энди унинг нигоҳида бепарволикка хос ифода бор. Жонивор хонадон учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини, ўзига ҳам ҳеч ким зиён етказмоқчи эмаслигини пайқаб олганди. Фақат уйқусига халақит бермасликларини истарди. Шундай бўлса-да, бошини ерга қўйишга журъат этмади. Бу “итона хизмат”ни суиистеъмол қилиш бўларди.

Шу билан бирга нима бўлганда ҳам унинг қарши-сида одам ўтирибди ва жон куйдириб қичқирмоқда, унинг қандайдир мақсади бор. Одамзодки шунчалик қийналиб турганда ит халқи бемалол ётоладими!

Хонанда куйларди.

Ит унинг хонишига қулоқ тутиб турди. Инсоннинг нола-си, таҳқирланган жоннинг қичқириқлари рубоб торларининг титроғига қўшилиб мунгли навога айланарди. Инсоннинг кўзлари юмилган, киприклари орасидан қайноқ ёш сизиб оқмоқда. Қўллари бетиним титрайди, ниманидир қидираётгандай, таянч излаётгандай гоҳ юқорига, гоҳ пастга томон ҳаракат қилади. Демак, унинг жони қаттиқ азобда. Ит буни ҳис қилди. Бундай пайтда ёрдам бериш зарурлигини ва шундай қилиш ўзининг бурчи эканлигини илғади. Ўрнидан туриб яқинроқ борди.

– Шўх-шўхидан бўлсин!

Энди хонанда ҳеч нарсани эшитмасди. Рубобнинг мунг тўла садолари қўшиқнинг ғамга қоришган оҳанги, инсон юрагин сел қилиб юборувчи кучи аланга бўлиб унинг вужудини қамраган, оламга ўт кетгани ва ана шу ўт ичида қоврилди. Аланга орасида оҳ уриб гирён бўлар ва нуридийдасини изларди. Табиийки,

бундай ҳолатда супа тарафдан буйруқни эшитмади. Чўли ироқни айтди, сўнгра Сегоҳни, Чоргоҳни куйлади. У ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бунчалик жўшиб, бу қадар эзилиб кўшиқ айтмаганди. Назарида уммонлар чайқалар, тоғлар тебранарди. “Муножот”ни, “Қаро кўзим”ни айтди, сўнгра “Тиря”га ўтди.

Кўзини очиб қараб итнинг йиғлаётганини кўрди, аммо ўз кўз ёшларим бўлса керак деб гумон қилди. Аниқроғи рўпарасида турган жониворнинг итлигини унутган, уни кўшиқ таъсирида борлиқни эсдан чиқарган одам деб ўйлади.

Инсон юрагидан отилиб чиқаётган нолалар шу қадар ғамнок эдики, ит тирик жонзот сифатида буни тушунди. Одамзод бошига тушган ғамнинг улуғлигини пайқади, безовталанди, бошини кўтарди, ғингшиди, хурди ва ғапшинди.

Одам ҳамон йиғлар ва нола чекарди. Унинг илтижолари жониворни қаттиқ ташвишга солди, кўрқитди, сув тошқини ёки зилзила бўлиши муқаррарлигини сезгандай тумшуғини осмонга чўзди ва бор овози билан улиб юборди.

Супа тарафдан қаҳқаҳа янгради.

– Бас! Вақт тугади, тўй тамом, икки ярим соат хизмат кўрсатдинг, – деди хонадон соҳиби пастга энгашиб қараб. Сўнгра қизни олиб чиқишни буюрди.

Рубоб тарақлаб ерга тушди. Торлар бундай муомаладан ҳайратлангандай бараварига садо бердилар. Хонанданинг қўллари икки ёнга беҳол осилиб қолди.

– Дадажон!

Бу жарангдор садо дунёдаги бор шовқин-суронларни супуриб ташлади. Ота кўзини очиб қаршисида нуридийдаси турганини кўрди. Ўрнидан туролмади, ўтирган жойидан интилиб қизни беҳолгина бағрига босди. Қиз унинг қўлтиғидан олди. Ота-бола жимгина йўлга тушдилар. Ит бу манзарани ғамгин кўзлари

билан бир лаҳза кузатиб турди-да, ерда ётган рубоб устидан сакраб ўтиб уларнинг ортидан эргашди:

– Замҳарир, қайт! Замҳарир!

Меҳмонлар ҳам итни чорлашарди:

– Замҳарир!..

– Замҳарир!..

ШАМА

1

... Ва мана, томди сўнги томи ҳам ниҳоят. Ниҳоя-сига етди неча миллион йил давом этган жараён. Бир варақ ёки бир неча варақ хатга сиғмайдиган туйғуларни ифодалаш учун ана шу жараён маҳсулидан фойдаланишни хаёлига ҳам келтирмаганди Вадут. Хат ёзмоқчи бўлди дастлаб. Қўлида қоғоз-қалам. Деразадаги қора пардани сидириб ташлади тонг шафағи. Қоғоз эса ҳали бокира қиз хаёлларидай оппоқ. Ўйлаб кўрса, нафақат бир неча даста қоғозга, балки ўнлаб китоб ёзса ҳам сиғмас экан айтмоқчи бўлган гаплари...Аммо пировард натижа шу бўлдики, юрагини кемириб ётган алам-изтиробларни қоғозга туширмасдан ва ёки оғзаки баён этмасдан англатиш йўлини топди тасодифан. Тасодиф эди бу чиндан ҳам. Уйидан чиққанда, Сўқарота тоғлари томон кетиб бораётганда ва ҳатто “Тангги” дарасига етганда ҳам кутмаганди бундай бўлишини.

Руҳан эзилган ва тушкун эди Вадут. Токи “Тангги” дарасига етиб боргунча роса тўрт соат юрди. Сўқарота тоғлари кўринди узоқ-узоқдан. Чўққи устида бир бўлак оппоқ қор. Ана шу нуқтага бориш ва қор устига кўксини босиб ётиш, тинчланиш ва қайтиш... бошқа ҳеч нарса сиғмасди аламноқ юрагига. Ана шу мақсад билан кетаверди, қўллари орқасида. Одатда кекса кишилар шундай юрадилар. Вадут йигирма беш ёшда. Аммо шу лаҳзада ундан кексароқ бирор киши йўқ бу дунёда. Бир кечанинг таассуроти инсонни шу даража-

да руҳан қаритиши мумкинми? Бу ҳақда ўйлашни истамасди йигит. Умуман ўзининг мавжудлигини унутган эди унинг вужуди. Ва шу ҳолатда Сўқарота тоғлари томон кўтариб борарди унинг бўм-бўш вужудини садоқатли ва жафокаш оёқлар. Фақат хаёлнинг ғуборли хира кўзгусида мунғайиб ўтирарди бир аёл...

2

Ердан бош кўтармади аёл. Хаёл... хаёл... хаёл... Узоқ ўтирди ҳали йиғиштирилмаган тўшак четида. Бармоқлари оҳиста ғижимларди чойшаб тўрларини. Тўр тешикларидан чўғдек яшнаб кўринарди хино қўйилган тирноқлари. Ердан бош кўтармади, аммо кўриб турди ҳаммасини. Ваннахонага ўтди эр, эшитилиб турди сувнинг шовуллаши. Унинг сувлар сачратиб, совуқ сув нафасидан энтикиб, “оҳ-оҳ”лаб, “ваҳ-ваҳ”лаб, ва пишқириб ва шишиниб ювинишини истарди аёл. Бундай қилмади Вадут, наридан-бери ювинди, мисвок ҳам қилмади. Бирдан бутун дунёни зулмат қоронғулик қоплаб ҳеч ким бир-бирини кўролмай, тополмай қолишини истади шу лаҳзада аёл. Маҳкам юмди кўзларини, зулмат пардасига ўранди борлиқ, киприклари яна қайта очилганда ҳамон хона ёруғ эди...ва бор эди дунё ҳам ҳамон.

Ваннахонадан шарпасиз қадамлар билан чиқди эр. Шу кеча ва фақат бир кеча тунаган тўшаги томонга қарамади ҳам. Шундай бўлсада пайқади Олиянинг қай ҳолатда ўтирганини. “Бечора Олия” ана шундай тушкун кайфият ҳукмронлик қилди бир зум унинг руҳиятида. Ортига қайтиши, уни қучоқлаши ва бағрига тортиб иситиши, яъниким қалб меҳри билан иситиши керак эди. Бунинг ўрнига эшик томон юрди. Оҳиста ва шарпасиз ёпилди ташқи эшик ҳам. Похол шляпасини қўлида ўйнаганча қай томон юришини билмай туриб қолди бир муддат. Орадан чорак соатлар ўтганда тоғ

томон кетиб борарди Вадут. Юрагини нобакор ердан баландроқ жойда туришини, тоғ шамоли сочларини тўзғитиб, тортқилаб учирини, эгнидаги оқ сурп кўйлагини юлқилаб-юлқилаб эсишини, ичидан кўтарилаётган илиқ ва ифлос нафасни сўриб олиб, бутун вужудини муздек тоза ҳаво билан тўлдиришини хаёл қилар ва шунга интиларди унинг куйган тани.

Ўша ҳолатда узоқ ўтирди уйда қолган аёл. Хаёл... хаёл... хаёл... Эрк берди у хаёлларига. Кўзларидан оқаётган қайноқ ёшни сезмади алҳол. Нимадир қизариб кўринди ҳалқаланган ёш пардаси ортида. Чўғдек қизил. Қон! Қандай қон бу? Кошки ўзининг вужудидан оққан қон бўлса... Шошиб артди кўз ёшларини ва оёғининг хино кўйилган тирноғига кўзи тушди. Кўп нарса ни эслатди унга бу қизиллик. Ғарибгина уй. Кимсасиз бир йигит. Ҳар кун келиб неча бор хабар олиб турган ўлим фариштаси. Йигитнинг суврати ҳам бор эди қизнинг буюмлари орасида. Қоши, пешонаси қилтириқдек бўйни ва шапалоқдек қулоқлари, пешонасининг икки четидан тўкила бошлаган сочи, ёноқларидаги тарам-тарам қизиллик... буларнинг ҳаммасидан аввал кўзга ташланарди унинг кўзлари. Темур эди йигитнинг номи, лекин кўзларининг одатдан ташқари катталиги ва мангу қотиб қолган мунг туфайли Лемур деб атарди ўзини. Деворда лемурнинг суврати билан ёнма-ён турарди Темурнинг суврати.

Биринчи кун унинг уйига борганида сувратларга қараб ҳайратини, таажжубини ва кулгусини яшира олмаганди қиз. Дераза тубига кўйилган ёзув столи атрофида ўтиришди юзма-юз. Суратлар қизнинг рўпасида. Қиз ўз ихтиёри билан келмаган эди албатта. “Бор, ўша шўрликдан хабар ол” деган эди онаси. Қўшни эдилар улар ва оилада Темур тўғрисида гап бўлиб турарди деярли ҳар оқшом. Тез орада Темурга навбатдан ташқари отпуска беришди ишхонасидан. Бу нима-

га шама эканини тушунди йигит ва қайтиб мактабга бормади. Олияга қўшиб беришди унинг дарсларини ҳам. Кўргани келишди у раҳбарлик қилаётган еттинчи синф болалари, аммо ўқитувчи уларни уйига киритмади, дераза орқали гаплашдилар. Бир даста қизғалдоқ териб келишганди ўқувчилари. Оддий икки литрли шиша банкага солиб қўйди гулларни Темур. Ўша оқшом бандидан узилиб стол устига тушди бир неча дона гулбарг...

3

Кейинги икки кун ичида дув тўкилди гулбарглар. Бундан рамзий маъно изламади Темур. Чунки унинг ёноқларидаги қизиллик кўпайган ва буни соғайиш аломати деб умид қиларди у. Кеч кузгача дош берди унинг чириган ўпкаси. Ва ниҳоят, қон аралаш вулқондек отилиб чиқди сўнгги нафас. Олия рўмолчасини тутди унинг оғзига. Қон рўмолчадан оқиб оёқларига томчилади, қип-қизил қонга бўялди тирноқлари. “Мен уни севардимми?” Йигит дафн этилгандан кейин ана шу савол бир неча муддат қийнади уни. Ўлимидан бир кун олдин кўтаринки кайфиятда юрди Темур. “Ман наме-до-нам чи ном до-ра-а-ад” эрталабдан чошгоҳгача ҳовлисини айланиб юрди ана шу қўшиқни хиргойи қилиб. Кейин “Қора сочим ўсиб қошимга тушди” деб Ҳалима Носирова ижро этган романсни куйлади. Олия бир тавоқча палов кўтариб келганда “Бутхоналар ичра ҳеч тарсо, Бир кўрмади сен каби санамни” дея ўзича ғинғиллаб ўтирарди. Ёғоч скамейкада ёнма-ён ўтиришди улар. Темур ҳеч нарса демас, нуқул Олияга қараб жилмаярди.

– Нима гап? – сўради Олия жиддий тортиб.

– Яримта коньягим бор...

Умрининг сўнгги кунларини ва балки сўнгги соатларини яшаётган одамнинг раъйини қайтариш керак-

ми? Ахир бу скамейкада бошқа ўтирмайди у, мана бундай беозор ва хушнуд кулмайди ҳам, оғзига қуйсангиз ҳам ичмайди коньягини...

– Ичамиз! – деди қиз муштини ҳавода силкитиб.

– Ичамиз! – Чаққон ўрнидан турди Темур. Оқ шим, оқ кўйлакда эди у. Ҳаракатланаётган бу оқлик хонага кириб кетгунча ортидан қараб турди Олия. Бир пиёла чой ичгулик вақт ўтди орадан. Ана, эшикдан аввал кичкинагина баркаш, кўйлакнинг оқ енги ва ниҳоят Темурнинг ўзи кўринди остонада. Шошиб кўзларини артди қиз. Баркашни скамейка устига қўйди-да, яна уй томон югурди. Кичкинагина журнал столчаси кўтариб чиқди бу сафар. Ҳамма нарса байрамона бўлишини хоҳларди бечора йигит.

– Яшаш қандай яхши! – деди у скамейкага жойлашиб ўтириб, столчани ўртароққа сураркан. Офтобнинг бир даста нури олма дарахтининг шохлари орасидан йўл топиб ўтиб унинг пешонасини ёритиб турарди. Жуда чиройли эди унинг оғир дарддан жафо чекаётган рангпар юзи.

– Эсингдами, дарсимга анализга кирганинг?

– Эсимда.

– Пилла теришга берганимиз-чи?

– Эсимда.

– Сенга шеър ёзиб берганим-чи?

– Эсимда.

– Алдама, шеърни йиртиб ташлаганинг-чи?

– Бунча “чи-чи” ладингиз.

Ёлғондакам ачиқланган бўлди қиз. Узоқ ўтиришди улар. Скамейкага офтоб келди. Уфққа томон оғанди кун. Баркашни кўтариб уйга киришди... Пардалар туширилган, нимқоронғу ва салқин эди уй... Ҳа, нимқоронғу эди уй. Пардалар туширилган...

Ана шу воқеалардан уч ой аввал совчилар келган эди Вадутнинг уйидан. Бообрў хонадон. Бир афсус сизғириб ўтди қизнинг кўнглидан. Токи никоҳ оқшомигача ичига чироқ ёқса ёришмади. Йигит билан учрашиш ва унга борини айтишга қарор қилди ниҳоят. Бундай қарорга келишдан аввал хат ёзиш мақсадида бир неча бор қоғоз-қалам олди кўлига. Аммо "Хат бошқа бировнинг кўлига тушса-чи" деган андиша ва хавотир йўл бермади бунга. Ва йигитнинг йўлини пойлади юзма-юз гаплашиш мақсадида.

– Вадут!

Атайлаб баланд овоз билан йигитнинг номини айтиб чақирди.

– Олия!? – ногаҳоний бу учрашувдан таажжубланганини яширолмади йигит. Ва унинг ёнига борди. Тикилиб қаради қизнинг синиққан юзига. Токи унаштирилгунга қадар сенсираб мурожаат қиларди Вадутга. Умуман, шаддод қизлардан эди Олия. Шу боис унга эҳтиёт бўлиб муомала қилишарди қишлоқ йигитлари. "Вадут" деб ўктам овоз билан йигитни чорлаганда ўша шаддодлик ва жасоратга таянганди афтидан, ва шу руҳий тетиклик таъсирида айтиб олмоқчи эди кўнглидаги гапларни. Энди калимага келмай қолди тили. Лабини тишлаганча жим қолди қиз.

– Сен... сиз ...

– Ойингиз саломатмилар?

– Ойим?.. Ҳа, раҳмат.

– Тобингиз йўқдай?

– Бошим... бошим оғриб турибди бироз. Дорихонага чиққандим. Ҳалиги "Ринза"ми оламан деб. Учрашамиз деб ўйламагандим.

– Мен эса неча кундирки, бундай учрашувни орзу қилиб юргандим. Қаранг, астойдил орзу қилган киши етаркан орзусига...

Бошини кескин кўтариб йигитнинг юзига қаради Олия. Чарақлаб ёниб турарди унинг кўзлари. Кенг пешонасида узуқ-юлуқ, учта чизиқ. Чизиқлар орасида тер тепчиб турибди. Оғиз атрофидаги икки қават чуқур чизиқ ундаги қувноқлик, кулгуга, ҳазил-мутоъибага мойилликдан ва ҳаттоки қатъиятдан нишона. Йўғон бўйни ва унда бўртиб турган томирлар... куч бор бу йигитда. Бечора Темур эса бунинг акси эди... Акси эдими? Бу дунёни ташлаб кетатуриб бир оғиз ҳам ҳаётдан нолимади. Айтишларича, тобутда ётганида ҳам лабларидаги табассум ҳамманинг эътиборини тортган. Ахир ўша табассум менинг фидойилигим туфайли эмасиди. Мен ёритмадимми унинг қоронғу дунёсини. Ахир у табассум билан тарк этди-ку бу дунёни... Қизнинг ўйлари шу жойга етганда бир селофан халтачада дори-дармон кўтариб чиқди Вадут дорихонадан ва қизнинг кўлига тутқазаркан, деди:

– Тезроқ олиб боринг, агар онангиз тетик бўлсалар... бирор соатдан кейин чиқсангиз...

Қаршисида турган инсон нақадар бахтиёр. Дили ширин орзуларга тўла. Бу орзуларни ҳатлаб ўтолмади Олия.

– Бугун индаманг, эртага...

– Майли, онангизнинг соғлиқларига қаранг.

5

Тоғ томонга кетиб бораркан, қир устида туриб пастликка назар ташлади Вадут. Бир томон қишлоқ, иккинчи томон қабристон. Қишлоқда уйлар ҳар хил: катта-кичик, ҳашаматли, ночор ва хароб. Қабристонда деярли бир хил. Баъзилар шу ерда ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишга ва бошқалардан ажралиб туришга уриниб нималардир қилишган, аммо барибир умумий маҳзунлик тамғаси бор ҳаммасида. Қияликнинг бир четида кўриниб турибди Темурнинг “уйи” ҳам. Уйлан-

мади, бола-чақа кўрмади бечора йигит. Ошиқ-мошиқ бўлиб юрмади бирорта қиз билан. Майли, жойи жаннатда бўлсин. Шундай деб беихтиёр юзига фотиҳа тортиб қўйди Вадут ва давом этди йўлда.

Тобора юқорилаб бораверди қир устидан. Алам-ангезли эди унинг туйғулари: “Ким бўлиши мумкин?” Акбарми? Сарварми? Шокирми? Балки математика ўқитувчиси Файзуллаевдир... Тўрт марта уйланган.” Йиллар арфметик прогрессия билан ўсса, унинг хотинлари геометрик прогрессия билан ўсади” дерди Темур. Сувнинг гулдуриси эшитилди қир ортига ўтгандан кейин. Тегирмон новидек тор оралиқ, сон-саноксиз ғалдирлар, тош ҳовузчалар бўйлаб оқарди бу ерда сув. “Тангги” деб ном олган тош ўзан. Ўзаннинг ҳар иккала бети тош деворлар қуршовида. Оқар сув бунёд этган бу антиқа иншоот кеча-кундуз бир маромда гувранар, шоввалардан чуқур тош ҳовузчаларга қуйилаётган сувнинг салқини, атрофга фавворадек сачраётган майин сув зарралари ва буларнинг ҳаммаси жўровоз бўлиб қуйлаётган монотон бир куйга қулоқ тутганча кўзларини маҳкам юмиб турди. Қоронғуликда яна ҳам кучайгандек бу овоз ва ундан ҳосил бўлаётган сукунат. Сув бўйида ўтириб яна бир неча бор такрорлади бу машқни. Сувга қаради. Хаёллари ҳам тўлқинларга қўшилиб оқиб кетаётгандай. Бундай ҳолатда қараб турган нарсангни аниқ кўрмайсан, шувалиб яйралиб кўринади ҳамма нарса. Ногоҳ тоғу тошларни жаранглатиб сайраб юборди тоғчумчуқ. Пастда катта бир харсанг остида одам ўтирганини пайқаб қолганди бу ҳовлиқма тоғ жарчиси. Дарани тўлдирди акс садо. Ҳушёр тортди барча жону жониворлар, ҳатто сув остидаги балиқлар ҳам. Сув остида жимирлаб турган тошлар тиниқлашди. Ва чўнтак соати катталигидаги бир тош ўзига тортди Вадутнинг эътиборини. Оддий олақуроқ тошча, аммо нимадир бор унда. Сув бўйида ўтиргани-

дан бери бир неча бор кўзи тушганди унга, мана энди нигоҳини узолмай қолди ва сира кутилмаганда ярқ этиб қишлоқнинг марказий кўчаси намоён бўлди кўз ўнгида. Ана, жимжимадор ёзувли турли кўринишдаги дўконлар ва маиший маданий корхоналар: Ана, сартарошхона. Эшиги тепасида тароқ билан устаранинг расми. Ундан йигирма қадамлар нарида қошиқ билан санчқи суврати чизилган туника лавҳа. Шу яқин ўртада ошхона борлигининг белгиси бу. Ана, Мадали бобонинг дарвозаси ёнида сим билан ихчам қилиб боғланган бир боғ хашак... Ҳар қандай саводсиз киши ҳам англайдики, бу ердан хас-хашак сотилади. Дунё халқларининг бугунгача қўлланиб келинаётган илк ёзуви... Замонавий маркетларнинг жимжимадор лавҳалари эмас, айнан ибтидоий буюм ёзуви унга нималарнидир шивирлаб тургандай. Буларнинг ҳаммаси ихтиёрсиз бир тарзда Вадутнинг шуурига урилар ва ҳеч қандай ҳиссиёт кўзғатмаса-да, сув остида жимирлаб турган олақуроқ тошча билан қандайдир боғлиқлик томони бордай туюларди. Ҳа, айнан шу қадимий буюм ёзуви ва сув остидаги тошча...

Шошқин бир ҳаракат билан ҳатто енгини ҳема-ришни ҳам унутиб қўл солди муздек сувга. Худди ба-лиқ тутгандай уни маҳкам чангаллаганча кўтарди сувдан. Ва сўради: “Нима демоқчисан?” Ана шундай савол билан қараб турди бир муддат сиртидан сув томчилаб турган маъданга. Кейин уни дастрўмолчасига ўраб чўнтагига солди ва ўрнидан туриб хаёлан хайрлашди дара билан.

6

Нима ўзгарди? Мана мен ўша Олияман. Қўлларим, оёқларим ўша-ўша. Бармоқларим билан унинг сочларини силашим, оёқларим билан унинг хизматига югуришим, кири-чоки, томоғи, кўнгли... ҳаммасини фаросатли ва уқувли ва садоқатли аёл қандай бажар-

са, мен ҳам шундай ва балки ундан-да зиёдроқ даражада эплашим мумкин. Йигирма икки ёшдаман. Токи умримнинг сўнгигача, охирги нафасимгача уникиман. Модомики шундай экан, нега у тонгда туриб ўйни, тўшакни бунчалик тушкун қиёфада тарк этди. Кошки эди мени уриб, ҳақоратлаб ер билан битта қилиб чиқиб кетган бўлса! Бир умр садоқат билан унинг хизматини қилишим. Токи қабргача унга хиёнат қилмай, уни ардоқлаб яшашим ва ҳаттоки жонимни қурбон қилишга тайёрлигимни наҳотки англамаса! Нима монелик қилади бунга?.. Кейин чалғиди унинг хаёллари. Ва яна ўша ҳолат, ўша манзара: олма дарахти остидаги скамейка, унинг табассуми... кейин нимқоронғу хона, тушириб қўйилган пардалар...

Мен ... озгина бўлса ҳам қувонч бағишлашни ўйлардим сенга, Темур. Сен эса ҳаммасига қўл силтаб лабингда қотиб қолган беозор бир табассум билан тарк этдинг бу дунёни. Мени севармидинг? Сен ҳаёт пайтингда беролмасдим бундай саволни. Аммо ўзимдан кўп марта сўраганман. Жавоб эса ҳамиша мужмаллигича қолган хаёлимда. Мужмал эди ўша кунги ҳолатимиз ва ҳиссиётларимиз ҳам. Фақат ўлим деган бешафқат куч эрта-индин сени олиб кетишини билардим, олиб қололмасдим сени ва сен билан бирга кетолмасдим. Бу дунёдан нимадир олиб кетишингни истардим фақат. Олиб кетганинг лабларингдаги ўша табассум бўлди. Мен бахш этдим уни сенга. Бошқа ҳеч нарса келмасди қўлимдан. Уни бахш этдим сенга ва бунинг эвазига бир умр менинг лабларимга табассум зухур этмайди энди. Аммо буларни мен қандай қилиб айтай Вадутга!.. Анча вақтгача ҳаммага гап бўлган ўша табассуминг ниманинг белгиси эди? Тушунмайди буни мендан бўлак ҳеч ким, ҳеч қачон...

Тўшак четида ҳамон ўша алпозда ўтирар ва шу тўғрида ўйларди Олия.

Тоғдан қайтиб қишлоққа кирмади Вадут. Шаҳарнинг энг ҳашаматли меҳмонхонаси олдида туширди уни автобус. Ўзи ўзига бек, ўзи ўзига хон бу масканда инсон. Мана, қўлида 7-хонанинг калити. Уни чўнтагига солганча узоқ кезиб юрди шаҳар кўчаларини. Заргарлик дўкончаси олдидан ўтаётди бироз тўхтади ва бармоғида айлантира бошлади никоҳ узугини. Аммо дўкончадан қайтиб чиққанда бармоғида ярқираб турарди узук. “Барахолка” бозорини оралаб юрди қандайдир хаёллар таъсирида. Кейин телефон қилиб бир ҳафта уйга боролмаслигини айтди онасига. “Келин... келин...” деб нималарнидир тушунтирмақчи бўлди она телефондан. Аммо алоқани узди Вадут.

Орадан уч кун ўтиб кимдир Олиянинг эшигини тақиллатди. Бегона бир киши турарди остонада. Унинг кўзларига жовдираб қаради аёл. Ҳоли бўлмади ҳатто саломлашишга ҳам. Олди қўлига нотаниш одам узатган тугунчани. “Нима бу? Кимдан?” деган саволлар бўлмади. “Вадут ака бериб юбордилар” деган гапдан симоб тўлдирилгандай оғирлашди юраги. Ҳа, худди симоб тўлдирилгандай. Вадутнинг уйидан чиқиб онасининг олдига, яъни ўзининг уйига томон йўл олганда ҳам бошдан кечирганди худди шу ҳолатни. Худди шундай бўлганди ҳовли супуриб юрган онасини кўрганда ҳам. Бармоқларида майин титроқ турди тугунчани олаётганда. Тугунча кафтга жой бўладиган даражада кичкина, аммо ичига симоб тўлдирилган каби оғир. “Майли, ичаман. Ёки қулоғимга қуйганим маъқулмикин... Сен нима деб маслаҳат берасан, Темур?.. Ўладиган одам учун нима фарқи бор дейсанми? Қандай оҳанг билан айтяпсан бу гапни куюнибми, суюнибми, бепарволик биланми, заҳарханда қилибми ёки?” Тасаввур қилолмаяпман юз ифодангни. Кўз ўнгимдан сенинг ҳамишаги маҳзун ва шикаста жил-

майишинг кетмайди сира”. Сўнгра очди қоғоз ўрамини. Кичкина сандиқча чиқди унинг ичидан. Сандиқча кулф-калитсиз, қопқоғи михчаланган. Нима бўлиши мумкин бу тилсим ичида? Астагина силкитиб кўрди қўлига олиб. Сир бермади сандиқча. Майли, тура турсин, унинг ичида нима борлигини ўйлаб топаман деган қарорга келди ва тахмондаги кўрпалар қатига яширди. Зеро, бу пайтда ташқаридан эшитилмоқда эди онасининг қадам товушлари.

Сабру тоқат билан чидади уч кун. Онаси қудаларни кига кетди ниҳоят. Балки онанинг кўнглига қандайдир шубҳа оралаган ва ҳарос тушгандир. Қутичани олди жойидан. Ортда қолди уч кун давомида қилган тахминлари ва сабру тоқат синови. Фойда йўқ эди жонни бундай қийноққа солишдан. Қопқоқ зеҳига пичоқ тиғини тиқиб очди уни. Бир бўлак қизил матоҳга ўралган нимадир бор эди унинг ичида. Титроқ бармоқлари билан латгани очди ва қутича ичида човут солишга тайёр турган “заҳарли илон”ни чиқариб юбормаслик учун бирдан ёпди унинг қопқоғини. “Шама!.. Шама!..” Унсиз шивирлади унинг қуруқшаган лаблари...

... Ва тушунди. Қалбини кемириб ётган дардни, бор таъналару гиналарни биттагина шама билан изҳор этганди Вадут. Ҳа, сен ақллисан, Вадут. Бундан мазмунли, бундан мухтасар хат ва бундан-да кучли зарба, беомон ва рад этиб бўлмайдиган таъналар мажмуи бўлиши мумкин эмас. Яна қутичани очди сўнгги бор аёл. Қизил матоҳ устида жимгина ётарди олақуроқ бир тош... Ўртаси тешик тош!..

Ўртаси тешик тош...

СИНОВ

I

Михлиев норози қиёфада бош чайқади: “Нега ёлғонни ёзишади? Ким буни амалда синаб кўрган?”

Ким исботлаган? Туя деган жонивор жазирама чўлда ўн беш кунгача оч ва сув ичмасдан юра олармиш...". Бирдан унинг сув ичгиси келди. Юзидан ҳамон сўнмаган заҳарханда кулги билан муздек сувдан қониқиб симирди-да, апил-тапил кийина бошлади.

Икки кунлик тайёргарликдан сўнг йўлга отланди. Ҳар эҳтимолга қарши ўзи билан ўн беш кунга эмас, балки ўн етти кунга мўлжаллаб, озиқ-овқат олди. Тадқиқот учун зарур бўладиган тиббий асбоб-ускуналарни ҳам унутмади. Туя ҳақидаги мақола босилган журнални буклаб, чўнтагига тикди-ю, эшикни шартта кулфлаб, машинага ўтирди. Бирор соатлар чамаси йўл юрганларидан сўнг ҳайдовчи йигит машинани тўхтатди. “Мана шу ер”, – деди у теграси пахса девор билан қуршалган ҳовлига имо қилиб. Михлиев яқинроқ бориб, дарвоза ёнидаги ёзувни ўқишга тутинди.

“Бу ерда бир ва икки ўрқачли туялар прокатга берилади”.

“Прокат” сўзи унга ёқмади. Корхона раҳбарига бу ҳақда эслатиб қўйишни дилига тугиб, ичкарига кирди. Танишув, саломлашувдан сўнг баъзи бир саволларга жавоб ёзишга, яъни қоғоз тўлдиришга тўғри келди. Нима сабабдандир Михлиев “тадқиқот учун” деб ёзмай, “саёҳат учун” деб хужжат тўлдирди. Хайрлашув олдидан корхона раҳбари “прокат” сўзини ўзгартиришга ваъда берди, олимга оқ йўл тилаб, энг ақлли ва ўта ювош туясини бераётганини алоҳида таъкидлади. Аммо бу гапга Михлиев унчалик эътибор қилмади: унинг бутун фикри-ёди тезроқ тадқиқотни бошлаш ва мақола муаллифига қақшатқич зарба беришда эди.

II

Қумтепалар. Қуёш борлиққа олов пуркайди. Оғир юк кўтариб ўрганган жонивор данакдеккина Михлиев билан унинг хуржунини бемалол кўтариб лўкилла-

моқда. Атрофда бирорта бута ёки дарахт кўринмайди. Бошига яшилранг шамсия тутиб олган Михлиевнинг юзи кўкариб, совқотиб бораётганга ўхшаб кўринади. Ваҳоланки, ҳаво ҳарорати элик даражадан юқори бўлса бор, кам эмас. Атрофи қумтепалар билан қуршалган сайхонликка етгач, шу ерда тамадди қилиб олмақчи бўлди. Туяни тўхтатиш ва ундан тушиш керак.

Туякашлар идорасининг бошлиғи ўргатган сўзларни имкони борича аниқ айтишга ҳаракат қилди:

– Чўк! Чўк!

Туя тўхтади ва қум устига чўккалай бошлади. Михлиев қалқиб кетиб, туя ўркачини кучоқлаб олди ва шу ернинг ўзида бир янгиликни кашф қилди: “Демак, туянинг ўркачи эгасини сақлаш учун экан”. Унинг кайфияти кўтарилиб кетди. Иссиқни ҳам, чарчоқни ҳам унутиб, хуржун кўзини кавлаштира бошлади. Нарироққа ўтиб, қум устига дастурхон ёзди.

Тунни шу ерда ўтказишга қарор қилди Михлиев. Аввал чодир ўрнатиб, сояда бир оз мизғиб олмақчи бўлди. Бироқ қумда чодир ўрнатиш осон кечмади. Тўрт донагина тош олволмаганига афсусланди, чодир боғичини тошга боғлаб, қумга кўмиб қўйса, бирнав соялаш мумкин бўларди. Михлиев нажот истаб атрофга аланглади. Шамсия соясида паналаганча, қумтепани айланиб ўтиб, кенгроқ доирани тадқиқ этиш мақсадида яна бироз йўл босди. Аммо қумда юриш оғир эди: толиқди ва бундай беҳуда куч сарфлашдан фойда йўқлигини англаб, ортига қайтди.

Чўл тунни кўрқинчли эди. Қоп-қора осмон, йирик-йирик юлдузлар шокиласи, баҳайбат қумтепалар. Бошқа ҳеч вақо йўқ. Само жуда яқин, шишадай тиниқ. Қуёш уфқда лоларанг балдоқ ҳосил қилиб, ботиб бораётган палладаги завқу шавқидан асар ҳам қолмади. Қумлар ваҳимали “пичирлайди”. “Қум илони ўта заҳарли”, хаёлидан ўтказди Михлиев. Нима учундир у ўрнидан туришга кўрқарди. Туя бошини ўгириб, ўрмалаб кела-

ётган соҳибига қаради-да, қулоқларини динг қилиб, нафас олишдан тўхтаганча, уни бир дам кузатди. Бу маҳалда осмонга тўлин ой кўтарилган, унинг кўкимтир ёғдусида “сахро кемаси” янада улуғвор кўринарди.

– Чўк! Чўк! Захро... – шивирлади Михлиев. “Захро” деган сўз шу лаҳзада тасодифан унинг тилига келди.

– Захро...

Михлиев яна бир неча марта ўмган отиб, Захрога тақалиб келди. Соҳибининг мақсадини аниқ англамаган жонивор ўрнидан турмоқчи бўлган каби тараддуд билан ўмганини бироз кўтарди-ю, яна тўшини қумга босди.

– Чўк, чўк, Захро, – шивирлади Михлиев титроқ овоз билан. – Сендан ҳимоя сўрайман, мени қум илондан асра. Қорақуртдан асра! Чаёнлардан, калтакесакдан асра! Биолог олимман ахир мен! Соҳибингни турли инсу жинслардан ўзинг ҳимоя қил. Чўл ағамаси, гекконлар, эчкиэмарларни яқинлаштирма!..

III

Михлиев қаддини ростламоқчи бўлди, аммо ўрнидан туrolмади, оғир қум кўрпаси ичида ётарди у. Кафти билан Захронинг устидаги қум уюмини сидириб тушира бошлади, ўрқачларини, бўйнини қум зарраларидан нари-бери тозалади. Меҳри жўшиб кетиб, унинг киприкларига қўнган ғуборни ҳам кафти билан артмоқчи бўлди, аммо бунга журъати етмади. Баъзан арзимас нарсага туяларнинг жаҳли чиқиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, қўллари билан худди фотиҳа тортгандай, ўзининг юзини сийпалаб қўя қолди.

Нонуштага бир бўлак пишлоқ билан нон еди. Термосдаги чой ҳали қайноққина эди.

У Захрога ва Қуёшга орқа ўгириб ўтирганча нон чайнарди. Нонушта қилаётганини Захрога кўрсатишни истамасди. Виждони азобланмаслиги учун кўп овқат емади. “Тамадди қилаётганимни туя пайқамаган бўл-

син-да”, деган ўй билан пишлоқ чайнашдан тўхтади ва ортга қаради. Туя ҳамон кавш қайтарарди. Михлиев оғзида ивиб турган луқмани тезроқ ютиш учун бошини дастурхонга эгди. Куёш бўйнини жазиллатиб, куйдира бошлади.

“Бўпти, ҳозир”, деди у бироз иддао билан. Бу зарда Куёшга аталганди. Чодирни қидириб, тополмади. Тунда кум кўчса ўзи чиқиб қолар, деган ўй билан туяга ўтирди.

IV

Туя бўйнини чўзганча, бир маромда қадам ташлаб борарди. Қўналғадан унча узоқлашиб кетишни истамасди Михлиев, тўғрироғи, у бундай қилишдан қўрқарди. Бепоён чўлда адашиб кетиб, ҳалок бўлиш ҳеч гапмас, деган хаёл билан юксак бир қумтепа олдида тўхтади-да, туянинг бошини ортга бурди. Ўнгу сўлда тизилишиб ётган баланд-паст қумтепалар сукут сақлаб турарди. Вақт пешинга яқинлашганди. Михлиев Заҳронинг ҳурмати учун тушлиқдан воз кечиб, йўлни давом эттирди. Ҳарорат тобора кўтарилиб борар, куёш дам ортга ўтар, дам олдинда пайдо бўлиб, тадқиқотчимизнинг юзига олов пуркарди. Бундай дамлар Михлиев хуржун кўзидан дастаси кўриниб турган шамсияни олиб, озроқ бўлса ҳам унинг соясида жон сақлашни қанчалик истамасин, “Бечора Заҳро офтоб тиғида қийналиб келаяпти-ку”, деган ўй билан фикридан қайтди.

Ён тарафдаги қумтепанинг силлиқ сирти бўйлаб қорамтир бир нарса шиддат билан югуриб бораётганини кўриб, Михлиевнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Аммо “югуриб бораётган жонзот” осмонда ўз музофотини назорат қилиб юрган бургутнинг сояси эканлигини англаб, хотиржам тортиди.

... Хаял ўтмай мудрай бошлади. Уйқудан уйғониб, кўзини очганда Заҳро чўккалаб ётар, куёш ғарб та-

рафдаги энг юксак қумтепа устида гардиши билан қумга ботиб турарди.

Михлиев дабдурустдан ўзининг қаердалигини биллолмай, ҳайратга тушди: уйқу уни гўё бир дунёдан бошқа оламга олиб ўтиб қўйгандай эди. Заҳронинг юмшоқ ўркачини ушлаб, ғижимлаб кўрди ва ҳаммаси “лоп” этиб ёдига тушди. Тадқиқот ўтказмоқ ниятида бу ерларда юрганини ўйлаб, ҳушёр тортди ва дарҳол туядан тушиб, унинг ҳолатини ўрганишга киришди.

Жонивор орқа оёқларини олдинга, олдингиларини орқа томонга қилиб, тиззасини букиб, қорни остига тортиб, ўнг тарафга оғиброқ ётибди. Михлиев шундай таассурот билан туяга яқинроқ келди. Унинг кавшаниши диққатини ўзига тортди. Бу оламда бошқа бирорта ҳайвон бундай қилиб кавшана олмаса керак. Туянинг кавшаниши нимаси биландир кампирларнинг ёғоч товоқда қуру эзишига ўхшарди. Қорни қаттиқ очқади.

Тушлик ҳам қилмаганди-да, ахир! Шу боисдан, бирор нарса еб, қорин тўйдириб олишни ўйлаб хуржунни кавлаштира бошлади. Бир бўлак колбаса, нон ва икки бўлак пишлоқ олиб, термосни кўлтиғига қисганча, туянинг олдидан узоқлашди. Панароқ жой излаб қумтепа ортига ўтди-да, дастурхон ёзди.

Бирдан қоронғулик тушди. Чўл табиати шунақа. Балки Михлиевга шундай туюлгандир, ҳар ҳолда охирги бўлак пишлоқни оғзига солиб ҳузур қилиб чайнаганча ўрнидан тураркан, олдига қўйилган вазифани ўйлаб, бугунги режасини чала бажарганидан афсусланди. Кейин ўзига тасалли берди: “Ҳечқиси йўқ, улгураман, ҳали олдинда ўн уч кун бор”.

V

Тун осойишта ўтди. Балки бу тадқиқотчининг энди чўл табиатига бироз бўлса-да кўника бошлаганининг ҳосиласидир. Орқаси билан Заҳрога суянганча, осмон-

га тикилиб ётди. Осмонда юлдузлар милтирарди. Ана, “Кичик Айиқ”, “Олтин Қозиқ”. Хирагина нур таратмоқда. Хира бўлса ҳам бошқа юлдузларга қараганда шуҳрати баланд. “Олтин Қозиқ!” – хаёлидан ўтказди Михлиев – парпираб турган улкан юлдузлар эмас, денгизда ҳам саҳрода ана шу “Олтин Қозиқ” одамларга йўл кўрсатади, – ўйлашда давом этди у энди чалқанча ётиб, митти юлдузга тикиларкан. – “Мен фанда “Олтин Қозиқ” бўлмоғим керак”.

Захро соҳибининг ўйларидан таъсирлангандай хўрсинди.

– Соҳибинг катта олим, Захро, – деди Михлиев унга жавобан. – Сенинг номинг тарихда мангу қолади.

Туядан чўлнинг ҳиди келарди. Кечаги қум кўчиши такрорланмоқда. Осмон жисмларини кузатишдан зериккан Михлиев Захро томонга ўгирилиб олиб, уйқуга кетди.

VI

Учинчи кун бошқачароқ бошланди. Михлиев қаттиқ силкинишдан ўйғониб кетди.

Тонг ғира-шира ота бошлаганди. Туянинг бўйни вазоҳат билан осмонга чўзилган, гўё осмонга учмоқчидай бутун вужуди билан кўкка интилган, тумшуғи ҳам, қулоқлари ҳам юқори кўтарилиб, ажиб бир ҳолатда турарди. Михлиев ҳам сергак тортиб, рўпарадаги баланд қумтепа устида қора тўп ёпиниб ўтирган одам шаклига ўхшаш алланима борлигини пайқади. Туянинг ўркачини маҳкам чангаллаганча, кўксини унга тираб, бархан устидаги қорага тикиларкан, “ҳа” деб овоз бермоқчи бўлди, аммо оғзидан пихиллаган жарангсиз ҳаво оқимидан бошқа ҳеч вақо чиқмади.

Туя тинчиди. Бошини қуйи солди ва бўйнини қум узра чўзди. Қора шарпа эриб, қумга сингиб кетгандай хира тортди ва ҳадемай бутунлай ғойиб бўлди. Михлиев ҳам ётди.

Бу сир-синоатнинг нималигини туя тушунган бўлмаса, туяшунос тушунмади. Уйқуси қочди, эти жунжикиб, туяга тикилди. Унинг кўзлари катта-катта, қўнғир ва ғоят тиниқ эди. “Агар аёлларда шундай кўз бўлса...” хаёлидан ўтказди Михлиев, кейин унинг ёдига “бўтакўз” деган таъриф келди. Туянинг кўзига тикилиб қаради. Суйрисимон қўнғир “ойна” да шапалоқдек бўйинбоғ ва соқоли ўсиб кетган башара намоён бўлди. Юзини аниқроқ кўриш учун бошидан похол шляпасини олди. Туя бошини қаттиқ силкиди, бўйни остидаги солинчоқ ҳалқуми силкиниб кетди. Шундагина хато қилганини англади Михлиев. У туянинг устида эмас, ерда турарди.

– Чўк, чўк!

Туя бошини яна ҳам юқорироқ кўтариб, туяшуносга баланддан назар солди.

Михлиев ялинишга тушди:

– Чўк, Захро! Чўк, чўк, жонивор!

Захро чўкишни истамади.

– Чўк! Чўк!.. – деди Михлиев қўрқув тўла титроқ товуш билан.

Захро энди бошини эмас, калтагина думини асабий силкитиш билан жавоб қилди.

– Чўкмайсанми? – сўради Михлиев аразлаган бир қиёфада, – майли, ўзинг биласан.

Лекин бу саҳрода менсиз ҳеч нарса қилолмайсан.

Захро кеча босиб ўтган йўлига назар солгандай, бошини ортга бурди.

– Ке, энди ярашайлик, – деди Михлиев туянинг олдинги оёғи ва кўкрагини силаб.

Бўйинини ҳам силамоқчи бўлиб чўзилди, аммо қўли етмагач, яна аврашга тушди:

– Захро, азизим, дўстим, чўк! Чўк! Икковимиз ҳам ёлғизмиз, атрофимизда бепоён сахро. Қара, ишонма-

санг, ана: барханлар, бепоён қумлик, осмон. Қара, осмонда ҳам қуёшдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Михлиев бисотидаги энг таъсирчан сўзларни қидириб, жимиб қолди ва ниҳоят, топди:

– Ахир, мен – олимман! Сен бўлсанг, оддий туясан. Олимга шуми ҳурмат?!

Туя шалвираб турган лабларини йиғиштириб олиб, бошини қаттиқ силкиди, бу ҳаракатдан унинг лаблари яна осилиб тушиб, ҳар бири бош бармоқдек келадиган мустаҳкам қозиқ тишлари кўринди. Туяшунос кўрқиб кетиб, ўзни орқага олди.

Аччиқланиб, жониворни сўкмоқчи, ҳатто муштини кўрсатиб пўписа қилмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин олим одамга бу иш ярашмаслигини ўйлаб, шаштидан қайтди. Туянинг жиловидан қўйвормай, қум устига чўнқайди. “Мен иродали одамман, бундай қийинчиликларни энди кўраётганим йўқ”, деди Михлиев ўз-ўзига гапирётгандай ва туянинг қайсарлигидан сира ҳам хафа эмаслигини англатиш учун хиргойи қила бошлади:

Кўзларинг қўнғирдир.

Юнгларингга мос.

Гавданг ўнқир-чўнқирдир,

Онандан мерос.

Михлиев шеърини бадиҳа қилаётганди, аслида у ҳеч қачон шеър ёдламаган ва ёзмаган. Ўзидаги бундай иқтидорни ҳис қилиб, кайфияти шу қадар кўтарилиб кетдики, дарҳол ўрнидан туриб, йўлга тушди. Туяни етаклаб, тик бир қумтепа ёнбағрига тирмашди.

Тепага чиқиб олиб, атрофга мамнун ва мағрур назар ташлади.

VII

Ногоҳ туя ўрнидан кескин қўзғалди. Бунини кутмаган Михлиев оёқларини қумдан суғуриб ололмай йиқилиб тушди, аммо чилвирни қўйвормади. Уни судраб

югуриш туя учун ҳеч гап эмсди. Жонивор борган сари тезликни оширар, туяшунос эса бамисоли омондек қум бағрини тилиб, шитоб билан сузиб борарди. Дастлаб юмшоқ қум устидан сирғаниб бориш унга қийин туюлмади, ҳатто ёқимли ҳам эди, бироқ кўп юрмай кўллари толиқди, бошини баланд кўтариб боришга қурби етмай қолиб, оғзи-бурнига қум кира бошлади.

– Тўхта, Захро! – қичқирди Михлиев бошини бир амаллаб кўтариб, – тўхта, ташлаб кетма мени!..

Захро қулоқ солмади, ортидан эшитилаётган қичқириқдан ҳурккандай, қадамини тезлатди.

– Захро, ноинсоф, мени ўлдирасанми? – дея хўнграб юборди туяшунос. Чилвирнинг учи кўлидан чиқиб кетди. Туя унинг шўртак ёшлари ортидан қалқиб-қалқиб, бир кўринди-ю, қумтепалар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

– Хатоликка йўл кўйдим, – пичирлади у ёшларини кафти билан артиб қум устида ўтираркан. Кафтини пешонасига қўйиб, туя кетган томонга қаради. Бепоён, шафқатсиз чўлда, қумтепалар орасида ёлғиз қолганди у. Кўзига ўлим кўринди. Вужуди офтобда жизғанак бўлиб қотиб ётарди. Рўзномаларда босиладиган таъзияномалар кўз ўнгидан ўта бошлади. Уларда: “Туяшунослик фани оғир жудоликка учради. Улуғ олим ва буюк тадқиқотчи Тирсаҳат Михлиев навбатдаги тадқиқот ишларини олиб бораётиб, фожиали ҳалок бўлди”.

Бир неча сония давом этган бундай алаҳсирашдан сўнг Михлиев ўзига келди.

Ўрнидан турди, аммо узоқ юролмади. Қуёш гўё оловини Михлиевни устидан сочаётгандай. Боши айланди, тиззаларидан мадор кетиб, қум устига юзтубан йиқилди.

Энди қуёшнинг ҳам, чўғдек қизиб ётган қумнинг ҳам таъсирини сезмасди. Қаршисида туянинг чидамлилиги тўғрисида мақола ёзган олим пайдо бўлди. У

узун бўйли, оқ сариқдан келган, юзи қаримсиқ, кўзлари худди қумдек оч қўнғир ва тепакал бир киши эди.

– Ҳолинг қандай, Михлиев? – деди у қумда ётган жасадга эгилиб қараб.

– Мақоланг нотўғри, – жавоб қилди жасад, – туя ҳеч қачон очлик ва ташналикка ўн беш кун чидай олмайди.

– Далил келтир!

– Захро тўрт кун очлик ва ташналикка чидолмай, қочиб кетди, шунинг ўзи далил.

Қаримсиқ ҳам бўш келмади, истехзо билан кулди ва бамисоли ўқитувчидай жасадни саволга тутди:

– Мана, бархан, бугун бу ерда, эртага бошқа жойда. Буни ким қилади?

– Шамол.

– Нима учун?

Жасад ўйланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам қумтепаларнинг ўрнини тинимсиз равишда ўзгартириб туришдан мақсад нима? Бунга жавоб тополмай, Қаримсиққа мўлтираб қаради.

– Қум сасиб кетмаслиги учун, – қаҳ-қаҳа уриб кулди Қаримсиқ ва йўқолди. Михлиев нохуш ўйлардан қутулиш учун бошини қаттиқ силкиди. “Фу” деган овоз чиқди қуруқшаган лабларидан, у англишанини сира ҳам истамасди. “Боплади-ку, Қаримсиқ”, – деди ички алам билан. – “Йўқ, токи тирик эканман, Қаримсиқни қўймайман, унинг туя ҳақидаги мақоласини рад этаман”.

VIII

Михлиев бир нав ўзига келиб, кўзини очганда, чўл узра қоронғулик тўр ёяётганди. У кўлини қум ичига тикиб кўрди, сўнгра ўрnidан туриб, атрофни кўздан кечирди: туя кўринмади. Очлик ва ташналик азоби ортиб борарди. Бу оқшом ёлғиз тунашини ўйлаб, кўрқиб кетди. Қум совиб улгурмасдан тезроқ ётиб ухлашга қарор қилди. Тепаликдан пастга силжиб тушиб, шамолдан панароқ жойни кавлади ва ичига кириб ётди.

Қўллари билан томоғининг тагигача қум тортди, сўнг қўллари ҳам қумга тиқди.

Алламаҳалда уйғониб кетди. Қандайдир илиқлик юзига урилди. Михлиев ўрнидан туриб, қочмоқчи бўлгандай бир талпинди-ю, қўрққанидан нафасини ичига ютганича, жим ётаверди. Қоронғуда нимадир унинг юзини, лабларини оҳиста силади. Шунда қандайдир ички ҳиссиёт билан тепасида Захро турганини пайқаб қолди:

– Захро, қайтиб келдингми? – деди Михлиев ўпкаси тўлиб.

Туя унинг ёнига оғир чўкди. Тонг отгунча жониворнинг биқинига тиқилиб, нон кавшаб чиқди Михлиев. Эрталаб туриб нонуштани давом эттирди. Қорни тўйгач, кайфияти анча кўтарилди ва тадқиқотларга жиддий киришиш ниятида хуржундан тиббиётга доир асбоб-ускуналарини ола бошлади. Албатта, соҳибининг хатти-ҳаракатлари жониворнинг эътиборидан четда қолмади. Қум устидаги ялтироқ ва нотаниш буюмларга хуркак назар ташлаб, ҳамма нарсани зийраклик билан кузатиб турди. Биринчи бўлиб, Михлиев қўлига термометрни олди, аммо уни қаерга қўйишни билмай, туяни икки-уч айланди ва ниҳоят, қулоғи ичига тиқиб қўйишга қарор қилди. Аммо Захрога бу қилиқ ёқмади. Бошини қаттиқ сермаганди, ҳарорат ўлчагич асбоб учиб кетиб, қумга қадалиб қолди.

– Тирр-тирр! – деди туяшунос жониворни тинчлантиришга мос бошқа сўз тополмай.

– Майли, ҳароратни ўттиз саккиз деб ёзиб қўйсак ҳам бўлади, акс ҳолда, тунда музлаб қолган бўлардим. Иссиққина ётдим, лекин Захронинг юрак фаолиятини аниқламасак бўлмайди.

Туяшунос чаққон ҳаракатлар билан фонендоскопни олди, уни қулоғига тиқиб кураш тушмоқчи бўлган полвондек айлана бошлади. Туя бошини баланд кўтариб, Михлиевни кузатарди. Бу улкан жонивор ички тузи-

лишини яхши билмагани боис тахминан қилишга тўғри келди, асбобнинг учини туянинг олдинги оёқлари орасига, кўкрагининг чандиқ бўлиб ётган жойига тўғрилаб кўйиб, диққат билан қулоқ тутди: ҳеч вақо эшитилмади.

Туянинг важоҳати ўзгарди, кўзларини олайтириб қаради, юнглари хурпайди. Тадқиқот билан овора бўлган Михлиев бун пайқамади ва бўйнидан товуш ўлчаш асбобини олмаган ҳолда қон босимини аниқлайдиган учкунани ишга солди. Ичи резинали қора латтани ҳафсала билан туянинг олдинги оёғига ўрай бошлади. Худди шу пайт Захро шиддат билан ўрнидан кўзғалди. Михлиев беихтиёр ортга чекинди. Назарида туя аввалгидан икки баробар катталашгандай туюлди, айниқса, унинг оғзидан бурқираб чиқаётган кўпикдан нигоҳини узолмай қолди ва лаблари унсиз шивирлади:

– Кўпик, кўпик...

Туя бошини қаттиқ сермади:

– Фафф!

Михлиев ҳеч нарса кўрмай қолди. Унинг торғина пешонаси, милки қизариб турадиган киприксиз кўзлари, қошиқдеккина юзи оппоқ кўпикка беланди. “Буюк туяшунос” бунга парво қилмагандай, бир дам қотиб турди. Ниҳоят эс-ҳушини йиғиштириб олиб, юзидаги тупукни оҳиста бир ҳаракат билан сидириб ташлади. Бўғзидан алам ва изтиробга тўла бир ҳайқирик отилиб чиқди:

– Тадқиқот нима бўлди энди, Захро!

Захро соҳибининг нидосини тушунгандай, ўн беш қадамча нарида тўхтади, ортига ўгирилиб қаради. Михлиев қум устида тиззалаганча, икки қўлини олдинга чўзиб, бошини бир ёнга эгган кўйи сопол ҳайкалчадай қотиб турарди. Нотавон ва ноқобил бу жонзотни кимсасиз чўлда ташлаб кетиш гуноҳ бўлади дегандай, ортига қайтган туя соҳиби турган жойга томон келди ва унинг ёнгинасида, қум устида чўккалади.

ТЕТИС ДЕНГИЗИ ХИЛХОНАСИДА

1

...Кейин дастурхон атрофида юзма-юз ўтирдик. Қорним оч. Бибиўлмас олиб кирган бир товоқ шавлани бош кўтармай еб битирдим. Мудрай-мудрай икки пиёла чой ичдим ва қизнинг: “Нариги хонага жой солиб кўйганман” деган товушини мудроқ ичра илғадим-да, аранг ўрнимдан турдим. Аммо ҳали ҳеч ким томонидан очилмаган бошқа бир хонада эди менинг бутун фикру зикрим. Хаёлимнинг бир четида бурама қулфни тезроқ очиб хонага кириш истаги бўй кўрсатиб турган бўлса-да, уйку зўрлик қилди. Кун бўйи оёқда туриб обдан толиққан эдим. Бундан ташқари, бобом томонидан табу эълон қилинган эшикни тунда очиш ножоиз. Ким билсин у ерда нима бор! Йўқ, сабрим чидамади. Гарчи ашаддий меланхолик бўлсам-да, худди сангвиниклардай ҳаракатга келдим. Мудроқни енгиб, шахд билан ўрнимдан турдим-да, дадил қадамлар билан эшикка тақалиб бордим ва қулф тешигига калитни солиб, аввал ўнг томонга, сўнгра чап томонга бурай бошладим. Бибиўлмас чироқ пилигини кўтарди ва эшикка яқинроқ тутди. Неча йиллар давомида бундай тазйиқни кўрмаган қулф бироз қаршилиқ кўрсатди. Охиригача буралди калит ва таслим бўлганини билдириб “шилқ” этган товуш берди қора қулф. Кафтимни эшик сиртига босиб оҳиста итардим. Аслида бунча ҳаяжон ва бундай эҳтиёткорлик ортиқча экан. Девор тубига тақаб кўйилган симкаравотни ҳисобга олмаганда бўм-бўш эди хона. Ортимга ўгрилиб қарадим. Таажжубланганини яширмади Бибиўлмас, елка қисди ва аввал оёғининг учи билан сўнгра ишонмагандай бармоқлари билан ерни сийпалаб кўрди. Қалин чанг кўрпаси тагидан кўнғир тусдаги мойбўёқ ярқираб кўринди. Шарпа тўғрисидаги Бибиўлмаснинг ваҳимаси ёдимга тушиб кулиб юбордим. Ва “Қани шарпа?” дегандай қизга қа-

радим. Аммо Бибиўлмас менинг кулгумни эшитмас ва ҳаттоки менинг борлигимни ҳам унутгандай хонанинг қоронғу бурчагига тикилиб қолганди.

Дераза йўқлиги ва хона нимқоронғулиги сабабли тахтаполнинг ғарбий бурчагида антиқа шакллар чизилганини дастлаб иккаламиз ҳам пайқамаган эканмиз. Бир қарашда бу чизгилар араб ёзувига ўхшарди.

– Чироқни яқинроқ олиб келинг, Бибиўлмас, – дедим чизгилардан кўз узмай. Хона ёришди ва чанг қатлами устида қолдирилган излар энди аниқ кўринди. Ва мен сира қийналмай “Шуур” деган сўзни ўқидим. Шу билан бирга бу чизмалар қандайдир жониворнинг излари эканлигини англадим. Унинг ёнида ва ундан сал нарироқда ҳам шундай излар. Фақат кейингиси аниқ, афтидан шу кеча ёки ўтган кеча балки кундузи қолдирилгани кўриниб турарди.

– Илон!

– Қани? Қаерда! – Овозим ўзимга бегона туюлди.

– Ана!

Ҳа. Деворлар туташган бурчакдаги қора тешиқда ялтираб турарди икки дона қора мунчоқ. Этим жимирлаб сочларим вағиллаб кўтарилганини англадим. Айри тилини қора яшиндай бир икки ўйнатди-ю, ин ичига ўзини олди жонивор. Биз бир-биримизга қараганча бир муддат жим қолдик. Қизнинг овози эшитилди ниҳоят:

– Уй илони... зарар еткизмайди. Шундай дейишади одамлар.

– Йўқ, илон – илон-да, барибир.

Қизнинг қаршилиқ кўрсатганига қарамай, тахта полни кўпаришга жазм қилдим. Сафдошларини оғоҳлантирмоқчидек “қийқ-қийқ” этиб нолиш қилганча суғрилиб чиқди дастлабки мих. Билмадим, тахта пол остидан илонни тутиб ўлдирмоқчи эдимми, ёки уни уйдан қувиб чиқармоқчи эдимми, ё бўлмаса, кўнглимда бошқа бир мақсад ҳам бормиди, тахталарни бирин-кетин кўчириб олаётганимда бу тўғрида

жиддийроқ ўйламасдим. Чуқурликни ёритдим қизнинг қўлидан чироқни олиб. Упадек майин кукунсимон тупроқ. Оддий ҳол бу. Шундай бўлади узоқ йиллар ёруғлик кўрмаган ернинг тупроғи. Илондан дарак йўқ. Хонанинг бошқа узоқроқ бурчагида ётган бўлса керак. Иккиланиб қолдим. Тахталарнинг ҳаммасини қўпориб олиш ҳам малол келар, бир илонни деб хонани вайрон қилиш... бундан ташқари, пол тагидан илонни топишга кўзим етмасди. Илондай муғомбир жонивор, мана мен, ўлдир деб ўзини тутиб бермас. Ҳеч шубҳасиз қардадир унинг ташқи оламга чиқиб кетадиган тешиги ҳам бор. Мумкин эмас бусиз.

– Илон бор жойда хазина бор дейишади...

Хаёлим бўлинди. Энди нима қилдик дегандай ортимга ўгрилиб Бибиўлмасга қарарканман, қаттиқ тарақлаган товушдан сесканиб кетиб ўзимни беихтиёр четга олдим. Ранги бўздай оқариб кетганди Бибиўлмаснинг ҳам.

– Қўрқманг, михсуғиргич тушиб кетган экан.

Унга далда бўлмади менинг бу таскиним. Кучли ҳаяжон билан шивирлади қиз:

– Пастда нимадир бор!..

Дарҳақиқат, тупроқ устига тушган жисм бундай товуш чиқармайди-ку. Модомики шундай экан, пастда темир ёки тош бор. Тахтапол тагида бекорга турмайди бундай жисмлар.

– Чироқни ушланг! – Ҳаяжондан титраб чиқди овозим. Ва мен шу ҳаяжон таъсирида илондан ҳам қўрқмай сакраб пастга тушдим. Оёғим остида қандайдир қаттиқ жисм. “Мана энди кун кўрасан, Султон Остон!” Хонада ёлғиз бўлганимда балки бу гапни бор овозим билан ҳавога пуркаб юборган бўлардим. Қиз чироқни тутганча яқинроқ келди.

– Нимадир бор бу ерда!

– Бўлиши мумкин...

– Ҳазина топсак-чи?

Майингина қиқирлаб қўйди Бибиўлмас ва тахтапол тагини яхшироқ ёритиш учун чўнқайиб ўтириб чироқ тутган қўлини пастга томон чўзди. Турган жойимда тиззаларимни букиб уч-тўрт марта силкиниб кўрдим. Мустаҳкам турарди оёғим остидаги жисм... Олтин тўла сандиқ.

– Чиқинг, совқотиб кетдингиз...

– Нима, олтин ҳалқани хоҳламайсанми, забаржад кўзли узук таққинг келмайдими?

Маҳзун табассум ўйнади қизнинг лабларида. Ва титроқ товуш билан деди:

– Совуқ ...

2

Менинг ҳам этим жунжикиб борарди. Аммо оёғим остидаги “дунё” бутун борлиғимни жозиб куч билан ўзига тортиб турардики, унинг нималигини билмасдан туриб бу ердан бир қадам ҳам жилишни ис-тамасдим. Шу мақсадда баланд сакраб, билмадим, қувониб кетганимданми, болаларча ўйинқароқлик билан баланд сакрадим ва бор оғирлигим билан гурсиллаб ерга тушарканман, оёқ остидаги нималиги номаълум жисм ўрнидан кўчиб шиддат билан пастга тушаётганини фаҳмлаб бутун вужудим билан тепага томон талпиндим, тахтаполнинг қўпорилган четиними, қизнинг қўлиними тутмоқчидек қўлларимни юқорига чўздим. Аммо бу пайтда ернинг юза сатҳидан қарийб йигирма қулочлар узоқлашгандим. Бибиўлмаснинг “Ака, ака!” деган қичқириви элас-элас қулоғимга чалинди. Ва милтираб турган чироқ нури миттигина юлдузга, хира сухога айланиб, охири татомом кўринмай қолди... Йўқ, пастга тушиш тезлигимиз мен ўйлаганчалик шиддатли эмас. Зулмат қоронғулик бир неча бор ёруғ нурли қаватлар билан алмашинди.

Гўёки қуёш қора булутлар орасидан гоҳ кўриниб, гоҳ яна булутлар бағрига шўнғиётгандай. Гарчи ҳолатим бад ва ғусса беҳад бўлса-да, “Лисон ут-тайр” да Навоий таърифлаган водийлардан ўтиб бораётгандайман. Ҳа, бунга шубҳа йўқ. Чунки тубанга тушиб борганим сари ҳолатим ҳам атрофдаги манзараларга қараб ўзгармоқда. Мана Талаб водийси, мана Ихтилоф водийси. Мана Муҳаббат водийси... Аччиқ туз ҳиди... Ва ниҳоят мана “Маърифат водийси”. Илм одами бўлганлигим сабабли бу водийда узоқ қолиб кетдим. Узоқ кездим ва умрим охиригача шу водийнинг асири бўлиб қолишим кераклигини тушундим. Аммо йўл шу қадар оғир, шунчалик чалкаш ва беҳисоб кўринишга эга эдики, бошим гангиб йўл четидаги бир тош устига ўтириб қолдим. “Эй фарзанд, ўрнингдан қўп!” деган садо етди қулоғимга ва ақлимни йиғиштириб олиб рўпарамда турган нуроний бир зотни кўрдим. Шу қадар улуғвор эдики, ул зотнинг сиймоси беихтиёр этакларини олиб кўзларимга сурта бошладим. Қўлларидаги ҳасса билан туртиб мени адам водийсига томон итқитиб юбормасалар деган хавотир билан бош кўтариб нуроний юзларига қарашга журъат этдим. Ва англадимки, Шаҳри-сабзда, Оқсарой олдида кўрганим шу киши эди.

“Сизни танийдурман, Пирим”, дедим кўзларимдан жола жола ёш тўкиб.

– Қайдан танийдурсиз? – дедилар лабларидаги нимтабассум билан.

– Сиз қалам билан дунёни олган улуғ шоир ҳазрат Навоий бўладурсиз.

– Қўп бўлдими бу водийга қадам қўйганингизга?

– Беш ёшимдан буён оввораи сарсон кезаман. Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил эди. Балки етти ёшда бўлгандирман. Бир китобнинг муқовасида сизнинг сувратингизни кўриб қолдим, ажрала олмадим шу

китобдан. Афсуски, китоб эгаси бермади уни менга. Сотаман деди. Уч сўмга баҳолади китобни. Бобомнинг олдиларига бордим. Тоғам Абдурашид, онам Нусрат-биби ва бобом китобхонлик қилиб ўтиришарди. Бобомнинг кўзларида ёш. Ғазал ўқирдилар бобом:

*“Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас...”*

Улуғ Пир қадрларини бирозгина эгиб юзимга қарадилар ва шунда саллаларининг печи елкаларидан сирғалиб тушиб юзимни силаб ўтди. Энтикиб қолдим. Шамолида учиб кетаётгандай бўлиб, этакларидан маҳкам тутдим. Гувраниб эсаётган шамол шиддати ҳар лаҳзада ожиз вужудимни юлқиб олиб тубсизлик, қаърига итқи-тиб юборадигандай. Шунда қўлимдан маҳкам тутдилар ва ўрнимдан туришимга даъват этдилар.

– Сизни Шаҳрисабзда, Оқсарой олдида кўргандим, – улуғ Пир дедим ўша ажойиб учрашув кўз олдимда гавдаланаркан.

– Бошга бир ташвиш тушиб, Самарқандга ўтишда бир неча муддат Шаҳрисабзда бўлганман. Абу Саид Хуросондек кенг ва улуғ мамлакатни ўз ҳукмига оларкан, каминани сиғдирмагандай қилди. “Сиз шу қадар улуғсизки, дунёга сиғмайсиз” дегим келди, аммо тилимни тийдим. Пифагорнинг “Гапирма, тингла” деган ўгити ёдимга тушиб жим қолдим. Ва қулоқ тутдим.

– Билгилки, ишқ водийсидан кейин Маърифат водийси келади. Бу жойнинг ниҳоятда бепоён бир даштдан иборатлигига кўз ташла. Атрофга ишора қилиб сукутга бордилар улуғ Пир. Биз турган макон ҳақиқатан ҳам чексиз, ҳад-ҳудудсиз эди, беқиёс бир ваҳм ичра жим қотганча атрофга назар солдим.

– Кимки бу водийга кирса, у ердаги аҳволнинг ихтилоfli эканини кўради. Бу жой шундай бир водий-

дирки, уни юз туман, минг турли йўллар кесиб ўтади. Модомики шундай экан, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомда йўрғалайди ва йўлдан адашади.

– Шу водийда сайр этиб унинг сирларидан воқиф бўлишни истайман, улуғ Пир.

Шунда Ҳазрат Навоий қўлимдан тутдилар ва саллаларининг узун печини кўкракларидан олиб, елкалари оша орқага ташлаб катта-катта қадамлар билан йўл бошладилар. Йўллар жуда кўп эди ва бири иккинчисига ўхшамасди. Бутун ва бўлак ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам шу ерда мавжудлигини аранг илғагандай бўлдим.

– Қара, разм сол. Тараққиёт ҳам, таназзул ҳам шу жойда муқобил турганини кўр, эй фарзанд. Дилингдаги айрим ножўя иддаоларни чиқариб ташла.

Қарадим. Юз туман йўловчи беқарор бир тарзда ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётганини кўрдим, аммо бунинг сирига фаҳмим етмади.

– Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади. Ва шу йўлни тўғри деб ўйлайди. Ҳар бири йўлни ўз йўли томон буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хохламайди. Ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади. Бошқасини эса назарига илмайди. Қара, кўраяпсанми, пашша ҳам фил ҳам унда йўловчи. Жаброил ҳам учеди, Мусо ҳам, Фиръавн ҳам унда йўловчи. Аммо билгилки, уларнинг иккаласи бирдек эмас.

Шу аснода ҳаво ларзага келиб гувранган овозлар таратганча учиб келаётган кишиларга назарим тушди ва титраб-қақшаганча Пирнинг қўлларида маҳкам тутиб савол айлашга журъат этдим: Учиб келаётганларнинг бири зулмат билан ўралган, иккинчиси нурга фарқ ҳолатда эди.

– Уларнинг бирлари, яъни нур бўлиб порлаб келаётгани Аҳмад, зулмат пардасига чўлғангани Абу Жаҳл-дир. Ажабланма, бу ерда барча яхши-ёмон сайр этади. Унда мўмин ҳам, кофир ҳам йўловчидир.

Яна йўлда давом этдик. Худди Вергелий Дантенинг қўлидан тутиб дўзах қаватларидан олиб ўтаётгандай. Улкан бутхона намоён бўлганда кун кечга томон оғганди. Тоқи осмонга тегиб турган бутхонанинг ярми нурга, ярми қоронғуликка чўлганган. У ерда мингларча кишилар ўз маъбудларига талпиниб ётардилар. Чўнтагимни кавлаб қалин жилдли дафтаримни олдим. Дафтарнинг ички бетида шу бутхонанинг расми бор эди. Ўзим чизгандим уни. Улуғ Пир вараққа бирров назар солдилар.

– “Сабъаи сайёр” да тасвирлаганингиз бўйича чизганман, ҳазрат, – дедим ва дostonдан қуйидаги парчани ёд айтдим:

*Бор дурур тоғ ичинда бир кишвар
Кишвар аҳли отин дебон Китвар.
Анда бутхонаи дурур олий
Рифъат ичра спехр тимсоли
Етибон қўкка тоқининг боши
Тош ила ҳам ичию тоши.
Ичию тоши сарба сар тасвир
Жонвар шакли тортилиб бир бир.
Ҳар киши анда айласа манзил
Бўлур анда ғариб иш ҳосил.*

“Дуруст” дедилар бир оғиз. Юзларига қараб кайфи-ятлари қандайлигини англамадим. Маъбудга талпиниб ётган кишилар ҳам Ҳазрат айтганларидек, ўзлари танлаган йўлни тўғрилигига ишонардилар. Бу ҳолат яққол аксланиб турарди уларнинг маҳзун чеҳраларида. Бошқа бир томондан эса “Иллоллоҳ” деган овоз келарди”. Бунда иш зиддиятли булмасдан иложи йўқ. Чунки йўлларнинг ўзи ана шундай бир-бирига хилофдир. Агар гадо ёки подшоҳ бўлсин, уларнинг ҳар бири ўзга йўл билан сулукни адо этади”.

Маълум фурсат ўтиб Шиддат билан эсаётган шамол оқимига дуч келдик. Ҳамма ёқ тўс-тўполон. Истиғно булутидан ёгган ёмғир сели юз туман оламни олиб кетгудек. Денгизлар бир қатра томчи бўлиб кўринади. Ён-веримга даҳшат ичра қарарканман, шерни тутиб еётган чумолига кўзим тушиб бутун вужудим билан титраб, қалтирай бошладим. “Кўрқма бу истиғно водийсининг аломатларидур” дедилар улуғ Пир ва таскин оҳангида давом этдилар: Кўрдингми, бу ернинг чумолилари шер билан овқатланади, пашшаси эса филни ов қилишга қодир. Бу ерда катта бир иқлимни забт этган шоҳ ҳам оддий гадога тенгдир. Қотиллик тиғи бунда ўзининг юз минг кишилиқ кўшини билан саф тортиб туради. Қоқум терисидан тикилган қимматбаҳо кийимлар назар-писанд қилинмайди. Кўкни ютиб юборишга қодир аждаҳо эса Биби Марямнинг нозик ипи билан баробар.

Кейин биз Намрудни беадад пашша талаб ётганини кўрдик. Бошқа томонда Халил алайҳиссалом ўтни чечакка айлантириш билан машғул. Икки елкасидан икки илон ўсиб чиққан Заххоки морон ёш болаларни сўйиб жигарини илонларга едирмоқда. Жуда оғир эди бундай манзараларга қараш. Яхши ҳамки, Ҳазрат Исонинг нури чехраси намоён бўлиб, биз ул зотнинг ўликка жон киргизиш мўъжизасини томоша қилдик. “Бу ерда юз туман қуёш йўқолиб кетса ҳам осмонда бир зарра кам бўлгандай гап. Агар ерга юз туман чуқур денгиз сингиб кетганда ҳам сен уни бир қатра ғойиб бўлди деб сана”. Пирнинг сўзларини тингларканман, Ер юзида бундан беш юз миллион йил муқаддам мавжуд бўлган ва кейинчалик ер қаърига сингиб кетган Тетис денгизини эсладим. Мен Тетис денгизи хилхонасида турардим. Даврнинг шиддатли шамоллари орасидан улуғ Пирнинг овозлари баралла эшитилди:

*Навосиз улуснинг навосози бўл,
Навий ёмон бўлса сен яхши бўл.*

Улуғ Пир айтган ўғит мени бу юртга сафарбар этган ғаюр мақсадни чилпарчин қилиб ташлади! “Энди нима қилдик, ота?!” дея ҳайқирдим. Ва энди ҳибсдаги отамни эзгулик йўли билан озод этишга аҳд қилдим. Зиндон панжараси ортидан мунгли мўраларди жафокаш отам.

... Бундан беш юз миллион йил муқаддам ўз худудини ҳозир биз яшаб турган қуруқлик минтақаларига бўшатиб бериб узлатга чекинган Тетис денгизи хилхонасида рўй бермоқда эди бу ҳолатлар.

ТИРКАШГА АТАЛГАН УЙ

Ҳовлининг бир четида (ошхона эшигига яқинроқ, ошхона девори билан кўшнига қарашли ҳовли девори туташган жойда) ер сатҳининг қабариб турганини кўрди Тиркаш. Бамисоли хамир кўпчигандай, ё бўлма-са, танадан чипқон чиқаётгандай. Худди шу жойда, ошхона эшигидан икки қадам нарида туриб писта чаққан ва ҳовлида донлаб юрган қушларнинг ҳаракатларини томоша қилганди куни кеча. Кафтидан бир неча дона писта тушиб кетгани ва ерга эгилганча уларни териб олаётиб писта доналари сочилиб ётган ерга эътибор қилгани сабабли яхши ёдида қолган бу жой. Салгина нарироқда резина қувур, қадимий кўза синиғи, ер лой пайти ботиб қолган бир бўлак латта... Ўшанда тептекис эди ернинг сатҳи. Зарангдек қотиб ётарди. Мана бугун эрталаб туриб ҳовлини айланиб югураркан, (спортчи эди Тиркаш) ногоҳ кўзи қорамтир эгри-бугри чизиқларга тушди. Ер қабарган ва унинг усти ёрила бошлаган. Демак, нимадир ўсиб, кўтарилиб келяпти тупроқ тагидан хулоса қилди Тиркаш ва қўлнинг кафтидек катталиқдаги ерга нима сабабдан бунчалик эътибор берганига ажабланганча югуришни давом

эттирди. Қўшни вилоятга жўнаб кетди орадан уч кун ўтиб. Ва мусобақадан дили хуфтон бўлиб қайтди. Ҳар доим юқори ўринларни эгаллаб келаётган йигитнинг бу сафар сафнинг охирида келиши ўрин ҳам ололмагани устоз тринерлар учун ҳам кутилмаган ҳол.

Каравотга чўзилганча муҳокамага берилди Тиркаш. "Агар ўша ер сатҳидаги қабарик жойга ва унинг устидаги қора ёриқларга эътибор бермаганимда бундай бўлмасди". Умрида биринчи марта ирим-сиримларга берилганидан бироз хижолат тортди, бўлмагур хаёлларни қувиш учун ўрнидан туриб бошини совуқ сувда ювди. Ва сочиқ билан артинишни ҳам унутиб "Ҳозир, ҳозир" деганча ташқарига отилди. Атрофга аланглади. Ҳовли бўм-бўш. Ювиниб олгандан кейин ҳовли бурчагидаги ҳалиги қабарик жойга қарамоқчи эди аслида, шу ҳақда ўйлаганди юзини совунлаётганда. Аммо ўйи ҳали поёнига етмай ташқи эшикнинг шошқин тарзда тақиллашини эшитди. Ва мана, сочларидан сув томчилаб ҳовли ўртасида турибди, қўлида сочиқ. Ошхона томон юрди шу ҳолатда Тиркаш. Ва эгилиб ерга қаради. Ўзгариш бор: Ер сатҳи анчагина кўтарилган, қабарик атрофида қизғиш ҳалқа ҳосил бўлган ва қора чизиқлар катталашган.

Эртаси куни машғулотлар бошланишидан олдин синциклаб қаради унинг юзига тренирларнинг ҳар иккаласи ҳам. Чарчоқлик сизди машғулот пайтида Тиркаш. Ва кўз ўнгига келди ҳовлидаги ўша ҳолат. Ўша қора чизиқлар, ўша теграси қизғиш ҳалқа билан ихоталанган қабарик жой. Дилида тезроқ уйга қайтиш ва қабарикни кўздан кечириш истаги. Йўлда оддийгина бир бино эътиборини тортди. Темир панжаралар билан ўраб олинган ҳовли ва қатор уйлар. Оқ хилъатли кишилар. Ҳовлида одам кўп. Уларнинг юзларига қаради Тиркаш ва яна қабарикни эслади. Ҳовлида гўё одамлар эмас, кўзга чалинмас бир мунг кезиб юргандай. Кадамларини тезлатди азбаройи бу ердан

тезроқ узоқлашиш учун. Ҳовлига кираркан, уй эшигини очишга шошилмади, ошхона тарафга ўтди ва аниқ кўрди, қабариқ усти ёрилган, ёриқ ичида алланарсанинг қўнғиртоб учи... Аввал тик турган ҳолатда, сўнг-ра ерга чўнқайиб ўтирганча кузатди тупроқ сатҳидан ажралиб ва кўтарилиб чиқаётган мавжудотни. Кўрқув ва ваҳима оралади юрагига. Сабабсиз кўрқув...

Машғулотларга бормай қўйди Тиркаш. Уч ой ўтди орадан. Шу давр ичида қанда қилмади кузатувни. Гоҳида узоқ-узоқ ўтириб қоладиган бўлди ўша мавжудот олдида. Хонасига кириб каравотига чўзилганда ҳам ўша қўнғиртоб юмшоқ ва жирканч нарса тарк этмасди унинг хаёлини. Шундай кунларнинг бирида трениннинг ўзи кириб келди ҳовлига. Маслаҳат берди, дўхтирларга кўриниш керак экан. Атрофи панжара билан ўраб олинган бино, ҳовлидаги ғамгин одамлар, ранги синиққан ва тушкун чехралар... Индамай ўтиб кетди бино олдидан. Қаерга боришни билмагани ҳолда кечгача кезиб юрди шаҳар кўчаларини. Кейин дорихонага кириб шиша девор ортидаги шишачалар, қутичалар ва турли кўринишдаги ўрамаларни кўздан кечириб ёзувларини ўқиди. Узлуксиз кириб-чиқиб туришарди бу ерга одамлар. Кўчанинг шу бетида қаторасига ўн еттита дорихона. Ҳаммаси эртадан-кечгача ва баъзилари бутун тун давомида харидорлар билан тирбанд. “Бемор кўп” хаёлидан ўтказди Тиркаш. Касаллик кўп, дорилар ҳам кўп. “Сульфо-камфо-каин” деган дори номини ўқиб табассум югурди лабларига. Хусусан, дори номига қўшилган охириги сўз унга жуда маъқул бўлди; “каин”. Яна нима кераклигини сўради дорихоначи аёл. Аммо Тиркашнинг хаёли ҳамон қаин билан банд бўлганлиги сабабли жавоб бермади. Ташқарига чиққанида сепалай бошлаганди куз ёмғири. Мана энди Ғурумтепа... (биринчи марта дабдурустдан тилига келди бу калима)... шиддат билан ўсиб чиқади. Ёмғирда ер юмшайди ва Ғурумтепанинг ҳаракати тезлашади. Ғурум-

тепа... Ҳақиқатан ҳам тупроқ остидан бўй кўрсатаётган хилқат ғурум-ғурум кўринишда, нўхат ва мош катталигидаги доначалардан иборат. Йўл-йўлакай дори қутичаси ичидаги қоғозни ўқиб кўриб яна қутича устига қаради. Каиндан бошқа ҳеч нарса, шишачадаги суюқлик ҳам, қутичаси ҳам, дорига берилган таъриф ҳам керак эмасди унга. Дори учун тўлаган пулига бироз ачиниб турган бўлса-да, "Каин" таскин бермоқда эди. Кимнинг асари эди "Каин?" Узоқ ўйлади, ёдига келмади. Ва охири бир қарорга келди: Каин – бу шайтон. Аммо вужудида сим-сим давом этаётган оғриқ бу ҳаёлларни бир лаҳзада қувиб чиқарди унинг миясидан, ўзининг муваққат ҳукмронлигини ўрнатди. Мана уйининг дарвозаси. Остонадан нарисси ҳовли. Ҳеч нарса экилмаган. Тиркашнинг деҳқончилиги – спорт. Югуриш бўйича чемпионликка интилади. Ҳовли – стадион. Эртаси кунни яна келди тренири ва дўхтурларга бир кўринишни маслаҳат берди. Шарт эмас, ўтиб кетади деган қарор устуворлик қилиб, тренир кетгандан кейин майкачан бўлиб югуришга чиқди. Ҳовлининг айланаси эллик метрнинг нари-бериси. Йигирма давра айланиб чопса минг метр. Тиркаш танлаган асосий дистанция бу. Айнан шу масофа бўйича чемпион бўлиши керак. Эшик олдидан ошхонагача қирқ қадам. Ана шу масофа охирида Ғурумтепа. Югуриб келаркан ўша жойга қарамасликка интилди Тиркаш ва Ғурумтепани айланиб ўтди. Шундай қилди иккинчи, учинчи доираларда ҳам. Аммо тўртинчи доирада сабри чидамади, қаради ва кўрқиб кетди. Ғурумтепа ердан қарийб бир бармоқ бўйи кўтарилган ва худди қизил гувалалардан тикланган миттигина иншоотдай қад ростлаб турарди. Эртаси кунни ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб Ғурумтепа олдида ўтирди. Ичида оғриқ кучайди. (Йил бошидан бери бор эди бу оғриқ) Кўнгли беҳузур, руҳи тушкун. Ерга эгилиб бармоғининг учини теккизиб

кўрди ғалати “қурилма”га ва азбаройи ғижинганидан кўнгли беҳузур бўлди. Бунча таъвия бўлмаса бу ифлос деган фикр билан нари кетди, ammo узоққа боролмади, ўзига чорларди уни Ғурумтепа. Кўнғир, юмшоқ, ғурум-ғурум...

Орадан яна уч кун ўтиб дўхтирга бориш ниятида кўчага чиқди Тиркаш. Мана, рўпарасида қора темир панжаралар билан ўраб олинган муассаса. Тўрт, беш қаватли бинолар. Улар орасида бир ва икки қаватли уйлар ҳам бор. Оқ халатли кишиларга мўлтираб қарашади одамлар. Оқ халатлилар эса ҳеч кимга қарамай у ёқдан-бу ёққа ўтишади шошқин қадамлар билан. Қабулхона олдида навбатда турди Тиркаш. Одамлар одатдан ташқари камгап ва тушкун бу қароргоҳда. Ниҳоят, врач қабулидан чиқаркан, шу ерда дарахтлар тагида ўтирган, эшиклар олдида навбатда турган, ҳовли бўйлаб мақсадсиз ҳаракатланаётган одамларнинг афт-ангорига ўхшаб қолди унинг ҳам юзи ва бутун қиёфаси. Барча таҳлил натижаларини кўриб хулоса чиқарди врач ва унинг оғзидан ўлимдан ҳам даҳшатлироқ сўз отилиб чиқди: “Рак!”. Аҳволнинг ночорлигини тушунтирди врач. Рак бутун организмга тарқалган, яъни тиббиёт тили билан айтганда метастаз берган. “Метастаз!” жуда салобатли, жарангдор, залворли бу сўз. Метастаз... шунчалик залворли эдики, қадди букилди Тиркашнинг, тиззаларида майин тўлқинли титроқ. Кўнгли айний бошлаганини ҳис қилиб йўлдан четга ўтди ва бир дарахт панасида чўнқайди. Химиявий терапия, дори-дармон, лазер нури билан куйдириш ҳам бефойда энди. Унинг йўлланмасига ўлим тамғаси босилган. Инсондай қудратли жонзот наҳотки танасидаги қандайдир хужайраларнинг кўзғолонига қарши бирон-бир чора тополмаса. Тиббиёт ўзича нималарнидир тавсия қилади, даволаш курслари белгилайди. Ammo булар ҳаммаси сувда чўкаётган одамнинг оживона типирчилашидай гап. Кимдир Ойга тушиб унинг

тупроғида из қолдирган, бошқа бир инсон Марсга учиш арафасида. Неча миллион ёруғлик йили узоқлигидаги масофани “Ҳаббл” ёрдамида кўриб, тадқиқот қилмоқда яна бошқа бир инсон... Дарвоқе, Метастазио италян бастакори. Жуда машхур композитор. Нега бундай ном берди экан унга ота-она. Шундай хаёллар оғушида уйига етиб келди Тиркаш. Ҳовли бурчагидаги қабарик ер энди бор бўй-басти билан кўзга ташланиб турибди.

Кунлар ўтиб унинг атрофини кавлаб кўриш истаги дафъатан пайдо бўлганда, анча ўзини олдириб кўйганди Тиркаш, шундай бўлса ҳам истагини амалга ошириш учун ўрнидан кўзғалди ва теша билан қуролланганча ҳовлига чиқди. Ерга тиз чўкиб зарангдай қаттиқ ерни кавлашга киришди. Ўша куни “Иншоот” атрофини ярим қаричлар чуқурликда айлана ҳосил қилиб кавлади. Томирлар ҳали чуқурда. Иншоотнинг қизғиш қўнғир танаси ғурум-ғурум. Уч кун урингандан кейин дастлабки решалар кўринди. Улар ҳам қўнғир тусда бўлиб, чувалчангдек юмшоқ ва жирканч. Бир ой ўтди орадан. Тиркашнинг тешаси тиним билмай ишлар, аммо ҳар томонга тарвақайлаб кетган томирларнинг учи кўринмасди. Ғазабини босолмай иншоот асосига зарба берди ва унинг ер устидаги қисмини қўпориб олиб ташлади. Енгиллашгандай сезди ўзини. Бир-икки давра югурди ҳам ҳовлини айланиб. Теша билан ишлашни давом эттириб шунга амин бўлдики, бу ўлим дарахтининг томири ерости бўйлаб чор атрофга тарқалган ва тупроқ тагида нимаики мавжуд бўлса, ҳаммасини қамраб ва ўраб олган. Остонада ўтириб узоқ ўйлади Тиркаш, ўрнидан туриб этагини қоқди, дарвозадан чиқиб боши оғган томонга йўл олди.

Майдалаб ёғарди куз ёмғири. Пальтосининг ёқасини кўтариб олганча кетаверди қай томон бораётганини билмай ва бу ҳақда ўйламай. Улкан бир шаҳар на-

моён бўлди кўз ўнгида. Сукунат бағридаги шаҳар. Бир хилдаги тупроқ томли уйлар... қувониб кетди Тиркаш. Шаҳарнинг шимолий минтақасида, бошқа уйлар каби шимолдан жанубга томон узаниб турган ғарибгина бир кулба остонасига қадам қўяркан, кўнгли хотир-жам тортди. Жони ором олиб, тиниқ тортди руҳи ҳам.

Тиркашга аталган эди бу уй. Ҳа, фақатгина Тиркашнинг ўзига аталган. Ҳеч қандай рақам билан белгиланмаган, манзил-маконининг номи ёзилмаган, эшиги ҳам, деразаси ҳам йўқ, ёруғ дунё алолосидан, ҳою ҳавасидан батамом холи эди бу уй.

МУНДАРИЖА

Яшаш ҳуқуқи	3
Аннабель ва Азозил	24
Айланар арзу само... ..	43
Ботмоннинг қўшиғи	54
Вақт фалсафаси	61
Ғайритабиий ҳолат	72
Етим	83
Ёзувчи учун атир	85
Дабдираганов	94
Ёронгул	101
Искар	115
Ғаввослик мактаби	126
Калит	136
Кўп қаватли ҳикоя	147
Қадр	173
Математик ҳикоя	182
Муаллақ фалсафа	196
Кулгу фалсафаси	203
Нур ва соялар	212
Ой жодуси	218
Осмоннинг бўёғи	237
Раз қизи	249
Маҳбуснинг иккинчи ҳаёти	259
Ўзга ўлчамдаги ишқ	276
Ўч	292
Шама	303
Синов	314
Тетис денгизи хилхонасида	327
Тиркашга аталган уй	336

Адабий-бадий нашр

НЕЪМАТ АРСЛОН

ЁЗУВЧИ УЧУН АТИР

Ҳикоялар

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*
Бадий муҳаррир *Асила Умарова*
Мусаҳҳих *Иқбола Исамуҳамедова*
Саҳифаловчи *Азамат Қаюмов*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ADABIYOT NASHRIYOTI» МЧЖ

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.
(+98) 127-30-04. e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2022 йил 29 мартда рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.
Шартли босма табағи 13,44. Нашриёт босма табағи 16,0.
Адади 1000 нусха. Буюртма №

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.